оройишини айлади одат лаффоз.

Лафз зебида Навоийга берур маъни юз, Кайда
маънида топар мунча махорат лаффоз.

## АЙН ХАРФИНИНГ АЙЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

**288**
Менга бу нукта харобот аро булди масмуъ Ки,
фано жоми риё ахлига булмиш мамнуъ.

Кайси риндеки риё зотида йуцтур биттаъб,
Курунур жоми фано тортса бехад матбуъ.

Кимки зотида эрур шоибаи ужбу риё, Килгали
цобил эмас фацр тарицига шуруъ.

Дайр пири цулименким, цилибон май шойиъ, Бергай
ул ужбу риё жониби уртарга шуюъ.

Токи бир жом била мугбачаи бодафуруш,
Хираду ацлни мажнун ясагай бал масруъ.

Манга ул жомни гар тутса, фидосидур анинг Илму дину
хираду зухд ила тацво мажмуъ.

Дайр пири била то мугбача булмай, цилма, Эй Навоий,
йигиту царига холингни ружуъ.

**289**
Килгали бегоналарга ошно жонона табъ,
Ошноларга булубтур, войким, бегона табъ.

Уртанурмен токим ул эл тийра шомим ёрутур, Булгали
ул шамъваш, мен булмишам парвона табъ

Холи сари айласа парвоз кунглум, тонг эмас, Ким таажжуб айлагай гар цушца истар дона табъ,

Ёр чун кулбамга кирмас, хонумон тарк айладим, Йуцса булмоц истамасму ёр ила хамхона табъ.

Мен жахон афсонаси, ул шух майл этмас, нетай, Гарчи шух атфолига доим тилар афсона табъ.

Ёр то азм этти, таъбимга бузуглуг цуйди юз, Булмишам ул хусн ганжи хажридин вайрона табъ

Давлати боций тилар кунглунг, фано касб айлаким, Дахри фоний сари майл айламас фарзона табъ.

То мени дайр ичра расво айлади ул мугбача, Богладим зуннору истар согару паймона табъ.

Эй Навоий, ул вафосиздин цутулсанг, тутма унс, Хар нечаким бевафолар майли цилса ёна табъ.

**290**

Масти бебоким цачон холимга булгай мутталеъ Ким, цулогига десам сиррини, булмас мустамеъ.

Жамъ этар чогда кунгул, зулфунг паришондур басе, Лек солурда паришонлиг, булур куп мужтамеъ.

Кахр цилса ултуруб, бу турфаким, лутф этса хам, Катл ишида булмиш ул цотил багоят мухтареъ.

Туфрогимни ел совурмай куйидин соф улмади, Булди бори, бор эса мендин губори муртафеъ.

Ишц ойинида бидъатлар туз эттинг зулм аро, Кайси бир мазхабдасен, кофурдек улгай мубтадеъ.

Ишц утин тарк этмасам носих сузи бирла, не тонг, Панд ила парвона куймактин булурму мумтанеъ.

Дустлар, ёзгурманг ар дафъ айлай олмон ишц утин, Чора бирла ким цазо булганни цилмиш мундафеъ.

Ким фано даштига кирди, узни хамрох этмасун, Катъ чун булмас бу йул, узлуктин улмай мунцатеъ.

Кургач ул ойни Навоий тортти бехуд фигон,

Ким булур бехуд, фигон цилмоцтин улмас мутталеъ.

Дилбар юзин курарга булди ницоб монеъ, Ул навъким, цуёшца булгай сахоб монеъ.

Терга узоринг андоц гарц улдиким, курунмас
Ким курди ул курарга булгай гулоб монеъ.

Кулгилки, зохир улсун гунчангда жолаларким, Дур риштасига булмиш ёцути ноб монеъ.

Кузда ёшунмиш ул ой, ашким бошимдин утмиш, Дарёда ким курубтур дурга хубоб монеъ.

Ул гамза цон цилурга, ул куз вафо цулурга,
Бедоду зулм боис, нозу итоб монеъ.

Тан туфрогин совурмай, етмас сафо кунгулга, Булган кеби сафодин суга туроб монеъ.

Ёр истасанг, Навоий, сабр истагилки, доим
Келди висол ишига жахду шитоб монеъ.

**292**
Чун шабистон ичра цилди оразин жонона шамъ,
Машъали мехр улсаким, кузга курунмас ёна шамъ.

Банд аёгида нединдур бошида савдо ути,
Эй парий, ишцингда гар худ булмамиш девона шамъ?

Йиглару уртар узин то субх гуё хар кеча,
Хажр аро булди мени махзун била хамхона шамъ.

Дема куймак савтиким, уйцу йуцига рахм этиб, Дер забона шаклидин тил тортибон афсона шамъ.

Эккали парвоналар кунглида гуё тухми мехр, Ашкдин атрофида хам су сочар, хам дона шамъ.

Ё мухаббат утидин парвонани куйдургали,
Ёрутур ораз утин хар лахза махбубона шамъ.

Куймади парвонани фонус аро мен зордин,
Ул махи хиргахнишин булган кеби бегона шамъ.

Балки ошиц дустлардин дурурким уртанур,
Токи шавци ути ичра уртанур парвона шамъ.

Эй Навоий, бот учур охинг елидин шамъни, Топти чун ул юз фуругидин бизинг вайрона шамъ.

**293**
Кузум ёшарди, аён булгач ул жамоли бадеъ, Булутца су тулар ул дамки, булди фасли рабеъ.

Тасаввур этса цошинг тоцини кунгул титрар,
Казо мухандиси баским чекибтур ани рафеъ.

Недин аёгинга тушкай бошингга эврулубон, Куёш гар улмаса хусн ичра цуллугунгга мутеъ.

Кошинг хаёли торицмай кунгулда эврулсун,
Эрур чу цибланамо пуясига хуцца васеъ.

Не навъ барцни дейким, буроци янглиг эрур Ким, ул батийдуру музлим, бу бир муниру сареъ.

Навоий, уйла тирилким, уятдин улмагасен,
Агар Расул алайхис-салом булса шафеъ.

Килурни айла риоят демакда асра адаб
Ки, дуст феълингу цавлинггадур басиру самеъ.

**294**
Кизил кунглак енгин оразга ёпсанг, важхи йуц воцеъ:
Куёш оллида курмайдур киши гулгун булут монеъ.

Юзидек мумкин эрмас ой, мусаввир, чекма захматким,
Куёш жирмин цушуб хал айласанг, ранг улгуси зойеъ.

Лаби хам уртади жоним, хам очиц суз деди, яъни Чучуклукдин иситцанга ачиг шарбат эрур нофеъ.

Юзин очса, неча цилсам назар, огзини курмасмен, Назарга гарчи келмас зарра, хуршид улмайин толеъ.

Жамол очцан сойи мажнунлугум ошса, ажаб эрмас: Парийнинг жилваси савдога харгиз булмади дофеъ,

Лабинг жонимга цилса майл, дардинг хаста кунглумга, Тонг эрмастур, нединким, айлар ашё аслига рожеъ.

Кузунг фикри била тан хилватида нотавон кунглум, Риёзат айнидиндур кунда бир бодом ила цонеъ.

Фано йулига узлуктин шуруъ этганга тор улди, Гар
улса ходии тавфиц очицдур бехад ул шореъ.

Навоий дайр аро гар бутпарасту маст эса, тонг нуц, Не цилса
пири дайр, ул хам цилур, чунким эрур тобеъ.

**ГАЙН ХАРФИНИНГ ГАЗОЛАЛАРИНИНГ ГАВГОСИ «ФАВОЙИД»ДИН 295**

Онча махзун кунглум улмиш ишцдин озорлиг Ким, цилурмен
йиглабон, хар кимни курсам, зорлиг.

Дустлар, куп зорлиг цилсам ажаб эрмаски, бор Зор
кунглум дуст жавридин, басе, озорлиг.

Боис эрмиш йнгламоцларга булуб кунгли заиф
Ошицеким, фурцат ичра чекса куп беморлиг.

Кимсага гар гам етар, гамхори булса, гам эмас, Ул
эрур гамким, етиб гам, топмагай гамхорлиг.

Тигдин афгор эмас, мархамни ташлангким, илож
Васлдур, топцан кунгулга хажрдин афгорлиг.

Булма гулзорингга куп машъуф, эй дехцонки, йуц Тонгла
рангидин бу гулларнинг чаман осорлиг.

Чун Навоий ёридур Ширину Лайлидек, не тонг
Айласа фарходвашлиг, йуцса мажнунворлиг.

**296**

Оташин лаълинг ути айлади кунглумни нсиг, Булди
багрим доги кунглум исиги бирла цизиг.

Ярацон от цуядурлар манга хикмат ахли Ким,
харорат юзу кузумни доги цилди сариг.

Мен анга ошицу куз хам юзига ошицдур, Ишц ахлининг
эрур ранги сариг, ашки ариг.

Мен агар йиглар эсам талх чучук лаълинг учун,
Кузларим доги тукар ашкни аччиг-аччиг.

Ани чун курдум, анинг куйида цолдим мунг ила,
Дустлар, сиз утунг, иш тушти манга осру цотиг.

Хусни даврига вафо йуц, бу цуёш бот уёцур, Хублардин
хуш эрур яхшилигу яхши цилиг.

Кон тукар кунгли Навоийнингу ашк икки кузи, Улгуси ишц гамин гар емаса иссиг-илиг.

**297**

Етмай икки лабинг майидин кунглума осиг, Шуроба оцти икки кузумдин очиг-очиг.

Гохи юзумга бир гули раъно гамида боц, Конларки томди — бир юзи гулгун, бири сариг.

То оцти сайли ашк, юди дуст гайридин Кузни, бу важх ила кузум улмиштурур ориг.

Фарёдким, тушар манга чун дард ила фироц, Ишц ахли ичра цатл учун солсалар солиг.

Дарёи шавцидин мени манъ этма, эй хирад Ким, улгум уйлаким тушар айру судин балиг.

Куп цовма, шайх, мугбачалар куйидин мени Ким, кунглум осру юмшоцу бу иш эрур цотиг.

Дерлар фано йули сафарида осиг, басе,
Узлук била Навоий агар кирса, не осиг.

**298**

Юзунг хажрида ким чекти фигону зор мен янглиг, Ким очти юзда гулгун ашкидин гулзор мен янглиг!

Агар ушшоцини бир тиг ила хусн ахли цатъ этти, Киши хижронда цолса, улмади душвор мен янглиг.

Фироц ахли агарчи улмак истар, эй ажал, келким, Эмас сендин киши бу ишта миннатдор мен янглиг.

Кузунг цатл айлаб, эл цонини куп ичти жавр ила, лекин Асире топмади ул цотили хунхор мен янглиг.

Мажонин булдилар атфол тошидин куп озурда, Вале боштин-аёц бир булмади афгор мен янглиг.

Биравни, эйки, севмак орзу цилдинг хавосинда,
Илигдин ихтиёринг бермагил зинхор мен янглиг.

Киши бадхулар ишцидин этмак эхтироз авло, Йуц эрса кургуси хар лахза юз озор мен янглиг.

Тилар булсанг замона цайгуси дафъига бехудлуг, Керак
булса мацоминг кулбаи хаммор мен янглиг.

Агар булбул гулистон ичра курди хордин озор, Ва
лекин курмади, эй лоларух, озор мен янглиг*.

Навоий, гар хирад мулкида савдодин батанг улсанг,
Кадам ургил фано даштида мажнунвор мен янглиг,

**299**
Агар келмаса, интизорим цуяр дог,
Валек изтироб уртар, ул ой келур
чог.

Манга богу гулзор анинг оразидур, Гар ул
булмаса, байтул-ахзон эрур бог.

Дема шавц утига таскин берур май,
Ёнар, шуълам утига куп цуймагил ёг.

Мен ар масту беморлиг бирла улдум,
Хамиша жахон ичра сен булгасен
сог.

Дедингким, ололмасун дилраболар
Ки, кунглумга цуйдунг огир хажрдин тог.

Бахори жамолингда ноламни хуш тут Ки,
тенгдур, бахор утса, булбул била зог.

Навоий фироцингда ул навъ итти
Ки, гарди топилмас, гаминг солса туфрог.

**300**
Захри хижронинг чу айшим комини цилди очиг, Нуши
васлинг элга еткандип манга йуцтур осиг.

Тош ёгдургандин атфол улмадим, ултурди хажр
Ким, суубатда булар андоц эмас эрди цотиг.

Ашк аро улдум, йигиштур эмди зулфунг шастини Ким,
су узра келгуси дарё аро улган болиг.

Катра-цатра цон ёшимдин чехрам улмиш уйлаким,
Тим-тим этгайлар цизил когазниким, булгай сориг.

Юзда хажрингдинки тирног урни хатлар булди цон,
Хар бирига ашкдин су очибон цилдим ориг.

Олгали дунё арусин, эйки, соттинг нацди дин, Умр
сотиб, марг олмоц англа, бу сотиг-олиг.

Истарам, лаълига цилгаймен чучук жоним фидо, Эй
Навоий, анга дермен келмагай ногах очиг.

**301**
Парийни ким деса ул мехри ховари янглиг, Эрур
начукки, дегай девни парий янглиг.

Бошимки, хажр йулида фалакдек айланди, Кузум ёши
эрур ул чарх ахтари янглиг.

Фироц шуълаcида пора-пора кунглум эрур, Демай
кабобким, ул утнинг ахгари янглиг.

Кузунг фусунгар, анинг ути оташин лаълинг, Лабингда
хол анинг ут узра анбари янглиг.

Жунун эли шахимен, тог авжи тахтимдек, Куш
ошиёнлари бошимнинг афсари янглиг.

Еанимат англа вафо булбулунгга, эй гулким, Хазон ели
етишур хажр сарсари янглиг.

Навоий, узга шаху узга кишвар этма хавас Ки,
топмагунг шахи Еозий била Хири янглиг.

**302**
Муддаи, чун даминг эрмастур иссиг,
Килма совуглугу хамгомани йиг.

Ухшар ахлоцинга хуснунгки, эрур,
Яхшилиц лозимаси яхши цилиг.

Тутти гар даштни Лайли, не ажаб,
Кишвари хуснунг аро тутти цириг.

Захмлар узра магар цуйгали дог,
Ханжаринг кунглум аро булди цизиг.

Хуснунга ухшади жонбахш сузунг,
Кимки бор узи силиг, сузи силиг.

Пардадарлиг чу эрур зохид иши,
Хирца узра не осиг мунча сириг.

Куйидин цовса, Навоий, сени ёр,
Оху ашкинг била чиг иссиг-илиг.

**ФЕ ХАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «ФАВОЙИД»ДИН 303**

Улки цилгай узи кашшоф рамузин макшуф, Кашфи
йуц айламайин узлуки харфин махзуф.

Бахра еткурмади зухд ахлига файз иксири,
Нацди умрин чу риё касбида цилди масруф.

Хирцаи фацр керак сирри нихон касбигаким, Пардаи
роз анинг зайлига келди маътуф.

Айлагил нацди хаётингни фано ахлига вацф,
Луцмаи вацф емакни вале этгил мавцуф.

Дунё асбоби нажосат кебидур мазбалада,
Покравлар начук узни анга цилгай машъуф.

Хар не хац амрини дер муршиди комил, ани цил, Гар
сифотуллох аро узни тиларсен мавсуф.

Социё, хажр хуморидин улармен — рахм эт,
Чархни зарф цилу улки билурсен мазруф.

Топса ул зарф ила мазруфни хуш сипцаргай,
Улки орифлиг ила дахрда булгай маъруф.

Эй Навоий, бору ушшоц аёги туфроги бул, Ишц сиррин,
тиласангким, санга булгай макшуф.

**304**

Килмадим ул сарви гулрух манзили бустонни тавф, Дузах
ахли айлай олмас равзаи ризвонни тавф.

Кунглум ичра юз бало махбус топцунг, айласанг
Тавф ани андоцки, шахлар айлагай зиндонни тавф.

Очилур кунглум, цилур сайр эл бузулган кунглини, Чугз
цилгандек тараб касбига хар вайронни тавф.

Дурри ашк оцизгали хажринг кузум атрофида,
Тожиредектурки, цилгай сохили Уммонни тавф.

Ул парийваш манзилидаким, йицилдим, цасд эмас,
Солди бу холатца мен мажнуни саргардонни тавф.

Поя олий истасанг, тажрид эт аввал ихтиёр, Исо андин
айлар ушбу нилгун айвонни тавф.

Бир Навоийнинг бузуг кунглига эврул, рахм этиб, Нетти
гохи Юсуф этса кулбаи эхзонни тавф.

**305**
Гарчи тогдин огир этти дарду озоримни заъф, Лек хасдин
хам енгил цилди тани зоримни заъф.

Билмагил, холимни гар ахбоб сурмаслар, ажаб, Ким
цилибтур танимасдек жисми беморимни заъф.

Хажр шоми не ажаб тулганмоцу бошимда ут, Шамънинг
чун торидек цилди намудоримни заъф.

Риштаи лаълинг, дегай, топмиш учуг бирла гирих,
Курган элким, цонга солмиш жони афгоримни заъф.

Сабр мумкин йуц жунун ошуби доги заъфдин, Вахки,
нобуд айлади охир йуцу боримни заъф.

Хатти мавхум улди тан анда, кунгул имкони йуц,
Куймади асрарга ер ишц ичра асроримни заъф.

Ул цуёш ишци цавийроцдур, Навоий, нечаким, Заррача
хам цуймади хижронда мицдоримни заъф.

**306**
Бировга мусаллам тарици тасаввуф Ки,
зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Тасаввуф ризо ахлидин яхши ахлоц, Эрур
истилохоти зебу такаллуф.

Тасаввуф эмас зухду тацвою тоат Ки, анда
риё йул топар бетаваццуф.

Эрур махз тацвою лекин риёсиз
Убудият сарфу айни талаттуф.

Не эл цавлу феълига андин таадди, Не хац
амру нахйига андин тасарруф.

Узин уйла беихтиёр англабонким, Не
цолиб тараддуд анга, не таассуф.

Килиб хац вужудида махв уз вужудин,
Навоий, муни бил тарици тасаввуф.

**307**

Чок кунглумни олиб дардини цилдинг тазъиф, Мени
бедилга ани бермас эсанг, цил тансиф.

Куфри зулфини цуюб, ким деса, исломга кир,
Бордур ислом элини куфрга цилмоц таклиф.

Юзунг оллида цуёш васфини цилмоглиг эрур
Шамъ нурини цуёш оллига цилмоц таърпф.

Хусн синфида, юзунг васфида мингдин бир эмас,
Ошицинг юз минг эса, хар бирига минг тасниф.

Дарду ранжинг била борини цилибмен мамлу, Уцларинг
захмики кунглум аро солмиш тажвиф.

Хажр ути бирла манга ищц берибтур варзиш,
Воизо, дузах утидин яна цилма тахвиф.

Яна масжидда Навоийни тиларсен, эй шайх
Тиласанг ани, кетур майкада сари ташриф.

**308**

Жоним ичра заъфдур юзлангали жононга заъф, Булмасун
жононима заъф, улса улсун жонга заъф.

Оразида тобу йуц огзида кулгу гуйиё,
Мехр тобидин эрур ул гунчаи хандонга заъф.

Айланурда бошига заъф айлади гуё асар, Килди анинг
заъфидин бу зори саргардонга заъф.

Хайратим заъфига мундоц айламиш бехуд мени, Заъфига
хайрон цолиб, булмиш мени хайронга заъф.

Бистари гулранг уза ул навъ узалмиш заъфдин Ким,
узори узра булса наргиси фаттонга заъф.

Социё, бир журъа бирла цувзатимга боис ул Ким, басе,
голибдурур бу хастаи хижронга заъф.

Эй Навоий, ёр заъфи бузди кунглум, уйлаким, Мамлакат
булгай хароб, улган замон султонга заъф.

**К;ОФ ХАРФИНИНГ ^ИЁМАТЛАРИНИНГ ^ИРОНИ «ФАВОЙИД»ДИН**

**309**
Бу нукта сурди фано дайри ичра пири тариц Ки,
бетарицца етмас хидояти тавфиц.

Тарици жоддаи шаръ эрур бу дайр ичра
Ки, анда кимки сулук этти — булди ахли тариц.

Яна хидояти тавфиц улки, бергай хац, Кунгулга
дагдагаи азми кишвари тахциц.

Йул осру буртоц эрур, тун цоронгу, дашт узун, Куп
осру цатъи тариц ахлию йуц анда рафиц.

Кишига булмаса ходи, падид эмас мацсад, Хидоят
улмай анинг цатъин этмагил тасдиц.

Бу дашт цатън ажаб саъб эрур, тут, эй соций, Тула
цадахкн, гамим бахри янглиг улса амиц.

Ким уйла бахр ичига шавц заврацин сурсам, Хам
узлукум, хам узум булгай анда барча гариц.

Эрур бу бахри харобот ишц жоми майи, Тутарга
мугбачалар булса дилпазиру шафиц.

Навоиё, сени ул бахрнинг гарици деган
Магарки маст куруб, буйла айлади тахциц.

**310**
Эй, жамолинг шамъига жон бирла кунглум мухтариц, Гах
мухолиф айланиб бошинга, гохи муттафиц.

Икки парвонаки, бир шамъ устига айлансалар,
Гах мувофиц, гах мухолиф, шак йуц улмоц мухтариц.

Гар закоти хусн улашмак истасанг, эй куркабой, Бил
яцинким, ушбу мунглугдек топилмас мустахиц.

Дафъа-дафъа дуди охим хадсиз учцун бирла кур, Гам
тунидек бир-бир узра чарху анжум мунтабиц.

Чунки сенсен рухи поку мен начукким тийра хок,
Сухбатимдин топса табъинг тийралик, сенсен мухиц.

Хар неким келса цазодин, шокир улмоц шарт эрур, Суди
йуц жуз гусса, кимса хар неча булса мудиц.

Чун Навоий риццат айлаб, назм этар шархи фироц,
Фурцат ахлига тонг эрмас булса ашъори муриц.

**311**
Чоцин  ути  цила  олмас  гамим  тунини  ёруц,
Сахоб еткура олмас тугонларимга момуц.

Чу борди хастамен онсиз, хар ойинаки киши Ки, жондин
улса йироцроц, булур улумга ёвуц.

Юзунг наззорасидин кузки цолди, ёптингким, Эмас
мутолаасиз расм мусхаф улмоц очуц.

Манга сиёсати хажр ичра бир шарар басдур Ки,
мур уртагали эрмас эхтиёж томуц.

Хаёлидур мутазаррар кунгулда охимдин Ки, йуц
тахаммули хох иссиг улса, хох совуц.

Басе  ёруглуг  умид  улди  уйла  равзанадин,
Тобонки дашти фано пуясидин улса ёруц.

Кул улди манглайида дог куп куруб эхсон,
Вафоси базмида баским Навоий этти тобуц.

**312**
Эй ацл, цилмагил куп тавсанлигу харунлуц Ким,
ишц бизга солди ожизлигу забунлуц.

Мен йуцки, чархи аъзам то бир цуёш мехрин, Ишц ичра
цилгали фош, улди анга нигунлуц.

Ким хажр зулматида итса не тонгки цилгай,
Айнул хаёт васлин хам Хизр рахнамунлуц.

То ишц шиддатида тавшалмас одамизод,
Ноодамийлиц андин кетмас йироцу дунлуц.

Гар ишц захмига васл мархам десангки цуйсун,
Хижронда осру цилма бесабру бесукунлуц.

Хар нечаким юз улса хижронда заъфарони, Гам
йуц берур чу цон ёш ул юзга лолагунлуц.

Бир жом ул парийваш то тутти, кимки курди
Айтур мени: эрур бу ё маст, ё жунунлуц.

Бу ишци пок бирла хирцамни хуру ризвон
Йиртишлар, цилурга хуллаларин юрунлуц.

Васл истадинг, Навоий, офат бошингга ёгди,
Бошингда цайда тушти бу толе озмунлуц.

**313**
Не хаддим орзу цилмоц ул ой базмида махрамлиц,
Муяссар булса хуштур, итлари хайлига хамдамлиц.

Мени девона цилган важхдин ани парий дермен, Яна бир
важх буким, таврида кам курдум одамлиц.

Инон, туз цоматинг хаццию охимдин хазар цилгил Ки,
гулшан ичра нозук нахлга елдин булур хамлиц.

Котиц холимга чарх айлаб тапонча бирла кук юзни,
Нужум ашкидин этти нилуфар баргини шабнамлиц.

Манга бул ёрким, ишц ахли бирла хусн эли ичра,
Муцаррарлиг манга етти, санга тегди мусалламлиц.

Не хусну нутц эрур, ё рабки, зохир айласанг андин
Куёшца тийралиг булгай, аён Исога абкамлиц.

Замон ахлини цотицму дейин ё сустким, йуцтур Жафо
ичра аларда сустлиг, ахд ичра махкамлиц.

Фано дайри гадойимен, майим эски сафол ичра, Тамошо
айлаб, эй шайхлар, курунг ул жом ила жамлиц.

Навоий, дайр пири нуктасин фахм этмасанг, маст ул,
Нединким осру куп воциъдур иш сиррида мубхамлиц.

**314**
Не хаддим бор итингнинг пойбусин муддао цилмоц,
Манга басдур муяссар булса ер упмак, дуо цилмоц.

Аёгингдур манга хожатки, гом ургай менинг сари,
Санга осондурур бу хожатим, жоно, раво цилмоц.

Тилу хомам жахонни тутти, аммо хуснунгу ишцим Калам
хам айлай олмас нацшу тил доги адо цилмоц

Кузу цошинг кунгулнинг рузгоринким цора цилди, Керак шукр этмаса зохир, юзин доги цора цилмоц.

Агар мужгону цошинг хайрати эрмас эди гардун, Не эрди айламак охим уцу гардунни ё цилмоц.

Килай минг саждаи шукр, улки умрум саждада утти, Топа олсам цошинг мехробида борин цазо цилмоц.

Хато цилгач, ибодат тарки таъна урма, зохидким,
Убудият ишинннг лозими келди хато цилмоц.

Риёдин айлади ужбумни афзун хонацах шайхи,
Хароботи фано пирига авло илтижо цилмоц.

Навоий ишци ул ой хусни бирла тавъомондурлар, Аларни булмас, эй панд ахли, бир-бирдин жудо цилмоц.

**315**
Бир цатла булса эрди ул гул узор ошиц,
Булгайму эрди мунча оллида хор ошиц.

Ишц ичра куйса эрди бир тун, цилур эди рахм,
Гам шоми ох утидин чекса шарор ошиц.

Хоре аёгин афгор этмай не фикри булгай,
Гар цилса хора бирла кунглин фигор ошиц.

Жонни фидо цилсам таън этмангизки, бордур
Ёр оллида уларга беихтиёр ошиц.

Шамъи жамолин очцоч, уртанмаким не тонгким, Куймак аро керактур парвонавор ошиц.

Ишц ичра эътиборинг гар йуц, бу муътабардур,
Булса керак фанодин беэътибор ошиц.

Ошиц эсанг, Навоий, куп заъфдин торицма, Не булгусидур улмай зору назор ошиц.

**316**
Ашкдин жисмим биносин цуймади обод ишц, Охдин берди вужудим туфрогин барбод ишц.

Хажр аро гурбат яна беморлиг бирла жунун, Килди жоним цисмати бу навъ юз бедод ишц.

Шуъласидин тушти ут оламда ул юз хажрида, Хар цачон кунглумни цилди уртамак бунёд ишц.

Хажру дарду сабрсизлиг келдилар цотил бари, Лек бу фан ичра бордур барчага устод ишц.

Юз фасонам бор ани курган замон арз этгали, Жилва цилгач, войким, бермас бирин хам ёд ишц.

Катлини ишц ахли топмас жон бериб, то айлади Еамза тиги бирла махвашлар кузин жаллод ишц.

Сендин урганган кеби Лайлию Ширин зулму кин, Мендин урганмак керак Мажнун билан Фарход ишц.

Васл тахсили учун, эй шайх, тацво цилма амр Ким, фано ойинин айлабтур манга иршод ишц.

Эй Навоий, офият куйида сен бул шоду хуш, Ким мени дарду балога айламиш муътод ишц.

**317**

То мени мехнат тунига мубтало цилди фироц,
Рузгоримни саводидин цоро цилди фироц.

Кон ёшим оцмоглиг эрди, дард ила гам хожати, Хожатин уз цавму хайлининг раво цилди фироц.

Оцибат то найлагай нозук кунгулга дардни, Куп суубат бирла холо ибтидо цилди фироц.

Жону кунглум хар бири йигларлар уз ахволига, Гуйиё куксум уйин мотамсаро цилди фироц.

Васлига шукр этмаган булсам, махалли таън эмас. Чун юз ончаким керак эрди сазо, цилди фироц.

Давр курким, улки ичти бир цадах нуши висол, Сунги цатла захр ила жомин туло цилди фироц.

Хар дам онсиз юз улум эрди Навоий жонига, Бир улум бирла бу дардига даво цилди фироц.

**318**

Эй, каломи жон физойинг нацди жондин яхшироц, Лаъли жонбахшинг хаёти жовидондин яхшироц.

Гарчи хажрингдин ёмон холатда мен, лекин манга Кимки андин яхшироц йуц, сенсен андин яхшироц.

Халц тарки ищцинг айларга биравни цатл учун, Гар тиларсен, топмагунг мен нотавондин яхшироц.

Ищц сахросида ёд этма ватандин, эй хирад Ким, бу навъ оворалиг юз хонумондин яхшироц.

Истасанг, эй ищц, Мажнун урнига саргаштае, Билки, топцунг йуц бу расвои жахондин яхшироц.

Дайр аро яхши-ёмон оллида бош цуйсам, не тонг, Кимки йуц андин ёмонроц, мен ёмондин яхшироц.

Эй Навоий, хурдаи назмингга ислох истасанг, Кимса цилмас ани шохи хурдадондин яхшироц.

**319**

Ул парийваш муддаига мехрибондур, бизга йуц, Филмасал оллида анинг итга сондур, бизга йуц.

Куйида итларга маскандур валек цавлар мени, Вахки, хамдамларга анда хонумондур, бизга йуц.

Элни хар дам ултурур, бизни бу гам ултурдиким, Лутфи анинг узгаларга хар замондур, бизга йуц.

Тонг эмас гар ох хоки танни барбод айласа, Гардга чун остонида макондур, бизга йуц.

Итлари мехмон булурга йуц хадим, не навъ дей Ким, ул ой махсусларга мехрибондур, бизга йуц.

Хай дегунча чун утар хам айшу хам гам, бас недур, Гар фалакдин элга айши бегарондур, бизга йуц.

Кисмат ар дилхох ила эрмас, Навоий, шукрким, Элга бу иш мужиби оху фигондур, бизга йуц.

**320**

Биров жисмига отса ул сиймтан уц, Менинг жонима санчилур юз туман уц.

Будур турфаким, буйла холимни англаб,
Манга отмас ул шухи новакфикан уц.

Бошоцдин ёгар оби хайвон улусца, Чу
ёгдурса ул цотили сафшикан уц.

Куп уц отмаким, гул юзунг фурцатида Эрур
хаста кунглумга хар бир тикан уц.

Кошингдин тушуб мен йироц, ёдин уцдек, Манга
заъфдин булди гуё бадан уц.

Кадах цалцонин истаким, чарх уцидин,
Басе ёгдурур чархи бедодфан уц.

Навоию гулшанки бир гулдин айру, Манга
басдурур кунжи байтул-хазан-уц.

**321**
Сенингдек парий хайли одамда йуц,
Демай хайли одамки, оламда йуц.

Паришон чу зулфунг хамин цилди ел,
Паришон кунгул йуцки, хар хамда йуц.

Бу лаззатки, захмингда топти кунгул,
Яцин билдиким, хеч мархамда йуц.

Даминг хижлатидин начук цочмасун, Бу
дам чунки Исои Марьямда йуц.

Кузунг цатлидин дахр эли цолмади,
Агар цолди, бу йуцки, мотамда йуц.

Гамингднн манга анча айшу тараб
Ки, юз хотири шоду хуррамда йуц.

Муганний, Навоий фигонин эшит
Ки, созинг аро зер ила бамда йуц.

## КОФ ХАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «ФАВОЙИД»ДИН

**322**
Вафо тарицида улким тиларки, цилса сулук,
Керакки, тутса вафо ахли шевасин маслук.

Бу шева мумкин эмас, негаким, вафо йуцтур Улусца
яхши-ёмон билу гар гадою мулук.

Замона ахли вафо таркин айламиш демангиз Ки,
бу замонда йуц амри вафо кеби матрук.

Фироц шомики, кийди цора, ёйиб сочин,
Жахонда тутти хамоно вафо азосига сук.

Фалак вафога азо тутцан улса ахли вафо, Тирик
нетиб юругайлар жамоати мафлук.

Кетур цадахки, вафо лофини малак урса, Менинг
цошимда шак эрмаским ул эрур машкук.

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур, Агар
Фусусдурур, гар Нусусу йуцса Фикук.

**323**
Васли ицболин манга текмас таманно айламак, Басдурур
умрумда бир хуснин тамошо айламак.

Хат лабингдин жон физо, ул хат лабингдин рух бахш,
Истамон афсонаи Хизру Масихо айламак,

Берма ул цоматца хар ён жилва, элнинг жони бор, Вах,
недур хам дам циёмат ошкоро айламак.

Булмагон булса аён цасрига пинхон борганим, Не эди
куйида итлар кеча гавго айламак.

Бир парий ишци мени бу навъ шайдо цилмаса, Булмас
узни ошицу девона амдо айламак.

Жон бериб зулмин чу топмон жон топарга васлини, Бас
таманнони махолидур таманно айламак.

Зухддин бадхол эдим, хушвацт улинг, эй ишц дами, Сизга
етгай элни мундоц масту расво айламак.

Олам ахлидин таваццуъ айламак ахду вафо, Захрдин
хайвон суйи булгай тавалло айламак.

**324**
Кузда ёшим эврулур саргашта Мажнун ёшидек, Айланур
бошим доги цон ичра хар дам бошидек.

Курцарамким, ташлагай ул шух куйидин йироц Ким,
бошим айландурур даврон фалохун тошидек.

Бир-бири ичраки ёлар кургузур цавси цузах,
Булмагай пайваста ул икки муцаввас цошидек.

Куп дилоро шаклларким, чекти Чин суратгари, Очмади бир чехра харгиз суратинг наццошидек.

Кузларинг цонимни цут айларда сиххат топтилар Ким, цилибтурлар гизо бемор пархез ошидек.

Ринд булгай икки олам уйнагай бир дав ила, Булмагай лекин хароботи фано цаллошидек.

Сиймгун цушлар тонг отцунча фалакда, эй Масих, Бор экинму бири ул муг дайрининг хаффошидек.

Кону тоза дог ила кунглум анингдек булдиким, Ул цадах тошу ичидур лола ичу тошидек.

Гар зарафшон цилса тазхиб ахди нуги хомасин, Дурфишон эрмас Навоий килки гавхарпошидек.

**325**

Уз тилим чун истамас розимни ихфо айламак, Узга тилдин не таажжуб булгай ифшо айламак.

Менки уз сирримни пинхон асрай олмон, турфадур Эл анинг тутмогини махфий таманно айламак.

Телба сиррин элга гар айтур жунундиндур валек Хазл эрур хар дам ани эл ошкоро айламак.

Нуктаким Мажнун дегай эрмас ажаб атфолдин, Айламак такрор ул сузнию гавго айламак.

Кунглида юз цатла пинхон айламак сузни не суд, Тилни бир цатла анинг шархида гуё айламак.

Куз манга бас, тилни кесмак истарамким, хуб эмас Роз ифшо айламак, басдур тамошо айламак.

Кош уюлса куз догиким бир тамошо айлабон, Андин улди минг бало жонимга пайдо айламак.

Бу балолардин замоне фориг айлар дайр аро, Узни бир дам кимса масти жоми сахбо айламак.

Мунча куймак ишцдиндур, эй Навоий, ашкдин Су уруб таркин, керак хацдин тавалло айламак.

**326**

Хар дам истар телба кунглум ишц китмон айламак, Барци ломиъни цоронгу уйда пинхон айламак.

Кайси цушким бу таманно зохир этса, истагай Хас уйин оташгах ути бирла вайрон айламак.

Шамъ ути фонус аро ёшунмоги мумкин эмас, Хулла ичра барц утин пинхон не имкон айламак.

Ишц чун мухликдурур хохи нихон, хох ошкор, Улгуча дам урмайин авлодур афгон айламак.

Мехр акси гуйиё дарёга тушкандиндурур, Каф сочиб ахли жунундек шуру тугён айламак.

Нух даврида магарким ошиц эрди рузгор, Йуцса ашки сайлидин не эрди туфон айламак.

Ишци ути гар тушмамиш дайри фанога, бас недур, Куп ичин цон айлаб, андин эл ичин цон айламак.

Ишц бас душвор эрур, билгил ганимат, берса даст. Буйла мушкул ишни улмак бирла осон айламак.

Эй Навоий, бошинга келди жунундин юз бало, Ул парийвашца не эрди кузни хайрон айламак.

**327**

Кузунгнунг оллида наргис келиб цатиц кузлук, Юзунг цошида гули оташин совуц юзлук.

Ачиц-чучукка лабингнинг мутеименким, ул Агарчи йиглатур аччиц, эрур чучук сузлук.

Кунгулга зулфи кеби эгрилик цилур ул шух, Не булди цилса эди цомати кеби тузлук.

Рацибдин ул ой афсун била фан урганмиш, Парийга дев не таълим цилди кур бузлук.

Керак либоси малохатда махваш эл дилкаш, Гар эгни хуллалиг улсун, вагар тани бузлук.

Биравки, дайри фано ичра чекса бодаи ишц, Узидин улки бурун махв улур, эрур узлук.

Навоиё, не ажаб хонумонинг улса цора, Чу ёринг улди цора цошлигу цора кузлук.

**328**
Узга ойларднн хаётим нашъаси бермас илик, Мумкин эрмас узгалар жони била булмоц тирик.

Еунча огзига агар тобиъдур огзинг, йуц ажаб, Хурмат асрар, не учунким ул улугдур, бу кичпк.

Сабзхатлар йуц йигит сонида ул юз тобидин, Сабзани оц этти гуё ул цуёш булгач итик.

Киргали кунглумга ул ой гар кузумни тутти цон, Бир эшик богланса не гам, очти тиги юз эшик.

Айни заъф ичра кузунгга шухлуг онин эрур,
Уйлаким беморлар ичра булур баъзи тетик.

Юз ёшурдунг, лек зулфунг торини ёйдн сабо, Шуъла паст улганда андоцким тутун булгай бийик.

Ёруг истарсен кунгул, муфрит риёзат цил цабул, Кайда кузгу равшан улгай, булмаса сухон ирик.

Дайр аро бехушменким, бода тутцач мугбача,
Узни билмак расм эмастур, кимда-ким булгай билик.

Чехра чун очтинг Навоийга, тонг эрмас изтироб Ким, парий кургач жунун ахли, цилурлар телбалик.

**329**
То елак савсани айлабсену гулгун терлик,
Узидин савсану гул тер аро юптурлар илик.

Солди бошига улуг фитналар эл цатли учун, Гарчи шухона сияхпечинг курунур осру кичик.

Лемуйи буркунг эрур шуълаки, синдурдунг учин,
Куйдурур халцни ул шуъла агар булса бийик.

Кон цилиб риштаи жонларники цилдинг такбанд,
Богладинг белни магар цуймагали элни тирик.

Сен бу ошубу циёмат била айлаб жилва, Мен нетиб айламайин телбалигу шефталик.

Гарчи Каъба эшикин топмади мингдин бир очуц,
Кир фано дайридаким, анда ёпуц булмас эшик.

Оцса наъш ичра Навоий ёрасининг цони, Чекиб, эй ишц, кафан торин, анинг захмини тик.

**330**
Лабинг хаёлидаким чок эрур манга кунглак, Тикар эдим ани, жон риштасидин улса ипак.

Итинга озроц эса туъма пора-пора багир, Узуб солай яна бир луцма урни тутса юрак.

Хатинг гамидин ушолган цалам кеби баданим, Ичинда нол кеби хар тараф заиф сунгак.

Бинафша япрогидинму либос этибдур гул, Йуц эрса гул кеби жисмингдадур бинафш елак.

Юзунга обила захмидин узга холатдур, Нечукки бог топар зеб, чун очилди чечак.

Либос зийнатию ишц лофи келди йироц Ки, куймас ар неча парвонадек учар купалак.

Навоий айлай олурму нихон багнр туганин Ки, лола янглиг очар пора-пора цонлнг этак.

**331**
Ул сариг тунлуц эрур турганда таъзимимга тик, Шуълаким хошокни куйдургали булгай бийик.

Кунглума санчарга, эй гул, цилма мужгонингни тез Ким, тиконнинг игнасин хожат эмас цилмоц итик.

Килмади холимга гамзанг бирла лаълинг илтифот, Бор аиингдек холатимким, не улукмен, не тирик.

Куз саводидин цора жон сафхасин цилдим варац, Бу икининг рашкидиндур гар санга ёзмоц битик.

Хол экинму ул куз остида, йуц эрса нофадин Мушк тар булгач, гул узра цатра томизди кийик.

Хажр тоши бирла мехнат шолини цилдим цабул. Эй кунгул, ишц ичра булмас курмайинн цаттиг ирик.

Хонацахни богладинг, эй шайху, цилдииг азми дайр, Юз эшик очилди, гар богланди эрса бир эшик.

Уйла фоний булки, домангиринг имкон булмагай Ким, этак мавжуд агар йуцтур, нени тутцай инлик?

Эй Навоий, чун парийвашларга мумкин йуц вафо, Килма мундин нари гар бор эса ацлинг телбалик.

**332**
Майда булса манга ул лаъли шакарханд газак, Захр булсун, тилар улсам шаккару цанд газак.

Дайр пири керагу мугбачаи бодафуруш Ки, ато цуйса цадах огзима, фарзанд газак.

Ики лаълингга ажаб холат эрурким, йуцтур Не анинг ухшаши май, не мунга монанд газак.

Ранги лаъли булур икки лабинга етса набот, Ташла андин бу сари бир-ики парканд газак.

Ёпишур лаълинга чун етса газак, вах, не ажаб, Сурсам аниким, эрур жонима пайванд газак.

Даврким, бодасинингдур газаги захр олуд, Оцил андин тиламас бода, хирадманд газак.

Эй Навоий, май агар захрдурур, ичса булур, Кимсага гар булур ул лаъли шакарханд газак.

**333**
Не осиг охим ути равшан зулолинг кунидек, Тийра дуди чун мени ултурди хижринг тунидек.

Гарчи булса хар шарар дузах утидин шуълае, Мумкин эрмас кунглум оташгохининг учцунидек.

Эйки, зархал цилмоц истарсен саманди наълини, Топмогунгдур анда суртарга юзум олтунидек.

Хублар лутф айлаб, ул цатлимга гарчи хукм этар, Хеч ун келмас цулогимга ул ойнинг унидек.

Вах, не булгай етса юзу хаттинга гирён кузум, Ашким улса ул гулу бу сабзанинг шудрунидек.

Бил вафо расмин ганимат, эй гул, андин бурнаким, Дай сипохи еткай оху куз ёшим чопцунидек.

Васли куйидин Навоий кунгли озди, эй рафиц, Курмадук харгиз ул ахли ишцнинг озгунидек.

**334**
Дайр аро мугбачадин согари мастона керак, Нечаким тутса ани тулдурубон, ёна керак.

Менки бир согар ичиб, чархнн бархам урсам, Бу кухан дайри фаноча манга майхона керак.

Етти дарё суйи май булса бу майхона аро, Лоацал худ бириси сигцуча паймона керак.

Дайр пири бу хароботнипг айвонинда Ацли кулга сабоц ургатгуча фарзона керак.

Даврида мугбачалар хар бири жон олмоцда, Юз Масихога ситам цилгунча жонона керак.

Буйла базм ичра алар хар бириким тутса цадах, Нацди дин бергали бир мен кеби девона керак.

Ким Навоий кеби бу дайр аро тутса ватан, Хушу зухду хираду дин ила бегона керак.

**335**
Хароб цилмади онча менин майи гулранг Ки, цилди орази гулранг бирла социйи шанг.

Не соций улки, анинг ишвасига боцса, булур Хавос лолу, хирад масху рухи нотица данг.

Халок неши анинг гамзасига йуц хамто, Хаёт жавхари лаъли лабига йуц хамнанг.

Киё-циё боциши еткуруб багрига цилич, Кора-цора мужаси еткуруб кунгулга ходанг.

Саводи аъзами куфр ила зулчи зуннорин Ки, топилиб шикану халцасида чину фаранг.

Бу навъ мугбача май тутса дайр аро кишига, Киши эмас, гар анга цолса донишу фарханг.

Навоий улди чу бу соций илгидин сархуш, Не айб, дайрга масжиддин айласа оханг.

**336**
Бошига чунки алиф кескай ул бути бебок, Эмас махаллн таажжуб, гар улса буркида чок.

Гахики маст эгарур бодпо хирад хайли, Борур хавога, цуюн еткач, уйлаким, хошок.

Неким бошимда эди, цуйдум истабон цатлин Ки, осса шахсуворим узилмагай фитрок.

Коши фироцида бахри сиришким андоцдур, Ки, янги ой кемасин чайцатур, уруб кулок.

Тутуб пиёла фарахнок цилгил, эй соций, Меники хажр хумори цилибтурур гамнок.

Магар замон гамидин цочмасун деб ахли ано, Ихота айладн бир-бирининг устида афлок.

Тажалли айласа ул пок юз, десанг аввал, Замиринг ойинасин гайр нацшидин тут пок.

Навоий андуху фурцатда уткариб умре, Агар даме топибон васл доги улса, не бок.

**337**

Тарки ишц эттим, мени ишц ахли хайлидин сурунг, Чицмасам таъну жафо тоши бошимга ёгдурунг.

Балки буйнум боглабон, ушшоц ибрат олгали, Ишц мулки турт бозорида судраб кездурунг.

Буйла расволиг била тортинг бало майдонига, Х,ар уцубат бирлаким, нмкони булгай, ултурунг.

Русса даштидин утун тошиб, тамугдин ут олиб, Солибон мен хомнннг жисмин ул утца куйдурунг.

Чунки кул булдум эсарда хажр дашти сарсари, Овуч-овуч олибон, ул кулни кукка совурунг.

Совурурда дуст жаврин навхам ичра дарж этиб, Дустлар бедоду зулмин хам аёлгу келтурунг.

Буйла холим кургач, эй ишц ахли, хар дам юз бало Етса, ишц отини тутмогдин кунгулнн тиндурунг.

Дустлар, мен ишцини тарк айлаган бадмехрни Бир бахона бирла мен куйган махалга еткурунг.

Гарчи мен булдум фано, боре уятлиг рухума Баднои сайридин жаннат насими эстурунг.

Ишц даштида наво куптур, Навоийдек бирав Ким, кирар анда, ани юз минг балога топшурунг.

**338**
Зихи секрибон чарх узра рахнавардинг, Назар топмайин тутиёлицца гардинг.

Курунуб кавокиб риёхини шабнам, Чу кук гулшанига етиб тоза вардинг.

Учуб етти дузах ути, чунки уммат Гунохин тиларда чициб охи сардинг.

Изингдин цуёш чехра ёрутмагандин, Килиб заъфарон кун узорини зардинг.

Раёхин аро сарви озод янглиг, Курунуб русул хайлида зоти фардинг.

Русул сурмади ломакон узра маркаб, Сен эрдинг бу майдондаким от чицардинг.

Навоий, набий наътижин жамъ цилгил, Паришон эса хотири харзагардинг.

**339**
Булур гахикн гамим шуъласин аён цилсанг, Шарарни шуъла уза нуцталар гумон цилсанг.

Кузум ёруг тилар эрсанг, ёшурма холингни Ки, кур улур куз, агар нуцтасин нихон цилсанг,

Хаданги охим ила, эй фалак, хато цилмай, Коронгу тунда не кавкабником нишон цилсанг.

Илож цилмаки, ботроц куярга ансаб эрур, Таним чинин неча хажрингда нотавон цилсанг.

Куз ичра халца урубтур сиришк улур, эй ишц, Кузум цорасини ул ёшлар ичра хон цилсанг.

Чу жавринг уртади парвонани не суд, эй шамъ, Кесиб сочингни, азоси учун фигои цилсанг.

Кузунгни кунглума андоцки мизбон цилдинг, Юзунгни кузума хам, кош, мехмон цилсанг.

Бу бог гуллари баргида топмас, эй булбул, Димоги мехр иси, юз цатла имтихон цилсанг.

Навоий, айлагасен васл кишварини ватан, Фано йулига кириб, тарки хонумон цилсанг.

**340**
Кора-цора мужа ханжарларин ититмак ишинг, Хаёт нахлини кескан циё-циё боцишинг.

Ишинг бу эрдики, жонимни олгасен, танни Ки, судратурмен эшиктин магар тугонди ишинг.

Зулоли Хизр лабинг ул зулол цатралари
Ки, жола булди узоринг бахори ичра тишинг.

Не гунчасен кунгул охирки елу су ерига, Булубтур оху багир цони бирла парваришинг.

Кузумга цуйдн цадам, вах, утар хаёл айлаб, Олай деса аёг, эй куз цоралари, ёшинг.

Эрур чу дахр бузуг гулхан, ушбу авлоким, Бузугда кечса ёзинг, гулхан ичра утса цишинг.

Навоий, истама элдин жунун иложинким,
Бу телбалик аро йуц ул парийдин узга кишинг.

**341**
Ишва айлаб элга, охимдин таваххум цилмадинг,
Тишлабон лаълингни, жонимга тараххум цилмадинг.

Лаълинг ичра дурларинг шавцида саргарди юзум, Охким, бу заъфарон бирла табассум цилмадинг.

Орзу цилдим хадисинг — айладинг цатлимга хукм, Ул доги эрди ишоратким, такаллум цилмадинг.

Элга жон бермак санга душвор келса, тонг эмас, Сенки то жон олмадинг элдин, танаъум цилмадинг.

Эй кунгул, андинки аввал дуд эрур, андин сунг ут, Ишц аро Фарходу Мажнунга тацаддум цилмадинг.

Эй цазо хукмига ожиз, бу сифат махкум улуб,
Фарц атворида хеч иш жуз тахаккум цилмадинг.

Тушкали ул гулдин, эй булбул, Навоийдек йироц, Райри дилкаш лахну жонпарвар тараннум цилмадинг.

**342**
Бу не хусну ноз эрурким, интихоси йуц анинг, Бир нафас йуцким, кунгулда юз балоси йуц анинг.

Холи хижронида тим-тим ерга томган цон ёшим, Хар бири бир лоласдурким, цороси йуц анинг.

Кунглум андоц тулди цон бирлаки, чицмас ноласи, Бода тулган жом янглигким, садоси йуц анинг.

Зохир этти хаста кунглум ёраси огзида цон, Ким багир хунобидин айру гизоси йуц анинг.

Куллугунг догин цуюб, кунглумни гамдин сотцун ол Ким, бу нацди цалбдин ортуц бахоси йуц анинг.

Ганжи ишратдур аруси дахр васли, охким,
Анбарин зулфидин узга аждахоси йуц анинг.

Хажр уци захмин Навоий богламиш боштин аёц, Йуц эса жисмин ёпар чоглиц лнбоси йуц анинг.

**343**
Тоза дог атрофида жисмимда тим-тим цон курунг, Дарду гам тогида, вах-вах, лолаи нуъмон курунг.

Нафй килганлар цуруг жисмим халоку заъфини, Танга кунглумдин тиралган хар тараф пайкон курунг.

Халц йиглаб туфрогим бошида юз хасрат била, Уцларни хар ен танйм омочида хандон курунг.

Рам туни юммас кузум давринда кирпик хайлини Саф чекиб, кузнинг цорарган холига хайрон курунг.

Ишцин этканлар хавас, ийнак бу тухматдин мени,
Богланиб буйнум фано бозорида, урён курунг.

Чарх бахри нацдини цнлган таманно зарралар, Мехр гаввосин бу игрим ичра саргардон курунг.

Уцларидиндур Навоий жисми мехнат гулбуни, Гуллар нйнак тоза цонлиг догидин хар ён курунг.
**344**

Гар жафо цил, гар вафоким, дилистоним сен менинг, Гар мени ултур вагар тиргузки, жоним сен менинг.

Хохи раъно цад била боргил ёнимдин жилвагар, Хохи кел цошимгаким, сарви равоним сен менинг

Кунглум ичра сенсену ишцинг не дей холим сенга, Чун бу янглиг махрами рози нихоним сен менинг.

Жилва айлаб хар замон, афгону охим цилма айб, Хам сен-уц чун боиси оху фигоним сен менинг.

Лаълидин бир-икки суз мазкур цил, эй хаста жон, Бори бу бир-икки дамким, мехмоним сен менинг.

Телбалардин гарчи рад цилдинг мени, лек англагил Ким, парий рухсоралардин танлагоним сен менинг.

Улди мехрингдин Навоий, бевафо дебсен ани, Эртаги нозук мизожи бадгумоним сен меннинг.

**345**

Бог ичра чу гарм булди бозоринг, Юз
важх ила булди гул харидоринг.

Ё гул чу хаёл цилди йигингни,
Гайратдин анга ут урди рухсоринг.

Каддинг била сарв цилса саркашлик,
Тушкан цуйи боши, курса рафторинг.

Зулфунгким, эрур тугун-тугун гуё, Эл
булди бирин-бирин гирифторинг.

Наргис кеби саргариб асо тутцан,
Куптур цора кузлар ичра беморинг.

Кил бору йуцунг фидоси, эй кунглум,
Гарчи тенг эрур анга йуцингу боринг.

Дединг: сени ултурай — худ ултурди, Йуц
бийми халок, лутфи гуфторинг.

Эй мугбача, куфр тарки журмумга
Буйнумга тацарга яхши зунноринг.

Гар цайтмаса Навоий ултурким, Дайр
эшики чор чубидур доринг.

**346**
Кайси андух утиким, куйган танимга урмадинг, Не бало тошики, синган бошима ёгдурмадинг.

Не ёмон умр эрдиким, келдинг чу заъфим сургали, Айлагунча жон нисори мацдаминг хам турмадинг.

Жон кеби келдинг ва лекин изтиробидин кунгул,
Ултурушцунча доги бошим уза ултурмадинг.

Хар сари муюм забони хол ила ёлбордилар, Му-баму англаб узунгни, бизга хам келтурмадинг.

Чунки чицтинг — чицти жоним, не иёдат эрди бу, Катлим эттинг, хаста жонимга даво еткурмадинг.

Бог аро, эй сарв, хам сарсабзсен, хам сарфароз
Ким, нечукким, настаран бир хасца бош индурмадинг.

Эй Навоий, цилмадинг холи кунгулни гуссадин, То цадахни уйлаким кунглунг тилар тулдурмадинг.

**347**
Ё цошингга цатл учун зийнат фаровон айладинг Ким, хам эттинг ложуварди, хам зарафшон айладинг.

Буйла икки ё учун соз айлабон кирпикдин уц, Еамзалар нешидин ул уцларга пайкон айладинг.

Нацди сабрим гунчадек огзингда цилгандек нихон, Хурдаи ишцингни кунглум ичра пинхон айладинг.

Оллох-оллох, то не фикр эттингки, лаълу гамзадин, Бирни жонбахшу бирини офати жон айладинг.

Гул тукулди, сарв хам елдин тахаррук цилмади, Бог аро то юз очиб, цадни хиромон айладинг.

Не ажаб, эй гул, ичинг цон этса гардун лахт-лахт, Баски, булбул кунглини гунчанг кеби цон айладинг.

Эй Навоий, ёр агар цовдурди андин, англаким, Куйида утган кеча хаддин куп афгон айладинг.

**348**
Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг, Булмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Гул тукулмиш суга, бормиш сарв узидин гуйиё, Чехра очмиш бог аро сарви хиромоним менинг.

Дафъа-дафъа цон аро жисмимдадур бир-бир туган, Лолаедур гуйиё хар дог ила цоним мениикг.

Тилга олмиш телба кунглумни яна хайли рациб, Колмиш итлар огзида мажнуни урёним менинг.

Мен анга хайрону эл минг захм урса бехабар, Бехабар захм ургучилар доги хайроним менинг.

Халцдин пинхон мени маст айла шояд, эй рафиц, Сокин улгай шаммаи бу дарди пинхоним менинг.

Эй Навоий, булмаса бир пири комил химмати, Ул йигит бедодидин йуц махлас имконим менинг.

**349**

Эйки, хусн ахлига нозу шева таълим айладинг, Ишваю ноз айлабон бир-бирга тафхим айладинг.

Хар киши илгига сендин бир дирамдек доги бор Хусни мулки сочицин гуёки тацсим айладинг.

Бизни таъхир эттинг, айларда вафо ушшоцинга Лек жавр огоз цилган чогда тацдим айладинг.

Чун етиштим оллингга, цуптунг вале ултургали, Эй фидо жоним сангаким, яхши таъзим айладинг.

Хажр захрига мени тахсис этпб ахбоб аро, Васл нушин ул жамоат ичра таъмим айладинг.

Хонацах шайхиюю юз минг цайд тиндинг, эй кунгул, Узни чун дайри фано пирига таслим айладинг.

Эй Навоий, йуц харам эхромида эмди цусур, Ким, кунгулга гайрнинг ёдини тахрим айладинг

**350**

Ишц сиррин хажр асири нотавонлардин сурунг, Айш ила ишрат тарицин комронлардин сурунг.

Бизга жуз мехру вафо ойини булмайдур насиб,
Бевафолиг расмини номехрибонлардин сурунг.

Бизни даврон мехнати хам ожиз этмиш, хам цари, Хусн ила цувватни раъно навжувонлардин сурунг.

Бедил эл дилжуйлуц ё дилшиканлик расмини Фахм цилмаслар, бу ишни дилситонлардин сурунг.

Нек ном эл ищц аро бадномлиглар шевасин Яхши бнлмаслар, ани биздек ёмонлардин сурунг.

Фардлиц завцини сурманг шавкату жох ахлидин, Ул суубат лаззатин бехонумонлардин сурунг.

Ажз туфрогида ищц ахлига улган хукми бор, Катл хукми айламакни цахрамонлардин сурунг.

Билмади мацсуди ганжининг нишонин ахли расм, Гар сурарсиз, ани беному нишонлардин сурунг.

Чун Навоий ищц сахросида итти, дустлар, Ани ул ёндин етишган корвонлардин сурунг.

**351**
Дустлар, гулшан аро сарви равонимни тиланг, Топибон келтурсангиз, муздига жонимни тиланг.

Буки бедиллигдин улгумдир, иложимни тилаб, Чунки топмайсиз, бошимга дилситоннмни тиланг.

Булгуча номехрибоним фурцатида мехрибон, Мехрибонлиг айлабон номехрибонимни тиланг.

Не тиларсиз телбараб иткан кунгулни бог аро, Куйида девонаи бехонумонимни тиланг.

Катлим истар душманим хижронидур, гар билсангиз Улганимни хажридин, зинхор цонимни тиланг.

Огзи хажридин агар булсам адам, зипхорким, Бенишонлиг кишвари сари нишонимнн тиланг.

Эй харобот ахли, етмайдур цадахдин нашъае, Ул хароботий харифи нуктадонимни тиланг.

Совуса Фарходу Мажнун циссасидин кунглунгуз, Бас, менинг ищц ичра утлуц достонимни тинланг.

Чун Навоий улди гамдин, эй ситамгарлар, не суд, Жони зорим йуцса, жисми нотавонимни тиланг.

**352**

Килмади васл ичра бедод узра бедодинг сенинг, Улча цилди фурцатингда дам-бадам ёдинг сеннинг.

Кайси сохирким дедиким, Сомирий шогирдимен, Деди гамзангким, эрур шогирдим устодинг сенинг,

Англа Шириниким, не сен маъшуцлуцда онча сен, Не бор эрди менча ошицликда Фарходинг сенинг.

Соя эрмас, богбонким, гулрухум цаддин куруб, Озибон хуши, йицилмиш сарви озодинг сенинг.

Уйцуга итлар уни гар мониъ эрди, эй кунгул, Эмди цуймас уйцуга итларни фарёдинг сенинг.

Чун фано матлуб эрур соликка бил, эй шайхким, Куфр эрур зухди риёйи ичра иршодинг сенинг.

Эй Навоий, мехнату гамдин цочар булсанг, керак Булса майлиг танг, су цурси газак зодинг сенинг.

**353**

Шоми хажрим курдунг, аммо зулм таркин тутмадинг, Ваъдаи шамъи висол эттинг, вале ёрутмадинг.

Ваъдаиваслинг илиг бергай деб ашким булди бахр, Чунким ул дарё аро гарц улдум — илгим тутмадинг.

Васл нушидин кунгулни цилмадинг бир лахза хуш, Хажр захри биймидин юз цатла то цурцутмадинг.

Оташин гул гунчасидек уртадинг кунглумни, лек Очибон ани насими васлдин, совутмадинг.

Донаи ашкимгаким ром улди хижрон цушлари, Эй кунгул, бир кун фигонингдин ани уркутмадинг.

Хаста кунглумким, гаму хуноба цилдинг цисмати, Бу гизою шарбат ул бемордин уксутмадинг.

Водаи васлин ганимат тут, Навоий, зинхор
Ким, не цонларким, бу гулгун суни истаб, ютмадинг.

**354**

Яна ишц утин хаста жонимга урдунг, Бало
барцини хонумонимга урдунг.

Фано шуъласин зор кунглумга солдинг,
Шарорин тани нотавонимга урдунг.

Кизил хошия диклайингда эмаским, Этак
цатл этар чогда цонимга урдунг.

Фатила эди анда пайкони мархам, Каю
уцки, захми нихонимга урдунг.

Яна ёнима етти филхол рохат, Агар
тиги бедод ёнимга урдунг.

Ушалсун дебон нахли уммидим, эй ашк,
Ажаб жолалар бустонимга урдунг.

Куруб бошта захмим деди, эй Навоий,
Магар гам туни остонимга урдунг.

**355**
Жон олурда жисм зор эрканни билмасму эдинг! Кон
тукарда жон фигор эрканни билмасму эдинг!

Нола журми бирлаким, жонимни олдинг, нолишим
Сенсизин беихтиёр эрканин билмасму эднng!

Килдинг эл мехрин санад цатлимга, йуцса жон аро, Сирри
ишцинг устивор эрканни билмасму эдинг!

Тухмати бемехрлиг цилдингки, билгач улгамен, Йуцса,
мехринг жонга ёр эрканин билмасму эдинг!

Васлинга еткурмаган зулм эрди, вах, йуцса кунгул
Фурцатингдин бецарор эрканни билмасму эдинг!

Ошиц улдунг, эй кунгул, цилма фигон бедодидин, Ишц
аро юз мунча бор эрканни билмасму эдинг!

Эй Навоий, гар кунгул ишцингни ёйди, тонг эмас, Нуктаси
девонавор эрканни билмасму эдинг!

**356**
Нигор эркин буким, бармогларингдин ошкор эттинг, Ваё
оц килкларни зеб учун нацшу нигор эттинг.

Юзунгда хол гавгоси аро гулгуна зебидин,
Кузунг жайронлари уйнарга гуё лолазор эттинг.

Шах улдунг, эй махи махмилнишин, шахринг сенинг урду, Бу маънидин саропардангни теграngда хисор эттинг.

Магар цонлиг кунгулнинг цушларидур ёндошиб учцан, Тунунгда тугмаким, ёцути ахмардин цатор эттинг.

Кунгулларнинг цорарган рузгори чун сочинг эрди, Тараб ани, кунгулларни паришонрузгор эттинг.

Юнгин юлган кабутардек бари ажзоси кунглумнинг Тушуклардур, магар игнанг била ани фигор эттинг.

Магар гулранг майдин эрди ё гулгунадин буким, Юзунгни гулгул айлаб, кунглум ичра хор-хор эттинг.

Нетиб кунгли цуши чиццай Навоийнинг сочингдинким, Чу сен ул турга буйнин, аёгин устувор эттинг.

**357**
Дуди охимнинг цуюидек печ ила тобин курунг, Тийра хажрим оцшомининг бахри гирдобин курунг.

Кушким ул ойдин кетурмиш нома, хар тирногидин, Чоклар булган кунгул элтурга цуллобин курунг.

Хиндуни сохирдурур даври занахдонида хол, Тавци габгаб шаклидин бир акси мехробин курунг.

Ишц ути тугённдин жонимки, булмиш ташналаб, Дафъига ул ойнинг икки лаъли серобин курунг.

Олмаган булса чучук жоним лаби бирла кузи, Хам шакархандига боцинг, хам шакархобин курунг,

Солики махрумким, матлубидин тулмиш жахон, Оллох-оллох, жонин уртар дарди ноёбин курунг.

Ёр куйин истаб, узлукдин Навоий булди фард, Каъба эхромига истиъдоду асбобин курунг.

**358**
Булди цотил куз била зулфи сияхкори анинг, Кофири мастеки, бир ён тушти зуннори анинг.

Истасанг Лайлию Мажнун хусну ишцидин мисол, Мен назиримен мунунг, ёрим намудори анинг.

Курди ул гул хажридин кунглум шикофин андалиб,
Билмон, афгон цилди ё чок улди минцори анинг.

Куйма мархам тиги захмига кунгулда, эй рафиц, Чицса жон хам, чицмасун кунглумдин озори анинг.

Куксум узра доглар буйнумда зулфи торидур, Токи мушкин риштага тортилди тумори анинг.

Куйма цасринг соясиндаким, бу оху ашкдин Хам цора булдию хам нам чекти девори анинг.

Дайр куйининг гадойименки, олам шохидур
Мастлиг вацтида бир ошуфта хуммори
анинг.

Жом тутким, тархини цилган замон наццоши сунъ, Килди гам нацшини хориж даври паргори анинг.

Эй Навоий, лаъли жонбахши манга булса насиб, Тонг эмас, хар лахза юз жон цилсам ийсори анинг.

**359**
Яна, эй ишц, гули рухсорин ошуби чаман цилдинг, Хазин булбул танига хар биридин бир тикан цилдинг.

Кунгулни телба айлаб цайдига хар ён оцар судин, Чаман занжири гесусинда юз чину шикан цилдинг.

Сахоб атфоли жола тошларин ёгдургали, эй гул,
Парий янглиг зухур айлаб, жунун булбулга фан цилдинг.

Раёхин хайлини чекмакка ер зиндонидин гуё, Булут айёридин хар цатра торин бир расан цилдинг.

Нихоли гул нишиман гулшан эттинг гуйи, эй булбул, Фироц ичра тикандин бистару хасдин ватан цилдинг.

Юзунг шамъида шабнам, йуцса тердур, социё, вахким, Ул анжумдин шабистон ичра цатли анжуман цилдинг.

Чаманда маст елдин, вахки, хар ён хам булур гулдек,
Замоне жилва айлаб, бизни расвойи заман цилдинг.

Улук деб ужбдин зохид анга хилватни гур айлаб, Хамоно пардаи пиндорин, эй гардун, кафан цилдинг.

Навоий, цайда гам сайли яна кунглунг уйин бузгай Ки, айларда иморат анда балчици дурддан цилдинг.

**360**

Латофат ойи ул юз, шоми савдо сунбули тобинг, Соч узра гарди яздий меъжар ул шом узра махтобинг.

Кунгуллар хайлига хуш-хуш кирарга шохрох улмиш, Тарог чеккан замон йул-йулки булди сунбулн нобинг.

Безарда оразинг машшота хайвон чашмаси ичра, Тушуб гулгуна гулгун цилмиш, эрмас лаъли серобинг.

Ипакларким, эшиисен жисмлар захми учун гуё, Муцайяд цилгали жонлар цушин хам улдур асбобинг.

Улусни саждага таргиб этарга Хизри рах булди, Демасмен вусмалиц цошингки, миноранг мехробинг.

Учи хам игна бирла куз дуосин бощца осцандин, Ёмон куз тегмасун, булди кунгул чекмакка цуллобинг.

Кетургил раз цизин, соций, муганний, нагмае тузгил Ки, ул куктин кетургай Зухрани афгонга мизробинг.

Туну кун жилва цилма, эй аруси дахр, билмишмен
Ки, мехнат субхи булмиш цоцумунг, гам шоми синжобинг.

Навоий, офият истар эсанг, цуй дахр золинким, Хариф эрмастур ул маккорага бу жисми бетобинг.

**361**

Гулрухеким, жон ародур хор уза хори
анинг, Хор-хоридиндур озор узра озори
анинг.

Уйла зулфунгдин муцайяддур кунгулким, дегасен, Юз тугун солмиш бу цуш болига хар тори анинг.

Курса вайроним цаёндин эл йицилгай, согинур
Ичкари емрулгудектур гарчи девори анинг.

Тарх цилганда узоринг даврини наццоши
сунъ, Тенг эмиш хуршид даври бирла
паргори анинг.

Дема огзи васфида суз деки, махсус улмамиш,
Не узини вахм аро харгиз намудори анинг.

Васлдин улким асар истар талаб водийсида,
Топцай ар топилмагай хижрондин осори анинг.

Не хумоюн ердур, эй солик хароботи фано,
Ким бацо важхин курар, жон ичра хаммори анинг.

Ким вафолиг ёр курди, хуррам улсун ошици, Ким вафо
цилгай жафогарликда бир ёри анинг.

Сиххат улгайму Навоийгаки, юз дилхастани,
Кечалар уйцуга цуймас нолаи зори анинг.

**362**
Дустлар, гар дуст цатлим истар улса, ултурунг, Сиз агар
рахм этсангиз, душманларимга топшурунг.

Истаса юз хажр ути жонимга етмак, ишцида Будурур
комим дебон, арзига анинг еткурунг.

Гулшани умрумни вайрон истаса, эй дарду ишц, Анда хар
кому фарогат нахли булса, синдурунг.

Келмаса цасри хаётим кунглуга хуш, ёнчибон, Зулм
тошин ёгдуруб, гардунга гардин совурунг.

Бу жафолардин кечиб кунгли вафога цилса, майл, Зинхор
ул муждани жоним боринда келтурунг.

Кимсага берманг кунгул, гар берсангиз, эй ахли ишц,
Райри гар худ жон эрур, тан мулкидин ании сурунг.

Чун Навоий айлади ишцу фано даштига азм, Кайтиб, эй
дарду бало, тенгрига ани топшурунг.

**363**
Катъ цилгунча риё дашти аро юз минг олонг, Ташлаб
узлукни, цадам дайри фано жониби монг.

Ишц саргаштаси сайрига не хожат маркаб,
Пуя цилмасму цуюннинг аёги булса ялонг.

Кулли мацсудга ул етти бу йул сайринда Ким,
тобонига тикан булди яна бир ултонг.

Хонацах шайхидин эл сирри фано англамади,
Дайр нири ани хуб англатур элга, англанг.

Куп совуглуц керак улмоцца кунгул махзи риё, Бахр муз
богламагай, бу юзини тутмаса сонг.

Чунки новмид эмас рахматидин габру жухуд,
Журму исён била бизга бу умид улса, не тонг.

Чиц, Навоий, царидинг, хурмат ила майкададин,
Судратурлар, киши чицмаслиг этиб булса цошонг.

## ЛОМ ХАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «ФАВОЙИД»ДИН 364

Ишцини тарк эт дединг, хуршиди рахшондурму ул,
Хуснидин, дерсенки туйгил, мохи Канъондурму ул?

Юз цуёшида берур жон элга лаъли, эй Хизр, Истама
зулмати зулфин, оби хайвондурму ул?

Онсиз эрмасмен замоне, лек ул пайдо эмас, Вахки, билмон ё
кунгул, ё жонда пинхондурму ул?

Кузлари цатл айлар ислом ахлин, эй гофил кунгул, Рахмким
андин тамаъ цилдинг, мусулмондурму ул?

Бахри ашким ичра, эй гаввоским, йигдинг гухар, Буки
цаърин истадинг, дарёйи Уммондурму ул?

Тутти бир тог гушасин Фарход, ани мендек деманг, Хажр
даштида алохону аломондурму ул?

Вахшу тайр улмиш рамида мендину Мажнунга ром, Мен
кеби девонани расвои нодондурму ул?

Кунглума онсиз бир утдурким, ёмон уртар мени, Англамон,
дузах ути ё сузи хижрондурму ул?

Чарх кунглум гулшанида очти мухлик гунча куп,
Еунчадурму, йуцса, захролуд пайкондурму ул?

Дахр базмида, дамо-дам социйи даврон тутар, Бода, билмон,
лаългун майдурму ё цондурму ул?

Эй Навоий, дардлиг ноланг цилур элнн халок,
Айтцил, сури циёмат, йуцса афгондурму ул?

Ёр цутлуг юзидин цолди чу махрум кунгул, То
нелар бошима келтургусидур шум кунгул.

Ёр борди, кунгул андин бурун итти гуё,
Бир нима ёрдин айлаб эди маълум кунгул.

Давр зулм айлару, давр ахлию давр офати хам, Неча
золимга асир улгуси мазлум кунгул.

Рахмат ул кофири цотилгаки, бедод чоги, Рахм цилмас,
нечаким, бор эса мархум кунгул.

Гунча огзи аро вахм этса ул ойнинг огзин,
Топцуси доираи нуцтаи мавхум кунгул.

Куп вафо истадию топмади элдин гуё, Ким,
вафодек узини айлади маъдум кунгул.

Ёр мавзун цади васфида Навоий янглиг, Назм
жавхарларини цилгуси манзум кунгул.

**366**
Туну кун ул ой хаёли бирла мен ошуфтахол, Бир
хаёл айлаб мени шайдою элга юз хаёл.

Тонгдин оцшомгача гам тогин цозиб Фарходваш, Кеча
тонг отцунча дашт узра озиб Мажнун мисол.

Олам ахли оху нолам истимоъидин малул,
Кунглума олам эли бедоду зулмидин малол.

Килмаган журмумга, тортиб чарх тиги интицом, Бу
балога чора топмоцца топилмай эхтимол.

Мен балокашмен, манга базм ичра хижрон захри бас,
Социё, айшу нашот ахлига тут жоми висол.

Мехр расмин, эй кунгул, даврон элидин истама, Ул
цуёшца негаким етмай камол, улмиш завол.

Гар Навоий телбараб жаврингдин итти, эй парий, Ул
нечаким ишц аро борди ёмон, сен яхши цол.

**367**
Куймагим кур, ишц утининг иштиолин сурмагил,
Улмаким боц, хажрининг дарду малолин сурмагил.

Демагилким, ул парий хажринда кунглунг холи не,
Телбаким гам даштида барц урди, холин сурмагил.

Эйки, дерсен: хажр заъфида хаёлинг не экин, Заъфдин
улким, хаёл улди, хаёлин сурмагил.

Хажр юз утлош бало зиндонига солмиш мени, Буйла
махбасдин цутулмоц эхтимолин сурмагил.

Мен улуб лабташнаю лаъли лабинг оби хаёт, Бу гадо
комин берур булсанг, саволин сурмагил.

Ишц дашти ичра иткондин хабар маълум эмас,
Ул тараф овора булганнинг маолин сурмагил.

Васл уммиди бирла юзланди Навоий куйинга, Катл
цилсанг —цилгил, уммиди мухолин сурмагил.

**368**

Сен эдинг кунглум аро, хар нсча чок эттим кунгул,
Еунчадекким, хар цаён очилди —зохир булди гул.

Кукси ичра оташин гул гунчасининг нацшидур, Булбули
бедилга гуёким эмас утлуг кунгул.

Бу чамандин ел учуруб гулни, булбул цолгани Рост
андоцтурки цолгай, чунки шуъла учса, кул.

Кон ютуб бир гул гамидин улганим ёд айласун, Гул чоги
хар кимки, бир гулрух элидин ичса мул.

Ой ила хуршид ато бирла апо булса санга, Кул додакдин
хосил улгандек турур мирзо угул.

Сайли ашкимдин утарга ожиз улсанг кескамен
Боги умрин шохсорин цилгали омода пул.

Эй Навоий, сен не хад бирла анга цул булгасен Ким,
беганмас айламакка Юсуфи мисрийни цул.

**369**

Тарки ищцин цилгали жон булди жонондин хижил,
Куз кунгулдин, бал кунгул хам кунглум олгандин хижил.

Новакинг еткач улук жисмимга, топтим инфиол, Нацдсиз
андоцки топцай узни мехмондин хижил.

Дину имонимни торож этти аммо бормен,

Эй мусулмонлар, хануз ул номусулмондин хижил.

Хажрида кур улмаган кузни цизартур цон ёшим. Не цизормоцтурки, эрмас дарди хижрондин хижил.

Не учун Фарходу Мажнун тогу дашт айлар ватан, Гар эмаслар мен алохону аломондин хижил?!

Дуст лутфи булмаса, дузах манга юз цатла хайф, Буйлаким махшарга киргум журму исёндин хижил.

Кундуз ул куй ичра топилмас Навоийким, эрур, Кеча тонг отцунча чеккан оху афгондин хижил.

**370**

Хам жахоноро жамолидин гули раъно хижил, Хам гули раъносидин «Боги жахоноро» хижил.

Онча бор ул куй аро расволигимким, булмишам, Барча расволар аро мен телбаи расво хижил.

Нега итмишлар Масиху Хизр агар цилмайдурур, Бирни рухафзо лаби, бирни хати хузро хижил.

Тиг ул цотил сурардаким тушар бошим цуйи, Мен циличидин хижилмен, ул эмас цатъо хижил.

Демангиз, оллида васли муддаосин айтким, Ё малул улмоц керак бу муддаодин, ё хижил.

Булди рухуллах бу эски дайрдин улвий хиром, Не учунким, цон тукардин булмас ул тарсо хижил.

Чун Навоий улмади сенсиз, хижолат ичрадур, Йуцса сиххатдин эмас ул бедили шайдо хижил.

**371**

Кирди туфроцца хилол, очти тулун ойга жамол, Ун тулун ойнинг цирогидин чу олдинг ун хилол.

Су била шамъ учини хар лахза олдинг — ёруди, Шуълани гарчи су бирла равшан этмакдур махол.

Елни тез айлабки, утдин су чицардинг — турфадур, Лек туфроги анинг кузларга берди иктихол.

Йуцдин эттинг бор хар дам юз Масихи рухбахш, Лек унсурдин мужаррад барчаси жавхармисол.

Турфадурким, ут аро эктинг нихолу куймади,
Турфароцким, очти гул, гарчи ханданг эрдн нихол.

Куз алам тулгандаким, куз тутмак улмас жуз алам,
Ани тутцилким, алам хайлини айлар поймол.

Бу газалнинг мацтаъин матлаъ хаёл этган киши, Эй
Навоий, шояд эткай фахм сен цилган хаёл.

**372**
Ёр хажри хохи бир кун, хох юз йил, эй кунгул, Захрдин
бир цатраю дарёни тенг бил, эй кунгул.

Чунки онсиз улгунг, ушбу дамки айрилмоццадур, Бори ул
оразга улгунча назар цил, эй кунгул.

Хар цаён борса, чу ул цотилдин айрилмас рациб, Хох сен
цотил анга, хох андин айрил, эй кунгул.

Ою йил девонаю маст улмогингдин туймадинг, Йилчилай
ул ой борур, бир лахза айил, эй кунгул.

Ошиц улса шоху маъшуци гадо лозимдурур, Ул ниёз
этмас аён бу ноз билгил, эй кунгул.

Аждахолар ишц даштида кирардиндур забун, Ут
тутошубтур бу водий нчра — ёнгил, эй кунгул.

Ишц тиги гар Навоий куксини чок айлади, Улмайин
неткунг дурур, бир лахза очил, эй кунгул.

**373**
Ёглигин эйким, тикарсен, игна мужгонимни цил, Нацш
этарда тори анинг риштаи жонимни цил.

Истасанг торин цизил ёхуд цора цилмоцца ранг, Куз
цорасин хал цилиб, куздин оцар цонимни цил.

Гар десанг хар ён цизил гуллар цилай нусхат анга, Куксим
очиб, тоза цонлиг доги хижронимни цил.

Гунчалар гул ёнида тикмак тахайюл айласанг, Анга
нусхат кунгул отлиг зори хайронимни цил.

Гар десанг хар ён парий шакли намудор айлайин, Вах, не
навъ айтай, вале манзур жононимни цил.

Килсанг ул ёглиг аро бир шеър хам ёзмоц хавас, Анда хар ён нацш бу назми паришонимни цил.

Эй Навоий, кимки бу ёглицни тикса ёр учун, Музди жоним жавхарию нацди имонимни цил.

**374**

Яна фироцида хар кун эрур манга юз йил, Валек хар кечасин неча кундин ортуц бил.

Десангки ултурайин, эй фироц, жисмимни Чу заъфдин топа олманг, улук тасаввур цил.

Мен улдум, эй кунгул, ул дилрабодин айрилма, Гар андин узга севар жонинг улсаким, айрил.

Танимни гарчи гаминг тиги этти юз пора, Бу шукр адосига хар бирни, истарам, бир тил.

Еамингда лола кеби чок кунглаким булмиш, Фироц дудию куз цонидин цораю цизил.

Чу топмогунг бу чаман гунчаю гулида вафо, Тукулма гунча кеби, лек гул масаллик очил.

Навоиё, нега афлок муртафиъ булмиш, Агар гамимдин эмас, вазн каффасида енгил!

**375**

Эй, цадинг шамъу юзунг шамъ уза гул, Шамънинг дуди муанбар кокул.

Дам-бадам ичмас эсанг гулгун май, Не учун оразинг улмиш гулгул.

Юзда холи лабинг ул хинду эрур Ким, нчар хирмани гул устида мул.

Менгаким ул цад ила зулф керак, Нетайин савсану найлай сунбул.

Оташин гулга вафо чун йуц эмиш, Узни куп уртамагил, эй булбул.

Оцибат ерга кирарсен гар худ, Булса кук атласи рахшинг уза жул.

Эй Навоий, цадам урмоц булмас, Рахнамой
улмаса ходийи субул.

**376**
Азм улса хаёлингга, кунгулдур анга махмил, Осойиш агар истаса, куз чашмаси манзил.

Эй ишц, нетиб ул цора кузни курайинким, Кузнинг цорасин хажрида ашк айлади зойил.

То булди сенинг хуснунга ошиц уза ошиц,
Иш булди менинг кунглума машкил уза мушкил.

Ул куз олур эл жонин угурлуц била, вахким, Боцмас бу тараф, тутсам узумни неча гофил.

Ёди била бехушлугум дафъини цилманг, Деворидин ул куйнинг ар булмаса кахгил.

Эй мугбача, ошицмену дурдикаш, этиб рахм, Не юзунга, не жомга цил пардани хойил.

Узлукни фано утига куйдурди Навоий Ким, савмаадин хориж эрур дайрга дохил.

**377**
Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул, Шайтондур узи, мажлисининг ахли сурук гул.

Еафлатдин агар ваъз ила уйготсалар элни, Ул айлар уютмоц учун афсонага машгул.

Боштин аёги минбарининг пояси достон, Хам узию хам маърифати жохилу мажхул.

Курмай хирад асхобида бир фардни оцил, Топмай киши афсунида бир нуктани маъцул.

Хар неки хадис оти цуюб, барчаси мавзуъ, Нацлики машойихдин этиб, бориси мажхул.

Юз пора цилиб, минбари ут ёццали авло, Бу шарт илаким, булса узи цотилу мацтул.

Иблис сифат эл сари майл этма, Навоий, То булмагасен зарцу риё цайдида маълул.

**378**

Кон ёшим ичра таним тулганганин наззора цил, Лолазор ичра йилон гар курмадинг, ут узра цил.

Бодадинму эркин, усрук кузларингнинг хумрати, Ё узоринг ути тобидин булубтурлар цизил.

Кунглум ичра хар яра огзида пайконинг учи,
Келди дардинг лаззатининг шукрини айтурга тил.

То тушубмен ул узору икки гесу хажрига,
Эй цуёш, рахм айлаким, булмиш, бир ою икки йил.

Догима андоза мархамлиц момугдин истаган, Кунглум ичра буйла хар ён доги беандоза бил.

Дахр бустонида чун йуцтур вафое, эй кунгул, Лоладек гулгун цадах тут, гунчадек бир дам очил.

Илтифотинг озидин итти Навоий телбариб, Эй парий, бир хам бу Мажнунга парво айлагил.

**379**
Ул цуёш огзи уза мушкин хол, Зарранинг
нуцтасидин келди мисол.

Гар равондур не тонг ул цадки, эрур, Рух
сарчашмасида тоза нихол.

Рахш хар ёнки сурар ул чобук,
Югурур теграсида пайки хаёл.

Чобукумнинг отининг наъли эмас, Тушти
шабранг аёгига хилол.

Еунча огзики такаллум цилмас, Ул
огиз гунчаси цилмиш ани лол.

Хажрнинг чораси бехудлуг эмиш, Социё,
жом кетур моломол.

То Навоийдек улай ани ичиб, Масту
Мажнун сифату шефтахол.

**380**
Ул парий чехра чу кургузса жамол мацбул, Курган
эмастурур уз ацлига цолмоц маъцул.

Суртулуб юзга, агар етса димогимга иси, Мени
ул зулф таноби била цилгил мацтул.

Истасанг дахрда минг телба кунгул саргардон,
Халца-халца расани зулфидин очгил маргул.

Хотирим ики жахон машгулидин улмиш фориг, Дуст ёди
била то кунглум улубтур машгул.

Бодаи лаъли лабинг цонима берди тахлил, Катл
эмиш хосияти, лаълки булгай махлул.

Вахки, мацсудни маълум этайин деб умре,
Бир саримуй эмастурки, эмастур, мажхул.

Гар Навоий деса бут васфини такфир этманг,
Дайр пиридин эрур буйла ривоят манцул.

**381**
Нолани хар нечаким элдин нихон айлар кунгул, Сени
согингач яна бехуд фигон айлар кунгул.

Хар нечаким ёшурурмен рози ишцинг халц аро, Бир
махалсиз ох ила борин аён айлар кунгул.

Май тарашшух айлагандек чок булган шишадин,
Захмидин хунобасин хар дам равон айлар кунгул.

Касд этар кунглумки, олгай лабларингдин коми дил,
Эмди тахциц айладимким, цасди жон айлар кунгул.

Куз курар юзунгнию кунглум мени расво цилур, Зор этар
кунглумни куз, багримни цон айлар кунгул.

Шуълаи кукурд кургузди цазо куйдургали,
Дарди ишц ахлин буким гардун гумон айлар кунгул.

Эй Навоий, аввал ул номехрибонга учратур, Кимниким
мен бенаводек нотавон айлар кунгул.

**382**
Юзи ойина цилди кузгуни ул сиймбар хойил,
Анингдекким, цуёш рухсорига булгай цамар хойил.

Ул утлуц юзни цилмоц зарварац пинхон эмас мумкин, Не
имкондур курарга шуълани булмоц шарар хойил.

Курунмас зор кунглум жахд этиб пайконларинг ичра,
Магар ул цушца булмиш касрати барги шажар хойил.

Суни андоцки ёпцай сафха-сафха, барги гул тушкач,
Ёшимга пора-пора булмиш ажзойи жигар хойил.

Сочингга гарди яздий меъжаринг хойил була олгай, Була
олса саводи шом уза шабнам агар хойил.

Сафардур мужиби хирмони дийдор ахли шавц ичра,
Хамоно васл хуршидигадур гарди сафар хойил.

Юзунгни оч, агар худ риштаи жондиндурур бурцаъ,
Бериб жон истамас дийдорга ахли назар хойил.

Дема соликка хойил не экин мацсуд васлидин, Эрур ацлу,
хису дунёю уцбо сарбасар хойил.

Десангким, узлугумдин узга хойил борму жононга,
Булурму, эй Навоий, ишц аро мунднн батар хойил.

**383**
Эй мусаввир, дилбаримга сурате монанд цил,
Курмакидин хотиримни гах-гахе хурсанд цил.

Ул харир узраки тарх эткунгдурур тимсолини, Сигмаса,
зайлига жоним пардасин пайванд цил.

Булмасун бу туъмадин махрум ул куй итлари, Эй ажал,
тацсим учун багримни юз парканд цил.

Ул парийваш чицти усрук секретиб кунглакча, вой,
Носихо, девона булдум, эмди тарки панд цил.

Лаъли шириндинки цилдинг айшни жонимга талх, Неча
аччиг суз демак, бир цатла шаккарханд цил.

Жоми Жамнинг рохи Афридун йилони захридур, Эй
кунгул, узни сафоли фацр ила хурсанд цил.

Хожати будур Навоийнинг, худоёким, ани Мугбача
хуснига муг дайрида хожатманд цил.

**384**
Захмлиц куксумни гайрат тиги бирла чок цил, Хам ушул
су бирла гайридин кунгулни пок цил.

Ламъаи рухсоридин, эй ишц, куймакдур ишим, Нотавон жисмимни гар худ хийма, гар хошок цил.

Буйла утким мендадур, андин фузун имкон эмас, Дам била тез айла ёхуд юзни оташнок цил.

Еайрга шояд губорим хойил улгай кургали, Куйида, эй ишц, хасрат бирла жисмим хок цил.

Маст чицмиш тиг ила ахли назар цатли учун,
Эй кунгул, наззораи ул цотили бебок цил.

Хар не кукдин келса бул туфрогдек хойил магар,
Нописандинг булса, манъи гардиши афлок цил.

Эй Навоий, ишц утининг шуъласи чицсун десанг,
Кунглакинг чоки не осиг, кукрагингни чок цил.

**385**
Лаъли жонбахшики элга жон берур, жонимдур ул, Улки мундоц лаб била дер нукта, жононимдур ул.

Васл шоми ул цаду юз даврида парвонавор, Чеврулуб куйсам не тонг, шамъи шабистонимдир ул.

Нуктаи мавхум эмас кунглумда огзинг ёдидин Ким, бу хунин гунча ичра доги пинхонимдур ул.

Итларингга туъмадур багрим ва лекин цулларин Улки рангин айламиш хинно кеби — цонимдур ул.

Деб эмпшсен, тарки ищцим айла, ё ул хажр аро, Мунда улсам хам улай, лекин не имконимдур ул.

Эйки курдунг хажр зиндонида бир цонлиг асир, Нотавон кунглум бу, лекин байтул ахзонимдур ул.

Хусраве курсангки, ашъорим уцуб холат цилур, Эй Навоий, англаким, шохи сухандонимдур ул.

**386**
Айтаолмонким, мени овора бирла ёр бул, Гарчи йуц цилдинг мени ул куйдин, сен бор бул,

Мен агар бар топмадим сенсиз хаётим шохидин, Нахли умрунгдин сен, эй бадмехр, бархурдор бул.

Чун мени гам тигидин цатл айладинг, не суд, агар
Мотамимдин гам егил, ё узгага гамхор бул.

Эй кунгул, ул умр хажри чун бу янглиг саъб эрур, Гар
цутулсанг жон бериб, жон бирла миннатдор бул.

Ул цуёшнинг куйидин, эйким, тиларсен чицмасанг,
Хоксор анда нечукким, сояи девор бул.

То тириксен, истасанг хушвацтлиг, эй майпараст, То
тулар паймона, муг дайрида хизматкор бул.
Эй Навоий, гар тилар ул шух озоринг сенинг, Ким деб
эрдиким, вафосиз элга мундоц зор бул.

**337**
Вахки, бу бедил гамингдин улди, эй дилхох, кел, Эй
кунгул, сен догн ул дилхох ила хамрох кел.

Мумкин эрмас огзим ичра кел демакдин узга суз, Гарчи ёр
оллида тенгдур хохи тур де, хох кел.

Гарчи дардимга даво цилгунг йуц, аммо хажр аро, Асру
цаттиц холатимдин булгали огох кел.

Уйлаким том рахнасидин ой тушар вайронага, Чок
куксумдин бузуг кунглум аро, эй мох, кел.

Ох утин дедингки паст айлай зилоли васл ила, Бу
нафаским шуъласин гардунга чекмиш, ох, кел.

Бир цадах берсанг, цуярмен бутца юз, эй пири дайр,
Иккисин олиб, бошимга хасбатахуллоху, кел.

Гарчи келмай-келмай ултурдунг Навоийни валек, Эй
Масих, анинг мазори бошига гах-гох кел.

**388**
Хилъатин то айламиш жонон цизил, сариг, яшил, Шуълаи
охим чицар хар ён цизил, сариг, яшил.

Гулшан эттим ишц сахросин самуми охдин Ким, эсар ул
дашт аро хар ён цизил, сариг, яшил.

Шишадек кунглумдадур гулзори хуснунг ёдидин,
Тобдоннинг аксидек алвон цизил, сариг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур Кузларимнинг олдида даврон цизил, сариг, яшил.

Лаългун май тутцил олтун жом бирла сабзада Ким, булардин яхши йуц имкон цизил, сариг, яшил.

Фацр аро беранглик душвор эрур бехад, валек Хирцада тикмак эрур осон цизил, сариг, яшил.

Эй Навоий, олтину, шингарфу зантор истама, Булди назминг рангидий девон цизил, сариг, яшил.

**389**

Жону кунглум баски курди ахли даврондин малол,
Жонима булмиш кунгулдин, кунглума жондин малол.

Бу иков басксим малол изхор айларлар, булур
Хам манга мундин малол, алцисса хам андин малол.

Улки оламдин малул улгай, элидин хам эрур, Кимга зиндондин малолат, ахли зиндондин малол.

Кимса бирла ошно булмонки, ногах, эй рафиц, Бир кишига булмагай мен зори хайрондин малол.

Дашт аро хам истамон хамдамки, ногах булмагай,
Еулларга бу алохону аломондин малол.

Хар неча цилдим вафо, жуз бенафолиг курмадим, Не ажаб кунглумга булса навъи инсондин малол.

Социё, то мумкин улгай жомима цуй бодаким, Дахр элидин хотиримга утти имкондин малол.

То булай ул навъ усрукким, шуурум булмагай, Мехнати куп кунглума юз цуйса хар ёндин малол.

Гар Навоий жони куйгандин бу сузлар дер, вале Жон малол урнига курмас, етса жонондин малол.

**390**

Олгали кунглум миниб бир барц рафтор от, кел, Гар менинг кунглум керактур барцдин хам бот кел.

Мен киму васлинг хаёли истамак, вахким, манга Барча гар бир курмагу улмактурур, хайхот, кел.

Деб эдинг: бошингга бир кун еткум андоцким цуёш, Мехр лофин гар тиларсен айламак исбот, кел.

Борганингдин айру эрди бир-биридин жону тан, Келмакингдин жону танни бир-бирига цот, кел.

Рузгорим тийра айлаб, шоми хажр ултургуси, Эй хаётим шамъи, дафъ айларга бу зулмот, кел.

Зухд ила жоннмга еттим, эй кунгул, гар дайр аро
Бартараф цилмоц тиларсен товбаю томот, кел.

Дарди хажрингдин Навоий телбарабтур, эй парий, Гар эшитмак истасанг девонавор абёт, кел.

**391**

Тиги хажрингдин эрур юз яра ношод кунгул, Килса тонг
йуц ул огизлар била фарёд кунгул.

Эй кунгул, ишц аро гар гамлиц эсанг, бок эрмас, Кайда
ишц ахли аро топти бирав шод кунгул.

Гар юзунг шуъласидин куйди доги кул булди, Лек булди
менинг охим била барбод кунгул.

Бошогингнинг темурин теша ясаб ох утидин, Гусса
тогини цозар уйлаки Фарход кунгул.

Не ажаб телбарасам, чунки олибтур мендин
Одамизод демон, балки парийзод кунгул.

Не вафо рангию не мехр иси бор, эй булбул, Бу
чаман гулларига айлама муътод кунгул.

Ёр ёдига Навоийни берай деб эрди, Боргали
цилмади ани хам узи ёд кунгул.

**392**

Бог аро эрдингмуким, бу кеча гулбез эсти ел,
Бода ичтингмуки, бехад ишратангез эсти ел.

Юз уза зулфунгни цилдингму паришон ноз ила Ким,
гахи гулбору, гохи анбаромез эсти ел.

Юзу цаддинг шавцидин улдум, хамоно богдин Очилиб
гул, жилва айлаб, сарви навхез эсти ел.

Елга рухсору танинг очиб, магар бердинг хаёт Ким,
умид ахлига гулпошу саманбез эсти ел.

Гунчалар шавцунгда гуё боглаганлардур кунгул Ким,
нечаким, эсти ул ёндин, диловез эсти ел.

Бу чаманда булса ел сокин, учар шамъи хаёт, Ёрутур
андуху гам утин, агар тез эсти ел.

Эй Навоий, ранж ила хуш булки, Фарход охидин Билки,
цупти ташламоцца тожи Парвез, эсти ел.

## МИМ ХАРФИНИНГ МАХБУБЛАРИНИНГ МАЛОХАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

**393**

То йигит эрдим, цариларга куп эрди хидматим, Кариган
чогда йигитларга огирдур сухбатим.

Не учун булдум кичик ёшлиглар ичра куп сацил, Гарчи
куп зохирдурур синн касратидин хиффатим.

Вахки, дамдин-дамга, мендин ёрларга ижтиноб, Гарчи
кундин-кунга ортуцтур аларга улфатим.

Гар тааммул айласам воциъ, мухицдурлар алар, Не
учунким хеч цолмайдур аларга нисбатим.

Мушк чун кофур булди — ёгди ут устига цор, Хатти
мушкин бирла утлуц юзга нетсун рагбатим.

Бог аро сарви сихи ёнида курдум эски ток, Булди туз
буйлуглар ичра хам цадимдин ибратим.

Эй кунгул, тут гушае эмди ибодат цилгали,
Колмоц истар булсанг эллик йилги булган хурматим.

Чунки эллик манзил утти умрдин, сокин булай, Не
учунким эмди йуц суръат цилурга цувватим.

Неттим эллик йилда жуз исёнки, эмди неткамен, Ёна
эллик йилгача туттумки, булса мухлатим.

Лутф этиб, ё рабки, имон бойлиги цилгил насиб Ким,
халок этмиш амал муфлислигидин хижлатим.

Эй Навоий, гам емаким, бахри гуфрон урса мавж, Тенгри
лутфидин не мумкин жуз уммиди рахматим.

**394**
Не ажаб цон йигласам ахли замондин дам-бадам Ким, алардин гам уза гамдур, алам узра алам.

Суз демак булмас аларнинг зулми ёхуд лутфидин, Чунки ул куптин доги куптур, бу камдин доги кам.

Чарх гуёким чекар мехнат юки давр ахлидин
Ким, бори жисмида анжумдин тер улмиш, цадди хам.

Лавхаи хилцатларида йуц магар харфи жафо, Сафхаи хотирларида йуц магар нацши ситам.

Сойири ифрод иши бу булса, улким фард эрур, Барча элдин хусн аро оздур анга юз мунча хам.

Чун жафо тортар киши бори биравдин тортса,
Ким вафо цилса кишига, булмаса ул доги гам.

Кузи цотил, цоши офат, огзининг нутци фусун, Истарам, лекин жахонда йуцтурур мундоц санам.

Топмагунг дайри фано ахлида ёнг боштин бацо,
Килмагунча бодаи вахдат вужудунгни адам.

Эй Навоий, мосиваллохдин кесилмак кимсани,
Лимааллох манзилига еткурур аввал цадам.

**395**
Урармен куксума тошлар, гам эткач цасди жон хар дам,
Коцармен бу эшикниким, етар бир мехмон хар дам.

Улук топти бузуг ичра мени мажнунни, гуё чугз Навохи ахлин огах цилгали тортар фигон хар дам.

Хамоно туфрогимни лаългун цилмоццадур буким, Келур багрим шикофидин лабинг шавцида цон хар дам.

Магар мажнун кунгулга хар дам айлар ул парий жилва, Йуц эрса не учун уздин борур бу нотавон хар дам.

Очар гуё сабо ул гул юзидин хар замон бурцаъ, Буким бир фитна бирла цузгалур ахли замон хар дам.

Совуг охим бурудат солди олам ичра, циш эрмас, Булут йуц — дуди охимдин курунмас осмон хар дам.

Керак хар дам цадахким, май суйи хар лахза цайтаргай, Буким, даврон жафосидин етар огзимга жон хар дам.

Бу манзилдин манга йул азмига боисдурур буким, Етар бир корвон хар дам, утар бир корвон хар дам.

Дамо-дам жавр ила буздунг Навоий кунглин андоцким, Бузулгай мулки, бир зулм этса шохи комрон хар дам.

**396**
Улки куси унидин шому сахар афгоним,
Анга етмасмен, анга етмак эмас имконим.

Чатри устидаги цуш англаки, кунглум цушидур, Кунглум улмоц не ажаб, андаки булгай жоним,

Кулоги лаъли хамоноки дур эрмиш, чу мени, Бегунох айлади цатл, ани тутубдур ценим.

Мехрига риштаи жон богладиму куз цорасин Суртсам эрди анга, цолмас эди армоним.

Бу сифатлар била мавсуф ким эркин десалар, Була олмас киши оламда магар султоним.

Фацр куйида гадолиг чу эрур султонлиг,
Салтанат мойилидур хотири бесомоним.

Мену муг дайри аро мугбачалар ишцики бор, Ул гадолигда жахон шахларига фармоним.

Пири дайр айласа бир жоми май эхсон, цилгай Маст олам элини жоми майи эхсоним.

Не урай лоф Навоий кеби чун улса ити,
Итлари хайли аро итча доги йуц соним.

**397**
Айладим азми сафар, булгай дебон ишц ути кам, Ул худ афзун булди хар манзил демайким, хар цадам.

Кайси манзилни цадам хар дамки, урдум йул аро, Гам сипохи хайли кургузди ул утдин бир алам.

Сайрким, дерлар кам айлар ишцни кур, эй рафиц Ким, жахон овораси булдум, галат чицти бу хам.

Хажр водийсига цилманг азм ошицларки, бор, Хар хаси бир тиги мехнат, хар тоши бир кухи гам.

Куйининг девори устимга йицилса яхшироц, Андин айру жилвагохим булгуча авжи харам.

Ишц ила топтим адам сахросидин мулки вужуд, Ошиц улдум, дард цилгунча вужудумни адам.

Куп хирад хаттин Навоий сари чекма, эй рафиц Ким, анга килки цазо ошицлиг айлабтур рацам.

**398**
Тутцалн ширин лабинг шохи шакардур бармогим, Баски, сурмоцдин ани айрилгудектур тирногим.

Истарам кур айлагай наззора ахлин рашкдин,
Гар сабо тахрикидин куйига борса туфрогим.

Васли байъига тукуб эл сийму мен ёрдим юрак, Комима мушкилки, еткаймен бу булса ёрмогим.

Барц эмаским, ут чоцармен дахрни куйдиргали, Тог ила булмиш янги ой, чунки тошу чацмогим.

Ишц аро Фарход ила Мажнун шерикимдур, вале Дарду гам чекмакка менча йуц бу икки уртогим.

Дема махмур улсанг узни солмагил, эй мугбача, Истарам, булгай фано дайрида узни солмогим.

Эй Навоий, дема: умрунг утти — ишцу майдин ут, То тирикмен, эрмас ушбу икки иш айлар чогим.

**399**
Кора дастор то чирмади мохим, Бошимга
чирмашибтур дуди охим.

Ёгибтур наргис ичра жола, ёхуд Кузида ашк
эрур бор иштибохим.

Анга хамранг улай деб мотамимен,
Корарган рузгорим бор гувохим.

Сиришким хатлари шархини сурдум, Деди,
хайли балога шохрохим.

Манга худ бу азо булди бахона, Мудом
оцмоцца ашки гох-гохим.

Ема бози нужуми тийрадинким, Эрур цалб уйлаким, рукаш дарохим.

Кузумдур тийра, яъни, эй Навоий, Кора тун кийди мотам ичра шохим.

**400**
Фироцинг дузахи ичра вужудум Булубтур ут, нафаслар анда дудум.

Келиб жон риштасию жисм тори, Вужудум хилъатида тору пудум.

Фироцингда ютуб цон цилсам афгон, Майи нобимдур ул, бу бир сурудум.
Кошингда эгма цад бирла ер уптум,
Хаёл эт ул рукуъум, бу сужудум.

Белу огзинг учун борим йуц улди,
Вале тенгдур санга буду нобудум.

Бериб дин нацди, булдум дайр аро маст,
Вале куп булди бу савдода судум.

Буким куп ашк туктум, эй Навоий,
Кунгулдин гайрининг нашини ювдум.

**401**
Дамо-дам оташин лаълига олур бода жононим, Бу янглиг утлар ичра найласун уртанмайин жоним.

Эмас ой, кун ики погундасин кук золи беркитмиш,
Кулоцца баски хажрингда ани ёлцитти афгоним.

Танимда догларни айладим кунглак била пинхон, Конаб, кунглакда фош этти узин хар доги пинхоним.

Кузумда богланиб цон ёш, не тонг, гар очцали цуймас, Чу ул цонимни тукти, оцибат тутти ани цоним.

Бузуг кунглум аро мундоцки, пайконингни ёгдурдунг, Не тонг, мундоц ёгиндин ер била тенг булса вайроним.

Хижолатдин цизармиш гул, тахаррук сарвдин кетмиш,
Магар бог ичрадур гулчехрлик сарви хиромоним.

Тасаввур бирла гах мацбулмен оллида, гах мардуд, Каю ацшомки, султони хаёлинг булса мехмоним.

Вужуд иқлимидин овора гар булдум, умид улким Фано
дашти губоридин ёпилгай жисми урёним.

Навоийга демангким, тарки ишц эт, то эрур мумкин Ки,
мен ошнцмену девона, мундоц иш не имконим.

**402**
Бахору бог сайридин не гул, не сарвдур комим, Будур
комимки, шояд учрагай сарви гуландомим.

Уцунг куп захмидин дом улди жисмим, захмлар эрмас,
Чицарга жон цуши йуллар ясабтур хар тараф домим.
Жамолинг кузгуси чун элга рубару булур хар
дам, Не тонг гар кузгу аксидек замоне йуцтур
оромим.

Хушо Мажнунки, маънуси эди бошига цунган цуш,
Жунун тоши ёгардин бошима ул хам эмас ромим.

Мангаким, хажри заъфидин нафас маълум эмас келмак,
Не имкон бас етишмак ул Масиходамга пайгомим.

Фироцим кечаси бас мухлик улмиш, гар сахар булмас,
Нафас урмоцца гуё субхини цуймас цора шомим.

Анингдек ташнамен, эй мугбачаким, цуш тутар булсанг,
Фалакнинг хуццасин бул икки, то булсун ики жомим.

Бахо бу бенаводин гар цабул айлар эсанг,
бордур, Бирига жавхари жоним, бирига нацди
исломим.

Харом эттим Навоий, дунёю уцбо таманноспн,
Нединким Каъбаи куйи сари богланди эхромим.

**403**
Жафо хам цилмадинг — куз хар неча хуснунгга олдурдум,
Киё хам боцмадинг — хар нечаким, оллингда телмурдум.

Васият цилди цабри бошида Фарход ила
Мажнун, Жунун сахросида ул тошларким,
куксума урдум.

Яралар анжум улди, цон шафац ул ой фироцида,
Хаданги охким, утган кеча гардунга ёгдурдум.

Фироцим шоми андин тийрадурким, дуди анжумни, Кора цилмиш туганлардинки, хижронингда куйдурдум.

Лабинг ёди чекиб жон риштасин, солди яна танга, Кузунг бедодидин жонни неча огзимга еткурдум.

Жунунум шуъласин афзунроц этти ул парий отцон Не уцким, хажри тугёни аро куксумга синдурдум.

Ажал бедодидин хоки таним, юз шукрким, тинди Ки, хижрон уртаган жонимни жононимга топшурдум.

Казога рози улким, гусса вацти цилмади суде, Неча кавкабни мужрим цилдиму гардунни ёзгурдум.

Хуморимдин садою сарзаниш зухд ахлидин хар дам, Чициб майхонадин, мунча бало бошимга келтурдум.

Хаволам цилса пири дайр бут ё мугбача зуннор, Не чора, чун цуйиб масжид, фано дайрига юз урдум.

Навоийдек ёруглуц ул замон топдимки, узлукни Фано утига уртаб, кулни доги кукка совурдум.

**404**

Бахори васлда уртанди рашкдин жоним, Хаёл цилки, не булгай хазони хижроним.

Таним тугонларига мархам, эй рафиц, не суд, Эрур кунгулда чу юз мунча доги пинхоним.

Не навъ дейки, бузуг кунглум ичра гах-гах кел, Тукар чу гарди фано лахза-лахза вайроним.

Жунунум эмгагидин гар торицтинг, эй носих, Саломат ул сену шахринг, мену биёбоним.

Камоли заъф курунгким, етар неча ерда, Кунгулдин огзима еткунча хайли афгоним.

Саломат ахли, тутунг дину офиятца азо Ки, масту арбадажу чицти номусулмоним.

Кадах цуёши била, социё, мунаввар цил, Ки, гамдин асру эрур тийра кунжи ахзоним.

Замон элида вафо йуц, агарчи жон берсанг, Бас улди эрса вафосиз, не айб, жононим.

Дединг, фироцида сабр айла токи мумкиндур, Навоиё,
дема бу сузниким, йуц имконим.

**405**
Булди равзан-равзан ул цотил хадангидин таним, Русса
чархи бу танимдур, анжуми ул равзаним.

Айламиш зулфунг хаёли рузгоримни цора, Ох дудидин
цорармайдур мацому масканим.

Хар тараф ул шух тош урмиш, яролар цонидин Ким,
цуруц жисмим уза булмиш тери пираханим.

Дема, жон бермак фанин урган, доги васлимни теп, Сен
висолинг фикрин эткилким, эрур ул худ фаним.
Каттиц ахволимга йиглайдурган элни дема дуст,
Дустлар улмиш, улум холига етмиш душманим.

Дайр эшикинда таним дафн айласанг, эй мугбача, Бода
лойидин гахе топцай иморат мадфаним.

Дашт аро сур, эй Навоий, жону кунглум сайдини Ким,
букун ов азми цилмиш цотили сайд афганим.

**406**
Шабистон ичра киргач, шамъларнинг нурин эттинг гум,
Кеча ёругроц улгач, тийрароц булган кеби анжум.

Чу сенсен айни инсоният, улсанг дийдадин пинхон,
Корангудур жахон андоцки, кузда булмаса мардум.

Не тунким, хору хоро устида куюнгда ётцаймен,
Дегайменким, ёним остидадур синжоб ила цоцум.

Отанг ою онанг хуршид эди эркинки, сен тугдунг, Вале
хусну латофатда не аб ухшар санга, не ум.

Агарчи ишц бахри хажр дарёсидин аъзамдур,
Ва лекин гар кичикроцдур, пур офатроцдурур Кулзум.

Куёшдектур тула куп огзи давридин майи софий Ки, гар
булди цуёш авло буким, гардунча булгай хум.

Агар маъшуци зебо булса, не барлосу не лули, Нафис ар
булса коло, мулки не Багдоду не Торум.

Халойиц кулмагин уз холима курганда йиглармен, Жунун кургилки, чун дардимга йигларлар, келур кулгум.

Навоий, шахр эли ишголидин гум булди мацсудунг,
Булардин истасанг махлас, фано даштида булгил гум.

**407**
Чархдин гар хардам эрмас бир азога куймаким, Нега тиккан сойи чок улмоц керактур кунглаким.

Сахл эрур кунглакки, хижрон уцию гам тигидин, Тикмаку чок айламакка мубталодур кукраким.

Хар замон куздин ёшим эмгаклаган бир ёшдек,
Майл этар туфроцца, вах, ултургуси бу эмгаким.

Бежигар булсам бало тортарга, вах, эмди не тонг,
Борди куздин чун багир парголасидин купраким.

Хар тонг эрта чекса гардун субх тигин цатлима, Тонг эмаским, бордур ул душманлар ичра эртаким.

Айшу рохат цушларнн сайд айлай олмон, гарчи бор Куз ёшидин донаю жон риштасидин илмаким.

Эй Навоий, буки гардун эврулур фонусдек, Кунглига кор этти гуё шамъ янглиг куймаким.

**408**
Кайси тацво хирманин фисц утидин куйдурмадим, Кайси тавба нахлини нафс илгидин синдурмадим.

Турмай оцса куздин ашким не ажабким, тавбадин Гарчи куп суз дедим, аммо бир сузумга турмадим.

Хублар ищцида куз бирла кунгул бедодидин, Не балиятларки мунглуг бошима келтурмадим.

Жом барцидинму зухдум хирманин кул цилмадим, Бода сайлидинму ацлим цасрини индурмадим.

Лоларухлардинму хар дам цилмадим ашкимни цон, Сарв цадлардинму гардунга фигон еткурмадим.

Дайр пири илгидинким, богладим зуннорни, Мугбача оллида мусхафни магар куйдурмадим.

Кайси шухи бодапаймо базмидин сургач мени,
Нангсизликдин йирогроц турубон телмурмадим.

Масти лояъцил яцо йиртиб, аёгу бош яланг, Йигламоцдин
кимниким, уз холима кулдурмадим.

Ё раб, уз тавбамга йуцтур эътимодим, сен магар Тавба
бергайсенки, мен айтиб бажо келтурмадим.

Бермадинг тавфиц, йуцса не учун хар цатлаким, Тавба
синдурдум, узумни гуссадин ултурмадим.

Эй Навоий, истасанг тинмоц, ишинг тенгрига сол, Йуцса
мен сайъ айлабон, сендин кунгул тиндурмадим.

**409**

Васлинг истаб уцдек эткай эрди суръат пайкарим,
Найлайинким, хажр уци пайконларидур лангарим.

Оташин лаълинг гамидин уртаниб, цон йигласам, Гох
цондин, гох утдин лаългундур пайкарим.

Кузу мужгонингдин айру уйцу йуц мен хастага Ким,
момуг янглиг тнкон бирла тулодур бистарим.

Эй нихоли ноз, охимдин хазар цилкин, букун
Куп кухан пайкар шажарни йиццудектур сарсарим.

Ул цуёш аксин май ичра кургали ошуфтамен, Не ажаб
ошуфталигким, суга тушмиш ахтарим.

Мен озибмен йулдину бас тийрадур хижрон туни, Толиъ
ул, эй кавкаби ицболу, булгил рахбарим.

Эй Навоий, не ажаб гар назмим элни йиглатур Ким,
ёзилмиш хажр утининг дудасидин дафтарим.

**410**

Еткач ул цотил, эрур бугзумда икки бармогим, Тиги
урнин кургузуб, сургил дебон ёлбормогим.

Васл жомининг агар муфрит эмас кайфияти,
Сен цачон келгач, менинг недур узумдин бормогим?!

Хажр тирноги била кунглумниким, цилдим фигор,
Булмасун гайринг демакдиндур бу навъ ахтармогим.

Баски шавцунг голиб улмиш телбалардек, эй парий,
Йуцтурур тун-кун хаёлинг бирла сузлаб хормогим.

Хажр аро йуцким, висол истаб, улум истаб, эрур
Фурцатингдин узни бир тадбир ила цутцормогим.

Social, таклиф ила ич дема, тулдур доги кур Ким, аёгнинг
нацшини элтур цириб сипцормогим.

Эй Навоий, тортайин дермен кунгулдин интицом, Йуцса
юз гамни анга хар дам недур бошцормогим.

**411**
Ёр тиги цатл уруб, мен хажр майли цилмадим, Кунглум
олиб цовди, мен кунглум била айрилмадим.

Зулм ила овора айлар чогда ултургил дебон,
Не тазаллумларким, ул цотил цошинда цилмадим.

Кунглум олурда уммиди мехр ила зор айлади, Дилраболар
зор этиб, бемехр улурни билмадим.

Ошиц улманг дермен, эй ахбоб, панд айланг цабул, Мен
нелар курдум, чу эл пандин кузумга илмадим.

Лахза-лахза хажр ути чекти алам узра алам, Уттиму бир
лахзаким ул шуълага ёцилмадим.

Хажридин бор эрса ранжинг, туну кун бул мастким, То
манга бу нукта кашф улди, яна ойилмадим.

Огзи хажридин Навоийдек адам сахросида, Иттим
андоцким, узум хам истабон топилмадим.

**412**
Харир кунглаку куксин наззора айламадим
Ки, кунглак урнига куксумни пора айламадим.

Демаки, куксини мен мунча пора цилмаймен Ки, ани мен
худ узум мунча ёра айламадим.

Фироц шоми узи доги тийрадур ёлгуз,
Духони охим ила ани цора айламадим.

Дема неча туганинг бор, билмон аъдодин,
Агарчи харгиз аларни шумора айламадим.

Улусца ищцим утин куксум охи фош этти, Мен
ани ищцим ила ошкора айламадим.

Эл истихора цилур тавбага сахаргаху мен, Бажуз
сабухи учун истихора айламадим.

Навоиё, мени ул маст базмидин сурди, Йуц эрса
ком ила андин канора айламадим.

**413**
Итингки, борди цилиб туъма багриму юрагим,
Оцаргусидур анинг интизоридин сунгагим.

Фироц ути юрагимни су айлаб оцизди, Чекарга
хажри гами эмди йуцтур юрагим.

Этак-этак гухар оллингда сочсам эрмас айб Ки, куз
хазонасидин дам-бадам тулар этагим.

Майим фироц аро хуноби гамдурур, май эмас,
Хаёл бирла лабинг цанди чун эрур газагим.

Тикан нишониму гулдек кафингдадур, ёхуд Етишгач анда
кузум, цолди ёпишиб ненагим.

Сипехр зулмига йуц чора бодадин узга,
Бу ишда ацлдин эрмас тахаммул айламагим.

Висолин истадим — очти сахар яди байзо,
Навоиё, ажаб ар мустажоб эмас тилагим.

**414**
Фироц тиги халокидин онча эмгандим Ки, етса
доги ажал, улмамакка урганднм.

Ерим гар улса тамуг, куп курунмагай мухриц, Фироц
шуъласига мунчаким, мен уртандим.

Х,алок даштида иткан кунгул топилмади хеч, Куюн кеби
нечаким, хар ёнида айландим.

Уцурда руцъа хижрон узулди тори хаёт,
Нединки, торидек азбас узумга тулгандим.

Эмас бошимдин аёц ох дуди бирла цора, Фироц
дашти самумида буйла чуркандим.

Демангки, хум кеби дайр ичра сокин улким, мен Суруд
унига магар хол этарда тебрандим.

Навоиё, утубон умр гафлат ичра, дариг Ки, сунги уйцуга куз майл этарда уйганднм.

**415**
Чарх айирди тез этиб ноламни хам, охимни хам,
Мехрибон шохимни хам, номехрибон мохимни хам.

Х,ар киши дилхоху дилжуюм эди, солди йироц, Шохи дилжуюмни доги, мохи дилхохимни хам.

Не фигондурким, латофат авжида мохимни тун, Уйцуга цуймас хилофат тахтида шохимни хам.

Айтмон шохимни ё мохимни еткур бошима, Х,ам махи гофилвашимни, шохи огохимни хам.

Жонда шохим ёди, кунглум ичра мохим фурцати, Денг анга цуллуц, бу бирга шайалиллохимни хам.

Эй фалак, шоху махим шамъи рухидин гам туни, Ёрутуб уй, йулга келтур бахти гумрохимни хам.

Эй Навоий, шохим айвони махим хуснин куруб, Жон тарабгохимни топса, куз назаргохимни хам.

**416**
Бахору богдин ортар малолату дардим Ки, йуц чаман аро гулбарги нозпарвардим.

Меники, ул юзу хат дардманд этти, не тонг, Бахору сабзани курмакдин ортмоц дардим.

Бахори хусн таманноси ичра барги хазон, Сиришк цонларидин булди чехраи зардим.

Бахор ёмгури рахмат сахобидиндур агар, Ёгарда цуймаса чицмоцца куйидин гардим.

Бихиштнинг чечагу маргзоридин не осиг, Мангаки, ул хату юз келди сабзаю вардим.

Жахон хаёлидин андоцкн, фард цилди мени, Сипехр мехнатини курмасин махи фардим.

Навоий айлади шабзиндадорлиг, неткай Ки, етса бошига бир кеча мохи шабгардим.

**417**

Хублар ошицларин ношод этарлар, шод хам, Вахки, бизга ёримиздин лутф йуц, бедод хам.

Турфа курким, жаври бирла доги гамнок айламас, Гарчи рахму илтифоти бирла цилмас шод хам.

Йуцки, лаъли нушидин цилмас хаётим фикрини, Еамзаи хунрезин этмас жонима жаллод хам.

Махвашидин кимсага мехр улмаса, хуштур жафо, Мехр бунёдин йициб, цилмас жафо бунёд хам.

Жон берибким, хора ё пулод етмас ёрдин, Бу жафони торта олмас хора бал пулод хам.

Социё, бир жом ила бу гамни ёдимдин чицар, Гарчи холим шиддатидек чарх бермас ёд хам.

Илтифот этмай, Навоийни цилур хар дам халок, Мавт маъхудига гар таъйин эмас миод хам.

**418**

Ёр келгач манга душман булурин билмас эдим, Йуцса тун-кун тилабон васл, дуо цилмас эдим.

Айрилиб келгуча ултурмакини билсам эди, Улсам, андин борури вацтида айрилмас эдим.

Ойга боцтим юзи ёди била, цоним тукти, Билсам ул булса цуёш, кузга ани илмас эдим.

Боги хусни гулидин ранг йуци фахм улса, Богдек соврулубон, гул кеби сочилмас эдим.

Зарцни билсам эди ишцу жунун зумрасидин, Айрилиб, зухду риё хайлига цотилмас эдим.

Англасам эрдики, эл рашкидин ултургусидур, Хажр даштида тилар халцца топилмас эдим.

Эй Навоий, негаваслида хазинсен демаким, Ёр келгач манга душман булурин билмас эдим.

**419**

Шархи дардим ёрга ёздим — жавобе топмадим, Номадек ул шархдин жуз печу тобе топмадим.

Ёзмогида музтариб эрдим жавоб уммидига, Чун жавобе топмадим, жуз изтиробе топмадим.

Жаннати васл орзусидин битик цилдим рацам, Утрусида гайри дузахдин азобе топмадим.

Васл уммиди ваъдасида макс агар кургузди ёр, Умрдин шавцида анинг жуз шитобе топмадим.

Жону тан уммидвор эрди, чу цатъ улди жавоб, Жуз тани фарсудаю жони харобе топмадим.

Руцъаи мехринки, гардуннинг тилар эл бехисоб, Мен анга маъюслуц янглиг хисобе топмадим.

Эй Навоий, ёр лутфу цахрининг хохонимен, Хам эрурмен хуш, гар андин жуз итобе топмадим.

420

Мувофиц кийдилар, булмиш магар навруз ила байрам, Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним хам.

Чаман сарви цолиб хайрон, менинг сарвим цилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир дехцон, мунга шайдо бари олам.

Чаман сарви цолиб бебар, менинг сарвим булуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адхам.

Кунуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавцидин гулгул, Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Килиб охим сари парво, буён майл этмадинг цатъо,
Сабодин, эй цади раъно, булур хам сарв гах-гах хам.

Бу бог ичра май, эй социйки, бормен асру муштоци Ки, анда сарв хам боций эмас, гул ахди хам махкам.

Навоий, куйин эт манзил, юзу цаддига бул мойил Ки, бог этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

**421**

Шоми гам хажр утига куймакни куп фан айладим, Васл шамъин ёциб, эл базмини равшан айладим.

Элга гардундин нашот этмак учун эрмиш буким,
Ох уцидин чархни юз ерда равзан айладим.

Бор эмиш гуё висол ахли нашот айларгаким,
Хажр аро цон ёш ила давронни гулшан айладим.

Мен куюб, эл базми гарм улмоц не, яъни гуйиё
Ани элга дуст, уз жонимга душман айладим.

Бу балиятдин цутулмоц топмадим, эй майфуруш, Бехуд улмоцца харобот ичра маскан айладим.

Дайр эли тутти Масихо сугини, эй мугбача,
Баски, Марьям чархидек хажрингда шеван айладим.

Эй Навоий, етса юз минг гам фалакдин не гамим, Хоссаким, дайри фано кунжини маъман айладим.

**422**
Агарчи асру куп золимдурур номехрибон мохим,
Бихамдиллахки, хам одилдурур, хам мехрибон шохим.

Шахим бордию мен цолдим, борай десам, бора олмон,
Эришиб ани, мохим булмаса бу йулда хамрохим.

Махимга ким дей олгайким, манга бу йулда хамрох бул,
Магар шохимки, мохим дарди ишцидиндур огохим.

Манга днлхох мохимдур, доги дилжуй шохимдур Ки, ё раб, тушмасун айру не дилжуюм, не дилхохим.

Агар шохим вафоси жомидиндур ишрати шомим, Вале мохим жафосидиндурур охи сахаргохим.

Манга шохим вафоси хам керак, мохим жафоси хам, Ки, будур мужиби шавцу тараб, ул — иззату жохим.

Агар мохим Навоийдин жахон нацдин тамаъ цилса, Не гам, шохимга бориб зохинр айлай шайалиллохим.

**423**
Ул цуёшца, вах, не хад бирла битик айлай рацам, Нома элтур цуш малак булгай, магар хад булса хам.

Таййи арзинг булса, эй пайки сабо, номамни элт, Йуцса цатъ улмас бу йул урмоц била цосид цадам. Косидо, жон нацдини хам топшурурмен, номага, Чун илик сунса, аёгига нисор эт жонни хам.

Сен бориб келгунча, эй цосид, узумда булмагум, Жон етиб огзимга шавцунг шиддатидин дам-бадам.

Англамонким, ул харамда бор топцунг, йуцса йуц, Бор топсанг хам, олиб номанг уцурму ул санам?

Гар уцур хам булса, радму булгуси ёхуд цабул, Хам цабули тушса, ёзгайму жавоб, айлаб карам?

Эй Навоий, нома ул ён ёзгали не хад санга, Тут фироц ичра висолининг хаёлин мугтанам.

**424**

Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мацом, Сураи вашшамсу валлайл эрди вирдим субху шом.

Субх андин хилватимга нафхаи рухул цудс, Шом мундин кунжи фацрим равзаи доруссалом.

Сайд субхам донаси бирла малойик цушлари, Анда цуймай риштаи зухду риёи бирла дом.

Не бировнинг цомати раъносидин нолам бийик, Не кишининг гамзаи жодусидин уйцум харом.

Не ичимда лоларухлар ишцидин цонлиг туган, Не бошинда сиймбарлар васлидин савдойи хом.

Хам кунгулдин нозанинлар сухбати булган унут, Хам назардин махжабинлар сурати бориб тамом.

Ногахон шах базмида жонимга тушти офате, Мен узумдин бордим, ул билмон цаён цилди хиром.

Хуш кетти, ацл итти, цолмади жону кунгул, Ишц чекти зухд ила савдоларимга интицом.

Тушмиш ут жонимга ул дамдин бери ул навъким, Жон бериб улмакни топмон, айлабон юз ихтимом.

Ёр гойиб, дард мухлик, халц гофил, найлайин, Еаврума ким еткай илло шохи гардун ихтишом.

Эй Навоий, шохдин дардинг иложи булмаса, Бош олиб кетгил, уруб оворалиг даштига гом.

**425**

Не кун келгайки, келгай нозаниним, Не хуш булгайки, булгай хамнишиним.

Саодат хатлари цилмиш хувайдо, Итинг чангига суртулган жабиним.

Эрур ул шух отцан каж гуруха, Кунгул
ганжи аро дурри саминим.

Недин ул куз чекар уц гушалардин, Гар
ултурмакка цилмайдур каминим.

Текурма оташин лаълингга бода Ким,
ул утдин куяр жони хазиним.

Кетур, эй мугбача, жоми мугона, Эрур,
олсанг, бахоси нацди диним.

Навоий, не осиг, жононга етмас
Наволарким чекар жони гаминим.

**426**

Хар цизил гулким, юзунг шавцида олиб исладим, Еткач
охим шуъласи, ани сариг гул айладим.

Чарх варзиш айлабон Фарход ила Мажнунга жавр, Сунгра
мацсуди менинг бедодим эрмиш — англадим.

Тошки отди, хаста кунглум чокидин солиб ани, Ёр
кунглидек мени бедил ичимда асрадим.

Кирди майдон ичра гуй уйнарга ул чобуксувор, Мен хам
анинг рахши оллида бошим гуй айладим.

То йулуцти офият куйида ул кофир манга, Ацлу диним
борди, билмон, не балога учрадим.

Субхдам дайр ичра маст улсам мени муфлис не тонг,
Шайх дасторин кеча масжидца киргач, сирмадим.

Эй Навоий, кунглума ишцида цуйдум доглар, Ул
мени гар уртади, мен доги ани уртадим.

**427**

Не тонг гар мухлик улса дуди охим имтидоди хам Ки, бир
хижрон тунича бор анинг цадди саводи хам.

Лаби бирла менги васфин ёзай десам, муносибдур, Варац
жон сафхаси, догим цорасидин мидоди хам.

Агар бир дам унутсам ани, хацднн пстарам улмак, Агарчи
ултурур хар дам мени бедилни ёди хам.

Тутулмиш зулфунга, лекин юз очсанг, очилур кунглум,
Сенинг оллингдадур ул телбанннг банди кушоди хам.

Хаётим нахлини хажрингда ашким сайли чун йицти,
Мадад цилди нигун айларда охим тундбоди хам.

Уцубатлар била хижронда ултурсанг мени, эй ишц,
Жахон ахли аро ибрат учун еткур мунодий хам.

Керакмас гарра булмоц, шохиди давлат бош индурса Ки,
бир хамлиц эрур анинг саломи хайрбоди хам.

Мени зухди риёий сари таргиб эттинг, эй зохид, Салохи
бор эса, зохирдурур анинг фасоди хам.

Навоий, эгнинга цуйдунг сабу ичмакка дайр ахли, Бу эрди
умрлар, эй мугбача, анинг муроди хам.

**428**

Кайгудин кунглум торицмиштур, кунгулдин цайгу хам,
Жонига етмиш бу гамгиндин ул-у андин бу хам.

Фурцатингдин не тирикмен, не улук, вах, не ажаб, Элга
холимдин гах улсам йигламоц, гах, кулгу хам.

Вахки, эмди тушга хам кирмас висолинг, негаким, Куздин
андоцким, учар васлинг, учубтур уйцу хам.

Уйла охимдин жахондур тийраким, заъфим чоги, Огзима
цуймоцца топилмас ёруг бир кузгу хам.

Лаълу дур, тонг йуц кузумда, не учунким богламиш,
Совуг охим шиддатидин анда цон, балким су хам.

Интихоси ишциннг хижрон эмиш, эй ахли ишц, Васл
даврони аро магрур булманг асру хам.

Эй Навоий, мен киму ул ой висоли базми, лек Басдур ул
давлатки, ултурсам йироцтин утру хам.

**429**

Ёглигинг илгимда, ашкимни равона айларам,
Кузга суртуб, ашк аритмогни бахона айларам.

Ул кузумга чун етиб таскин топиб гирёнлиги,
Куздин олгач, яна ашкимни равона айларам.

Яна еткач, кузга ашким турса олурмен ани, Яна
борса, чорасин бу навъ яна айларам.

Кузда кирпикларни тиллар айлабон хар торига, Заъфи холим куз тили бирла фасона айларам.

Балки хар торига жоним риштасин чирмаштуруб, Жонима касби хаёти жовидона айларам.

Бир цадах берсангки, тутса мугбача, эй пири дайр, Нацди дин сармояи жоми мугона айларам.

Э, Навоий, токи булмишмен фано дайрида маст, Ацлу дин ташвишидин фориг тарона айларам.

**430**

Кунглум ичра ишц ути ёцмогин ангиз айладим, Куйдуруб узлукни, охинг шуъласии тез анладим.

Ул парий ишцида куйдурдум малойикдин цанот, Дуди охимники, хар дам оташангез айладим.

Кадду рухсори учун охим утининг шуъласин, Шоми гам гохи хавойи, гохи гулрез айладим.

Гулбуни цаддига эл кунгли осилмиш гунчадек, Мундин ул нахли вафо васфин диловез айладим.

Остонингда бош урмоцдин агар топтим судоъ, Ашку ул туфрогдин ани сандаломез айладим.

Social, май тутким, ул айёмнинг узрин цулай Ким, цадахдин зухд ранжи бирла пархез айладим.

Эй Навоий, бир парийваш туркнинг мажнунимен, Йуц ажаб, хар цайда рахшин сурди, мен хез айладим.

**431**

Хар киши ёр оллида дер чинни хам, ёлгонни хам, Вахки, ул бовар цилур воциъни хам, бухтонни хам.

Жонга еттим мухталиф асхобидин, ул дилрабо, Уйлаким кунглумни олди, кош олса жонни хам.

Муддаилар буйла хамроз улсалар ёр оллида, Узга тутмоц фарздур улмакни, бал хижронни хам.

Суз дей олурлар гаху бегах, махаллу бемахал, Бас махалдур, тарк цилсам мулку хонумонни хам.

Чунки багрим цонини куз йулидин оциздилар,
Дам-бадамдурким, сурубтурлар саросар цонни хам.

Эй кунгул, дахр ахлига йуц ваъдаю паймон дуруст, Неча куйгунг сен доги, уз ваъда, буз паймонни хам.

Хошалиллохким, Навоий айлагай тарки вафо, Бевафо кофирлар олса жонни хам, имонни хам.

**432**
Эй мусулмонлар, келур холим куруб, кофирга рахм, Найлайинким, келмас ул шухи парий пайкарга рахм.

Рахм этарлар телба кунглумни куруб ахли жунун, Не кунгул булгайки, келмас ул парий дилбарга рахм.

Гар жафоси бору рахми йуц, анга не эътироз
Ким, худо бермайдур ул шухи жафогустарга рахм.

Хублуг расмин иликдин берма, эй берахмким, Хублар ошицларидин цилдилар аксарга рахм.

Йулунг устида ётибмен хастаю зору заиф, Бир утарда айлагил бу бекаси музтарга рахм.

Бевафолар сари гар дунларга рахм эрмас, не тонг, Йуцки дунлар, балки йуц гардуни дунпарварга рахм.

Эй Навоий, сарв янглиг дуди оху сийми ашк, Не осиг чун келмади ул сарви сиймннбарга рахм.

**433**
То уюлди ханжари хижрон била гирёи кузум, Ул танур улдики, зохир айлади туфон кузум.

Вола ул суратца, жоно, то булубтурмен. эрур Сурати бежон кузидек, ул тараф хайрон кузум.

Дедим: эткил оразинг бирла кузунг васфин, деди: Оразим даври цамар, сарфитнаи даврон кузум.

Ашкдин юз сари чун зохир цилур дурри самин, Гуйиё куз мардуми гаввос эрур, Уммон кузум.

Булди бир гулгун буялган шамъининг хам шуъласи, Килгали рангин сиришкидин танимни цон кузум.

Чун керактур пок куз манзури булмоц пок юз, То юзунг бор, узга юз курмак эмас имкон кузум.

Эй Навоий, йуц хадим ул шухни курмакка, лек Хар цаён азм этса, асрар халцдин пинхон кузум.

**434**
Жавхари пайконларингнинг махзани жон истадим, Жондин ортуц тухфани жон ичра пинхон истадим.

Тарки ищц иршод цилдим кунглума, цатл айладинг, Бу эди журмумки, кофирни мусулмон истадим.

Эй сабо, девона кунглумдин хабар топцилки, мен Топмадим, чун ул парий куйида хар ён истадим.

Зулф аро цошинг курунгач, булмади зохир хилол, Шоми ийд ани сипехр узра фаровон истадим.

Васл аро ахбоб ила ул золим онча цуйди дог Ким, ул утца тузмагандин доги хижрон истадим.

Хонацах ахли азобидин май эттим орзу, Зохидо, улдум деганда, оби хайвон истадим.

Эй Навоий, ищц аро улсанг доги васл истама Ким, муяссар булмади, мен улча имкон истадим.

**435**
Лабнng хаёт суйидин зулол эмиш — билдим, Зулол нуцтаси устида хол эмиш — билдим.

Учуц лабингда эмас, реза инжу лаъл узра Ки, барги гул уза бир цатра бол эмиш — билдим.

Кадимки хам булуб, огзинг хаёлидин итти, Адам ичинда хамоноки, дол эмиш — билдим.

Кошингда холнинг овозасин эшитмиш эдим, Бу Каъба тоцию ул бир Билол эмиш — билдим.

Юзунгни билмас эдим зулф аро чу цилди тулуъ, Рариб ахтари фархундафол эмиш — билдим.

Даний тажаммулу озоданинг фалокатидин, Замон табиати беиътидол эмиш — билдим.

Фироц шомида сурдум Навоий ахволин, Сочинг хаёлида ошуфтахол эмиш — билдим.

**436**
Не учун тарки мухаббат цилди мохим — билмадим, Бу газабким, айлади мохим, гунохим — билмадим.

Ошиц улдум, ёрдин топцай дебон кунглум висол, Хажр бу янглиг булурни кийнахохим — илмадим.

Ёр куйи ичра итти зор жисмим охдин,
Кайда тушканни бу елдин барги кохим— билмадим.

Ишц бустонига кпрганда хавоий цуш кеби, Сунбули зулфи булурни доми рохим — билмадим.

Ацлу хушу сабрим итти, кургач ул кирпик сафин, Бир-бир улмогни цора кургач, сипохим — билмадим.

Кирмагунча дайр аро тинч улмадим, тут бодаким,
Еуссадин бу цалъа эрканни панохим — билмадим.

Эй Навоий, буйла цилган рузгоримни цора, Хажр шоми эрди ёхуд дуди охим — билмадим.

**437**
Эй, кунгулга юз туман бедод сендин, жонга хам, Мунча бирла рашк андин мунга, мундин онга хам.

Мовию гулгун тун эрмаским, кузу кунглум аро, Суга доги тушмиш ул усрук, буялмиш цонга хам.

Хуснига хайронмен ул янглиг, мени хайронки эл, Хам анинг хуснига хайрондур, мени хайронга хам.

Эл бузуг кунглин сура борган эмиш ул ганжи хусн,
Ранжа цилгайму цадам, ё раб, бизинг вайронга хам.

Ламъаи пайконидинму кунглум ичра тушти ут, Йуцса кунглумдин уцига тушти ут, пайконга хам.

Кил гадойингга вафо, эй хублар султоником,
Бевафолигдур гадога умр иши, султонга хам.

Эй Навоий, давр аёгин тут ганимат, ушбу дам Ким, саботе йуцтурур бу даврга, давронга хам.

**НУН ХАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НАМУДОРИ «ФАВОЙИД» ДИН**

**438**
Тилаб жаннатни, утмон дуст куйида гадолигдии, Мухаццар
бог учун кечмак булурму подшолигдин.

Булуб бсгона, ул май доги то хирцамдадур билдим Ки, доги
хажр эмиш охир натижа ошнолигдин.

Фироцинг ичра цолгач, улмакимга цилма хайратким,
Улумдин узга иш йуц, жисмга жондин жудолигдин.

Ажойиб ибтилодур банди зулфунг ичра жонларга Ки, бор
улмакча бир соат нажот ул мубталолигдин.

Жахон шухинки, эл махбубидур, ацд айладинг, лекин
Тааммул цилки, не лозим келур бу кадхудолигдин.

Ёрут май ламъасидин хилватимни бир кун, эй мугким,
Ёруглуг топмадим хилватда йиллар порсолигдин.

Кузум андоц цорармиш тийра зухд ичраки, гар соций,
Демон май тутса, захр ичкаймен ани куз цоролигдин.

Бу гулшан гунчасида жола эрмаским, тиш иржайтиб
Кулар ошуфта булбул навхасига бевафолигдин.

Навоий, бенаволиц шевасин берма иликдинкнм, Наво хар
кимки истабтур, топибтур бенаволигдин.

**439**
Еткуруб эрдим фироцинг тунлари гардунга ун, Шукрким,
вaслинг куни эмди не ул ундур, не тун.

Юз ёпиб, цилдинг узун шоми гамимни, эй цуёш, То цуёш
магрибца мойил, сояси купрак узун.

Дема: зулфум бандидин бош чекма, буйнунг тулгама, Тиг
агар сурсангки, мен бош цуйдуму туттум буюн.

Тийра охим элга зохир цилди кунглум куймакин, Гарчи ут
ёшунса, ани ошкор айлар тутун.

Уртаниб жисмим, бало даштида саргардон кезар,
Шуъладин таркиб топцон буйлаким курмиш цуюн.

Социё, тут жом, солма тонглага май ваъдасин, Тонгла чун
маълум эмас, бори ганиматдур букун.

Эй Навоий, цул сурохидек буюнни цучцали
Етмаса, бори сурохи буйнига илгингни сун.

**440**
Юзунгким тозароцдур барги гулдин,
Учар куздин вале чицмас кунгулдин.

Куюб хажрингда кул булдум ва лекин
Ёруцтур ишц миръоти бу кулдин.

Ажаб фархунда зоте сенки, одам
Мубохот айлагай сендек угулдин.

Кулимен ишцнингким, танламайдур
Мухаббат шевасида шахни цулдин.

Сироти мустацим улди шариат
Ки, жаннат топмогунг утмай бу пулдин.

Багоят хийлагардур золи гардун, Агар
эрсен, хазар цилгил бу тулдин.

Тарици ишц ила боргил, Навоий
Ки, озди хар кишиким, чицти йулдин.

**441**
Ишц чун берди таним шуъласига кукта урун, Чекти
бир-бирдин ани, айириб учцун-учцун.

Ишц ути ёццали чок этти цуруц жисмимни, Ёрса хушроц
туташур, неча цуруц булса утун.

Шуълалиц тан била гам даштида саргардонмен, Гуйиё ели
самум улса, булур буйла цуюн.

Дуди охимга етишмас, чицибон абри бахор, Уйлаким
рифъат ила абри бахорига тутун.

Чарх ёгдурса кавокибни, сиришкимча эмас, Канда дарё
била тенг булгани бордур шудрун.

Тийр борони гаминг жону танимдин утти, Оллох-оллох не
бало бу ёгин эрмиш уткун.

Кукрагим чокини тикмак била бутсун демангиз, Субхнинг
кунглакининг чокини ким курди бутун.

Зохидо, тонглаги кавсар майидин куп дема суз, Келки,
майхона аро хуш тутоли узни букун.

Истамас булсанг ишинг узра гирих, тузлук цил Ким, ёгин риштасига цатраси худ келди тугун.

Мастмен, лек унаман тугмаи тож айласа шайх, Зухди куйи аро хирцамдин агар тушса юрун.

Эй Навоий, дема зулфи аро холингни, дегил Ким, эрур асру анинг циссаси чирмашу узун.

**442**
Риштаи жоним санга боглигдур, ултур бир замон Ким, эрур цупмоц хамону риштани узмак хамон.

Фахм этар яхши ёмон враслинг манга тегмасниким, Яхшилардин яхшисен сен, мен ёмонлардин ямон.

Васли нуши лаззатин сурдунг, жавобин не дейин,
Менки хижрон нешидин бир лахза топмасмен амон.

Ашк уза цолцир заифу зор жисмим охдин, Тунд ел тахрикидин андоцки, бахр узра самон.

Элдин улмишмен рамида ани ром айлай дебон, Лекин ул ёр элга ром, аммо эрур мендин рамон.

Бу фано дайрида хар дамким утар, тут мугтанам Ким, яна бир дамгача мумкин эмас булмоц замон.

Эй Навоий, давр агар будур, мени маст эткали Сен тула цуйким, мен анинг софу дурдин толгамон.

**443**
Ул кони малохатда демон бор эди бир он, Лав танзур фи хуснихи-л-он камо кон.

Ин ихтарица жисми мин нори хавойих, Куймаслиги хаснинг чоцин етканда не имкон.

Улгум сусабон хажр биёбонида, рахм эт, Конат шафахак-айну хаёт ано атшон.

Ё цуррату айни жиъ ва-р-хам бидумуъи, Ким цилди бу селоб кузум уйини вайрон.

Эй цонки, кузумдин оцасен рахмки, улгум, Мин жайри дами-л-айни лано хосилу ийцон.

Лав лам йакуни-р-ройихати-л-манзили салмо, Юз цатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Хар важх ила гар улса Навоий не ажабким, Мин кулли вужухин суфи важхика хайрон.

**444**
Эй, юзунг устида куз андоцки, ораз узра айн, Нун била икки цошинг ичра тафовут бину байн.

Мен киму тацво мусулмонларки, хар соат солур Кунглума ул икки кофир куз хаёли шуру шайн.

Анжум истар чарх тосида тугонлар ишцдин, То курубтур ул муцаммирваш цулида каъбатайн.

Йирттинг умрум сижиллин, тиг ила бошим чопиб, Колмади буйнумда хижрон ултуруб бори бу дайн.

Деди: огзимдур сенинг умрунг, висолим истагил, Умр агар булса, висолин топцамен ал умр айн.

Социё, куп ваъда цилдинг, рох ила рохат етур, Йуцса цил маъюским, алъясу ихд-ал рохатайн.

Эй Навоий, нега маъюс улгай улким, шохидур Хусрави Розий муиззи мулку дин Султон Хусайн.

**445**
Ишц аро куйсам, кулумни лутф этиб ё зулминан, Хайли мури цилким, ул куй ичра цилгайлар ватан.

Куйида урён таним дафн айланг, улсам ишц аро Ким, шахид улганга туфрог пардаси басдур кафан.

Дард уци жисмимга ёгди, гуйиё булди сипехр, Хар хилол андоза цавсидин манга новак фикан.

Куйида цатлимга розимен, нечукким телба ит, Чексалар, лекин тоциб буйнумга зулфидин расан.

Нозик эрмас хулла, жонлар риштасидин кунглак эт, Ким анга жисминг тахаммул цилгай, эй нозук бадан.

Бу чаман гулзорига берма кунгул, эй андалиб, Ким эрур, хар гулки курсанг, теграсида юз тикан.

Эй Навоий, куйига бордим тилаб цадду юзин, Богни найлай, кераклик йуц манга сарву суман.

**446**
Мусаввиреки, цилур куйи гардининг рацамин, Куюнгки, кузга чекай сурма милидек цаламин.

Йилон тахаррукин ар цуш тутарда курмайсен, Кунгул олур чоги кур банди зулфи печу хамин.

Нихон тан ичра туганлардин улди мунглуг жон, Гадоки, таъбия цилгай либос аро дирамин.

Кунгулки, гам сипахин курди — чекти шуълаи ох, Биров кебики, тикар мур хайлига аламин.

Хиромин асру севармен вале кунгул ичра, Аёг чу цуйди, тилармен, кутармагай цадамин.
Хумор мухлик эди, дайр пири тутти цадах, Унутмогум, агар улсам доги, анинг карамин.

Навоиё, адам истар фалак вужудунгни, Тенг онгласин доги анинг вужуд ила адамин.

**447**
Нетиб тамаъ цилайин буйнума сочинг расанин Ким, ул цуёш юзига солди чин ила шиканин.

Бузуг кунгул аро ищцинг чу кирди — цочти хирад, Бу аждахони куруб, бум цуйди уз ватанин.

Тирилди хатту юзунгдин кунгул, магар эктинг, Хизр суйи била бу бог сабзаю саманин.

Катили ищцинг агар кирса равза тавфига хур, Кетурса хулла, ола олмагай анинг кафанин.

Кунгулда хор гамидур — уларман, эй Маръям, Масих игнаси бирла чекай десанг тиканин.

Жахонда раз цизининг лаълидин огиз олма, Десангки, курмагасен золи чарх макру фанин.

Навоий усрук агар дайр ичинда уртади дог, Магарки сузгуч ила кимса боглагай туганин.

**448**

Неча кундурки хабар топмамишам сиймбаримдин, Не асардур хабаримдин, на хабардур асаримдин.

Назарим оллида ойсиз кечадин тийрароц улди, Х,ажр кундузлари, то борди цуёшим назаримдин.

Захми цотил эканин дерга эрур хар бири бир тил, Тиги хажри цаю парголаки, тилди жигаримдин.

Келурам ох нла расволиг ути хар сари сочиб, Офият ахли, саломат цупунгуз рахгузаримдин.

Буйлаким, ул кузи офат ёнар ут жонима урди, Барци офат чоцилур олам аро хар шараримдин.

Ул сифат ишцу жунун тог ила дашти аро иттим, Ки,на Фарход нишон топти, на Мажнун хабаримдин

Дахр богида вафо нахли экиб, берди жафо бар,
Богбоно, деки, не бергамен ул самаримдин.

Носихо, ишцу жунундур хунарим, тарки буюрма, Санга ор улса, манга фахрдурур бу хунаримдин.

Эй Навоий, борибон ёр, фано даштига туштум, Магар ул цайтса, мен цайтцамен бу сафаримдин.

**449**
Йуц фурцат аро бахрам не тандину не жондин, Биллахки, туюбтурмен хам мундину, хам ондин.

Жон душману жонон худ андин манга душманроц, Тонг йуц, куп эса дардим жондин эса жонондин.

Куксумга урар тошца гар тегди уцунг не суд,
Куйдурмакима, чунким ут секреди пайкондин.

Мен хастани рашк уртар, айларга малак сурма
Гардеки, чицар кукка жавлонида майдондин.

Зулфидин агар кунглум жамъ улмади, айб эрмас Ким, топцуси жамият ул хайли паришондин.

Эл зарцу фирибидин воциф киши Мажнундек,
Не айб, кунгул узмас гар гули биёбондин.

Захр ичгилу май ичма, дахр ичра Навоийдек
Ким, нафъ хумор-уцдур бу согари давронднн.

**450**
Музаххаб айлаган пайконларинг жисмим аро хар ён, Дема
бош чектиким, чекти забона шуълаи хижрон.

Качон пайкон курунмас, хажр утининг шуъласи булса,
Ани тортиб чицармоц захм ичидин бормудур имкон.

Не тош отиб, танимни захм цилсанг, гамга цолурмен,
Мунга не боглай ани, цайда боглай, деб мени урён.

Бало даштида курган вахш Мажнунни, мени доги, Хирад
ахли цошинда телба кургандек, цолиб хайрон.

Сунгакларни танимдин бир-бир айирди гами хажринг,
Махалдур итларингни айласам кулбам аро мехмон.

Не мен цолгум, не сен боций, замоне келгил, эй соций,
Кадах даврини хуш тутким, вафосиздур басе даврон.
Вафосиздур замон ахли, замонда не вафо булгай, Вафо
ахли булардин гар вафо истар, эрур нодон.

Хушо, дайр ичра майхона, тула илгимда паймона, Мену
ахли фано огзида куллу ман алайхо фон.

Фано дайрида сойиллицни султонлнцдин ортуц тут Ки,
улмакликда тенгдурлар агар сойил, агар султон.

Жахон ичра кишининг чун йуцию бори яксондур, Не
фаррух кимсадур курган жахон бору йуцин яксон.

Навоий, узни хуш тутким, кишига дахр иши бордур, Агар
мушкул тутар — мушкул ва гар осон тутар — осон.

**451**
Фурцатингдин судурур кунглум, хаёлинг ул судин Уйла
зохирдурки, зохирдур жамолинг кузгудин.

Ул юз оллимдин курунгач, цочти хижрон зулмати, Соя
цолгандек кейин, хуршид чиццач утрудин.

Хажр бийми ичра булдум паст, баским, йигладим, Васл
уммиди доги топсам, сустаюрмен кулгудин.

Деб эдинг цатлингга келгум, чун ишим улмакдурур, Келса улгум, келмаса хам, улгум ушбу цайгудин.

Чекмишам цотил кузунг оллинда кунглум сайдини, Чун цулайдур — бир уц от, уткарма ани цобудин.

Дермен, айлай сурма бир сохиб назарнинг гардини,
Охким, уйгонмагур бахтим, куз очмас уйцудин.

Кургали ани Навоийдек узумдин бормишам,
Узига келтурмас ул айёр ушбу бехудин.

**452**
Ёрутмас цуёш тийра шомим цоросин Ки, бу шом этар тийра анинг зиёсин.

Очар шох узи банд цилганни, лекин,
Халос айлай олмас биров мубталосин.

Гар Айюб сабр этти турлук балода, Вале курмади хажр шоми балосин.

Булут булди охимким, ул ойни ёпцай, Улустин цилиб тийра ишци хавосин.

Дирам урнига берса анжумни ташлар, Агар имтихон цилсанг, ул ой гадосин.

Кани раъий мундин савоб, эй кунгулким, Киши цойил улса, билиб уз хатосин.

Навоий эрур булбулунг лекин, эй гул, Унуттурди хажринг хазони навосин.

**453**
Нетиб упкаймен ул чобук аёгин, Упа олмон чу рахшининг тувогин.

Буларни булмаса упмак, не имкон Тахайюл бирла хам упмак дудогин.

Азиз андоцки куз ичра саводи, Кунгулда хам тутармен тоза догин.

Керак тутмоц хатинг атрини топцан
Бинафшазордин утса димогин.

Мену согар, фациху жоми кавсар, Бале, хар
кимса курсун уз аёгин.

Жахон макрин биравким билди, бермас Жахон
мулкига бир дамлиг фарогин.

Саранжом улмак эрмиш, эй Навоий, Хизр
умри муяссар булди согин.

**454**

Икки гул кеча кулбамни гулистон айлабон, Олдилар
жонимни бедод, улча имкон айлабон.

Бири буркин синдуруб, жонлар сафин синдургали, Аклу
дин мулкин сафи мужгони вайрон айлабои.

Бири бир неча хилолин эгри боглаб ноз ила, Анжуму
афлокни хуснига хайрон айлабон.

Бири хатти сабзасидин гулга боглаб хошия, Базмин ул
сабзаю гул боги ризвон айлабон.

Бири олам ахлининг кунгли цушин сайд эткали,
Сунбули домини гул узра паришон айлабон.

Бири цошу кирпигидек уц била ё илгида, Лекин ул ё
бирла-уц жонларни цурбон айлабон.

Бири вусма бирла сурма рангидин кук тоцини, Офат
ангизу цора наргисни фаттон айлабон.

Бири боглаб баргни тун узра миноранг цур, Нахли цаддин
гайрати сарви хиромон айлабон.

Бири гулгун тунга сариг астардин зеб этиб, Сарви
раъносин гули раънода пинхон айлабон.

Мастлигдин ул цилиб илгида догин ошкор, Шухлигдин
жонга бу юз доги пинхон айлабон.

Зулм ила ул ултуруб, бу лутф бирла тиргузуб, Гар бу
цилса зулм, ул хам лутфу эхсон айлабон.

Мен агар боцсам бу ён, тиг уруб анинг ишваси, Боцсам ул ён, гамзадин бу тийр борон айлабои.

Эй Навоий, бу фасонанг ё туш эркин, ё хаёл, Неча лоф урмоц узунга мунча бухтон айлабон.

**455**

Эй кунгул, гар цути жон цилмоц тилар булсанг лабин, Йуцтур имкон солмайин буйнунгга тавци габгабин.

Шоми хижрон уйла мухриццурки, хар соат цурур, Ул цилиб дарёга ёпинсам булут чодиршабин.

Тийрадур ул навъким, цилгай цуёш нурин цора, Гарчи кундуз чарх толиъ цилса бахтим кавкабин.

Уйла усрук чицти жавлон айлаб ул, ойким, цилур Ер била тенг, кук уза секретса ногах ашхабин.

Лаъли жон олмоц тилар, йуцса такаллум айласа, Рух ила цилгай мушарраф юз Масихо цолибин.

Софи май ичким, кудуратдур саросар, англадим Хам замон расмини, хам ахли замоннннг машрабин.

Чарх тоцидин садо эрмас, малойик зикридур, Чун Навоий еткурур гардунга ё раб-ё рабин.

**456**

Етишти байраму рафъ этти руза цайгусин, Хилол мусайцали ёрутти бода кузгусин.

Сипехр жоми хилолига жилва берди, магар Ки, бода забт эта олмас нашот кулгусин.

Магарки, цилди шабистонга азм шохиди ийд. Ки, тукти фаррух аёгига ахтар инжусин.

Далил рохи шафац рангу жоми минойи, Шафац майини куру чарх жоми минусин.

Фарогате тилар эрсанг, куп огзи хиштини ол, Ушат бу хишт била зухд нангу номусин.

Сахарки, халц мусаллога юз цуяр, хуш тут, Борурга дайри фано сари тонг цоронгусин.

Навоий, ич цадаху фоний улки, топти бацо, Биравки, топмадилар эл сурогу белгусин.

**457**
Себакедур оразим ранги бирав хижронидин, Олмадек булмиш цизил хар ёни ашким цонидин.

Новаки цонлиг кунгулдин, эйкн, дерсен утмамиш, Айлагил боре назарким, цон томар пайконидин.

Мен кеби мажнунни хам бости мазаллат гардиким. Фахм булмас захм ила доги тани урёнидин.

Гуй урардин йуцки, ул чобук цилур бир бошни гуй, Буки бир гавго чицар хар дам анинг майдонидин.

Хублуг даврида ёд этгил гахе ушшоцни Ким, басе ёд айлагунгдур хублуг давронидин.

Айш базмин, эй кунгул, майхона айвонига чек Ким, бало тоши ёгар хар дам сипехр айвонидин.

Куйида итлар фигони андин эркин хар кеча Ким, уюмаслар Навоий нолаю афгонидин.

**458**
Юзунг кургач, илик куксумга урмон, ишц тобидин Ки, кунглумга цуярмен, секрер анинг изтиробидин.

Чицибтур чун тишинг хажринда охим абри найсондек, Не тонгдур, ёгса жола урнига анинг сахобидин.

Кунгулдин поралар маълум улурким, истар ул ойни, Дамим ути шарорининг фалак сари шитобидин.

Хавойи ишцдурким, бузгай уйларни хубоб осо, Бузулгочким, хаво чицса кузум бахри хубобидин.

Саводи хажр шомича тукулгай мушк хар сари, Паришон айласа ел, тоб очиб зулфунг танобидин.

Утукин то рикоб упти, анинг рашкидин истармен, Ки, тишлаб-тишлаб, утук наълидек узсам рикобидин.

Ажаб йуц, тотса хар ит телбараб огзидин ут сочцай, Жунун куйида тушкан шуълалиц багрим кабобидин.

Садодин оби хайвон цатраси секрирму хар сари, Ваё суз дер замон, дур сочилурму лаъли побидин.

Десанг хажринг хуморидин халос улгаймен, эй соций, Магар огзимга цуйгайсен лаби лаълинг шаробидин.

Не мозидур, не мустацбал орада, сенсену бу дам, Не шод улмоцдурур хар дам узун умрунг шитобидин.

Десанг дузах азобин чек Навоий, тортсун минг йил, Халос этсанг ани, ё раб, даме хижрон азобидин.

**459**

Малолат буми учмас мен гадо вайрони томидин,
Музаххаб цуш кеби шах цасрининг мили мацомидин.

Жамолинг субхидин сурдунг нишоне, вах не навъ айтай,
Кутулмаймен чу харгиз тийра зулфунг хажри шомидин.

Бу янглигким тацибсен хар кунгулга зулфдин торе,
Кунгуллар не цутулгайлар цадинг саркаш хиромидин.

Юзунгнунг хажрида бу куз цорасин лола янглиг бил,
Кораси даврида эврулган ашки лолафомидин.

Сени истарда бу мажнун хироми барцдек, тонг йуц Ки,
пуя вацтида ут чоцилур хар тез гомидин.

Лабинг оби хаётида эрур Исо дами музмар,
Не тонг, булса улук жонбахш анинг ширин каломидин.

Чу курдум огзию зулфини, хушум борди ягмога Ки, мул кайфияти фахм улди анинг миму ломидин.

Насими зулфин истишмом цилса ацли кули чицмас — Жунун атри циёматца дегин анинг машомидин.

Ул ой хажрннда махзунмен, керак майхона ул янглиг Ки, май кам булмагай йиллар ичиб афлок жомидин.

Манга чун дайр пири саъй цилди бутпараст улмоц.
Унуттум худпараст улмогни анинг ихтимомидин.

Эрур кунгли цушига халцаму ушшоц отин кургач, Навоий отигаким, халца чектинг ул асомийдин.

**460**

Дема гулгундур либосимким, сиришким цонидин, Ранг тутмиш, цон оцар сицсанг, тутуб хар ёнидин.

Неча кунглум богида, эй ишц, кирсанг топилур, Сарв бирла гунча анинг новаку пайконидин.

Ошкоро ганжи хусндин чу бахрам йуцтурур, Кайда топцаймен таматтуъ хурдаи пинхонидин.

Эл била касби хавою су цироги истадинг, Булма гофил оху ашким сарсару туфонидин.

Хублуг давронида ушшоцдин ёд эт гахе Ким, басе ёд айлагунгдур хублуц давронидин.

Истаманг охир гиёхи мехр ё барги вафо
Ким, кукармайдур булар харгиз жахон бустонидин.

Эй Навоий, ёцмаса ул ойга, бас цилдим наво, Лек манъ айларга ожизмен кунгул афгонидин.

**461**

Тилаб мацсад харими тавфини елдек хиромимдин,
Озиццан хамрахим топмас асар цум узра гомимдин.

Киёматца дегинча захр утидин маргзор улгай,
Агар бир цатра томса, фурцатинг базмида жомимдин.

Камар давридa ёруглуц юзини курмагай кимса, Куёш рухсорига гар тушса холе тийра шомимдин.

Шамими зулф васфидин эшиттим нуктае бир кун, Эрур йилларки, мушки ноб иси кетмас машомимдин.

Сипехр узра эмас гулгун булут, хар сариким тушмиш,
Фалак миръотига акси сиришки лаълфомимдин.

Кабобим жуз багир йуц, гарчи бор охим анингдекким,
Тушар вайроним ичра чурканиб, цуш утса томимдин.

Халос улдум ишим тенгрига солиб, токи билдимким,
Очилмас иш менпиг бехуда саъю эхтнмомимдин.

Муганний нагмасидпн тоза булмас, эй Навоий, рух, Агар зеб этмаса лаълига рухафзо каломимдпн.

**462**

Шиоий хатлар айрилган кеби хуршиди рахшондин,
Кунгуллар йуллар этмишлар жамолинг сари хар ёндин.

Сиришким ёмгурию шоми хижронимга рахм этким, Бу
утти Нухнинг умридин, ул бир утти туфондин.

Дема, эй Хизр, жон бирла бацоси бобида куп суз, Фано
ахли аро жонон боринда ким десун жондин.

Бузуг кунглум аро хатту узоринг, эй бахори хусн, Эрур
андоцки, буткай сабза бирла лола вайрондин.

Туладур куксум ичра новакинг, суртуб илик, фахм эт,
Танимда хар сарнму урнида бир нуги пайкондин.

Чу давр ахли жафосидин ичармен бода, эй соций, Унутма
давр аёгидин, вале ёд этма даврондин.

Качон ой кахкашондин сойир улса, булгай ул янглиг Ким,
ул хуршнди сиймо сайр учун уткай хиёбондин.

Чу гулда йуц вафо ранги хазон еткунча, эй булбул,
Сабодин барги гул янглиг учуб чиц бу гулистондин.

Навоийга Хижоз оханги булди, то яна цайтиб, Мацом
этмас Ироц оллида, ёд этманг Хуросондин.

**463**

Лолалар очилса вайрон марцадим хар ёнидин, Доги
кунглум утидиндур, ранги захмим цонидин.

Хар уцунгнунг захмидин цон оцса, тонг йуц, нов-нов,
Хосса икки нов хам топцай ул уц пайконидин.

Боргали девона кунглум тан уйин согинмади, Итти
Мажнун, уйлаким, ёд этмади вайронидин.

Х,ажр шоми йигларам гурбатдин, эй хамсоялар, Бу кеча
воциф булунг бу сайлнинг тугёнидин.

Х,ажр юз минг йилчаю ашким урар гардунга мавж, Мен
хам уттум Нухдин, бу ашк хам туфонидин.

Эйки, бу базм ичра ичтинг ком ила бир даври май, Билки,
ноком онча цон ютцунг фалак давронидин.

Эй Навоий, туш курарсенму ватанни, демаким, Телба тушдек согинур, ёд этса хонумонидин.

**464**
Юз утида юз цатра су, тонг йуц, хуйи галтонидин, Кунглум утида йуцмудур юз цатра су пайконидин.

Килганда рахшин гармпуй ул шахсувори тундхуй, Килгай дебон оллида гуй, олмон бошим майдонидин.

Бу дарду гамдин лолмен, майдон аро помолмен Ким, кургач-уц бехолмен ул ишвагар жавлонидин.

Бошим сари наззора цил, эй чарх, дод, борингни бил, Доги саодат англагил хар захм анинг чавгонидин.

Майдонга ул чобук суруб, бошимга чавгон еткуруб, Саргашта жоним куйдуруб, эл пуяси хар ёнидин.

Кук мазраидин хушае касб айласанг, цил тушае, Ком истабон тут гушае, гуйи фалак давронидин.

Гардун чекиб тигин нихон, юз жавр бирла тукти цон, Охир Навоий топти жон, топцач вафо жононидин.

**465**
Гар мени ёд этмас ул ой зулм ила бедодидин, Шукрким, гофил эмасмен бир дам анинг ёдидин.

Лутф этиб, гар ёд этар, ё зулм ила бедод этар, Мен ризосин истарам ёдидину бедодиднн.

Кеча айш ахли муганний лахнидин хушхол эмас, Ончаким мен тонгга тегру итлари фарёдидин.

Хотирим синмоц тилар, кунгли тилармен, мен доги, Хар не бу шишамга келгай хуштур, ул пулодидин.

Сабр тошидин кунгулга куп бино тарх айладим, Куз ёшим сайли цунгарди барчани бунёдидин.

Дайр пири деди: майдин бош кутарма, эй рафиц, Солик улдур, чекмагай бошини пир иршодидин.

Сурма, эй хамдам, Навоийнинг гаминким, оламе Рам била тулгай, дам урса хотири ношодидин.

**466**

Ёраб, улким васл шоми ком олур зебосидин, Тийра цилма айши кузгусини субх анфосидин.

Эл майн лаълин нетай, мамзуж эса оби хаёт
Ким, менинг жомим эрур мамлу фнроц олмосидин.

Ул парий ишци агарчи айлади мажнун мени, Шукр эрур, бореки цутцарди хирад васвосидин.

Фош мехри тухмини кунглумда эктим, кур нишон, Хар сунгак ёнимда урмоцца мухаббат досидин.

Урмагайсен посбонлнг лофи кук цургонида, Воциф улсанг, эй ажал, хажрим туни бир посидин.

Килмагил бу коргах васфига фикру бода ич Ким, хирад идроки ожиздур анинг эхсосидин.

Эй Навоий, пири социйвашца андоц мен хароб Ким, унутмишмен жахон тархон ила барлосидин.

**467**
Эй мусулмонлар, фигон ишци балоангездин, Оху вовайло балолиг фурцати хунрездин.

Кайда фарёдим эшиткай улки, куйи кам эмас, Халц афгони била гавгои рустохездин.

Гул юзига хуй тушуб, лаълига кунглум цилди заъф, Буйлаким заъф айламиш цанди гулоб омездин.

Кунглим ичра гулситони хуснидур, эй богбон, Келки, охим фарци йуцтур нафхаи гулбездин.

Ахли дин цатлига мундоц чицса маст ул мугбача, Social, май берки, кечтим тацвою пархездин.

Ишц ути мазлумкушдур, билмас ани ахли зулм, Англагил бу нуктани Фарход ила Парвездин.

Эй Навоий, итларин курмакка борсанг, багринг уз, Ким гузиринг йуцтурур бу навъ дастовездин.

**468**
Дамеки ишц утида цолмагай асар мендин, Намуна булгуси учмакда хар шарар мендин.

Парийвашим гамидин телба итдек улмишмен, Саломат ахли, букун айлангиз хазар мендин.

Анингдек ашк ила охим солибтурур туфон Ки, бордурур еру кук вазъига хатар мендин.

Анингдек улди фано ищц аро вужудумким, Адам диёрида хам топмогунг хабар мендин.

Анга етарга бошоц сацли манъ этар гарчи, Хаданги касратидин чицти болу пар мендин.

Тааюнот ичида ищц бнр хацицат эрур,
Гар улса булбулу парвонадин ва гар мендин.

Навоий, айлама тун-кун нишоту таълим ол, Шабона ох била нолаи сахар мендин.

**469**
Хар киши байрам сабохи шоду мен гамнокмен, Ийдгох ичра аёг остидаги хошокмен.

Гарчи эл байрам сабохи шодмондурлар, валек
Согинурмен барча гамгиндур, чу мен гамнокмен.

Ох дуди бирла тожу ашк цонидин либос, Ул цора, бу ол, ул янглигким, бу бебокмен.

Кавсанг оллингдин, ёнарда демагил кохил мени, Куй инонингда югурмак, курки, не чолокмен.

Борма махвашлар тамошосига дерсен мен кеби, Зохидо цилдинг гумонким, мунча беидрокмен.

Токи цилдим раз суйидин тарки хуш, эй богбон,
Хам булуб, цул хар тараф солган начукким токмен.

Эй Навоий, файздин анфосим улмиш рухбахш, То Масиходек алойиц зулматидин покмен.

**470**
Кадни ул хуршид аёгинда агар дол эткамен,
Жилвасига зулф янглиг узни помол эткамен.

Холдек юзум цора, гар туйгамен рухсоридин, Гар кузумнунг мардумин рухсорига хол эткамен,

Ул парий пайкарга форигбол етмак истабон, Туну кун тенгридин истидъо пару бол эткамен.

Хар кеча холим хароб улганда, ёлгон туш била, Ваъдаи васл айлаб, андин узни хушхол эткамен.

Гар десамким, куйи туфрогин айлай куз халцасин Минг тешуклук пардаи жон бирла гарбол эткамен.

Бодани бугзумга цуйгайсен йициб, эй мугбача, Гар ичарда тавба узри бирла ихмол эткамен.

Ришта жисмингдин, сомон сариг юзунгдин чирмайин, Эй Навоий, номаким ул ойга ирсол эткамен.

**471**
Билгасен, чекмас киши дарду бало андоцки мен, Гар бировга мубтало булсанг, санга андоцки мен.

Ишц дардига давоким васл дебсен, эй хаким, Бу балога кимса эрмас мубтало андоцки мен.

Уйлаким, йуц сен кеби хусн ахли ичра бир парий, Йуцтурур бир телба ахлн ишц аро андоцки мен.

Эйки цуймайсен, танимни туъма цилгай итларинг, Итларингга жонни ким цилди фидо андоцки мен?!

Эй Навоий, файздин анфосим улмиш рухбахш, То Масиходек алойиц зулматидин покмен.

**470**
Кадни ул хуршид аёгинда агар дол эткамен,
Жилвасига зулф янглиг узни помол эткамен.

Холдек юзум цора, гар туйгамен рухсоридин, Гар кузумнунг мардумин рухсорига хол эткамен.
Ул парий пайкарга форигбол етмак истабон, Туну кун тенгридин истидъо пару бол эткамен.

Х,ар кеча холим хароб улганда, ёлгон туш била, Ваъдаи васл айлаб, андин узни хушхол эткамен.

Гар десамким, куйи туфрогин айлай куз халцасин Минг тешуклук пардаи жон бирла гарбол эткамен.

Бодани бугзумга цуйгайсен йициб, эй мугбача, Гар ичарда тавба узри бирла ихмол эткамен.

Ришта жисмингдин, сомон сариг юзунгдин чирмайин, Эй Навоий, номаким ул ойга ирсол эткамен.

**471**
Билгасен, чекмас киши дарду бало андоцки мен, Гар бировга мубтало булсанг, санга андоцки мен.

Ишц дардига давоким васл дебсен, эй хаким, Бу балога кимса эрмас мубтало андоцки мен.

Уйлаким, йуц сен кеби хусн ахли ичра бир парий,
Йуцтурур бир телба ахли ишц аро андоцки мен.

Эйки цуймайсен, танимнн туъма цилгай итларинг, Итларингга жонин ким цилди фидо андоцки мен?!

Гарчиултурдунг жафо бирла мени, лекин тилаб, Топмогунг давронда бир ахли вафо андоцки мен.

Йуцтурур даврон жафосидин цутулмоц, эй рафиц,
Тутмасанг майхонанинг кунжини то андоцки мен.

Эй Навоий, гар берур хусни закотин йуц киши, Хастае зоре гарибий бенаво андоцки мен.

**472**
Ёраб, англабму экин ул ойким, анинг зоримен, Кечалар савдосидин андоцки зулфи торимен.

Сиххатим булса, топибмен лаъли ёдидин шифо, Нотавон хам булсам, анинг кузлари беморимен.

Йуцтурур хаддим демакка ёрнмен ёхуд ити,
Итларига хар киши ёр, ул кишининг ёримен.

Хублар ушшоцига жон берсалар, ул цилса цатл, Хар сари юзланса ишц ахли, мен анинг соримен.

Истаса эл жонини, билмон берур-бермасларин, Булса юз жон хам, анга борин берурмен боримен.

Жилва айлаб маст, то кунглумни олди мугбача, Дайр пири итлари силкида хидматкоримен.

Хажрдин то нотавон жонимни цутцарди ажал, Эй Навоий, англаким, жон бирла миннатдоримен.

**473**
Юз жафо, тонг йуц, гар ул номехрибондин кургамен, Ким вафо курмиш биравдинким, мен андин кургамен.

Кимса абнойи замондин курдиму харгиз вафо Ким, мен ул хунрезу ошуби замондин кургамен.

Куйки, итдек телба кунглум неча мехнат, эй рафиц, Хар дам ул оворайи бехонумондин кургамен.

Узгалар лутфин нетайким, жонима ором эрур, Жавру бедодиким, ул ороми жондин кургамен.

Нозанинлар жилвагохи ичра хар ён телмурур
Кузларимким, ул суманбарни цаёндин кургамен.

Еру кукнии ашку охим сайлу дуди цилди гум, Неча ранжу мехнат ул икки ёмондин кургамен.

Дема ул ой оразин курсанг, урар бошингга тиг, Хар бало келса бошимга осмондин, кургамен.

Хирцаю сажжодани цилсам фано дайрида рахн, Икки олам судини мундоц зиёндин кургамен.

Эй Навоий, сурмагилким, цилмагумдур ошкор,
Юз нихоний дарду мехнатким, фалондин кургамен.

**474**
Телба кунглум жавридин андоц паришонхолмен Ким, анинг бедодининг шархин демакдин лолмен.

Рам сипохи чун хужум айлар анинг туш-тушидин, Холига рахм айлабон, гам хайлига помолмен.

Гохи мажнунвашлиги бирла булурмен музтариб,
Гох бехол улмагидин заъф аро бехолмен.

Заъф холингга неча рахм айлагаймен, эй кунгул, Сен доги рахм этки, мен хам бас заъф ахволмен.

Ишц аро гохи булурмен зор муянгдин чу муй, Фурцат ичра гох нолангдин начукким, нолмен.

Кош итсанг, уйлаким ному нишонинг топмасам, То десам ишц андухидин эмди форигболмен.

Эй Навоий, неча дермен ишц таркин айлайин, Чун иш ишга етти, айлармен яна эхмолмен.

**475**

Хажр шомидин цоронгуроц тун улгайму экин, Ё раб, ул тундин халос улган кун улгайму экин?!

Барц янглиг олам уртар ламъаи шоми фироц, Дузахи хижрон чицарган учцун улгайму экпн?

Куйида итлар изи рухсорима булди бахо, Мундин оё цимматироц олтун улгайму экин?

Субх фурцат бир бало дарёси бузди халцни, Шоми хижронимда ёгцон шудрун улгайму экин?

Гул масаллик тоза цонлиг доглар бирла таним, Дард богида очилган гулбун улгайму экин?

Тийр борони фироц ахбоб жонидин утар, Хеч ёмгур мундин, оё, уткун улгайму экин?

Бог аро гулларга ут солди Навоий ноласи, Бенаво булбулга, вах, мундоц ун улгайму экин?!

**476**

Бу кеча хажр куни шоми цийргуниму эркин, Йуц эрса саъб гамим дузахи тутуниму эркин?

Чу шайх хирцасига руцъа тикти, жисми туташти, Самум хулласидек кунглагим юруниму эркин?

Фироц даштида иткан кунгул елиб чица олмас, Анинг бу води аро гул рахнамуниму эркин?

Кузум уйиники сайли сиришк бузди, йицилмас Кадинг хаёли бу вайронанинг сутуниму эркин?

Бу утки телба кунгулни парий хаёлига солмиш, Юзунг шиоиму ё шуълаи жунуниму эркин?

Биравки касби фано цилди, кукка цуйди цадамни, Буму забун анга ё ул мунунг забуниму эркин?

Навоий озди эсидин, чу кеттин жисмига куп наъл, Талаб йулининг алар наъли бозгуниму эркин?

**477**
Демангиз келмиш алам сиххат кетиб, ёр илгидин Ким, манга хам юз аламдур ул жафокор илгидин.

То илик буйнига ости юз дуою хирз ила, Суртубон юзни мушарраф булди, тумор илгидин.

Зор кунглум илгида, озор хам илгидадур, Бедаво озорини касб этти бу зор илгидин.

Кош жонимни анинг илгига цилгаймен фидо, Жонга хар не булса булгай, бори дилдор илгидин.

Дардини миннат тутуб, жонимга айлармен цабул, Англасамким, кам булур бир зарра озор нлгндин.

Бода олгач, титратур хар субх илгимни хумор, Ичмасам икки лаболаб жом хаммор илгидин.

Эй Навоий, кунглум илгидин чекармен юз бало, Тухмат айларменкн, бор ул мох рухсор илгидин.

**478**
Гарчи ул махваш жафо айлар, тааммул цилмайин, Чункн ошицмен, ведур чорам тахаммул цилманин.

Хажр биймин англабон айлар кунгул васлида макс, Катл учун элтурда эл бормас, тааллул цилмайин.

Огзин англарда белнн кунглумда айлармен хаёл, Хурдадон булмас киши, нозук тахайюл цилмайин.

Ишц сиррин гар баён айлар эсам, эй пири ацл, Эътироз этма, хадисимни тааццул цилмайин.

Вах, неча цон ютцаменким, социйи даврон манга Чун етар хар давр аро, утмас тагофул цилмайин.

Фоний ул, фацр истар эрсангким, эрур мацсад мухол, Йулга чун цуйгай цадам рахрав, таваккул цилмайин.

Эй Навоий, шарт цилдимким, агар булсам халос, Ишцидин узга бу иш зикрини бикулл цилмайин.

**479**

Уртама кунглумни комин хосил этмастин бурун, Кушни ким бирён этибтур, бисмил этмастин бурун.

Жисм аро ишцинг ватан цилмай, хануз олди кунгул, Ут ёцар ер топти уйни манзил этмастин бурун.

Ошиц улдум, жоним осонлиг била ол, эй ажал, Ишц дарди жонга ишни мушкул этмастин бурун.

Эй кунгул, ёр очти юз, хижронда улмак саъб эрур, Жон фидо цил юзга бурцаъ хойил этмастин бурун.

Пандлар берди хирад кунглумга, юз шукр, эй парий, Телба цилдинг носих ани оцил этмастин бурун.

Фоний улсун ким бацойи жовидон истар ани Фоний улганларга даврон дохил этмастин бурун.

Эй Навоий, гайр нацшидин орит кунглунгниким, Файз мумкин эрмас, узни цобил этмастин бурун.

**480**
Ёрумас шамъи жамолинг, риштаи жон уртабон,
Фурцатинг дарди кам улмас, доги хижрон уртабон.

Кунглума ут, бошима солдинг цилич, аммо не суд,
Ошкоро урмагинг су, уйни пинхон уртабон.

Барце кулмак бирла куйдирган кеби жисмим хасин,
Охким, кул цилди гул гулбарги хандон уртабон.

Хайли ишцинг хар сунгакни танда бирён уртади, Корвон ёццондек ут, хасларни хар ён уртабон.

Уцларин уртаб танимда, тукти кунглум цонини, Турфа сайди айлади бисмил, найистон уртабон.

Социё, сол оташин лаълинг била бир ут манга Ким,
кунгулга шуъла солсун, жонни осон уртабон.
То Навоийдек булай озод узлук мулкида,
Хар неникум уртамаклик булгай имкон уртабон.

**481**
Эл гамимдин куймасун деб, нолаи зор айламон, Дарди холимнинг мингидин бирни изхор айламон.

Йуцса йуцтур хеч соатким, фигони зор ила,

Юз туман минг багри тошнинг кунглини зор айламон.

Турфа буким, тортибон юз мунча дузах шуъласи, Ёр кунглин бу хароратдин хабардор айламон.

Турфароц буким, фигонимдин уюмай дахр эли, Уйцулуц бахтим кузин бир лахза бедор айламон.

Ишц аро мен узга, Фарход узгадур, эй дустлар, Тешаи гам бирла мен тог багрин афгор айламон.

Социё, андоц сабух истар кунгулким, берса даст, То циёмат субхи андин узни хушёр айламон.

Эй Навоий, судраб элтур бода бирла мугбача, Ихтиёрим бирла азми куйи хаммор айламон.

**482**

Катра терлардин юзинда дур нишониму дейин, Ё такаллум вацти лаъли дурфишонинму дейин?

Огзидин жисмим адам булмаглигинму шарх этай, Еунча янглиг тах-батах кунглумда цонинму дейин?

Тан фироцинму десун, жон иштиёцинму десун, Мен хаёли тан гузори жонситонинму дейин?

Эйки, дерсен нуктаи ишцу жунун ахлидин айт, Уз фасонам, йуцса Мажнун достонинму дейин?

Социё, кунглумда май хирсин куруб, сурдунг сабаб, Хажри дардин ё хумори бегаронинму дейин?

Чархдин цилсам шикоят сурманг, эй халци замон, Халцнинг жавринму, ошуби замонинму дейин?

Колгали шоми фироц ичра Навоий шамъдек, Куймакинму айтайин, ашки равонинму дейин?

**483**

Гам туни лаъling суруди хажр дер мен зор учун, Чун ажал етти — Масихо захр эзар бемор учун.

Кузки учцан чогда устига ёпиштурдум сомон, Номабар цушдурки, сариг руцъа элтур ёр учун.

Оразинг шавцидаким, ашким тукар куз мардуми, Богбон янглигдурурким, су очар гулзор учун.

Куйи туфрогин менииг дийдамга сол, эй тонг ели Ким, эрур ул сурма лойиц дийдаи бедор учун.

Чун йицилди заъфдин жисмим уйи, найлай, асо Ким цилибтур сарви пуштибон йицуг девор учун?!

Умр нацдига иморат айланг, эй дайр ахликим, Вацфи жон мулкин цилибмен кулбаи хаммор учун.

Гар Навоий, хажр даштидин ута олмас, не тонг, Йул юруй олмас кафи гам тошидин афгор учун.

**484**

Неча ашкимдин манга, эй ишц бедод эткасен, Охдин жисмим хасин хар лахза барбод эткасен.

Элга дилбар илтифотидин мени айлаб гамин, Элни булгандин манга номултафит шод эткасен.

Менким улдум, гамда жон бермак манга таълим этиб, Улки цотилдур, анга ултурмак иршод эткасен.

Эй кунгул, бергайсен элга сури нафхидин хабар, Айлаб охингдин циёмат, чунки фарёд эткасен.

Х,ар замон ищцинг чу юз минг цатлига цониъ эмас, Фурцатингдин йуцтурур хожатки, имдод эткасен.

Ищцдинким жонима юз гул очилмиш, эй хаким, Жахл эрур,гар номия рухига иснод эткасен.

Уйла махв улмиш Навоий хотирингдин, эй парий Ким, унутуб, шояд ул девонани ёд эткасен.

**485**

Ер холидин манга, вахким, хабар йуцтур бу кун, Бу жихатдин ацлу хушумдин асар йуцтур бу кун.

Субх селоби сиришким оцти куп, эй дустлар,
Панд учун келмангким, ул судин гузар йуцтур бу кун.

Кеча гар багрим булуб цон оцти куздин, гам эмас, Гам будурким, итларига мохазар йуцтур бу кун.

Мен букун улгач, анинг куйига тулди халцким, Ашку охим сайлу барцидин зарар йуцтур бу кун.

Ваъдаи васлини тонгла демагилким, умрга, Эътимодим хажр шоми то сахар йуцтур бу кун.

Ичмагум, эй дайр пири, жоми май, ул мугбача Май тутарга базми айш ичра агар йуцтур бу кун.

Узлукин чун солди улган кун Навоий бошидин, Бу жихатдиндур анга гар дардисар йуцтур бу кун.

**486**

Кузларим кур эт, кунгулга доги хижрондин бурун Ким, бу икки куйдурубтурлар мени андин бурун.

Гарчи куптур ошицинг, лекин юз очсанг, кимсанинг Улмаки мумкин эмас мен зори хайрондин бурун.

Ашк ила дерсен бузай кунглунгни, эй куз, лек ишц Ер била тенг цилмиш ани сайли мужгондин бурун.

Кел-кел, эй жону кунгул оромиким, булмоц фидонг, Жон кунгулдин бурнароц истар, кунгул жондин бурун.

Софи васлинг борида тутма десам дурди фироц, Дерки, захр ичмаклик авло оби хайвондин бурун.

Гар санга йуцтур вафо, хуснунга хам йуцтур вафо, Бас ганимат бил вафо, булмоц пушаймондин бурун.

Эй Навоий, еткай ул ойга фигоним дер эдим, Охким, то очти юз — жон етти афгондин бурун.

**487**

Юзунг субхида холинг нуцтаедур, субх аро булган, Йуц эрса курмадук тонг юлдузин харгиз цоро булган.

Хато булмас кунгулдин худ уцунг, аммо тилар кунглум Ки, хам теккай анга, хар сари отцандин хато булган.

Не билгай кирпику цошинг гамин бир шастига магрур Ки, билгай бир менингдек охи новак, цадди ё булган.

Бировким оташин лаълинг уза холинг курар — англар Ки, утлуг жонима ушбу царогимдур бало булган.

Давойи ишц эрур ё васл, ё марг, ул эмас мумкин Бу бирдур, кимса топилса, бу дардига даво булган.

Томуг утин огизга олмагайсен, воизо, бир дам, Санга булса фироцим охидин, йиллар манго булган.

Кадах доир цил, эй социйки, бу топмиш иложу бас, Бу фоний дайр аро даврон гамига мубтало булган.

Буту зуннор муганнийсин не билгай хонацах ахли Ки, андин рамз сургай сокини дайри фано булган.

Не тонг минг тил била афгонинг, эй булбулки,сендурсен Бу гулшанда Навоийдек асиру бенаво булган.

**488**
Буки кунглум ярасидин оцадур, цонму экин? Ё цизариб эриган су кеби пайконму экин.

Ул хату лабки берур кузга сафо, жонга хаёт,
Сабзаи жаннат аро чашмаи хайвонму экин?

Хусн хони ароким, ёйди цазо юзу лабинг, Курси хуршид била лаъли намакдонму экин?

Еунча огзигаму гулшанда ёгибтур жола, Ё жамолинг гули ичра лаби хандонму экин?

Ёр дер: кузни юзумдин нега бот олмассен,
Дустлар, тенгри учун денг: бу иш осонму экии?

Ёр жаврию улус зулми, фалак бедоди, Манга ёлгузму экин, барчага яксонму экин?

Эй Навоий, эл аро фитнадур ул кофирга, Азми майдонму экин, майли хиёбонму экин.

**489**
Куз богида гул экмишам ул юз хаёлиднн,
Вожибдурур кузумга су бермак жамолидин.

Уптум лабин юз очцач, эрур турфа курмаким,
Гул бирла мева бир йули ул цад нихолидин.

Рухсори кузгусига, кузум мардумига акс, Фахм айладим биайнихи ул юзда холидин.

Жоним гадолиг этти бир упмак, вале лабинг Берса жавоб кошки анинг саволидин.

Руйият чоги бийик даража бирла янги ой Курди наззора ахли цошингнинг хилолидин.

Зохидки, цилди мастлигим айб, айилмагай, Бир дам су ичса, майкада синган сафолидин.

Фарёд ила Навоий анинг васлин истамиш,
Фарёд, анинг бу навъ хаёли мухолидин!

**490**
Бир мусофирда куруб тимсолини, бечорамен, Топцали ани жахон мулки аро оворамен.

Дема, заъфингдин качон куз юмгасси, кел сургали Ким, турубмен мунтазир, мавцуфи бир наззорамен.

Эйки сурдунгким: цачондин телбасен, андин бери Ким, нихони зор ул шухи парий рухсорамен.

Мунчаким жаврига мен туздум, эмасмен одаме, Гуйиё туфрогмен, зулмида балким хорамен.

Деб этмиш: ким анинг бошин кетурса, лутф этай, Бошим олиб ийнак ул цотилни истай борамен.

Дашт ё тог ичра улган топцунгуз бир кун мени, Буйлаким Мажнун била Фарходца хамкорамен.

Чун кишиликдик чицармишдур мени ишцу жунун, Эй Навоий, бас ажабдурким, халойиц орамен.

**491**
Уйга келмиш, деб хабарлар айтибон жононадин, Маст элтурлар бу навъ алдаб мени майхонадин.

Булмасам лояъцилу мундоц либосот улмаса, Тушмаким айру не мумкин согару паймонадин.

Истаманг Фарходу Мажнун таврини мендинки, халц Килмамиш ахли хирад расмин талаб девонадин.

Ишц мулкида улуг хангома тузгай ахли дард,
Айлаган бир достон зохир бизнинг афсонадин.

Булмиш ул бегонаваш бегоналарга ошно, Ошнолиглар иси топсам, не тонг, бегонадин.

Оразу холинг гирифтори эса кунглум, не айб Ким, гузири йуцтур ул цушнинг бу обу донадин.

Бу кухан дайр ичра ким топса рафицу согаре, Одам эрмас, ташцари цуйса цадам вайронадин.

Сарв цадлар садцаси булганга уртанмакдур иш, Равшан эт бу можарони шамъ ила парвонадин.

Хорлиг гарди аро ботиб, хаводис тошининг, Вахмидин хар дам чица олмон бузуг кошонадин.

Химматинг бор эса, дунё шухидин озод бул, Шохиди маккора майли хуб эмас фарзонадин.

Ким Навоийни цилур гойиб, топар майхонада, Гох дуди оху гохи наъраи мастонадин.

**492**

Ишц айнидин кузумни цилмади ёруц жахон, Не учунким Коф тоги остида эрдим нихон.

Коф тоги остига цолган улук туфрогни,
Не цадар айни анодин цутцара олгай жахон?

Вахки, то кирдим жахон богига махлас топмадим, Лахзае юз Кофча дард остидин мен нотавон.

Душманимдин не балолар етмиш улгай жонима, Дустдин менким, жахонда курмадим жуз цасди жон.

Аниким жону жахоним дер эдим, жонига айш Йуц жахонда ончаким олгай менинг жоним равон.

Мунча бедод онча эрмаским, мени махжур этиб, Муддаилар васлидин топцай хаёти жовидон.

Социё, жоним фидонг улсун, тутуб бир жоми май, Юз туман андухдин жонимни цутцар бир замон.

Борибон ахбобу мен гафлат асири булмагим, Уйладурким, ит уюб цолдию кучти корвон.

Эй Навоий, иш цила олур чогингда цилмадинг,
Чун царидинг, не осиг хасрат била оху фигон.

**493**
Кунгул, цайгурмаким, дашти фанога боргудектурмен,
Хам узни, хам сени хажр илгидин цутцаргудектурмен.

Сиёсатгохи ишц ичра фано жаллоди чеккач тиг, Аёгига тушуб таъжил учун ёлборгудектурмен.

Бало базмида социйи ажал жоми фано тутса, Тагор улсунки, огзимга цуюб сипцаргудектурмен.

Фироц андухи ути дудидин кунглум уйи тулмиш, Анинг дафъи учун куксумни хар дам ёргудектурмен.

Бу янглигким, фано даштида юзландим, туйиб жондин,
Масихо булса йулдошим, ани цайтаргудектурмен.

Бу янглигким, оцар гам шоми багримдин шафацгун цон,
Сахарга тегру субхи хажрдек саргаргудектурмен.

Мунунгдекким, фано дайрида тутти мугбача согар,
Навоий воциф улгинким, узумдин боргудектурмен.

**494**
Булди шому цилди жонимга жафо бунёди тун
Ким эрур ошицлару беморлар жаллоди тун.

Туш куруб, бир кун циёматни булуб эрди унут, Берди хажрингда мени махзунга ул кун ёди тун.

Мен тирик цолмоц эди хижрон туни бехад мухол,
Хоссаким, цатлим учун цилди анииг имдоди тун.

Кахкашон домида анжум донасин сочмоц недур, Гар эмас ултургали умрум цуши сайёди тун.

Дедилар, хижрон тунидин сунгра субхи васл эрур,
Найлайинким, субхга тегру тирик цуймади тун.

Бу чаманда демангиз шабхез цушлар ноласи
Ким, эрур ушшоци махзун ох ила фарёди тун.

Хажр шоми гар Навоий жонин олди, тонг эмас
Ким, эрур ахли балият цатлининг муътоди тун.

**495**

Бахор андоцки булбул гулъузори тоза истармен Ки, ул гулбонг ила узни баланд овоза истармен.

Чу ул гул тоза-тоза ут солур кунглум аро, мен хам Ул утдин кукрагим догини тоза-тоза истармен.

Чу йуц андоза ишцим бирла шавцимга, ул ойни хам,
Жамолу мехр ойинида беандоза истармен.

Эритсам гар кунгул чоки учун пайконларинг, тонг йуц Темурдин чун хисори дард учун дарвоза истармен.

Узори шавци тигидин улуб цонлиг кафан бирла, Анинг хар хоридин хуро юзига гоза истармен.

Фироцинг ичра розимен фалак жисмим уйин йицса,
Хилофи одат уй вайрон цилурга роза истармен.

Навоий назмининг авроци зулфунгдин паришондур,
Анинг жилдига сунбул торидин шероза истармен.

**496**

Войким, душворроцдур мехнати айёмдин, Субхим уткан субхдин, шомим хам уткан шомдин.

Waслидин йуц кому хижронда не умр улгай буким, Бир улар жон миннатин чекмак керак нокомдин.

Сабрднн йуц музтариб овора кунглумга асар, Ул сифаткким, дашт паймо жисмима оромдин.

Тийр борони балоким, пайкаримга ёгди, рух Кочти андин уйла цушдекким, цутулгай домдин.

Хеч иш сарви гуландомимга беандом эмас, Еайри жавру зулмиким, хориждурур андомдин.

Жомдин бизга гараз май ичра дилбар аксидур, Йуцса уз акси хам айлар жилва холи жомдин.

Эй Навоий, неча заъфинг ёзиб ул базл айлагай, Улмагунча иш очилмас ишц аро пайгомдин.

**497**

Не бахор улгайки, нолам раъд эрур, ашким ёгин, Барц дер курган жахон ичра дамим ут солмогин.

Нотавон бошимга ёгдурмоцдин узга цасди йуц,
Сарсари офат учурса хажр куйи туфрогин.

Чарх уза эрмас шихоб, ул хам бир ой хижронида, Реш цилди, тортибон куксига ахтар тирногин.

Согиниб куюнгда улган итларингни сен унут, Мен унут булганни хам ул улган итлардин согин.

Йуцки ул хуршиддин, хуршид андин куймасун, Дерки, бир ёндин солур чобуксуворим цолпогин.

Ул аноким, бор эди фарзанди сендек дурри пок, Юб эди эркин садафдек лавслардин цурсогин.

Тавбаю тацво цариган элга булди лозима,
Эй йигит, билгил ганимат ишцу мажнунлуг чогин.

Арш парвоз улди кирган жаннати ахлоц аро,
Эй хуш улким, топти ул хушхуйлигнинг учмогин.

Гар Навоий сойир эрди хажрдин гам тогида, Тебрана олмас, чу хажр эгнига цуйди гам тогин.

**498**
Чу ёр кунглаки чокин наззора айлармен, Яцонинг урнига куксумни пора айлармен.

Рациб базмида махсус булди, мен мардуд Топиб панох йироцтин наззора айлармен.

Не анжумандаки ул булди, эл тафарруж этиб, Мен элга далдалаб, андин канора айлармен.

Чу хуйи нозук эрур, топманам иложин анинг, Кошига боргали хар неча чора айлармен.

Курунмас охири холида жуз пушаймонлиг, Чу ишц тарки учун истихора айлармен.

Даригу дардки, ахбобдин бири йуцтур, Неча тафаккур илаким шумора айлармен.

Навоий улди анинг ишцини ёшурмацдин, Не булса булсун, ани ошкора айлармен.

**499**

Биравдурур манга матлуб дилраболардин Ки, ани жонима танлабмен ул балолардин.

Итик цора-цора мужгон тикилди багримга, Манга бу фойда етди кузи цоролардин.

Кузум фироцида кунглум яролари кебидур Ки, цон тарашшух этар тинмай ул яролардин.

Сурунг менинг доги овора телба кунглумни, Киши хабар деса куйида мубталолардин.

Яна жунун била ишцим фасонасин демангиз Ки, мен малул булубмен бу можаролардин.

Кариб аносиру афлок тугмади фарзанд,
Бизинг йигит кеби андоц ато-анолардин.

Замона ахли вафосиздур, эй замон ахли,
Замоне хуш булингу ёд цилманг олардин.

Иложи заъфим эрур бир цадах май, эй соций, Ки, ноумид булубмен бори даволардин.

Гадолиг этти Навоий анинг висолини, лек Шах этса ор, не тонг, бенаво гадолардин.

**500**

Хароб эрдим агар ёри ситамкорим жафосидин, Улармен бу замон ёри вафодорим азосидин.

Бири жаври цазодур жонима, бирга цазо етти, Халос эрмас киши хар хол ила тенгри цазосидин.

Анинг хажри доги мухлик, мунунг дарди доги цотил,
Нечук жон элткаймен буйла икки иш аросидин.

Жафосидин мунунг чарх этмасун бори мени махрум,
Агарчи айлади махжур ул бирнинг вафосидин.

Мунунг жавру жафоси рузгоримни цора цилди, Бу махзунни чицармай рузгор анинг цоросидин.

Анинг хажри гар ултурди, бу бирнинг васли тиргузди, Тирик булсам чица олмон мунунг шукри адосидин.

Тириклик жонима бу икки иштин бир бало булди, Ажал, цутцар мени мундоц тирикликнинг балосидин.

Кишига булмасун бу навъ икки ёрким, улгай
Бирининг иштиёцидин, бирининг ибтилосидин.

Навоий ишци таврин ибтидо цилгандадур юз хайф Ки, бир хам цилмадинг андиша бу иш интихосидин.

**501**
Зулм тиги цолмади гардун бошимга урмаган, Хар туки сойи жафо тоши била синдурмаган.

Юз улумча бордурур агёр ила ултурмаги, Жаври тигидек ёнимда бир замон ултурмаган.

Кургач ани, нотавон кунглумни узди изтироб, Дустлар, мундоц кунгулни кимдурур олдурмаган.

Борса ашким ер цуйи, не важх ила истай ани, Мен кузумда асрабон, мундоц ватанда турмаган.

Бир парий ишцинда мендек булса расво, тонг эмас,
Сиррини девоналигдин кунглида ёшурмаган.

Кошидин курсам жафо тонг йуцки, бу цавси сипехр Хеч ким жонига эрмас жавр ёсин цурмаган.

Бу кухан дайр ичра тинмаслицца цолгай туну кун,
Хотирни яхши ёмон савдосидин тиндурмаган.

Жонни жонон истаса — бергил, Навоийким, эмас Ошици содиц неким жонон тилар, топшурмаган.

**502**
Кош кунглумдин чицаргай эрдим ул ой улфатин, Васл айёмида-уц хуй эткай эрдим фурцатин.

Васлини зикр этмагай эрди тилим, бал ишцини, Билсам эрди хажрида бу навъ кунглум холатин.

Курмамиш булсанг ёгочким, баргин ол этмиш хазон, Жисмим узра кур янги цонлиг тугонлар хайъатин.

Танда хар ён хажр тиги, захми чектим, цилма чок,
Жоннинг, эй тиги ажал, юз минг ямоглиц кисватин.

Тиг ила гамгин кунгул утига таскин бермади, Охким,
туфроцца элтурмен ул су хасратин.

Демагил узр, эй муганнийким, унум топмиш харош, Кир
ушул сухон ила кунглумдин анда суратин.

Эй Навоий, истасанг касб этмак ойини фано, Хонацах
шайхин цуюб, цил дайр пири хидматин.

**503**
Ишц ахли, сотцун, олса изинг тутиёсидин,
Килгил тарозу икки кузумнинг цоросидин.

Кошингки жузв-жузвида бор цавс хайъати, Уц
ёгдururга жонга отар барча ёсидин.

Курмак тилар юзунгни кунгул, кош итларинг
Ёнимни туъма цилса сунгаклар оросидин.

Эй ноз, шамъи кокулунг эрмаски, дуд эрур Ким,
зохир улди шуълаи хуснунг зиёсидин.

Гар ултурур хабиб муродимга етмайин,
Истай десам хаёт, Масихо давосидин.

Мендек цул улган элга цуюб тенгри цуллугин,
Мингдин бир эрмас эмгаким анинг сазосидин.

Дам урма бу чаманда, Навоийки, бир гуле
Билмас заган фигонини булбул навосндин.

**504**
Кул улса рахши наъли барцидин ишц ичра бир хирман,
Вафо ахли кузи ул кулдин улгай сурмадек равшан.

Хаёлинг хар кунгулга киргач, ани уртасанг тонг йуц, Анга
невчунки утлуг кунглум оташгохидур маскан.

Чу кунглум мазраида хирмани сабримга ут солдинг, Янги
догим эмас, цолмиш цора урни куюб хирман.

Нихон ищцинг агар цатлимга боисдур, буйинсундум,
Кечар жон нацдидин улким, ёшургай шох учун махзан.

Фироцинг биймидин бир ерда йуц гам шоми оромим, Кеча
ер куп ювуткар кимки бор цасдида бир душман.

Бошинда савсани белбог ила ул сарв этар жилва, Назар айланг очилган бог аро озода цад савсан.

Бузуг кунглумда равзан булдн тигинг захмидин, ёхуд Бу вайрон уй, хамонким очилмишдур, эмас равзан.

Сипехр улса санга маркаб, шафац анжум билан ранги, Куп илдам сурмаким, сен маст эрурсен, абрашинг тавсан.

Наво чек васл гулзорида гул шавцидин, эй булбул Ки, хижрон богида булмиш Навоий шеваси шеван.

## 505

Борсанг ол жонимни, то сенсиз манга жон цолмасун, Жон цолиб, жон ичра ногах доги хижрон цолмасун.

Чун улармен — чин дейин, ищци бузуг кунглумдадур, Мен улуб, ул ганж бу вайронда пинхон цолмасун.

Эй кунгул, дей кузга бу дамким, тирикмен, келса ёр, Оразидин бахра олсун, асру хайрон цолмасун.

Хажрида онча бало еткур манга, эй чархким, Узгалар ищцин хавас цилмоцца имкон цолмасун.

Муждаи васлин тилаб, эйким, кунгулдин хажр уцин Тортасен, вах, онча воциф булки, пайкон цолмасун.

Дахр аро андоц маош этгилки, сендин цолмаса Тоат андоцким, керактур бори исён цолмасун.

Эй Навоий, собит улсун шох Гозий давлати, Оллида цул булмаган оламда султон цолмасун.

## ВОВ ХАРФИНИНГ ВИЛОХАТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВА^ОЕЪИ «ФАВОЙИД»ДИН 506

Тарици ищц аро гар узни фард цилса биров,
Хариф эмас еру кук, неча гар эрурлар иков.

Кунгулдин айла маволид майлини кам-кам,
Булурга фард мавониъдурурлар ушбу учов.

Десанг фалакка чицай, фоний ул аносирдин,
Нединки, рухунгадур чормих бу туртов.

Хавоси хамс ила мацсуд булмади мудрик, Кунгулни топ ики-уч узв, беш эмас бу бешов.

Фаноий махз етар «Ситтаи зарурия» Нединки
йуцца зарурат эмас бу навъ олтов.

Хилофи шаръ агар етти кукка чиццунгдур,
Яцинки, етти тамугдин батардур ул еттов.

Навоиё, секиз учмоц хавосидин кечгим, Булар
мавониъ эрур, ёр истар улса биров.

**507**
Ут ёлиндек сен цачон чопсанг саманди барцрав, Бир
алам ул утца бошинг устида гулгун ялав.

Тортибон тиги жафо, багримни юз чок айлади, Борди
улким дер эдилар эл мени багри бутав.

Хуллаи кофургун ул хилъати хазро уза, Сабзаи
жаннатца гуё тушти рахматдин цирав.

Эл инони ихтиёри чиццти яксар илгидин, Пуяда хар
сари ул чобукки цайтарди жилав.

Хублар ичра бирав кунглумни олмишким, ани Мендин
узга кимса бирла цилмагил, ё раб, икав.

Тийралар лутф айлабон тутмас сафо ахли ерин, Ёриган
бирла учи, шамъ узини тутмас кусав.

Гар Навоий килкидек эл килки шаккарrез эмас, Айб
цилма, бирдек улмас найшакар бирла гарав.

**508**
Ёрдин айру май ичмак циндурур балким огу, Хох огзда
талх су, хохи бурунда шур су.

Деб эдинг, эй хажр, ёринг келмаса жон бергасен.
Чицти жоним бирга, вах, бу иккидин вацт улдиму.

Истасам хуснунг закотин, гар булур мониъ рациб, Не
ажаб, чун ит булур доим гадо бирла аду.

Невчун огзингга етар деб жоми гулгун дам-бадам,
Хаста кунглум гунчадек цон богланибтур ту-бату.

Менки, улдум куйида, кунглум утининг дудидур,
Зогдин цилманг гумон, цонлиг таним узра гулу.

Зохиди худбинга хирцам зайли тегди, эй рафиц, Олиб
эгнимдин, фано дайри аро май бирла ю.

Эй Навоий, кургач ул цотилни, цуйдунг ерга бош,
Буйла бош цуйгач нафас ташвишидин фориг ую.

**509**

Эй сабо, оввора кунглум истаю хар ён бору, Водию
тогу биёбонларни бир-бир ахтару.

Топакур ани чу топсанг, хар цаён озим эса, Бошига
эврул цуюндек, доги алдаб цайтару.

Сайъ этиб келур менинг сари, вагар худ келмаса,
Оллида бедиллигимнинг достонин уткару.

Айтцилким, сен худ иттинг, жон доги чицмоцтадур.
Бошима еткур, вагар худ келмас улса, ёлбару.

Олакел вар булса Мажнун шеваю беихтиёр, Куймайин
уз ихтиёрига, бу сари бошцару.

Келтуруб, чок айлабон куксум, ани урнига сол, Мени
бедиллик балою мехнатидин цутцару.

Ушбу янглиг истагил доим Навоий кунглини Ким, гар
андин етмаса, хацдин санга еткай цору.

**510**

Йигламоц кам цилмади бу дийдаи гирёнда су, Икки
ариг айрилиб не уксугай Уммонда су.

Етмай эл огзига лаъли обдоринг жон берур, Бу латофат
бирла йуцтур чашмаи хайвонда су.

Не ажаб кургач юзунг, куп оцса ёшимким, булур
Чашмалар ичра бахор айёмида тугёнда су.

Хар кузумдин гох су, гах цон оцар куюнг аро, Турт
ариц оццан масаллик равзаи ризвонда су.

Бузгудектур чарх уйин ашким, хамоно йуц эмиш
Нисфича оламни вайрон айлаган туфонда су.

Жонга шириндур уцунг, вах, найшакардурму найи, Ё
магар жон ширасидин булди ул пайконда су.

Эйки дерсен, лаъли серобимга куп лабташнасен,
Мундин узга йуц ишим, то булгусидур жонда су.

Социё, махмурлуц огзим цурутмиш, рахм этиб, Бода гар йуцтур, солиб бер согари давронда су.

Шодлиг хайли, Навоий кунглига тушмай утунг Ким, бу манзилнинг ути куптур вале йуц анда су.

**511**

Социё, мен ютмаган хуноби хижрон цолдиму,
Бермасанг май, эмди цон ютмоцца имкон цолдиму.

Эйки, дерсен, истасанг васлимни, жон цилгил фидо,
Муни сур аввалки, хажрингдин манга жон цолдиму.

Ишц махфий цолмас охир, эй кунгул, куп чекма жон.
Мен хам аввал куп ёшурдум, курки, пинхон цолдиму.

Чектилар мажрух кунглумдин хадангин куч била,
Боре, эй жон, муждае бергилки, пайкон цолдиму.

Кургач ул ойни, жунундинким йицилдим, эй рафиц.
Тенгри учун айтким, холимга хайрон цолдиму?

Эй кунгул, бу гулшан атрофига боцким, гунчае Ким,
кунгул жамъ айлади, булмай паришон цолдиму.

Эй Навоий, цочмагил хамдамлигимдин, курки ёр, Гар санга мехрин кам этти, бизга яксон цолдиму.

**512**

Гарчи куп саргашлик этти бог аро бунёд сарв,
Коматингга банда булмай, булмади озод сарв.

Дахр дехцоники, юз минг сарв цилди жилвагар,
Гулшани даврон аро бермас цадингдек ёд сарв.

Бошига то цоматинг даъвосидин тушти хаво, Курди куп цушлар лагадкуби била бедод сарв.

Топмамиш елдин садо бирла тахаррукким, куруб
Коматингни изтироб айлаб, цилур фарёд сарв.

Гуйиё цаддингга ошицлиц хавосин туздиким, Сарсари охим етиб, берди узин барбод сарв.

Лахли цаддинг шавцидин бустон аро чун тушса ут,
Шуъла тез айлар утундин, уйлаким, шамшод сарв.

Шева цил тузлукка, осибе хазондин курмади, Токи булди ростлиг ойинида муътод сарв.

Доимо озодларнинг сабзу хуррам булмоги, Бог аро булбул тили бирла цилур иршод сарв.

Эй Навоий, дахр бустонида булбул мен кеби Булмагай, топсанг юруб, бир гулжабинлик зод сарв.

**513**

Лаълини десам чашмаи хайвон эрур ушбу, Дер муктаи жонпарварикім, жон эрур ушбу.

Жисмимнн ажал деди жунун даштида гуё,
Сахройи циёмат, доги урён эрур ушбу.

Билмонки, эрур гунчаи нобинг кунгул ичра, Ё хажр уцидин цон аро пайкон эрур ушбу.

Гам дашти аро ох самуминки ёйибмен, Ким курса дегай: шуълаи хижрон эрур ушбу.

Куз хайратини тогламаким, то сени курмиш, Ё хуснунга, ё холима хайрон эрур ушбу.

Гам шоми эрур тийра, гар ичсам майи равшан, Айб этма манга, шамъи шабистон эрур ушбу.

Ишцимни Навоий циладур тарк демишсен, Жон таркини ким цилса, не имкон эрур ушбу.

**514**

Хажрида ошицнинг афгондин царори борму, Кеча ит фарёд этарда ихтиёри борму!

Рубарумен ёр ила, эй хозини жаннат, дегил: Равзанинг мундоц хазон бирла бахори борму?

Мехр ул юзча эмас десам, тонг эрмас мехрнинг Кузу цошу хатту холи мушкбори борму?

Гунчадин ортуцдур огзи, гунчага айланг назар, Буйла икки раста дурри шохвори борму?

Ёрутур парвона шомин шамъ нури васлидин, Мен кеби анинг цорарган рузгори борму?

Адл жоми базм аро, соций, букун ннсоф эмас, Хеч кимнинг менча ошуби хумори борму?

Демакнм, оламни хасча курмамишсен муътабар, Айт филвоциъки, онча эътибори борму?

Эйки бизни хонацах сари тиларсен дайрдин,
Шайхнннг хилватда жоми хушгувори борму?

Эй Навоий, демаким, ушшоц сари ёрнинг Илтифоти куп дегил, мен хаста сори борму?

**515**
Каманди зулфунг аро солма печу тоб асру, Кунгул шиканжасига эшмагил таноб асру.

Бихишти васл аро, цуйким, даме танаъум этай Ки, хажр дузахида чекмишам азоб асру.

Куюб багир уза шуроба тукма куп, эй куз Ки, цочмагай ити, шур улса бу кабоб асру.

Рацибларга тутуб жоми айшу мен мардуд, Аларни масту мени айладинг хароб асру.

Аёг сол икки кузум халцасига, эй чобук
Ки, упмасун аёгинг ул икки рикоб асру.

Висол чехрасидин парда оч, булуб фоний Ки, узлукунг тузи улмиш, анга хижоб асру.

Навоий улгусидур, азм истасанг, жоно, Тилаб халокин анинг цилмагил шитоб асру.

**516**
Булбули рухум цилур боги висолин орзу, Сую дона урнига рухсору холин орзу.

Хам кунгул гулзорида гулбарги рухсорин хавас, Хам назар бустонида цадди нихолин орзу.

Лаъли серобин гар эттим орзу, вах, кимдурур Улки, цилмас чашмаи хайвон зулолин орзу.

Мен киму топмоц ва лекин бир йироц уммид учун, Доим айлармен висоли эхтимолин орзу.

Ишқ аро аҳволим андоқ саъбдурким, туну кун,
Айларам Мажнун била Фарҳод ҳолин орзу.

Мунтақилдур жон адам мулкига баским, бор анинг
Килди ғурбатдин ватанга интиқолин орзу.

Шамъи гулруюм фироқинда қилурмен учқали
Жисмима булбул парин, парвона болин орзу.

Шоҳ дарду ишқ агар қилса ҳавас, бор уйлаким, Сойил
эткай салтанат жоҳу жалолин орзу.

Эй Навоий, гуйиё ул юз кузум оллиндадур,
Баски айлармен тамошое жамолин орзу.

**517**
Утлуқ узоринг узра ул турфа холи жоду,
Утқа тушуб куюбтур оташпараст ҳинду.

Айни ҳумординдур ул кузга заъф онча Ким, ҳолин
англамоққа ул юз кетурди кузгу.

Ҳижрон куни ёшимнинг купрак булур зуҳури, Хушроқ
курунур анжум, чун тун булур қоронғу.

Раглардин ип тақайин, куксумда доғлардин, Дарду
бало чекарга ишқ айласа тарозу.

Бу нушханд қилди, ул заҳрханд, чунким Оғзингда
кулгу кургач, кургузди ғунча кулгу.

Ичгил майи шафақгун, мийнойи айлабон жом Ким,
қон тукар шафақдин ҳар тун бу чарҳи мину.

Улгач Навоий, ул ой гар булса шод, тонг йуқ, Ул
қуймади чу бориб, олам тунида қайғу.

**518**
Ояти вашшамс хуршиди узоридин уқу,
Сураи валлайл ҳатти мушкборидин уқу.

Коматинг шавқи шаҳид этканлар армонин агар
Билмасанг, ҳар қайсининг мили мазоридин уқу.

Ул қуёш рухсорию сариғ юзумнинг шарҳини, Сафҳаи
хуршид, ҳатти зарнигоридин уқу.

Ут туташцан кунглум ахволин, десангким, англайин
Ул хututekим, булур пайдо, шароридин уцу.

Сабзаи хат бирла бу гулшан вафосиз эрканин, Килки
цудрат ёзди, райхони бахоридин уцу.

Бода гам дафъин цилур кайфиятин, десанг, билай, Ол
иликка жому арцоми каноридин уцу.

Исатасанг дарду жунун, очиб Навоий дафтарин,
Телбалик шархини топиб, холи зоридин уцу.

**519**
Юзига тушуб эрди уйцуда гесу,
Куёшни ёшургонда тун не тонг
уйцу.

Ярам касратидин улус йиглар, аммо
Келур хар бирисига холимга кулгу.

Ики куз жамолингдин ар бахра топти,
Кунгул ютти цонлар, будур цушца цору.

Юзунг утрусида цуёш хуш
курунмас, Куёшца анингдекки, ой
булса утру.

Юзунг утин охим ёрутур эрур, шукр Ки,
ул дам била тийра булмас бу кузгу.

Манга май нашотин куруб цайгурур
шайх, Нашот айларам мен куруб анда
цайгу.

Навоийни ишц ултурур, тиргузур
хам, Зихи ишц иши не цнёмат эрур
бу.

**520**
Ул ойни курган эл дерларки, мехри ховаридур бу,
Мени чун айламиш девона дерменким, парийдур бу.

Кулоги дурру лаъликим цуёшца ёндошибтурлар,
Шараф авжида ул кавкаб, саодат ахтаридур бу.

Юзин хуй тоза цилганни наззора айладим,
гуё, Эрам гулзорида сероб гулбарги таридур
бу.

Кадининг жилвасин юз ноз ила бустон аро курган,
Дегай, товуси раъно ё магар кабки дарийдур бу.

Юзинда лаъли нутцидин чу топтим рух, билдимким,
Куёш ичра Масих ул, нуктаи жонпарваридур бу.

Кунгулдин оташин лаъли хаёли бирла чексам ох, Бу утнинг шуъласидур ул ва лекин ахгаридур бу.

Манга дайр ичра берди мугбача бир майки, жон топтим, Бу жаннатнинг хамоно хури улдур, кавсаридур бу.

Совурма дайр туфрогини хар хориж нафас бирла
Ки, жон берган Масих анфосларининг пайкаридур бу.

Хиёбонда Навоий сабрини гар хублар олди, Узидин воциф
улсун, негаким шахри Хиридур бу.

## ХЕ ХАРФИНИНГ ХУМОЮНБАШЛАРИНИНГ ХАЛОКАНГЕЗЛИГЛАРИ «ФАБОЙИД»ДИН

**521**

Фалакдин яхшилиц еткай дебон, кунглунгни шод этма,
Ёмонлигким етар, холо унут, утканни ёд этма.

Замона ахлига гар юз цуёшча кургузубсен мехр, Вафо
зинхорким, бир зарра чоглиг эътимод этма.

Нужуму чарх деб укма гадонинг бахъялиц шолин, Тутунни
чарх, учцунларин анжум эътицод этма.

Фано ахли аёги туфроги шархин ёзар булсанг,
Карогимни хал айла, эй рафиц, узга мидод этма.

Мидод эткан царогимни цилибон кирпиким хома,
Кузумнинг пардасидин узга когазга савод этма.

Килиб солих амал касби шиорингни салох этгил, Вале фосид
хаёлинг бирла хар дам бир фасод этма.

Чу билдинг, ризц эрур мацсум, чекма дустдин миннат, Казодин
хориж эрмас иш, адуга инциёд этма.

Тиларсен фацр даштин цатъи цилгайсен эранлардек, Багир су
цил, юрак парголасидин узга зод этма.

Навоий, истасанг уцбо муродин, номурод улгил, Агар дунё муроди йуцтур, узни номурод этма.

**522**
Чаманда сарв ё гул чун сабодин тебранур ногах, Согиниб сарв гулруюм келур, афгон чекармен, вах.

Бошимни олмагаймен саждаи шукр айлаю ердин,
Агар сарви хиромонимга булсам соядек хамрах.

Узум хам эрмон уз холимдин огах, то ани курдум, Йуц улким, эрмас ахволимдин ул номехрибон огах.

Занахдонингда хуй эрмаски, оби зиндагонидур
Ки, хайвон чашмасининг остида воциъдурур ул чах.

Юз олман сарв бирла гул аёгидинки, вах, йуцтур Анинг цадду юзига бог аро бу иккидин ашбах.

Юзунг васфини юз тах сафхага ёзсам, тамом улмас Ки, булгай сафхаи хуршидча ул сафхадин хар тах.

Жунунум манъ цилдинг ул парий ишцида, эй носих, Киши девона булса яхшироц, юз цатлаким аблах.

Тажаммул рахтидин, эй шах, гадога цилма истигно, Чу боглар рахт бу дайри фанодин гар гадо, гар шах.

Навоий, куп дема гам хайлидин майхона маъмандур, Азимат цилсанг ул дорул-амонга фи амонуллах.

**523**
Не пуя урдум йулида, не бошим улди хоки рах, Ул шух ишци саъйида боштин аёгимдур гунах.

То бода ичти ул санам, то майга чумди лаъли хам, Жонимда утдур дам-бадам, багримда цондур тах-батах.

Чун жилва булди ёрга, айш улди жони зорга Ким, ул цаду рафторга жон гулшанидур жилвагах.

Жон цасдига цилса камин, хайли эрур юз нозанин Хуршид чекса тиги кин, анжум не тонг булмоц сиях.

Юз ишва бирла боцибон, жонимга утлар ёцибон, Лаб тишлабон, куз цоцибон, тиргиздию ултурди, вах.

Очцач юзин ул нушлаб, цилдим фигон бирла тааб, Булбулга тушса не ажаб, ошубу афгон субхгах.

Умр утмакин андиша цил, давронга йуцтур мехр — бил, Эй шах, гадони кузга илким, не гадо цолур, не шах.

Соций, тула жоме кетур, дардимга ороме кетур, Холимга анжоме кетурким, гам ани цилмиш табах.

Хар ён, Навоий, сунма цул, не келса хацдин — рози ул, Сен ожизу хокимдур ул, ал фажру лак ал хукму лах.

**524**
Сарву гул хусн ичра йуц ул сарви гулрухсорча.
Уйлаким, цумрию булбул нолада мен зорча.

Ул бахори хусн учун хар сайл рангинким, булут Зохир этти, йуц эди бу дидаи хунборча

Гарчи даврон хоридин гул яфрогидур юз тешук, Хажр нешидин эмас бу хотири афгорча.

Зулфининг хар тори бир муминни чун кофир цилур Деса булгай ани дин ахлига минг зуннорча.

Куйини ул хурнннг селоби ашким касрати Айламиш жаннату тажри тахтухол-анхорча.

Абри рахмат сояи сиххат бошимга солмагай, Ул цуёш куйи цирогинда бузуг деворча.

Бу кухан дайр ичра бир дам цилгали дафъи хумор, Амни манзил топса, булмас кулбаи хамморча.

Олам ахлига вафо айлаб, жафо курган эрур, Юз туман минг зор эмас, аммо бири мен зорча.

Чун Навоий кунглини снндурдунг, энди топмаги Мумкин эрмас, итти чун хар ён тушуб бир порча.

**525**
То цулогингга зирих солдингу цошингга гирих, Хаста кунглумдурур юз гирих, андоц зирих.

Кунглума гунча кеби тушти тугун узра тугун, Кургали сунбули зулфунгда гирих узра гирих.

Не назохатдурур ул гулшани рухсордаким, Равзаи хулд анинг шабнамидин булдн низих.

Булди цошу кузидин зулф саромад, не ажаб Ким, кунгул цайди учун иккисидин келди фирих.

Коши ёсига дедим чилла керак риштаи жон, Бу сузумга, не ажаб, бор эса хар гушада зих.

Анга гам тиги бу бог ичра харом улдиким, Кийди пашмина сариг юз била, андоцким бех.

Хонацах ичра Навоийга етар куп макрух, Дайрдин ул сари бормоцца хам эрди корих.

**526**

Дайр ичра яна кирдим бир журъа учун, вах, Ул бут манга миннат цуяр алминнату лиллах.

Масжидца яна кирмасу юз саждага цуймас, Хар кимки, булур дайр ила бут сирридин огах.

Бут шохид эрур, дайр доги дайри фанодур, Куфр ахли эрур сиррини чун билмади гумрах.

Дермен кечаким тонгла чицай дайрдин, аммо Лояъцил этар мугбача май бирла сахаргах.

Социйга ваё аксига май ичра боцармен,
Андин мунга, мундин анга чун топмадим ашбах.

Дайр ичра бу кун кавсару хур улди насибим, Танглага манга ваъда берур воизи аблах.

Хац сиррини хар кимга баён этма, Навоий, Таън айламагай, билмас улус англаса ногах.

**527**

Тун-кунким эврулур мени бемор бошига, Судраб эвурса кош мени ёр бошига.

Неткай мени хавоий агар ашк дурларин Сочсам борин булут кеби дилдор бошига.

Ул нахл ноз бошида гулдур, йуц эрса чарх Пайванд цилди гулни сапидор бошига.

Бошим оцарди ишцда, ё ишц тигидин Момуг
ёпуштурулди бу афгор бошига.

Рахм этки, ишц журми била чектилар мени, Боглаб таноб
буйнума, бозор бошига.

Тун-кун харири булди цуёшнинг амомаси, Тун чирмади
ола-була дастор бошига.

Бошида хам утагаю хам бода, хам итоб, Топти
нелар йул ул бути айёр бошига.

Мухликдурур хумор мени кош, эй рафиц, Еткурсанг эрди
кучаи хаммор бошига.

Катл айлар элни гадр ила гардун,
Навоиё, Туфрог ушбу цотили гаддор бошига.

**528**

Эй кунгул, тортар эсанг сарсари ох,
Олам ахлин бурун этгил огох.

Буки цон этти лабинг багримнн, Икки
хунбор кузум икки гувох.

Хола ул юзга мудаввар кузгу, Юзининг
аксидур ул кузгуда мох.

Мехри рухсоринг уза сабзаи хат, Ажаб
эрмас бу эса мехри гиёх.

Дахрдин булди панохим ишцинг, Ут
самандарга, не тонг, булса панох.

Истарам мастлиг ул янглигким, Улгуча
булмасам уздин огох.

Социё, бодаки, бу хасрат ила
Улмагаймен мени махзун ногох.

Жоху мол ахлида йуц мехру вафо, Бас
манга мехру вафо мол ила жох.

Гар Навоий гунахи ишцинг эрур, Афв
цилмоцчи хам эрмас бу гунох.

**529**

Булур шом ул махи Нахшаб равона,
Каманди зулфин очиб шаб равона.

Кора тун азм этарким, курмагай эл,
Жамолидин вале ёрур замона.

Мени манъ этмиш уз хамрахлигидин,
Манга, вахким, ажаб иш тушти ёна.

Хаётим эмди худ мумкин эмастур Ки,
улмакка тилар эрдим бахона.

Куз очцаймен магар махшар сабохи Ки,
ичмишмен ажаб жоме шабона.

Бу гулшан гуллари чун бевафодур,
Алардин чекма, эй булбул, тарона.

Навоий улса, ёдин цилмагилким, Улар
эл хам, десанг андин фасона.

**530**

Нашъа етмас бода гулгун базмгах гулзор эса, Гар кунгул
ичра бировнинг хорхори бор эса.

Базм аро гар хозиру гар гойиб улсун — бок эмас, Тенгри
ёри цайда булса, ёри бизга ёр эса.

Васл нушидин агар уммид мархамдур, не тонг, Хажр
нешидин багир чоку кунгул афгор эса.

Хам кеча хожат эмастур шамъу хам кундуз цуёш,
Мунисим гар субху шом ул сарви гулрухсор эса.

Нацди имонимни ул кофир чу торож айлади, Не ажаб
оллимда бут, буйнумда хам зуннор эса.

Кечалар хар кучада итдек югурса, тонг эмас, Кимки
анинг дилбари бир шабрави айёр эса.

Эй харобот ахли, биздин журъае тутманг дариг Ким,
эрур май рахни гар худ жубба, гар дастор эса.

Тут цадах даврини хушким, йуц бажуз саргашталик,
Дахр даврида бу туццуз гунбади даввор эса.

Эй Навоий, май била дафъ айла ул ой хажридин, Хаста
жисминг зор эса, кунглунгда юз озор эса.

**531**
Мехри рухсорига хат зохир этибтур дилхох, Не ажаб, сабзаи хаттини десам мехри гиёх.

Сурма чеккан кузи охим тутуни касратидин, Охким, цилди мени хам узидек хонасиёх.

Бир кичик ёшлиг учун булмиш улуц тинмац ишим,
Гарчи ишцида даме тингали цуймас мени ох.

Буки цонимни тукуб, дермен ичибсен, басдур Гамза тиги била хунхора кузунг икки гувох.

Хублардин санга гар етса губоре, не ажаб, Шохга булмади гард, айламайин хайлу сипох.

Давр эли жавридин улдум, цани майхона йули
Ким, эрур цочцали куп далдаси хар лахза панох.

Фацр йулига агар кирмаса эл, андиндур Ким, бу водийда хатар куптуру оздур хамрох.

Шох даргахига гар бор эса хожиб мониъ, Эй гадо, муждаки бехожиб эрур бу даргох.

Хайру шар булмаса тацдирдин айру, эй шайх, Бас Навоийга гунах айлаганидин не гунох.

**532**
Шамъдек цомату юз шамъи ила жонона, Килди уртарга кунгуллар цушини парвона.

Ацлнинг силсилаи зулфунга вобасталиги, Курунур уйлаки занжир ичида девона.

Ошнодур чун санга жон била кунглум азали, Не тафовут, манга булсанг абадий бегона.

Куп бузуг кунглума ёгдурма бало уциниким, Бир ёгиндин тенг улур ер била бу вайрона.

Ёр агар кулбаи эхзонима кирмас, тонг эмас, Кимса бош суццудек эрмас бу бузуг кошона.

Хонацах ичра риё ахлидин улдум дилтанг, Эй хушо ахли харобот била майхона.

Богласам дайрда зуннор, не тонг, мундоцким, Динни ягмо циладур мугбачалар мастона.

Дема фарзона биравдурки, улустин чицмиш, Тенг курар чунки улус бору йуцин фарзона.

Эй Навоий чу эрур боиси гафлат куп суз, Каридинг, иш цилакур, айтмагил афсона.

**533**
Фироц неши кунгулнинг ичию тошида, Тикилмиш ончаки, охим чицар харошида.

Намоз ботил эрур, чунки эгридур мехроб, Гирихдур офати дин тушса ер цошида.

Висол вацти юзунг уртаса мени, не ажаб Ким, узга тоб булур ёрнинг цуёшида.
Ики кузунгки, кунгул сайдини талашдилар,
Нелар кесилди бу сайд ул иков талошида.

Парию хур ул ойга царобат улмишлар, Ва
лекин онча киши йуц уруц цаёшида.

Торицмасин, неча гардундин эгрилик етса,
Биравки тузлуги йуц халц ила маошида.

Навоий улди, чу бошига етти тигн фироц,
Бошини айлади паст улча эрди бошида.

**534**
Менмудурмен куз ёшим рангин багир цони била, Лек багрим цон биравнинг тиги хижрони била.

Лаъли ёдиндинки, кунглум музтарибдур, эй рафиц, Панд анга куп бермаким, дармондадур жони била.

Су угирлаб булса кунглум захми мухлик, не ажаб Ким, су келтурди уцунг захм ичра пайкони била.

Хатти кунглумда сунгак янглиг танимни чирмаган, Мухрлуц бир нома, билгил, доги пиихонн била.

Дардким, кунглумни бузди, чицмас андин, яхшидур Чугз янглигким, эрур хурсанд вайрони била.

Чун бу гулшанга вафо йуц, эй кунгул, зинхорким, Куп цувонма сунбулу сарви хинромони била.

Эй Навоий, гар муродинг давлати боций эрур, Унс тутмоц бартараф цил олами фоний била.

**535**

Зулфи цонлиг пайкаримнн чекти печу хам била, Ул сифатким, тортцай аждар биравни дам била.

Нола чекмакдин чу цилдинг манъ, эй лаълинг нигин, Бир йули огзимни цилгил мухр ул хотам била.

Мархами васлин кунгул чокидин олма, эй рафиц Ким, чицар жоним доги айрилмай ул мархам била.

То гаминг водийсида овора булдум, охким, Узни харгиз топмадим бир хотири хуррам била.

Рашкдин ишцинг тутармен жону кунглумдин нихон, Булмас эл сиррин дейишмак икки номахрам била.

Беталаб йуц васлидин толиб, вале махжурмен, Колмишам дармонда ушбу нуктаи мубхам била.

Эй Навоий, халцдин тут гушаким, мен тинмадим, Токи булдум ошно хайли бани одам била.

**536**

Тонг сахоби уйгатур уйцулуг элни су билан Ким, сабухи вацти булди фавту сен уйцу била.

Су сепиб уйготцусидурлар сени уйгонмасанг, Гунчаи субху сурохи гулгулу кулгу била.

Умрдин бир субх олгил бахраким, фасли бахор Лола хам жомин тутубтур наргиси жоду била.

Настаран ё сунбул оллида булунг хушхол икав, Гар хитойи бирласен саргарму гар хинду била.

Хуштурур бир васл субхи май била топмоц нашот, Неча хижрон шоми булмоц цон ютиб цайгу била.

Гох афгонингни тузгил булбули худрой ила, Гох дилдорингни ёндоштур гули худру била.

Хар цушунгга захр ила цору тутар шоми ажал, Бир сахар сен хам хаёте топ цушу цору била.

Не зулолу оташин гулдурки, бустон шохида, Айлар оройиш бу энглик доги ул кузгу била.

Эй Навоий, субхунг улди шом, тинмай йиглаким, Шояд улгай номаи журмунг ориг ул су била.

**537**
Анингдек ут яна ишц урди хонумонимга Ки, шуъла айрилиб андин, туташти жонимга.

Жунуни дафтаридин ацлу хикмаг эткай фахм, Качонки, Мажнун куз солса достонимга.

Чу заъфдин сунгак улдум, синар вале цонамас, Фироц тоши етиб жисми нотавонимга.

Колиб гам ичра, яна курмади нашот юзин,
Бировки солди цулоц нолаи нихонимга.

Эмастур ашхабининг турт аёг элинда хино Ки, кунглум ичра цилиб жилва, кирди цонимга.

Менга харом фано дайри пирининг цадахи, Вужуд хонацахи гар утар гумонимга.

Навоиё, тутубон бода, сирри вахдат сур Ки, чекмай икки цадах кирмас ул баёнимга.

Уйцуни охим ели куздин учурди бу кеча, Ацлу хис авроцу ажзосин совурди бу кеча.

Анжам эрмас, чарх зулмин холима англаб цазо, Тийра рухсоримга минг цатла тукурди бу кеча.

Хджрдин туфрог булдум, гуйиё ашким суйи Бошима чархи кухан тоцин емурди бу кеча.

Зулм тоши ёгдуруб, хижрон циличи индуруб, Не балолар ишц бошимга кетурди бу кеча.

Захм куптин мен улум холида улган согиниб, Ит ялаб цоним, сунгакларни кумурди бу кеча.

Субх толиъ булмади, гарчи ул ойдин айру хажр, Бошима минг цатла гардунни уюрди бу кеча.

Чарх мен саргашта ёшидин хижил булдики, куп Анжуми ашким шихобосо югурди бу кеча.

Тийра андиндурки, ой, кун шамъин охим сарсари Чарх фонуси аро бир-бир учурди бу кеча.

Эй Навоий, улмаким англаб ул ойнинг куйида, Итлари бир дам улуб, бир лахза хурди бу кеча.

**539**

Ишц рахм этса бу саргардон тани беморга, Кайтара айландурур тоб очцан элдек торга.

Х,ажр дардидин цулоцлашмацца махрам соядур, Такъя солмоц шоми фурцат заъфдин деворга.

Учти ё янчилди махвашлар тошидин, эй рафиц, Ёцма мундин нори мархам бу тани афгорга.

Гам эмас улсамки, жони хоксоримдур менинг, Гардким, ултурди жавлон вацти ул рухсорга.

Лаълу хаттининг Масихою Хизрдин ори бор, Эй мусаввир, сунма цул шингарф ила зангорга.

Тарк этиб савдо, анинг савдосига тушмиш улус, Киргали Юсуф жамолим сайр учун бозорга.

Не бадеъ авзоъ эрурким, ацл боши айланур, Гар даме фикр айласам бу гунбади давворга.

Тузма ойини мухаббат эл била, гар истасанг Ким, узунгни солмагайсен ранж ила озорга.

Эй Навоий, ёрдин агёр майли цилди ёр,
Ёрким курди бу янглиг зулм цилгай ёрга.

**540**

Йулунда туфрог улдум, эй сабо, утсанг губоримга, Куюн бул доги элтиб садца цилгил гулузоримга.

Гар улсам ул малак сиймо парий хажринда, айлангай
Парий бирла малак парвонадек шамъи мазоримга.

Фироци тийр боронинки, чектим цушга ухшатцай Ки, юлмишлар юнгин боццан киши жисми фигоримга.

Куёш янглиг юзунг хажринда эрмас ёрумоц мумкин, Гар улса юз цуёш толиъ цорарган рузгоримга.

Йигитлар ищцини гар ихтиёр этмай десам, цуймас
Йигитлик бирла ошиц шевалик уз ихтиёримга.

Жунун водийсида цолур сабо юз дашти пуямдин, Анга етмон, не илдам сайр экин чобуксуворимга.

Сени, эй мугбача, махрумлуцдин асрасун тенгри, Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимга.

Фано майхонасининг майфурушига фидо жоним Ки, май эхсон цилур холатда боцмас йуцу боримга.

Вафо утига мен куйдум вале топцай Навоийдек
Мухаббат риштаси боццан киши хар бир шароримга.

**541**

Сурати девордек хайронмен ул рухсорга,
Йуцса гамзанг уцлари тикмиш мени
деворга.

Зор жисмимда бугунлар мехнатимнинг
сонидур Ким, санаб, хар ерда тугдум бир тугун
хар торга.

Тори зулфунг ичраким, ашким тукар кофир кузинг,
Мехраи тасбих тортар риштаи зуннорга.

Бир-ики кун зор кунглумдин фироцингни
кетар, Захрким, бермиш бу кунлук
тонглалиц беморга.

Захми куплуктин кунгул сиррини фахм этмак булур Ким тааммул бирла боцса бу тани афгорга.

Гар десанг саргашталик курмай йулунгнн туз юру, Гар инонмайсен, назар цил чархи кажрафторга.

Эй Навоий, гар десанг хижрон хуморин дафъ этай, Жахд этиб, солгил узунгни кулбаи хамморга.

**542**

Икки юздин цадингга икки гесу булди пироя,
Чу шамъ улди ики, эл цаддига икки булур соя.

Сенинг гулгун тунунгким, нацш эрур зар риштадин хар ён, Биайних уйладуркким, зарварац остидаги лоя.

Чекармен вою дойим буки, жон лаълингдин олгай ком, Менинг жонимга вой ар хосил улмас, анга бу воя.

Лаби жонбахшинг улди юцори ул холи жодудин Ки, тенг эрмастур иъжоз ахлию сехр ахлига поя.

Ажаб йуц, сабзаи хат соясида жонфизо лаълинг Муносибтурки, булгайлар Масиху Хизр хамсоя.

Ато-онангга рахмат, эй угилким, курмамиш сендек Не ул туццуз ато, бал не бу турт асрагучи доя,

Манга сармоя зухду суд уммиди бихишт эрди, Чу топтим бода бирла дайр, борди суду сармоя.

Кунгул то хажр аро итти, анга бир лахза минг йилдур, Манга маълум эрмас холи ул чогдин ило гоя.

Навоий, чун хар иш цилсанг, керак пироякю сози, Фано йулига киркким, не керак созу не пироя.

**543**

Ёр ишцим англамай, лаъли сусабтур цонима, Токи маълум этса, келгай не балолар жонима.

Очмай утлуц чехра чункм уртади кунглум уйин, Очса не утларки, тушгай кулбаи эхзонима.

Уйцуда ул куз манга юз фитна бедор айламиш, Ноз ила уйгонса, неткай, англа, хонумонима.

Ичмайин май бузди кунглумни, гар ичса, тутса хам, Кур — не офат сайли юзлангай йицуг вайронима.

Маст улуб зуннор зулф очса, мухицдурлар агар Ацлу зухду илм мотам тутсалар имонима.

Носихо, чун ошиц улдуц танима мундин нари, Танимасбиз биз сени, сен доги бизни тонима.

Гар Навоийдек булуб ошиц, улармен панд деб, Жонима цилманг азоб, айтинг ани жононима.

**544**
Ёр акси чунки айлар жилва май кузгусида, Май ичарменким, юзи булгай юзум утрусида.

Ул сабохат бирлаким, кулдунг, манга мехр улди фахм, Мехр фахм улмоц тонг эрмас субхнинг кулгусида.

Уйлаким, хайли хубоб ичра тушар хас, бормен Ашк аро саргашта ул султони хусн урдусида.

Урди олам бузгали бир-бирга кирпик сафларин, Фитналар бедор цилмоц кур ул ой уйцусида.

Не хато цилгай кунгулларга кузунг мужгон уцин, Хар цаён чун боцса, сайдедур анинг цобусида.

Навбахори дахрга цуйманг кунгулким, йуц вафо Не гули бустонида, не лолаи худрусида.

Шохлар побусинг эткандин, Навоий, яхшироц Ким, бошингни хокирах этсанг анинг побусида.

**545**
Мен улар холатдаю куйида итлар цошима Жамъ улуб ахбобдек, афгон цилурлар бошима.

Чарх кузгусин шафацгун топцай анинг аксидин, Ул юзу лаб хажридин боццан киши цон ёшима.

Улмишам лаъли майи шавцида, май солинг мудом, Йундуруб хар ён цадахлар цабр цилган тошима.

Куйига цуйгач цадам, бошимга урди тиги зулм, Сарфароз этти бу хидмат айлаган подошима.

Топмагай шояд сабух айларга майл, эй тонг ели, Элт жоним нацдини майхораи цаллошима.

Шаммае фош айла саргардонлигимдин, эй цуюн, Учрасанг дашт узра Мажнун исмлик цардошима.

Дур сочар куздин Навоий, лек ул йуцтурки, ёр Бир кеча сунгай аёгин дидаи дурпошима.

**546**
Кургали чун тоцатим йуцтур сени бир ёр ила, Вах, не булгай холатим курган замон агёр ила,

Русса тогида улус кургай очилган лолазор,
Хар ён этсам майл бу урён тани афгор ила.

Торами хуршид уза найлай Масиходин илож, Заъф аро куйида хушмен сояи девор ила.

Кондурур кунглумда, ёнимда сунгаклар цобсабон, Ком олур ишрат майидин лахни мусицор ила.

Эй фусунгар, ёзма тумор ул жунун дафъигаким, Шархи ёзилса, туганмас юз туман тумор ила.

Кунглум ичраким, сигишмас новакинг пайконлари, Беркитибтурлар уцунг шавцини юз мисмор ила.

Дема жисмимда мудаввар догларким, даври чарх
Уртамакка цисмат айлабтур ани паргор ила.

Касри жаннат бирла кавсар майли цилмон, эй фацих Ким, кунгул улфат тутубтур кулбаи хаммор ила.

Олам ахлига цушилмоцца узунгни цилма зор, Чункн айрилмоц керактур сунгра юз озор ила.

Дайр аро бадмастлиг журмонаси, эй мугбача,
Буйнума осгил сабу, боглаб ани зуннор ила.

Эй Навоий, туз булуб, не келса, тутцил узни хуш Ким, ситез этмаклик улмас чархи кажрафтор ила.

**547**
Новакингнинг тусидин эрмас нишоне буйнига Ким, эрур цатл айлаган ахбоб цони буйнига.

Бегунах ишц ахлига тиги жафо сургум десанг, Билки, мендин узга тутмас кимса ани буйнига.

Хажрдин гар юз цилич буйнумга урдунг, эй сипехр
Сарбасар цилдим цулум еткан замони буйнига.

Котилимни кимса билмай, захм еб улдум, валек Мен билурменким, эрур цоним фалони буйнига.

Тавц бил жаннат цуши буйнига то мушкин ипак, Тушти таъвиз эткали хирзи ямони буйнига.

Майга эгнимдинки, сажжодам гаровдир, цилди манъ,
Гуйиё зохид кура олмас ридони буйнига.

Гар Навоий улса, ул кофир диёрига чекинг, Боглабон
судрарда зуннори фанони буйнига.

**548**
Вахки, чамандин яна эсти шамол узгача, Хар дам улур
атридин кунглума хол узгача.

Булбулу цумри чекиб лахну наво узга навъ, Кургузадур
сарву гул ганжу далол узгача.

Савсан улуб сарбаланд, гунча цилиб нушханд, Элга
алардин етиб дафъи малол узгача.

Сунбули пуртоб хам, лолаи сероб хам, Дуд ила утдин
булуб шибху мисол узгача.

Кирди магар дилбарим, хури парий пайкарим, Гулшан
аро кунглида фикру хаёл узгача.

Булса манга доги йул, андаки айш айлар ул, Килсам эди
маст улуб цолу мацол узгача.

Умри абад топцамен, тутса манга бир цадах, Нашъае
майдин анга хусну жамол узгача.
Дахрда йуцтур карам, дахрнинг ахлида хам,
Килмагасен, эй кунгил, фикри мухол узгача.

Зухд, Навоий санга бермади масжидда файз,
Эмди кириб дайр аро, тархни сол узгача.

**549**
Каю цушким, цунар бу пайкари Мажнун мисол узра,
Эрур тан заъфидин цушдекки, йунгайлар хилол узра.

Бало тоши хам улган цаддим устидин йироц кетмас,
Биайних нуцта янглигким, тушар ёзганда зол узра.

Агар майгунлугидин ранг айлар эрса машшота,
Кузумнунг мардумин цуйгул уюб ул турфахол узра.

Кошингнинг тоци устида эмастур анбарин холинг, Зухал
гуё очибтур орази мушкин хилол узра.

Не тонг, нозуклугидин гар цурайши бурк огир келди,
Хам айлар, чун циров купрак ёгар нозук нихол узра.

Саводи хат била хам оразинг хуршиди равшандур,
Сафода не тафовут соя тушкандин зулол узра.

Белингга то сочинг чирмашти, рашкидин анинг хар тун
Димогимда тонг отцунча хаёл эрмиш хаёл узра.

Кузумни истасанг равшан, цадахни ёпма, эй соций,
Керакмастур сахоб ул ахтари фархундафол узра.

Навоий, ёр лаълида учуцтур, йуцса ёпушти Чибиннинг
парридин бир пора цунган чогда бол узра.

**550**

Хажр ути доги била кунглумни, эй жон, уртама, Дузах
ути бирла куйдур, доги хижрон уртама.

Уртабон хар кимни, ут жонимга солма рашкдин, Халцни
пайдо, мени, мажнунни, пинхон уртама.

Ламъаи рухсор ила дин кишварига солма ут,
Мунча ислом ахлини, эй номусулмон уртама.

Охим ути учцунин гардунга тортиб, эй парий,
Ул чоцинлардин малак хайлини хар ён уртама.

Гар цулум, гар жисму жоним уртадинг, цилдим бихл, Уз
цулунг, эй жисму жоним садцанг, осон уртама.

Чунки сен хам цолмогунг уртанмай, эй шамъи тироз,
Ораз ути бирла парвонангни паррон уртама.

Чун Навоий васлдин кечти, ани хажр утида Уртамай деб
айлаб эрдинг ахду паймон, уртама.

**551**

Зулфига майл, эй насими анбарафшон айлама, Тарцатиб
юз пора кунглумни паришон айлама.

Олам ахли жонига рахм айлаб, эй чобуксувор, Отланиб
усрук, яна охангн майдон айлама.

Азми гашт айлаб тун ацшом, ой кеби айлаб тулуъ,
Чархнинг юз минг кузин хуснунгга хайрон айлама.

Захмлиг багримни юз минг пора айлаб тиг ила, Зулмдин
хар порасин бир цатраи цон айлама.

Деб эмишсен, айлагум ислом элинда цатли ом, Айлама бу зулмни, эй номусулмон, айлама.

Гар десанг кунглунгни гардун тах-баттах цон этмагай, Хурда майлим гундачек кунглунгда пинхон айлама.

Эй Навоий, базм тузган эрмиш ул гул бог аро, То паришон булмасун, булбулдек афгон айлама.

**552**
Тукулгудек эди жисмим цуруц сунгаклар ила Магарки, боглади ишц ул сунгакни раглар ила.

Халоким айласа ул пок этаклик, эрмас айб
Ки, туфрогим тошигай поклар этаклар ила.

Таашшуцумдин ирик пандлар халос этмас, Бу бандни кеса олмас киши эгаклар ила.

Висол шоми дей олмон лабингни ёлцитсам,
Вале табонинга куз суртубон мучаклар ила.

Майи висол ичиб, лабларинг упай дермен, Еариб бода тилармен ажаб газаклар ила.

Замона ахлики, давлат чоги цулунгдурлар,
Мулоямат яна куп цилма ул дадаклар ила.

Навоий улса, халос айлай олмагай ошиц, Жамол ахли анга ваъда айламаклар ила.

**553**
Бир кичик ёшлиг нигоре топмишам нозуккина,
Секретурда тавсанин майдон аро чобуккина.

Гах вафо, гах нозу гах афсун била узгинасин, Кургузуб хар лахза дилбарлигда бир турлуккина.

Жавр ила тахдиди бедилларга бори чингина, Мехр ила хар ваъдаким, цилди бори утруккина.

Осру ёлгон ваъдасидин куймиш эрди жонгинам, Онгдибон бир кеча тушти илгима усруккина.

Истадим буйнин цучиб, юзгинасидин упкамен, Изтироб айлаб талашти, бор эмиш кучлуккина.

Юз упарга цуймади, илгин дедим бори упай, Ташлабон юмруццина, цилди кузумни куккина.

Хар не дединг бор эди ёлгонгина боштин аёц, Эй Навоий, мунча ёлгон дегуча бул шуккина.

**554**

Ул яшил тунлуц парийваш лаъли шаккарбор ила, Рух тутисин цилибтур мунфаил гуфтор ила.

Гарчи ахзар тун била боги латофат сарвидур, Лек хайрон айламиш юз сарвни рафтор ила.

Гар сукулди ул этак, кирпик била тикса булур Ким, эрур гул хилъатин тикмак муносиб хор ила.

Англа ахзар шамъу сариг бурки, анинг шуъласи, Тийра кулбамнн ёрутса, кошки, рухсор ила.

Нахли цаддурму яшил тун ичра, ёхуд нахли мум, Боглаган сунъ илги юз минг санъату ханжор ила.

Социё, жоми зумуррадгун аро цуй лаъли май Ким, эрур шингарф бехад хушнамо зангор ила.

То булай лаълу зумуррад орзусидин халос, Тортибон ани Навоийдек навое зор ила.

**555**

Хар ойки гайрима бир зарра мехри фош улса, Анинг сари боца олмон, агар цуёш улса.

Кузумда ашкдек ул тифл парвариш топмиш, Назар хацини керак билса неча ёш улса.

Висол умидига узни яцин солур ошиц,
Фироцдин неча жаврида давр бош улса.

Не тонг, фироци багридин харошлиц чицмоц, Бировки, багрида гам чангидин харош улса.

Бахорим улди чу гулчехра шухлар, не ажаб, Ёгар нима бошима жолавор тош улса.

Хуш улки, тог этагин тутса халцдин цочибон, Узалса остида хоро анга фирош улса.

Деманг, Навоий, агар ёринг улса цатлнng этар, Неким муродидурур уйла цилса, кош улса.

**556**
Эйки, юз минг дог цуйдунг жисми гампарвардима, Билки, булмиш хар бири охир даво бир дардима.

Хажр аро холим гахе бехушлуц, гах гам емак, Ишцинг ицболида цил наззора хобу хурдима.

Тоза цонлиг дог иси кунглум аро мухликдурур, Атри рухафзо курунг гам боги ичра вардима.

Уйла хоки жисм ила кетмак тилармен дахрдин Ким, ажал хам етмагай суръатлар айлаб, гардима.

Совуг охим хайрати ишц ахли кунглин уртади, Турфа ишдур эл ичин куйдурмак охи сардима.

Дахр богинпнг хазони яфрогидур цон ёшим, Обкаш янглигки, хатлар чекти руйи зардима.

Ел келтургач куйи туфрогини, топтим шохлиг, Эй Навоий, цил тамошо ганжи бодовардима.

**557**
Куйди усрук юзни бу хоки тани беморга, Шамъ янглигки таямишлар ани деворга.

Анжум улса мехр уза, онча курунмас лутф аро Ким, гахи тер цатраси ул мехрваш рухсорга.

Ул куз эрмаским, чекилмишдур учи зулфунг сари, Кофиредур, олгали майл айламиш зуннорга.

Килди оламни гулистон, улки гулгун рахш уза, Чицти гулгун тун кийиб, гул санчибон дасторга.

Дахр туфроцига мехнат сабзаси бош чекти боц, Хар тараф пайкон учи чиццан тани афгорга.

Хусни даврони утар бархам булур, эй сарви ноз, Зор кунглумни куруб, майл этмасанг озорга.

Истади фоиус аро сурат кеби саргашталик, Элга улким, давр берди гунбади давворга.

Ёр йуц оламдаким, бир ёр сиррин асрагай, Бас ажаб сирредурурким, эл дегай агёрга.

Эй Навоий, хонацахда курмадинг жуз дарди сар, Ани дафъ айларга юзлан кулбаи хамморга.

**558**

Солурам руцъасини кунглума ургач ёра,
Уйлаким том шикофи аро когаз пора.

Мени Фарход ила Мажнун доги истаб топмас, Тогу хомун аро то айлади ишц овора.

Эй Масих, урма нафаским, совурур гардимни, Ишц мацтулига ким айлай олибтур чора.

Чарх тош ёгдурубон, ерга кумилмиш жисмим, Ёсагон англама цабримда укулган хора.

Эй мунажжим, гар ул ой сабру сукунум хабарин Демасанг, ер цуйи хам собиту хам сайёра.

Гар вафо булмаса давр ахлида, тонг йуцки, хануз Килмамиш чарх вафо согарини инкора.

Гар Навоий гам аро цони цуруб, булди халок, Не ажаб, дилбари бир цотил эрур хунхора.

**559**

Билгай улким манзил эткай хотири вайронима Ким, ажаб душворлиглардур балокаш жонима.

Хажр даштида хамоно беркитибтур бир бало, Хар тиканким неш санчибтур тани урёнима.

Дарду гам ахли улум холи булурлар чиццуча, Кирсалар холим сурарга кулбаи ахзонима.

Багриму кунглум гаму дардига таскин бергали, Ултурубтурлар балият уцлари хар ёнима.

Буки багрим цон эди, цатлимга худ хажр эрди бас, Рашк уци хам хожат эрмас эрди кирмак цонима.

Килма куп ошуфта ул зуннори зулф, эй мугбача Ким, тугунлар тушти андин риштаи имонима.

Эй Навоий, мен худ улдум олгали кунглумни ёр, Жонни догн олибон, еткур кунгул олгонима.

**560**
Ишц куп солди мени дарду балият чохига, Вахки, эмди судратур хижрон сиёсатгохига.

Эй хуш улким, айлай олгай ултурурда дарди ишц, Бир тазаллум шохига ё бир васият мохига.

Ул цуёш хар ёнки борса, соя хамрохи анинг, Соядек бехол улурмен рашкдин хамрохига.

Курцарамким, етмагай холимга май нисёнидин, Нечаким, бор эътимодим хотири огохига.

Ё раб, у бедилки, бир дилхох анинг матлубидур, Ани хам еткур мени бедил кеби дилхохига.

Уйладурким, сотибон Юсуфни олгай сиймцалб, Кимки матлубнн цуюб, майл этса дунё жохига.

Бир бихиштий хур хажридин тамугнинг дудидур, Боцсанг утлуг кунглидин чиццан Навоий охига.

**561**
Нетиб узумни тасаввур цилай висол ичра, Далир чун боца олмон анга хаёл ичра.

Кади латофати бор эътидолдин ортуц,
Валек жилвасидур хадди эътидол ичра.

Нихол цаддин ики зулф сунбулида курунг, Алиф кебики, цазо цилки ёзди дол ичра.

Чаман аро цизарур, саргарур гули раъно, Магарки, цолди жамолингдин инфиол ичра.

Дегилки, холидаги нуцтаси булур зохир,
Тутарга ранг цуяр чунки нуцта хол ичра.

Куёш хаёт суйинда курунди ё соций, Жамол аксини солди майи зулол ичра.

Замона ахлида йуцтур вафо, ани тилама Ки, цолмагайсен ани топмасанг, малол ичра.

Чу савту харф ила тавхид сирри мумкин эмас, Не огах ахли жадал мунча цилу цол ичра.

Навоий илгини тутцилки, васлинг уммиди Солибтурур ажаб андишаи мухол ичра.

**562**
Рациб келмаги ул нуши лаб санам бирла, Эрур нечукки, бирав умр топса гам бирла.

Не умрдур буки, мен гам била кечургаймен, Нечук ичар киши хайвон суйини сам бирла.

Алам чу етти, кетар ишц лаззати жондин, Киши не навъ цилур айшни алам бирла.

Етишса ёр рациби, мени чекар суз ила, Не ганждурки, ютар аждахоси дам бирла.

Бу гулистон аро чун хорсиз гуле бутмас,
Узунгга айламагил хорлиц ситам бирла.

Нечук цул улмагамен дайр піригаки, неча Ки,
камлигимни курар, уткарур карам бирла.

Навоий огзи хаёлига тушти, истамангиз Ки,
тушти эмди йули водийи адам бирла.

**563**
Неча цамчи тушубтур ул цади сиймин бадан узра, Паёпай сонца тушкан кеби сарву суман узра.

Не булгай эрди хар бир урнига тушса эди юз минг,
Анинг ишцида мен фарсудаи дарду михан узра.

Кузумга ут чоцилган хажр кожидин, хамоноким,
Чоциндектур, дамо-дамким тушар бу зор тан узра.

Асар кур ишци комилгаки, захми менда зохирдур, Не цамчиким, тушубтур ул бути паймоншикан узра.

Анинг нозук танида захм тонг эрмаски гардундин, Эрур хоро аро цон лаълу гул жисми тикан узра.

Менинг холимга йиглангким, агар Ширинга гул ёгса, Ёгар юз сангборони балият кухкан узра.

Навоий, ёрга гулбарге текса улгудек эрдинг,
Не айб улсанг, куруб захм ул бути сийминбадан узра.

**564**

Хужуми хол эрур ул гули жамол узра, Начукки,
мушк сочилгай харири ол узра.

Жунун салосили буйнумда, заъфлиц тан ила
Хунарвар уйлаки, занжир осар хилол узра.

Кадинг тахаммули йуц рухларга андоцким,
Туюр цилса ватан нозанин нихол узра.

Белинг хаёли таним бирла токи чирмашти,
Хаёлдур мени девонага хаёл узра.

Мену фироц юки хамли узга цавмдурур Ки,
базми айш тузар маснади висол узра.

Солур футур сафолиг кунгулга хориж дам,
Ел ул сифатки, тамаввуж солур зулол узра.

Навоий айлади жонин фидою васл сузи,
Эмас яцину утар барча эхтимол узра.

**565**

Курунг, гам цатлгохида, бало жаллоди цошимда, Жунун
занжири буйнумда, сиёсат тиги бошимда.

Ичимнинг цону догидин тошимга хам асар етти,
Нишондур лоладек ул гул гамидин ичу тошимда.

Эрур ул гул гамидин саргузаштимдин аён хатлар,
Хубобу мавжким, зохир булур гулранг ёшимда.

Юзимда ашк сиймин бирла гам тузди маошимни, Не
холим бор экин зохирдурур важхи маошимда.

Кунгул хажр илгининг тирногидин хар ён харош улгай,
Кулоц солсанг, эрур зохир фигон ичра харошимда.

Рамингдин жон талашмоцдур ишим, жоно, тирилгаймен
Мадад цилсанг лабингдин бир такаллум бу талошимда.

Кунгулга бода гарчи дош янглиг солди ут, лекин
Пишурмак жуз цадах савдоси йуцтур ушбу дошимда.

Жафо тоши мени гар айлади туфрог, топмаслар Наззора
цилсалар харфи вафодин узга тошимда.

Навоий сихр эмас, гуё Калимулло асосидур,
Бу муъжизларки, зохир булди килки нуктапошимда.

**566**
Боргали шах, ойда бир май ичмадим мохим била,
Кошки, бир ойчилиц боргай эдим шохим била.

Шохиму мохимга мардуд улсам, эрмас айбким,
Бормадим шохим била, чун цолмадим мохим била.

Тийра бахтим йулдин озди водийи ишцим аро, Билмон,
охир неткамен бу бахти гумрохим била.

Нечаким, дардим ёшурсам, ишц этар бир дамда фош,
Лаългун ашким била, ё тийрафон охим била.

Ултурур шарбат, вале ранжим булур дафъ, эй хаким,
Булса кунглум истагандек бода дилхохим била.

Дайр куйида гадою мастменким, рашки бор
Шохларнинг курсалар бу ишрату жохим била.

Эй Навоий, дерсен узни сахла, курсанг ёрни,
Неткамен беихтиёр афгони ногохим била.

**567**
Ул суюлган барги гул чоглиц юзунг бустонида, Бир цизил гул барги бутмиш гуйи оц гул ёнида.

Йуцса ойнинг ёнида Бахром булмиш жилвагар,
Жилваси Бахромнинг, не тонг, цамар давронида.

Йуцса бир тирногинг улмишдур хинодин лаългун, Ояти келди яди байзо чу илгинг шонида.

Йуцса номам сафхасин бир цатра цон этти нншон, Кон ёшим махзун кунгул дардин санга ёзгонида.

Йуцса ул юз кузгуси бир цатра тердин тутти ранг, Чун цуёш тоби аён булди сипехр айвонида.

Сафхаи жонимга, эй соций, томиз бир цатра май Ким, узин топтинг, кунгул не хол эса жононида.

Орази ул шух чобукнинг суюлган важхидин, Юз минг андоц захмдур мискин Навоий жонида.

**568**

Нихоли цадднинг элдин жон олур нозук хиром ичра, Юз
ул олганча гул баргинг берур ширин калом ичра.

Эрур урён танимда буриёе хажр нацшидин,
Кунгул бир нотавон цушким, гирифтор улди дом ичра.

Манга ишц оташин лаълинг хаёли то биширмакдур, Не
утларким, туташти жонга бу савдойи хом ичра.

Нишиман айлади кунглум цуши куюнгда, цайд этма,
Кабутарга киши цасд этмади байтул-харам ичра.

Агар хайвон суйи томизсалар хажрингда огзимга, Берур
мен хастага захри халохил таъми ком ичра.

Ажойиб тийрадур гам шоми ё дуд улдиким, уртар
Мухаббат ахлини мехр утига гардун бу шом ичра.

Буким, Жамшидца даврон вафо кургузмайин йицти, Уцу
кайфиятинким, ёзилибтур даври жом ичра.

Бу эски дайр чун цилмас мудом элга вафо, хуш тут
Узингни доим эски май била айши мудом ичра.

Дединг, куйида булгумдур Навоий бирла хамсухбат,
Рациб охир куп, анинг бирла булма бу мацом ичра.

**569**
Гар цуёштин цадрим ортугроцдурур шох оллида,
Заррадин юз цатла уксукракмен ул мох оллида.
Енида ой оллида хуршид эрур хар кимсаким,
Гох булса дилбарининг ёнида, гох оллида.

Куз юмуб очцунча гарчи кунглум олиб уртади, Вах,
нетиб асрай кунгулни буйла дилхох оллида.

Ой фалак хиргохида андин чекар юзга сахоб,
Ким оча олмас юзин ул мохи хиргох оллида.

Хусн шохи бою мен мунглуг гадолиг цилмасам, Кимни
топиб айлагаймен шайалиллох оллида.

Улки, вахдат шархин айлар, сирридин огох эмас, Гар
фано касб этмаган булса бир огох оллида.

Ишц ицболи Навоийга экандур сарнавишт, Курмай
улмас улки, мехнат булса ё жох оллида.

**570**
Гулеким, ёр бергай мен кеби урён гадоларга, Магарким, санчцаймен ани бош узра яроларга.

Не гул, туфрог келтурса сабо, кузларга тортармен, Саманди йулидин таржих айлаб тутиёларга.

Кузу цошини то курдум — кузум цошига хайрондур, Яна хеч илтифотим йуц кузу цоши цороларга.

Чу ул бегонавашдин ошнолиг курдум, айлабмен Узумни бир йули бегона барча ошноларга.

Ани хац асрасун бир узидекка мубталолигдин, Тараххум айласа гохи узига мубталоларга.

Жафосин гарчи куп тортиб, вафо цилдим, талофийдур, Гар этса бир вафо утган замон цилган жафоларга.

Неча хусн ахлидин ёгса бало, ушшоц тортар, вах, Балокаш эл тахаммул айламай неткай балоларга.

Мену май гулгулию шух соций хукми ижроси, Сола олмон цулоц давр ахли айлар можароларга.

Замона шугли тавци лаънатин солган буюнлардин, Ажаб юкдин узин цутцардилар, юз рахмат оларга.

Хамоно гофил улди подшолар подшохидин,
Гадоеким, узин мухтож кургай подшоларга.

Наво топти Навоий, барги гулким, ёрдин келди, Анинг алтофи еткурди муни баргу наволарга.

**571**
Чункн мойилдур кунгул агёр сари ёрга, Садца жоним ёрнинг кунгли учун агёрга.

Истарам агёр аёгин упкамен, балким кузин Ким, бориб куйига етмиш давлати дийдорга.

Чун етар атри димогимга, кирар жисмимга рух, Хар насимиким, эса ул сарви гулрухсорга.

Хар бирига жонни дермен садца айлай жилвада, Юз туман жон садца булсун ул цаду рафторга.

Нацди жону хирмани умрумни сарф эттим, валек Ул санам цониъ эмас бу маблагу миццорга.

Халцдин юз дашт йул тутсун цироц ул зорким, Дерки узин солмайин хар лахза минг озорга.

Хилватингда чун кушоде топмадим, маъзур тут, Булсам, эй шайх, эмди азм кулбаи хамморга.

Эй Навоий, бесаруполиг чу цилдинг ихтиёр, Кир фано куйига, боцма кафш ила дасторга.

**572**
Хиротдин агар ут тушса Сабзаворгача, Булай самандару тортай узумнн ёргача.

Кунгул доги бу ут ичра йулуцса хам хуштур Ки, булса хамрахим ул сарви гулъузоргача.

Жунун аро ёришиб гоху гох цичциришиб, Етишсак иккимиз ул тунди шахсуворгача.

Эмас чу умр иши маълум, хар нечук булса, Узумни еткурайин ёр улур диёргача.

Ажал чу етти анинг куйи сари судрансам, Фидоси жисми низор улса жони зоргача.

Чу куйи ичра мазоримга берсалар тартиб, Кадамин цилса гахе ранжа, ул мазоргача.

Висол цайдаю мен цайда, социё май тут
Ки, мур сайри эмас чархи зарнигоргача.

Эрур бахор ганимат, май ички, билмассен Ки,
дахр богида булгунг яна бахоргача.

Навоиё, гамим ултурди, гамзада май бер, Йуц
эрса бошла мени ёри гамгусоргача.

## ЛОМ-АЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

**573**
Нигоримга бедод фан булдило, Дилоро
дедим, дилшикан булдило.

Чицарди чу хат хусни гулзоридин,
Манга цисм барча тикан булдило.

Юзи лоласи хажридин кунглаким, Сиришк
ичра цонлиг кафан булдило.

Ёшим анжумин сочибон гам туни,
Юзи шамъи хар анжуман булдило.

Хадангеки, хар кимга отти сипехр,
Нишони бизнинг жону тан булдило.

Фалакнинг янги гамларига мацом,
Бизинг эски байтул-хазан булдило.

Вафо ваъда цилди, дедим цилмагунг,
Навоий, хамул мен деган булдило.

**574**
Социйи ишц, чунки урди сало,
Тутмади элга гайри жоми бало.

Элга гар журъа тутти, гар цатра,
Манга етканда давр цуйди туло.

Жони эркандурур анинг бу майи Ки, бизнинг
кунглумизга берди жило.

Эмди жоми тулаю гар холи, Биз
анга бандабиз халою мало.

Сунгра тутти мудом согари май,
Пири майхона доми иззу ало.

Май била кунглум улди уйла
масал Ки, топилмас анинг
кеби, масало.

Гар Навоийга аввал айлади
лутф Дилбари, сунгра зулм
айладило.

## Ё ХАРФИНИНГ ЯГМОЙЛАРИНИНГ ЮЗ КУРГУЗМАКЛАРИ «ФАВОЙИД»ДИН 575

Эй юзунг устида тер гулбарги узра
шабнаме, Лек хар бир цатрадин булуб
гулистон оламе.

Катрадин олам гулистон булмаги тонг йуцки,
бор Бахри рахмат оразинг богига тушкан
шабнаме.

Гул недин ер тутти эл бошида солу мехрдек,
Топмамиш булса риёзингнинг шамимидин
шаме.

Кукка чун элтиб малак рахшинг губорин
топмайин, Зухра андоц сурмаи, Кайвон анингдек
парчаме.

Йуц ажаб, отингга гар мухри нубувват булса
хатм Ким, нубувват халцасида йуц сенингдек
хотаме.

Сочцай эрди чашмаи хуршиддин хайвон
суйи, Хамдаминг булса эди Исои рухуллох
даме.

Чун Навоий наътинг айтурга тилар булгай илм,
Не ажаб гар булса бот олимлар ичра аъламе.

## 576

Чу хар дам ул парий бегона
булгай, Яциндурким, киши
девона булгай.

Шабистон ичра сен ул
шамъсенким, Кавокиб
даврида парвона булгай.

Куруб холингни билдимким,
цурутцон Шикибим мазраъин бу
дона булгай.

Майи лаълингдин улким, булди
ранжур, Анга доруш-шифо
майхона булгай.

Не ер булгай дема минг гамга
манзил Ки, гар булган бизинг
вайрона булгай.

Биров жону жахондин истагай дуст
Ки, хам озода, хам фарзона булгай.

Навоий сенсиз улмай мужрим улмиш, Гар олсанг жонинн, журмона булгай.

**577**
Бошимга кош гохе етса рахшин секретиб мохе, Су берсам кузларимга хуйфишон рухсоридин гохе.

Малохат авжи бирла хусн бустонида йуц равнац, Кани бу бог аро сарве, цани ул авж уза мохе.

Дема охирки, йуцтур ишц савдосида бир бедил, Ани кургилки, борму хусн бозорида дилхохе.

Не тонг афсурдадил булсамки, то хусн ути учмишдур, Кунгулдин доги харгиз чицмамиш бнр шуълалиц охе.

Не булгайким бахори хусн аро очилса бир гулким, Тушуб бир барци ишц, уртансам андоцким, пари кохе.

Кириб ишцу мухаббат даштига, эйким, яна ёндинг, Мухицдурсен, нединким, топмадинг бу йулда хамрохе.

Навоий бор эсанг огах, саломат мулки хам хуштур, Ва лекин рахбаринг булса йули цатъида огохе.

**578**
Ул парий савдоси мен девонадин айрилмади, То мени девонаю расвои олам цилмади.

Йуц кунгулда, хар саримуйимда бир афгон эрур Ким, жафоси неши ёлгуз кунглума санчилмади.

Дедим ултур эмдиким, ишцим нихондур, охким, Килмади цатлим, бу иш оламга то ёйилмади.

Хаста ушшоцига рахм этти, мангг йуц, гуйиё Заъфдин ул хайл аро бор эрканимни билмади.

Тиги то етти, кунгулни чок цилди, турфадур, Етмайин ул навъ су бу гунчага, очилмади.

Колди айтилмай нихоний ишц сирри ончаким, Колмади бир сузки, бу маъни аро айтилмадн.

Неча цон ютцай Навоий бода тут, эй мугбача, Ким хумори хажри ул майни ичиб ёзилмади.

**579**

Халцаи зулфунг кунгул чекмасму эрди, эй парий Ким,
гажакдин сончтинг цуллоблар хам бир сари.

Тобу печ эрмас гажакдаким, ажаб, йуц печу тоб Ким,
юзининг утига тушмиш парийнинг бир пари.

Утда бир нохуш берур ис, вах, муаттар айламиш, Утца
тушган парга монанд икки зулфунг анбари.

Гуйиё эрмас гажакларда бу янглиг тобким,
Чехранг ути тобидин цайтардилар юз хар сари.

Чашмаи хуршид ул юз ёнида цуллоби зулф,
Солдилар гуё гажак ул чашманинг урдаклари.

Угридур ул зулф, воциф булки, бехад бийми бор, Халцаи
цуллобига тушса цулогинг гавхари.

Гар Навоий телба булса, йуц ажаб, бу навънким, Зулфининг
занжирини цилди паришон ул парий.

**580**
Висолим шомича йуц хажри субхи мехнатафзойи Ки,
равшанроцдурур анинг цуёшидин мунунг ойи.

Муносибдур кузум суртуб, цашисам кирпиким бирла,
Кичишса май утининг хирцати бирла кафи пойи.

Кеча кулбамга келсанг, муддаи манъидин эскарма, Тулун
ой сайр этарда ит хурардин цайда парвойи.

Не тонг гар субхи айшим тийрадурким, тонг ели эсгач,
Сочар кофир уза мушки хутан зулфи сумансойи.

Шамол эркин дедим рахшин, чоцилгач барцдек куйдум,
Самум эрмиш хамоно бодпойи чарх паймойи.

Ёмон оламда эрдим шоми хажримдин бихамдиллах, Ёрутти
тийра кулбамни жамоли олам оройи.

Фироц ичра эриклик, эй кунгул, мухликдурур билгил Ки,
ишц ахлининг ул сухон келибтур умр фарсойи.

Кетар хушум, цачон эслармен ул бут цасри деворин,
Магарким, йугрулубтур бода бирла дайрининг дойи.

Навоий хар мацом ичра наво кургузса булбулдек, Ажаб эрмас, нединким, гулдек улмиш ёри хар жойи.

**581**
Кунгул чун сендин уздум, шодлиг эмди мухол улгай,
Очилмоглиц узулган гунчага не эхтимол улгай.

Кадинг хам гул сочар, хам соя солур, хам хиром айлар Ажаб гар гулшани фирдавс аро мундоц нихол улгай.

Кунгул бир пойбус уммидидин зулфунгга богланди Ки, топцай ком чун зулфунг юрурда поймол улгай.

Су хайвон чашмасидин, ел Масих анфосидин топса, Качон тубига нахли цоматингча эътидол улгай.

Жунунум куйида бир тош захмига хариф эрмас, Неча Фарход савдо тогида Мажнунмисол улгай.

Кунгул бирла хаёлинг уйла чирмалмишки, билмонким, Хаёлинг кунглум улгай, йуцса кунглум ул хаёл улгай.

Лаби лаълинг майидин рашхае топмиш зацан сари Демаким, ранги майгун бу латофат бирла хол улгай.

Эмас майхонанинг синган сафоли дурдидек ичсам, Агар жоми Жам ичра Хизр суйидин зилол улгай.

Тут, эй соций, манга бир майки, анинг нашъаси еткач, Кунгул бехол булгай, жонга хар дам узга хол улгай.

Хуш ул риндики, боргай кулбадин гулшанга боргандек, Бацо мулкига чун дорул-фанодин интицол улгай.

Навоий, тийрасин ахли назар хокирахин куз тут, Санга бу сурмадин шояд ёруглуц эхтимол улгай.

**582**
Бода гулгул айламиш равшан узоринг богини,
Уйлаким, сочцай сабо су узра гул яфрогини.

Дур тула сандуц дер хар ён темур гулмих ила, Курган эл ишцинг тула куксумда хар ён догини.

Не ажаб гулгун булут булсаю андин ёгса цон, Чун совурса ел шахид этканларинг туфрогини.

Холингу лаълинг цатилидинки, цилди туъма зог, Лаългун айлабтурур минцор ила тирногини.

Занбац анда лолагун буткай, шажарлар сурх бид, Хар чаманга берса су цонлиг сиришким ёгини.

Зое улди, эй кунгул, гафлатдин айёми шабоб, Бори этма фавт исёндин инобат чогини.

Кур Навоий шуълаю охию эмгаклик танин, Курмаган булсанг бало барцию мехнат тогини.

**583**
Бу байрамда цани шухеки, жоним булса цурбони Ки, тутса бода ранги уйлаким, цурбонилар цони.

Анинг жоми хилол ойин, шафац осо майи рангин, Тутуб ул социйи ширин, сумурсам дам-бадам они.

Булуб ул чобуки махваш, неча согар била сархуш, Миниб бир тавсани абраш, чу булди азми майдони.

Тушуб дин ахлига офат, солиб ислом аро горат, Булуб халц ичра бир холатки, цолмай кимсанинг жони.

Юзи майдин булуб гул-гул, паришон хар тараф кокул, Узин асрарга йуц Рухул аминнинг хадду имкони.

Кабац хайли аро гавго, намоз ахлида минг ягмо, Дуода гунбади мийнодин ошиб халц афгони.

Зихи ицбол анга хамдастким, ийд оцшоми пайваст, Бу янглиг чобуку сармаст анинг булса мехмони.

Агар ийд истасанг хар дам, фано зайлини тут махкам Ки, бир дамда ики байрамга учрар солики фоний.

Навоий зору музтардур, цатил айларга дархурдур, Жамолинг ийди акбардур, цил охир ани цурбони.

**584**
Вахким, яна бир мугбача диним йулин урди,
Зухду вараъим хирманини кукка совурди.

Маст айлади андоцки, тушуб оллига бошим, Бут оллида бу макр била сажда буюрди.

Торож этибон дину тоциб буйнума зуннор, Юз йиллиц куффор хисобига кивурди,

Масти абадий булгуси мен янглиг азалда, Хар кимки, фано дайрида бир жом сумурди.

Охим тутуни кукдин улуглуцца ошибтур, Бу дудни ул ой гами гардундин ошурди.

Осуда сифатлиц тиладим — пири тарийцат, Даврон элининг улфатидин тарк буюрди.

Хуш булгай агар тутса Навоий сари химмат, Мацсад харами бодиясин улки, югурди.

**585**
Ул шоху мен гадомен, ул тифлу мен цари, Гар боцмаса менинг сари, хац бор анинг сари.

Бир лахза тиргузуб мени, бир лахза ултурур, Гохи бери югурса уйин вацти, гах нари.

Уйдинки, чицти, кирмаки мумкин эмас ёниб, Ёшдекки, кузга кирмас, агар чицса ташцари.

Ахтардурур, гах рожиъ улур, гох мустацим, Чун шухлуцца борса кейин, келса илгари,

Ою цуёшца ухшата олмасмен аниким, Борур цуёшу ой кеби хар сари цуллари.

Эй мугбача, хумор ила дайр эшикиндамен, Жоме юбор манга, тиламас булсанг ичкари.

Лайли ул ойга ухшамади, лек ишц аро, Мажнунни утца солди Навоийга ухшари.

**586**
Булмиш бузуг кунгулда цошинг турфа сурати, Вайрона ичра уйлаки мехроб хайати.

Гар муддаи малак булубон кирса куйига, Болу парини уртагай ахбоб гайрати.

Хуснунг хацицатини кунгул билмаса, не тонг, Хар дам булур чу хайрати устида хайрати.

Доги фироц тоза цуюбтур ичимгаким,
Багримни тоза куйдирадур доги фурцати.

Ул юзга бу хавойи саргашта мехрининг,
Хуршид бирла заррача бор элга шухрати.

Бир булъажаб мушаъбид эрур пири майкада, Дайр
ичра турфа мугбача хар сари луъбати.

Фард ул, Навоиёки, бажуз ранж нафъи йуц, Хар
кимки олам ахли била булса улфати.

**587**
Оразинг курмакка, жоно, мунтазир эрдим хар ой, Бир
замонлиг интизорим ул бир ойдин утти, вой!

Ул куз уц отмоцни варзиш цилмас эрса, не учун Богламиш
мехроб шакли бирла мушкин икки ёй!

Субхи ицболимга чекти шоми мехнат пардасин, Юз уза
зулфунгки, кофур узра булди мушксой.

Еунчадек кунглумни очцан булса тигинг чок этиб, Тонг
эмастурхим, булур доим равон савдо кушой.

Сенки, базми айш аро хар дам цилурсан цах-цаха, Не
гаминг андинки, йиглармен гамингдин хой-хой.

Софи ишрат дайр аро ичкан замон, эй мугбача, Гохи эхсон
цил гадолар сари хам бир цатра лой.

Кукта ойга йуц Навоий майли зохир булгали, Мовий
ёглицдин юзунгнунг партави, эй куркабой.

**588**
Эрур сероб андоц оташин гулдин юзунг боги
Ки, цилмиш жилва ут бирла судин бир тоза яфроги.

Тахайюл бирла нозук соийдин гар тулгасам, томгай Хал
улган сийм андоцким, узулса инжу цулбоги.

Кесак куйида янчиб асрарам куз пардаси ичра, Кетургандек
биров когазга чирмаб Каъба туфроги.

Эмас гулбунда наврас гунча ё хамлиц тикан хар ён Ки,
булбулнунг цолибтур анда тумшуг бирла тирноги.

Хуйи рухсори ёди бирла булмиш музтариб кунглум, Балиг
янглигки, гавхарнинг мацоми булди цурсоги.

Ажал олурда жонимни эрур хажринг шарик, аммо Агар ул
рахм хам кургузса, булмас рози уртоги.

Ема бозики, луъбатбоз эрур гардун фарсангга, Бу луъбатларки, эл кунглин олур анинг цовурчоги.

Нетай гардун шабистонида анжумни шафац ичра, Шафацгун майни сузмай ичкум улса реза куп ёги.

Кузум хажр утидин бир шамъдурким, сарсари охим, Ани чайцарда томиб цатра-цатра турмайин, ёги.

Кариб, эй мугбача, зуннор ила бел богладим, май тут, Нединким, булди бу дайри фанодин азм этар чоги.

Навоий, хосил эт химмат цанотиким, учар цушца, Х,аво цилганда мацсадга не мониъ дашт буртоги.

**589**

Юборди ёр базмидин манга бир пистаи цанди, Олиб уптумки, бор эрди лабию огзи монанди.

Мени бемор улум холида цилмайму хаваским, бор Масиху Хизр анингдек жонфизо базм орзуманди.

Кунгул хам анда, жон хам анда, ацлу хуш хам анда, Не суд этгай бу хол ичра манга ахли хирад панди.

Висол ицболи топцанлар майи ишрат била хамдаст, Нетай булмай фироц идборидин хуноби хурсанди.

Эмас базми аро гулбарг, хам юз пора кунглумдин, Чу ул ён эврулур тинмай, тушубтур неча парканди.

Жахон богида наргис захри чашмидур манга рузи, Хуш улким, цисматидур гунча огзининг шакарханди.

Тиларменким, парийзоде топиб эмди кунгул берсам, Билинди, кимсага цилмас вафо чун кимса фарзанди.

Килур жон риштасин саргаштаи мацсуд ила пайванд, Тааллуц торидин хар кимсаким, цатъ улди пайванди.

Зулоли васл ила не суд агар эл цонса, жон топса Навоий шуълаи хижрон аро чун куйди, уртандн.

**590**

Дуди охимдинму хар сари шарарлар бутради, Йуцса ел утлуг кунгулларни сочингда цузгади.

Ишц даштида уча олмас еридин хеч цуш, Парларин баским, хавода утлуг охим чуркади.

Хар тиканким, илди Мажнун кунглакидин порае, Хажр куксумга туган цуймоцца ани чирмади.

Бог аро хат ичра огзингдин цизариб, саргариб, Еунча зангори либоси бирла бошин буркади.

Кур жунунимники, булди телба куйунг итлари, Кайси бирким, цовгали урён танимни тишлади.

Ишц нахлига самар чун фурцат эрмиш, эй рафиц, Эй хуш улким, кунглин аввалдин бировга бермади.

Эй Навоий, узгалар мацбулу сен мардуд учун, Ер аларни махрам айлаб, сени махрум истади.

**591**

Булса куюнг туфроги заъф ичра жисмим бистари, Сузи жисмимдин анинг ранги эрур хокистари.

Уйладур заъфимки, одам цилмагай эрди гумон, Гар йулуцса эрди Мажнунга вужудум пайкари.

Дема ашким жоласин гам шоми дурри шабчарог Ким, эрур айни малолатдин нухусат ахтари.

Дашт аро эл англамас девонадурмен, йуцса дев, Уйлаким, билмон сениким — одамисен ё парий.

Оразинг узра эрур хуй касрати дарёйи лутф, Нилдин холинг латофат бахрининг нилуфари.

Гулшани давронга мойил булма, зийрак цуш эсанг Ким, тикан тори цилур хар тоза гулбарги тари.

Сабзаи хаттинг хаёли бирла савдо даштидин,
Гар Навоий чицса, тонг йуц, Хизр эрур чун рахбари.

**592**

Гул эмастур оташин, булбулларин куйдургали Ким, либос этмиш цизил ушшоцини ултургали.

Куйига инса малойик пашша янглиг, рашкдин
Ох дудин зохир айлармен аларни сургали.

Демангиз улким севарсен, нега цонингни тукар, Лутф ортуц кургузур ортуцсироц севдургали.

Катли ом эткачки, цочти ишцдин хар бул-хавас, Жисмима жон кирди ишцим оллида билгургали.

Эй Масихо, бир нафас тингилки, бормиш дустлар Жонлар уйнаб, ул цуёшни бошима келтургали.

Дайр аро борму гаминг деб сурмагил, эй мугбача, Дафъ булмиш сен цадахни огзима еткургали.

Эй Навоий, куз-юзидин олмоц улмас. войким. Ортуц айлар ижтиноб ортуцсироц телмургали.

**593**
Мени ултургай эди мугбачаларнинг алами. Дайр пирининг агар булмаса эрди карами.

Даврнинг бору йуцидин не шикоят цилайин, Тенгдурур чун менинг оллимда вужуду адами.

Чарх наццоши сурохини мунаццаш цилса, Шиша огзи цилидин келди муносиб цалами.

Шайхнинг уйлаки, ошуцца момуг остида дог, Тевурук руцъалар остида тикилмиш дирами.

Улки бошимни хиром ичра цилибтур помол, Х,ар цаён борса, менинг бошиму анинг цадами.

Осмон булмади чун ишц юкига хомил, Тах-батах бир-бири цаддида недин булди хами.

Х,ар дам, эй ахли замон, майли ситам цилмангким, Х,ар нечаким деса, бас бизга замоннинг ситами.

Басдур утлуц кафаним, зору цуруц жисм ичра, Х,ашр аро цай сари ишц ахли юз урса алами.

Гар Навоий нафас урмас, туганиб захмида цон, Гуйиё улдики, чицмас яна ул хаста дами.

**594**
Мухандисе топаю эгнима цанот ясатай, Учуб хавосида цушлар аро узумни цотай.

Муяссар улмаса, бу турт аёгланиб кечалар, Танимни итдек этиб, итлари сари узатай.

Йуц эрса утканида курганмен дебон юзини, Гадои хаста кеби куйи туфрогида ётай.

Мухол эрур бу таманно, висоли ким, мен ким?! Неча эл чира савдо била узумни сотай.

Танимга ишщида бердим шикаст, яъни ул ут, Ёрурга ушбу цуруц хемани дедим, ушатай.

Чу фацир куйида васлимга хеч ултурмас, Качонга хирцам уза зарц васласин яматай.

Навоий уйла улус хонига эрур ошиц,
Ки, турк цуллари Жучидур анингу Чигатой.

**595**
Бу шахсуворки гуй уйнамоцца ичмиш май, Саманд сурса буён бошим оллида уйнай.

Магарки рахши аёгиндадур сабо мудгам Ки,
чопса олам-олам масофат айлар тай.

Дамо-дам урсам илик рашкдин бошимга, не тонг, Тегар чу гуйига чавгони захми пайдарпай.

Чек эмди лутф ила сарсарвашинг инонинким, Килибтур ойинагун ер юзини сарсари дай.

Бу фасл аро хуш эрур оц уй ичра бода ути, Бу ут ёрурга муганний огзига олмоц най.

Нимаки, айласа, булгай анга шай итлоци, Кузунга илма, нединким, жахон эрур лошай.

Навоий, айласа лайливашинг азимати дашт, Муносиб улди укуш урдуси улусига хай.

**596**
Ишц орзусини цилур ул навжувон сари, Утца
солур узин яна бу нотавон цари.

Арз этсаларки, ёр керак ё ики жахон, Ёр
айтцумдурур бери, икки жахон нари.

Ул ой эшитмаса не дегаймен, вале утар Афлок
тоцининг хамидин бу фигон бари.

Усрук йул озициб доримац хар сари не суд, Бир ой рамида сайд не булгай бу ён дари.

Бу хоксор танни сипехр этти цадрдин, Анжум кеби итингнинг аёги нишонлари.

Дерсенки ёр акси санга тушкай, эй кунгул, Аввал губори гайрдин ойинасон ори.

Ул шух юзу ашкинга боцмас, Навоиё, Хар неча заъфарон юзига аргувон тари.

**597**
Жонга чун демен: не эрди улмаким кайфияти? Дерки, боис булди жисм ичра маразнинг шиддати.

Жисмдин сурсамки, бу заъфинга не эрди сабаб? Дер: анга булди сабаб утлуц багирнинг хирцати.

Чун багирдин сурдум, айтур: андин ут тушти манга Ким, кунгулга шуъла солди ишц барци офати.

Кунглума цилсам газаб, айтурки, кузиндур гунах, Курмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати.

Кузга чун дерменки, эй тардомани юзи цора, Сендин улмиш телба кунглумнинг балою вахшати.

Йиглаб айтур кузки, йуц эрди манга хам ихтиёр, Ким, курунди ногахон ул шухи махваш талъати.

Эй Навоий, барча уз узрин деди, улгунча куй Ким, санга ишц ути-уц эрмиш азалнинг цисмати.

**598**
Турфа гулзор айламиш май гуллари рухсорини, Турфароц буким, арац сероб этар гулзорини.

Эй кунгул, хар торига юз жон муцайяддур буким, Юз гирих бирла курарсен зулфининг хар торини.

Ёцмангиз захмимга мархамким, улармен, цилса кам Чоклик багримдин ул ой тигининг озорини.

Боглагайлар атридин дин ахли кофирлицца бел,
Ел паришон этса ногах зулфунинг зуннорини.

Бумни зог эткай, охим дуди цилса ошён, Дашт ичинда мен булур вайронанинг деворини.

Фош этар кунглум шарори, тийра охим дуди хам, Неча дермен, цилмайин ишцим ути изхорини.

Гам хужумидин не гам, азми харобот айлаким, Куймайин бир жом ила ул хайлнинг осорини.

Сойир айларда цадах топсанг сабот, эй мугбача, Айлайин бархам фалакнинг собиту сайёрини.

Англагил, жоноки, куюнгда Навоий улди зор, Топмасанг итлар уни ичра фигони зорини.

**599**

Букун ацшомга тегру менки курмаймен цуешимни, Не тонг, туксам фалакдек кеча тонг отцунча ёшимни.

Балият тошидин юз пора булган хам эрур хушроц, Итингга етмагай захмат цилурда туъма бошимни.

Юзу холинг гамиднн бустонафруз эрур жисмим, Ки, тутмиштур ичимни тухми гам, хуноб тошимни.

Улук жисмимни курган тоза цонлиг доглар бирла, Кора цилган согингай зоглар гавгоси лошимни.

Вазифа кунглума хар кун эрур бир дог ишцингдин, Каноатдин тузубмен бир дирам бирла маошимни.

Казо тагъйири топмас, чунки зуру зорлиг бирла Узубмен дахр халцидин уруш бирла талошимни.

Навоий, дегасен гам тоги цозмиш тешаи Фарход, Куруб куксумдаги тирног ила цилгон харошимни.

**600**

Мовий ёглигдин цошинг, эй жонга бедод эткучи, Кук булутца кирди гуё янги ойнинг бир учи.

Гар ёмон холимга куз солмас, ажаб йуцким, эрур Ул цора кузлар цора бахтим масаллик уйцучи.

Илги ашким цонин оритмоцда чектим дуди ох, Хам цизарди, хам цора булди ул ойнинг овучи.

Оллига бош цуйдум, аммо тиг ила айирмади, Бош эмас, буким эрур буйнумга анинг унтужи.

Тиги ищцин мендин айлар имтихону васл йуц, Ищцнинг гуёки, мендин узгага етмас кучи.

Бода дурдин нуш эта олмас эсанг, эй мугбача, Йиртибон зухдум ридосин, айла анинг сузгучи.

Гар аёгинг чицти ашкингнннг суйидин тойилиб, Эй Навоий, шукр, ул куй ичрадур анинг мучи.

**601**
Хар багир парголаси гам даштининг бир лоласи, Лек, булган ишц утидин дог хар парголаси.

Ишц сахросига хар ким кирмак улмаским, эрур Бир юракнинг доглиг парголаси, хар лоласи.

Лаъл уза ушогроц инжу айлагандек таъбия, Кургузуб ширин лабингни хар тараф табхоласи.

Анжум эрмаским, тушубтур чарх кузгусига акс, Баски, ёгди гам туни ер узра ашким жоласи.

Гирдболишт булса ой бошинг цуярга, важхи бор Ким, анинг даври юзинг ойининг улгай холаси.

Гул харидори чу куптур, булма куп, эй богбон, Зеб учун машшота ё сотмоц учун даллоласи.

Гар Навоий ноласидин ёр ёлцибтур, вале Ишц йуц деб таън этар, гохики йуцтур ноласи.

**602**
Лаб уза хатти анбар олуди Оташин
лаълининг эрур дуди.

Дарду сабрин нисоринг этти кунгул Ким,
булар эрди буду нобуди.

Жон бериб, кунглум олди нацди гаминг, Ахли савдонинг
ушбудур суди.

Гар уцунг жонга цасд цилди, не бок Ки, анинг
бу уц эрди мацсуди.

Тану жон риштаси гамингга либос, Бу
бири тори, ул бири пуди.

Тенгдурур дахрга вужуду адам, Балки
маъдум барча мавжуди.

Гар Навоий кузи оцарди, не тонг, Ашк
анинг цорасини ювди.

**603**
Вах, неча даврон жафоси айлагай махзун мени, Социё, бир
давр аёги бирла цил мажнун мени.

Бехуд улмишмен майи лаълингни кургач, охким, Килди
маст огзимга етмай ул лаби майгун мени.

Лахза-лахза уйлаким, жаврунгки хусн айлар фузун, Шавц
аро хам ишцинг айлар дам-бадам афзун мени.

Элта олур бир цуюн жисмим хасин ул куйдин, Ранжа булма
цилгали овора, эй гардун, мени.

Муждаи васлу хаёт улгай дедим номинг, валек Хатти бехуш
айлабон цатл айлади мазмун мени.

Менда муг дайри хавоси голибу сизда хумор, Майга, эй
ушшоц, муфлис айлангиз мархун мени.

Эй Навоий, васл аро-уц кош сурса тиги кин, Фурцатида
оцибат ултургусидур чун мени.

**604**
Утган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди, Гулшан турида
масканнмиз бир чаман эрди.

Гулбин аро икки кишига сигцуча манзил,
Булбул била гулдек икимизга ватан эрди.

Лола кеби ёцут цадах йуц тубига дурд, Бир шиша май
андоцки, ацици Яман эрди.

Гах мен тутуб ул ичмаку, гах ул тутубон мен, Тун ярмигача
иккимизга бу фан эрди.

Ул тутцач аёг, мен аёгига цуюбон юз, Исор анга куздин
бори дурри Адан эрди.

Маст айлади гах нозу гахе арбада огоз, Куксум
кеби чок этган анга пирахан эрди.

Эгнимга солиб такъяю буйнумга солиб цул,
Титраб кунгулу жисмим аро юз шикан эрди.

Гулзор аро сармаст узалди кузи янглиг, Жон
мулкида ул уйцусидин юз фитан эрди.

Мен доги юзумни кафи пойига цуюб маст,
Гулбарг уза кирпикдин агарчи тикан эрди.

Бу навъ уюдумким, мени уйготцучи тонгла Юз
снймфишонлиг била шохи Хутан эрди.

Хажр эмди Навоийни гар ултурса, не армон
Мунчаки, мурод анга бу важхи хасан эрди.

**605**
Менмудурменким, айирмиш васлидин жонон мени,
Ултурур онсиз туман минг дард ила хижрон мени.

Чарх жисмим туфрогин охим елидин совуруб, Хажр
даштида цуюндек цилди саргардон мени.

Гам палосин жисмидин Фарходу Мажнун бошидин,
Ошиёнин ташлади, чун курдилар урён мени.

Ул парий андоцки пинхондур кузумдин, айламиш Гояти
заъфу жунун эл кузидин пинхон мени.

Гар парийдур дилбарим, мен хам жунундин вахш аро, Уйла
мен вахшатдаким, булмас демак инсон мени.

Бир хам, эй Лайли, биёбон ичра Мажнунингни топ, Кур ани
хайрон манга, йуцким анга хайрон мени.

Эй Навоий, гар яна бир цатла мумкин булса васл, Солмоц
ул махвашдин айру хажр не имкон мени.

**606**
Чун ул ой хар дам боцар куз учидин гардун сари, Мен чу
туфроцмен — цачон боццай мени махзун сари.

Ким мени курса бало тогию савдо даштида, Хайрат айлаб
боцмагай Фарход ила Мажнун сари.

Камлигидин ой, заволидин цуёш улгай хижил,

Килсалар ногах назар ул хусни рузафзун сари.

Чарх давридa курунгандек шафац ичра цуёш, Тушти аксинг жом аро, боцсанг майи гулгун сари.

Мехнатимдин тогни хомун кургасен — хомунни тог, Гар мени истарга келсанг тог ила хомун сари.

Бода ичким, гар десанг узни мукаддар цилмайин, Солма куз дунлар сари, андоцки чархи дун сари.

Сарвни нетсун Навоий бор эканда цоматинг, Булса мавзун, боцмагай табъ ахли номавзун сари.

**607**
Хомаи мушкин рацам бирла мени ёр истади, Тинмайин неттимки, хажридин мени зор, истади.

Не жафо эрдики, мархам васлидин цуймай хануз, Хажр тигин ёгдуруб, кунглумни афгор истади.

Гарчи кундуз ости, лекин уртади хижрон туни, Шамъидин холимни ул махваш намудор истади.

Зулфи домин хажр шомидек ёзиб офоц аро, Гуйиё олам эли кунглин гирифтор истади.

Хуснга чун йуц вафое жуз надомат курмади, Бевафоеким, вафо ахлига озор истади.

Тут фано вайрониким, акси юзин цилди сариг, Мунъимеким, цасрн деворини заркор истади.

Эй Навоий, хуйи бекасликка цилким, топмади Кайси бекаским, кезиб оламни, бир ёр истади.

**608**
Хуштур ичмак ёр ёди бирла ишрат жомини, Хоссаким, цосид кетургай ёрнинг пайгомини.

Руцъаси жисмимга жон берди, цора ичра магар Оби хайвон томизиб, чекмиш хати арцомини.

Сафхаи гулгун уза ёзиб хати мушкин тироз, Ёд берди хатти мушкину рухи гулфомини.

Рам еган кунглум цушин тутмоцца гуё сафхада, Нуцтаю хат бирла сочиб дона, ёймиш домини.

То не афсун цилди ул сохирки, дилкаш номаси
Олди хам жисмим царори, хам кунгул оромини.

Жоми ишрат тортмоцдин яхшироц иш топмадим,
Чунки бу давр ичра топмас кимса иш анжомини.

Бу кеча цосид малолидин агар вахм этмасам,
Эй Навоий, ким топа олгай сузум итмомини.

**609**
Ул ойким шомдин то субхгах масти хароб улгай, Ажаб йуц, субхдин то шом гар хам масти хоб улгай.

Кунгулларни сиёсат цилгалидур, йуц эса невчун
Юзи суйида икки тоблиг мушкин таноб улгай.

Кунгул зулфунг аро талпинса, хайрат цилмаким, цушнинг
Иши чун дом аро булди гирифтор, изтироб улгай.

Юзунг мехри шуойи бирла ашким хам эрур мониъ, Эмас улким, жамолинг мониъи ёлгуз ницоб улгай.

Лабинг хажриндa ашк урнида цон ёгдурсам, эрмас айб,
Кизорган кузларим чун уйлаким, рангин сахоб улгай.

Кани рангин цадах, чун кунглум улмиш дахрдин махзун Ки, гам дафъига ёцути муфаррих лаъли ноб улгай.

Менинг умрум сен, эй соций, эрур чун умр иши таъжил,
Санга хам уз ишингда авло улдурким, шитоб улгай.

Не булгил тийра, не равшан замонеким, гари цилмас Замон ахли агар худ соя, ёхуд офтоб улгай.

Навоий, дайр пири бирла булсун мугбача ери, Жунунунгга гахиким, хазл этар эл шайху шоб улгай.

**610**
Асрадинг куйдургали ушшоци музтар кунглини,
Богбондекким, утун цилгай санавбар кунглини.

Отцан уцни, билки, цайтармацчадур пайкон била
Жаврдин цайтармац ул сарви ситамгар кунглини.

Гулбунунгда гунча кунглумдек эмас, эй богбон,
Очилурдектур, хаёл этсанг анинг хар кунглини.

Тиг ила куксумни ёрсанг, шуълаи охим не тонг, Чун ёлин ортар, киши чок этса ахгар кунглини.

Нетти согардек сафо берса менинг кунглумга хам, Улки, софий май била соф этти согар кунглини.

Эй муганний бир навое дилкушо тузгилки, чанг Риштаи нагмангга боглабтур саросар кунглини.

Эй Навоий, гунчани дам бирла очцандек цилур, Халц панди сен кеби махзуни абтар кунглини.

**611**
Упмак истар чогда лаъли жонфизосин тишлади, Кул занахдонига чун сундум — яцосин тишлади.

Тиш била мунглуг кунгулдин муддаи чекти уцин, Рост ит янглигки, сойилнинг асосин тишлади.

Дарддин багрига зори дам-бадам беркитти тиш, Кут учун бемор янглигким, гизосин тишлади.

Курди чун Лайли юзинда нил цилди нилгун, Баски, Мажнун жисми зори мубталосин тишлади.

Дунки, мажрух этти уз ёрин хушунат бирла бор, Итки, номардумлугидин ошносин тишлади.

Огзи циллик шиша базм ичра ушатцач мухтасиб, Кози ани курдию цайтиб махосин тишлади.

Эй Навоий, улса улдумму дегай улким ичиб, Ёр элидин жому лаъли жонфизосин тишлади.

**612**
Дайр куйида бугун асру алоло эрди,
Чун етиштим югуруб, турфа тамошо эрди.

Пири дайр ултурубон сархушу оллида анинг, Май тагори тула ул навъики, дарё эрди.

Ер тутуб бир ёнида мугбачаи бодафуруш Ким,
иши дину хирад мулкига ягмо эрди.

Яна бир ёнида ул мугбачанинг зулфи кеби, Укулуб риштаи зуннору чалипо эрди.

Дайр айвони била гунбади рифъат юзидин,

Тоци ахзар била бу гунбади мийно эрди.

Арганун савтию ноцус уни бирла хар ён, Юз
мугона амалу цавл ила гавго эрди.

Кофири ишц харобот эли оллинда туруб,
Сунги сафлар бори габру, мугу тарсо эрди.

Бир-бирин чорлабу айлаб янги зуннор эхсон,
Жоми май берганидин куфрга ихё эрди.

Ким мугона май ичнб боглади зуннорп руст, Бут
худ ул айлагали сажда мухайё эрди.

Мен доги солдим узумни орогаким, манга хам
Риштаи цурбу майи васл таманно эрди.

Риштаси хабли матин, бодаси миръоти сафо,
Икисидин манга мацсуд хувайдо эрди.

Белима боглади зуннору цадах тутти манга,
Дами жон берди хамонки, Масихо эрди.

Ёдима келди, Навоий кеби чун маст улдум
Ки, азалда манга муг кулбаси маъво эрди.

**613**
Хар уц ул цоши ё куксумга отса, бехато етгай, Ва гар худ
узгаларга отса хам суйлаб, манго етгай.

Тегар суйлаб, демай хар ергаким, захм айлабон ул уц, Неча
манзилда ором истагай кунглумга то етгай.

Вафоюю мехр истарга не хад, биллахки, розимен
Ки, бори гах-гахе ул шухдин жавру жафо етгай.

Чу куйдум хажр утидин, кулумни йулидин олманг Ки, шояд
элткай куйига, ул ёнким, сабо етгай.

Кузи хажрида, тонг йуц, бутса цабримдин цора наргис, Ки,
цуйгай куз аёгига, чу ул кузи цоро етгай.

Деса мингдин бирин, вах, не бало суст улгай, ул ошиц
Бошига ишц аро хар лахза гар юз минг бало етгай.

Жунун кур гурбат ичарким, танишмоц мумкин эрмастур,
Диёримдин агар сарвацтима бир ошно етгай.

Фалак бошингни кирпич муттакоси цилгуси гар худ, Бу дам хуршид хиштидин бошингга муттако етгай.

Навоий, сенсиз этмас бог сари майлким, шояд Анга булбул била гулдин даме баргу наво етгай.

**614**
Не деб айлай жонни зулфи мушкбуюнг садцаси, Булса юз жон оздурур, хар тори муюнг садцаси.

Нацш этиб кунглумга жаннат эврулурмен куюнга, Айларам бу навъ ила жаннатни куюнг садцаси.

Елга хамрох оташин гул майл этар базминггаким, Булгай ушбу важх бирла рангу буюнг садцаси.

Пардаи жоним либосинг булмоц истар, булгали Еунчадек гулгун харири туба туюнг садцаси.

Овладинг кунглум суруб, истаб, бу не лутф эрди, вах Ким, бу саргардон била юз жусту жуюнг садцаси.

Кахр ила жонимни олса мугбача, эй пири дайр, Бок эмас, юз жон бу тифли тундхуюнг садцаси.

Кадду рафторинг Навоий кургали булмоц тилар Кунгли рафторинг фидоси, жони буюнг садцаси.

**615**
Ишц аро тиш багрима урсам, ичармен цон доги, Бал чекармен хажр уцидин беркиган пайкон доги.

Белу огзидин нишон сурмангки, захрам дерга йуц, Бир сариму ошкоро зарраи пинхон доги.

Ишцидин цоним тулуб эрди, ани тукмакка саъй, Дашнаи фурцат хам этти ханжари хижрон доги.

Буйнума занжир тациб, жисмима ёгдурдунг уц, Англадинг, гуёки мажнун улмишам, урён доги.

Йиглагмай холимга найлайким, анинг васли манга Уйлаким, уммид йуцтур, йуцтурур имкон доги.

Неча кун оламда чун мехмонсен, ичкил бодаким, Мизбон цолмас бу фоний дайр аро, мехмон доги.

Эй Навоий, чун алиф янглиг уци жонингдадур, Катлинга, тонг йуцки, бир кун боис улгай жон доги.

**616**

Ногах улдум бир кузи сохир гирифтори, нетай, Ким агар сехр айласам, боцмас менинг сори, нетай.

Мен чу улдум кирпикининг захрлиг пайконидин, Гар улукни тиргузур лаъли шакарбори, нетай.

Тийра зулфи субхи айшимни чу цилди шоми гам, Узгаларга шамъи мажлис булса рухсори, нетай.

Мумкин эрмас чун назар оллида курмак суратин, Сафхаи хотирга нацш этмай намудоре, нетай.

Эйки, дерсен зулфи чун тулганди урма тобу печ, Хар саримуюмга боглиц булса бир тори, нетай.

Май била гам зангига берсам жило, айб этмангиз, Буйла, булса ицтизои чархи зангори, нетай.

Дайрдин дер цоч, Навоий, жилва цилса мугбача, Буйнума гар махкам улган булса зуннори, нетай:

**677**

Курма сариг баргу цил наззора рухсорим сари, Куй хазон богин, гузар цил заъфаронзорим сари.

Боцма асфар барг уза, хар ён цизарган обкаш, Заъфарони юз уза боц, ашки хунборим сари.

Ким хазони ел цурутцан шох холин курмамиш, Айладик наззора урён жисми беморим сари.

Сарвига булмас хазону лола ул мавсумда йуц, Килма майл, эй ох, сарви лола рухсорим сари.

Англа бошимга туташцан шуълаи хажр, эй рафиц, Курма санчилган хазоне барге дасторим сари.

Умр баргин то хазон тукмайдур, этсам кош азм Навбахори хусн аро сармаст хумморим сари.

Эй Навоий, чун бу фасл ичра цадах маргуб эрур, Тортай узни мажлиси шохи цадаххорим сари.

**618**

Келгил, эй ороми жонимкким, тилайдур жон сени, Чехра очким, курмак истар дийдаи гирён сени.

Эй гизоли мушкбу, келким, цуюндек цолмади Водие ахтармаган, истаб бу саргардон сени.

Сен парий пинхон учун мен хам камоли заъфдин, Еойиб улдум эл кузидин, кургали пинхон сени.

Кон аро гар гарцасен, эй куз, не тонгким, бир боциб Зор кунглумни чу цатл эттинг, тутубтур цон сени.

Гарчи мумкин йуц, вале, бир цатла кирсанг илгима, Борса бош, элдин чицармоц узга не имкон сени.

Куз йулунгдин олмасам, айб этмагил, эй мугбача, Айлай олмон дийдадин гойиб мени хайрон сени.

Эй парий, гар телбараб булмиш Навоий дарбадар, Бу анга мацсуд эрурким, истагай хар ён сени.

**619**

То паришон цошларинг ошуфта хол этмиш мени,
Нотавонлиг ичра андоцким, хилол этмиш мени.

Кузда су, кунгулда цайгу, тан заифу жон нахиф,
Эй мусулмонлар, курунг хижрон не хол этмиш мени.

Панд ила зажринг жунунум дафъи этмас, эй хаким Ким, парий рухсораи Мажнун мисол этмиш мени.

Жон бериб, бир нофаи зулфидин дедим савдо цилай, Бу сифат савдойи ул фикри мухол этмиш мени.

Ичкали лаъли майидин хушу ацлим цолмамиш, Бода маст эрди ажаб беэътидол этмиш мени.

То цадах чектим, цилурлар мендин эл касби нашот, Буйла саъд ул ахтари фархундафол этмиш мени.

Ёшурун май тарки этмон, гарчи шайхи хонацах, Эй Навоий, суфию зохид хаёл этмиш мени.

**620**

Захмима мархам ёциб. гамгин кунгул шод улмади, Рахнага балчиг суваб, вайроиим обод улмади.

Ул мувallих чархеким, совурди ацлим хирманин,

Бу цуюндин цайси бир хирманки, барбод улмади.

Лхли ишц ар мен кеби мажнун эмаслар, эй рафиц, Андин эркинким, алар ёри парийзод улмади.

Эй ажал, цатл этмак ол ул гамзадин таълимким, Килмаган шогирдлиг хеч ишта устод улмади.

Кунглидин булмас мухаббат жавхарин цилмоц тамаъ, Хар нечаким, юмшаса, бир йули пулод улмади.

Зохиди нодон гамим ошубидин хар дам кулар, Хуррам улким, ишц атворида муътод улмади.

Эй Навоий, улсам ул тарсо учун, айб этмаким, Дайр пиридин манга жуз бу фан иршод улмади.

**621**
Булмасам ошиц, фигоним зор булгайму эди, Куймасам пинхон, ичим афгор булгайму эди.

Зулфунга вобастаю кузунгга вола булмасам, Жон паришону кунгул бемор булгайму эди.

Булмаса кофир кузунг ошуфтаси шайдо кунгул, Риштаи зулфунг анга зуннор булгайму эди.

Истабон вослинг гулистонин хавойи булмасам, Абри найсондек кузум дурбор булгайму эди.

Булса эрди, эй парий, ишцинг аро кунглумда хуш, Гуфту гуюм мунча мажнунвор булгайму эди.

Билса эрди ишц аро сирримни, хар бир лафзида Ёрдин жуз эътироз изхор булгайму эди.

Еунча кулгусига, эй булбул, кунгул гар бермасанг, Багринга хар гул сою юз хор булгайму эди.

Эй Навоий, цилсанг эрди офият кунжин ватан, Мунча мунглуг жонинга озор булгайму эди.

**622**
Ишц аро ким курди, оё, нотавоне мен кеби, Бекаси оворае, бехонумоне мен кеби.

Ёт ила уздин шикаста хотири андоцки мен, Ёр ила агёрдин озурдажоне мен кеби.

Хам вужуд ицлимидин юз гам куруб булган жило, Хам адам даштида беному нишоне мен кеби.

Теша бирла цозди тог Фарходу мен тирног ила, Эй кунгул, мехнат чекарда дема ани мен кеби.

Зулм цилмоц ичра йуц гар сен кеби офоц аро,
Зулм чекмакликда хам оламда цани мен кеби.

Олам ахлидин вафо куз тутмаким, ким тутса куз, Дарду мехнатдин халос улмас замоне мен кеби.

Эйки, бир мулк ичра чектинг жавру водий топмадинг, Тенгри мулкидур, борур булсанг цаёне мен кеби.

Эй Навоий, етса бир элдин балият бошинга, Бошинг олиб чиццил ул элдин равоне мен кеби.

Мен кеби юз булмаса, гам йуцки, цилгач илтифот, Шох Гозий лутфи айлар хар гадони мен кеби.

**623**
Хурдабинлар фахми идрок айламас ёр огзини, Хурдайи маъни адоси цилди изхор огзини.

Неши нуш олуд санчиб барги гул узра ари, Фош этиб ширин лабин, цилди намудор огзини.

Нуцтаи мавхум аро цилсун тасаввур суцбаи. Кимки мафхум айламак истар анинг тор огзини.

Чун улибмен заъфдин, дам йуцки, топман тийралик, Куйки, цуйсун чехра кузгусига бу зор огзини.

Зарра хуршид ичра кирса, уйлаким, булгай нихон, Халцдин ёшурди ул хуршиди рухсор огзини.

Куйки, уз огзимни огзингга цуяй, эй мугбача,
Йуцса куп огзига цуй мен зори бемор огзини.

Эй Навоий, хажр ути шархида чун сурдунг хадис, Уртадинг такрор этарда ахли гуфтор огзини.

**624**
Хафтаедур курмамишмен ул бути чолокни, Не ажаб, гар уртаса охим ети афлокни,

Солди тиги фурцатинг багримга андоц чокким, Багри булгай чок-чок, улким курар ул чокни.

Хажр ути жонимга ортуцдур, анга бас бир шарар, Уртамак дузах била яъни не бир хошокни.

Отланибтур маст кунглокчан, чекиб тиги жафо, То не ут солгай жахонга, кургил ул бебокни.

Ишц ути бирла кунгул су бирла кузни цилди пок, Пок манзилларда мехмон цилгали ул покни.

Дайр аро даврон гамидин цочмишам, эй мугбача, Бир мугона жом ила шод айла бу гамнокни.

Бода бирла юнг Навоийни, хумор этса халок, Боглангиз тобути узра нахли барги токни.

**625**
Не уцким, жисми урёнимга отти, Танимга тортибон, жонимга отти.

Хадангеким, нихони отти ул куз, Хадафдек доги пинхонимга отти.

Тикан жонимга урди гулшан ичра Рациб, ул гулки, жононимга отти.

Не кунглум цолди, не багрим ярасиз, Фалак тошики, хар ёнимга отти.

Саросар ёгди бошим узра туфрог, Казо тошларки, вайронимга отти.

Сипехр анжумни ул янглигки, жола, Хароб айларга бустонимга отти.

Навоий кунгли холин курди Мажнун, Жунун таъни бу нодонимга отти.

**626**
Менким итимен, булса мени йиткали ори, Солса расанин буйнума ултургали бори.

Хар тонг боши мехрин юзунга утру тутар чарх, Машшота кеби булди юзунг ойинадори.

Юз мил йироц сурса отин, сурма масаллик

Ошиц кузини равшан этар тийра губори.

Хар кимки, юзунг мехрида жон берса хар ацшом, Афлок нужумин ёрутур шамъи мазори.

Даврон элидин кинна етишканга не гамким, Хам гардиши даврон бас анинг кийна гузори.

Зухд ахли риёсидин улубмен, агар, эй шайх, Ихё тиласанг, бошла мени майкада сори.

Гар зорлиг ултурса Навоийни, дам урмас, Чун цилмади кунглунгга асар нолаи зори.

**627**

Ултуруб эл, базмидин ул шух чицмоц не эди? Сархуш улмай ахли мажлисдин торицмоц не эди?

Ваъда гар цилмайдур эрди узга мажлис ахлига, Уз уйининг йулидин умдо озицмоц не эди?

Булса эрди шаммаи парвойи нангу номдин, Отланиб бадмастлиг бирла отицмоц не эди?

Булмаса эрди хаёли бир парийваш васлига, Телбадек вайроналар сари сирицмоц не эди?

Истамас булса эди ободи эл вайронини, Сабру хушум цасру айвонини йицмоц не эди?

Май исин гар социйи даврон раво курса манга, Саъйилар бирла сабу огзини тицмоц не эди?

Истамас булса Навоий жони чицмоц, эй рафиц, Ултуруб эл, базмдин ул шух чицмоц не эди?

**628**

Деманг андин хуб куптур, севма ул худройни, Зухрага вола нетар хуршид бирла ойни.

Чун эрур парвона шамъи мажлис аро волихи, Найласун ул машъали мехри жахоноройни.

Чун Скандар улди хайвон суйи шавцидин, не суд, Етти бахр олмоц, суруб рахши жахон паймойни.

Хусн аро оне булурким, гуйиё андин солур, Ишц аро куйган кунгулларга фнгону войни.

Комати раъно аро гар эътидоли булса, бас, Хожат
эрмас истамак сарви фалак фарсойни.

Луъбати чин гар тилар хоцон, не тонг, гар ройи хинд, Севди
эрса бир малохат шевалик гарройни.

Эй Навоий, цилмагил парво, улус куп суз деса, Мугтанам
тут холиё ул шухи бепарвойни.

**629**
Не гулшанидин атр димогимга етишти, Не
гунчасидин нуцта цулогимга етишти.

Бор эрди маломат тоши, занжири жунун хам,
Хажринда неким боштин аёгимга етишти.

Кон лоласитон айлади жисмимни саросар, Хар
ништари гамким янги догимга етишти.

Охимдин агар тийрадурур кунглум, эмас айб, Не
таъналар андин бу чорогимга етишти.

Десам — не учун согари майдпн топар эл жон? Дер: базмда
бир цатла дудогнмга етишти.

Мумкин эмас андин гули ишрат яна бутмак,
Торожи хазон буйлаки, богимга етишти.

Жамъият агар топмаса йуц айб, Навоий, Бу
тафрицаким, ганжи фарогимга етишти.

**630**
Кузумдур тийра, кунглум ношикиб, эй хотирим коми, Даме
булгил кузум равшанлиги, кунглумнинг ороми.

Жамолинг субхидин кулбамни равшан цилки, бошимга
Фалак гамхонаси емрулгудектур фурцатинг шоми.

Шабистони висол ичра не жонон цадрини билгай,
Менингдек улки, жонин уртамайдур фурцат айёми.

Назарни богу сарву гулдин ар ёпса, ажаб эрмас, Назар
богида улким, булмагай сарви гуландоми.

Абад умрича гар курмас, ани ултурмак авлодур, Агар худ
цатл учун ошицца етса ёр пайгоми.

Хушо майхонаким, Жамшид ила жомидин афзундур,
Маломат дайрининг хар цайси ринди дурд ошоми.

Менинг динимни солди дайр туфрогига бир тарсо Ки, йуц
туфрогча оллида тацво ахли исломи.

Скандар кузгусию жоми Жам ичра кур, эй шахким, Сени
гур огзига тортар каманди сайд Бахроми.

Навоий бир цуёш хажрида узни барцрав килмиш, Не тонг,
гар сайр вацти олами сайр этса хар гоми.

**631**
Хар уци келса мени зор сари, Юз
дуом уци борур ёр сари.

Чун кунгул ёрадур, жоним хам, Кош
азм айласа дилдор сари.

Ситамидин цоча олмонки, борур
Кунглум ул шухи ситамгор сари.

Эй Масихим, уладурмен, бир дам Кадам
эт ранжа бу бемор сари.

Бодаи хажрдин ар етса хумор, Азм
цил кулбаи хаммор сарн.

Кузунга истамасанг гарди алам,
Боцма бу гунбади даввор сари.

Захмларнинг асари цонидин
Боца олмон тани афгор сари.

Кургали дайрда ул мугбачани,
Булмишам шифта зуннор сари.

Жонни жононга, Навоий, топшур, Ёрни
еткуракур ёр сари.

**632**
Анингдек бузмамиш гардун мени мажнуни шайдони Ки
минг давр узига эврулса, топцай тузмак имкони.

Фалак аъзам, доги мен ахцар улдум офаринишдин, Менинг
цаддимга золим ишц пайдо айламиш они.

Эрур бу турфаким, ишци балоангиз хар соат

Бу аъзамлиц била айлар муаллац чархи мийнони.

Ики бу навъ голиб хасм улумтук мур цатлига,
Чу жозим булсалар, хайхот, мискин мурнинг цони.

Мен андоц мурдурменким, аёц остида цолмишмен, Кунгул мулкини бузганда сипохи ишц тугёни.

Чу туфрог ичра булди музмахил мури заиф, улмас Ани топмоцу гар топилсаким, топцай Масихони.

Кел, эй социю бу андишалардин бизни цутцаргил, Вафо жомини тутким, бевафодур чарх даврони.

Иликдин бермагил май заврацин бу давр аро, эйким, Еариц айларга еткурмиш сени гам бахри туфони.

Навоий ишцдин не келса, дам урмаки, ошицца Керактур ишци пинхонию доги ишц пинхони.

**633**
Бир йули бизни унутцунг бори, Илтифот этмайин уттунг бори.

Ваъдалар васлгаким, айлаб эдинг, Бежихат борин унуттунг бори.

Шуълаи васлни биздин учуруб,
Узгалар бирла ёруттунг бори.

Журмсиз тортиб иликни биздин,
Муддаи жониби туттунг бори.

Дустлар хаццига тухмат цилибон,
Х,ар не душман деди, буттунг бори.

Эй кунгул, хажр аро дедингки улай,
Узни май бирла овуттунг бори.

Захри гамхаста Навоийга бериб,
Халц комини чучуттунг бори.

**634**
Не пок Мажнунки, бир парий чехра пок хуснига зор булгай,
Бу пок ишц ичра пок жон тарки этса, не ихтиёр булгай.

Сиришку охим натижасидин узори кунглумни чекти гуё Ки, ишц оби хавоси бирла бу навъ дилкаш бахор булгай.

Юзида тер фитнасидин булсам ажаб эмастурки,
марцадимда Ушоц тош урнида хайли анжум, ой анда шамъи мазор булгай.

Кунгул чу кирпикларинг хаёлига тушти, реш улди барча жузви Тикан аро тушса бир яланг телба, йуц ажаб, гар фигор улгай.

Мен ул цуёшсизки заъфарон риштасидек улдум, ажаб эрмастур Далили ишц улки, ранги асфар доги бадан хам назор булгай.

Чу жонни бекаслик ичра гам олди мендин, эй ишц ахли, гам йуц Хуш улки, мухлик гами етишса ёнида бир гамгусор булгай.

Хумор хижрон судоъидин майл цилди майхона сари
кунглум Магарки, ул сари мойил улгай ангаки, ранжи
хумор булгай.

Замону ахли замонни зинхор курма хошок бирла
хасча Ки, оламда олам ахли доно цошинда
беэътибор булгай.

Вафо йулинда Навоий улдию курмади гайри бевафолиг,
Вафо шиори билурки, ёрига бевафолиг шиор булгай.

**635**

Курмадим жононни утган кун хаётим
йуц эди, Юз хаётафзо йулуцса,
илтифотим йуц эди.

Кунглума кирганда пойандоз эди жон
пардаси, Жисму жондин узга садца ё
закотим йуц эди.

Хоки пойи хосиятда сурмадур деб
ёзгали, Куз саводидек, цора куздек
давотнм йуц эди.

Ашк тукмакдин цуругач икки куз, куйди
кунгул, Дафъига утнинг бу Жайхуну
Фиротим йуц эди.

Риндлиқдин осру шокирменки, тацво дафтарин Килдилар чун шарх, ул хайл ичра отим йуц эди.

Ёрни кургач, не тонг, гар элни кузга илмадим, Ул замон парвойи кулли коинотим йуц эди.

Эй Навоий, не ажаб, хажр этса хасдек поймол,. Ишц аро чун тогдек вазну саботим йуц эди.

**636**
Эй хаётим нацди лаъли хурдадонинг садцаси, Жавхари жоним ацици дурфишонинг садцаси.

Кузларинг гар нотавондур, садца вожибдур анга, Юз менингдек нотавон хар нотавоннинг садцаси.

Комату цошинг алиф, нуниким, ул хусн анидур, Хар малохат ахликим, бор булсун анинг садцаси.

Кузларимнинг мардуми холинг саводига фидо, Боги умрум гулбуни сарви равонинг садцаси.

Кулни боштин эвуруб озод этарлар, вах, мени, Боштин эвур, лек озод этма, жонинг садцаси.

Тингасен саргашталнкдин, эй кунгул, гар булгасен, Мехрнбонлиг бобида номехрибонинг садцаси.

Булуб ул гул садцаси, холингни арз этмиш сабо, Эй Навоий, булса юз жонинг, сабонинг садцаси.

**637**
Туну кун истама охимки, мукофот чоги Дам ила тийра булур шамъ доги, кузгу доги.

Рост бир шамъи кебидурки, туби ол улгай, Ул сахи цад, юзи тобию хинолиг аёги.

Кош уза хол бийик ерда булубтур цоровул, Ацлу хис хайлини урмоцца цороцчи цароги.

Дудог устида анингдекки, курунгай нуцта, Холи остида хамул навъ курунмиш дудоги.

Хатти жон нацдига арзир, анга, вах, не нисбат, Сабзаким,
бир дирам эрмастур анинг бир цучоги.

Ришта тоби санга цайд улса, не суд, эй зохид, Гар Масих
игнаси бирла эса хирцанг ямоги.

Телбараб деди Навоийки, цилиб эрди халок, Ишц асрорини
кунглида нихон асрамоги.

**638**
Боргил, эй хамдам, хар ёни, Кунглума
итмиш, топцил они.

Холин сургил, ул хам сурса,
Деким, йуцтур сенсиз жони.

Истидъо айлаб ёндургил,
Келмас булса, де пинхони.

Ким, ул дилбар цилмиш ваъда, Бу тун
булмоцца мехмони.

Чин деб келса, ани эмди Айлай куксумда
зиндони.

Соций бизни гамдин цутцар, Келтургил
рохи райхони.

Ул ойсиз ун чекса Навоий, Утгай
гардундин афгони.

**639**
Фалак еткурмаса ёнимга ани,
Не гам, чун чекмишам жонимга ани.

Сабо хам лоладин цонлиг кафан цил, Чу ёптинг
жисми урёнимга ани.

Чу гунчанг шавци пинхондур кунгулда, Даво цил дарди
пинхонимга ани.

Писанд этмас чу жаннат цасрил ул хур, Фалак солгайму
вайронимга ани.

Тушар багрим била кунглума юз рашк, Казо еткурса хар
ёнимга ани.

Чу цилдинг нацди диним горат, эй ишц, Етургил номусулмонимга ани.

Не суд, улмоц лабинг ёцути сероб, Чу айлабсен сусиз цонимга ани.

Тараб васл ахлига майл этти, эй ишц, Евутма байтул-ахзонимга ани.

Улар холин Навоий айлади назм, Ёзинг албатта девонимга ани.

**640**
Лабинг чашмаи хайвон, цадинг рухи инсони, Бу обу хаво бирла бирининг йуц имкони.

Кадинг жилваси бошларга юз минг хаво солди, Хдводин агар жилва цилур сарви бустони.

Латофатда бир ондур сангаким, улус андин Хароб улдилар, лекин киши билмади они.

Лабинг нор ёнгоц узра топар парвариш, тонг йуц, Агар жавхари айтур ани лаъли руммони.

Таним утига таскин магарким, самум улгай, Танаъум била кийган неча лавн каттони.

Нетар шохнинг цасринким, ул зарнигор улгай, Гадойики, охидин топар шуълаи вайрони.

Деди жоми хажр ичгил, менинг буйнума журмунг, Бировни ким ултурса, эрур буйнига цони.

Вафо ишц ахлига цилур чогда таъжил эт, Ки, таъжил била асру утар хусн даврони.

Навоий, агар кунглунг бацойи абад истар, Бу дайри фано ичра керак булгасен фоний.

**641**
Ажаб эмастур, агар булса дардим огохи, Менинг шахимким, эрур дардмандлар шохи.

Кунгулда уцларидин оц уй айласам, не ажаб Ки, кунглум ичра ватан цилди мохи хиргохи.

Хаёли кунглума киргач, тирилдим, англамадим Муники,
жоним экандур хаёли хамрохи.

Масиху Хизр хаёти абад гадолигида, Лабингга хар
биринing эрди шайалиллохи.

Кунгулки, истар эди васлини бихамдиллах Ки, уйлаким,
тилар эрди, етишти дилхохи.

Буким, бахори хаётим хазонга юзланмиш, Эрур далили
совуг оху чехраи кохи.

Мени ушаттинг, аё сарв, булмагил гофил Ки, куп шажарни
ушатур шикасталар охи.

Еурур хусн ила жохингга цилмаким, цолмас Жамоли
оламию олам ахлининг жохи.

Замона зулмн Навоий бошидин улмаса рафъ,
Анинг боши друру шохи замона даргохи.

**642**

Назар ахлига гарав хайли келди, сурма бил боре,
Не равшан сурма, эй куз, топмишанг, наззора цил боре.

Жунундин англамассен, хар неким дер ул парий пайкар, Не
дейдурмен санга, эй телба кунглум, англагил боре.

Агарчи цон ила туфрог аро огуштадур кунглум, Куруб
курмасга солиб утма, ани кузга ил боре.

Кунгул, билмон, камоли хуснини найлаб хаёл эткай,
Муцассирдур жамоли васфини айларда тил боре.

Сенинг сарву гулунг ёхуд, менинг сарву гуландомим
Мулойимроц экин, эй богбон, бир суз дегил боре.

Не хол эркин цизил, сариг либосидин гули раъно Курунур
эл кузига, чехраси сариг, цизил боре.

Неча дерсенки, соций бизни бир май бирла маст этсун,
Еуруру жахл ичинда мастлигдин бир айил боре.

Демаким, ацлу илму зухд ила мацсадца еткумдур, Фано
йулинда цил узни бу юклардин енгил боре.

Навоий фацир ойинида инсоф илгари тутсанг, Узунгни бил
ёмон, лекин бу сузни яхши бил боре.

**643**
Зори кунглумда нихон, уйлаки, жон дейму сени?! Йуц эса шифтаи жон ичра нихон дейму сени?!

Сарвдин жилвада ортуцсену гулдин тоза, Тоза гул дейму сени, сарвиравон дейму сени?!

Барчадин кузда нихон булдингу жон ичра аён.
Вах, нихон дейму сени, йуцса аён дейму сени?!

Яхшилиц ёки ёмонлиц била жоним олдинг,
Айладинг яхши булар бирла ёмон дейму сени?!

Хусн миръоти сену нозу латофат шамъи.
Соддадил дейму сени, чарбзабон дейму сени?!

Фитна оламга, замон ахлига солдинг ошуб,
Фитнаи оламу ошуби замон дейму сени?!

Эй кунгул, ишц аро бир ерга етибсенки, дегил,
Ибрати дахриму расвойи жахон дейму сени?!

Ултуруб эрди хумор, айладинг, эй май, ани дафъ, Кути жон дейму сени, нацди равон дейму сени?!

Куй фано лофи, Навоийки, сузунг тутти жахон, Бу тааюн била беному нишон дейму сени?!

**644**
Жон ола келганда, саъю изтиробингга улай. Олмасанг хам, цайтцан чогда шитобингга улай.

Гул уза шабнам сочибсен, кургузуб сунбулда печ, Хусн аро бу лутф бирла обу тобингга улай.

Келганингга цахр ила цатлимга, жон айлай фидо, Рахм этиб, цатлим цилурдин ижтинобингга улай.

Лаъли май еткач дудогингга булур оби хаёт,
Оллох-оллох, ул ики лаъли музобингга улай.

Деб эмишсен боглагум бошин кесиб фитрокима, То тирикмен жон фидо айлаб, рикобингга улай.

Чун тирик сендин цутулмоц булмас, эй умрум хуши. Гох лутфунгга берай жон, гах итобингга улай.

Чун дединг улса Навоий, жон берур лаълим анга, Эй Масихим, рухпарвар лаъли нобингга улай.

**645**
Шабистонларни, тонг йуц, гулситон этса кузум цони, Эрур чун махвашим хар тун биров шамъи шабистони.

Не тонг, гар анжуман ахли нишон кургузса анжумдин, Чу булса мохи базм ул чехранинг хуршиди рахшони.

Нетай, эл цасрини цилса мунаввар, чунки ул юздин
Бузулган тийра кулбам булмади бир шом нурони.

Утуб ойларки, бир кулбамга майл эткай, кириб чиццай. Куёшдек йуц анга бир лахза таскин тутмоц имкони.

Бу оцшом ёрдин айру менга воциф бул, эй хамдам Ки, куксумни тешиб, жон цасди цилмиш доги хижрони.

Куёш юз ёшуруб, эрмас шафацким, яна бу оцшом Сипехр айвонига бош чекти шавцум ути тугёни.

Менинг мен ташналабга, социё, не кайфият бергай, Бу янглигким, ёгар устига ашким сайли туфони.

Гули ахду вафо давр ахлидин куз тутмаким, харгиз Музайян булмамиш мундоц чечакдин дахр бустони.

Навоий ул парий базмида гар девоналиц цилса, Эрур хам маст, тонг йуц, базмдин судратсалар они.

**646**
Баски нохамвор бедод ул жафокор айлади.
Мен жафокаш пайкарин ер бирла хамвор анлади.

Тиги бедоди агар кунглумнн нокор этти, лек Элга урган тиги бехад кунглума кор айлади.

Бодадин рухсорида гуллар магар цилгай илож, Улки, кунглумни тиканлар бирла афгор айлади.

Оби хайвон ёнида юз Хизр айлар парвариш, Лаб уза то хатти зангори падидор айлади.

Катл доги хайф ангаким, ишц даъво айлабон, Биййми цатл улгач, бу даъвосидин инкор айлади.

Дайрдин чицмон мени мажнунки, ахли хуш хам, Чарх зулм этканга, азми куйи хаммор айлади.

Гар Навоийга етар минг саъб хол андин дурур Ким, хабарсизларни холидин хабардор айлади.

**647**
Кунглум харими ичра цилур жилва ул парий, Андоцки, Каъба ичра харамнинг кабутари.

Гулгун юзунда холлари гуйиё эрур,
Х,ар ён шафацда ишц элининг тийра ахтари.

Кунглум такаллуфи эрур ул зулфу куз била, Зиндоннинг улди банду бало зебу зевари.

Мажнун ишци шохдуру тог — тахт анга, Куш
ошёни хайъати бошида афсари.

Охимдин учти, сабрим агар чу цаттиц эди, Гам
тогини цунгарур эмиш ишц сарсари.

Тонглоги хуру равза нетар кимсаким, бу кун
Майхона ичра бор эса бир хури пайкари.

Гар дил шикаста булса Навоий ажаб эмас,
Нечунки, дилшикан эруру шайх дилбари.

**648**
Базмдин чун чицти ёру анжуманга кирмади, Тандин андоц чицди жонимким, баданга кирмади.

Барча хузн ахлин мушарраф айлабон шод этти ёр, Не осиг, чунким бизинг байтул-хазанга кирмади.

Ул хино ёцтию цон ютти хасаддин настаран, Ранг анинг тирногларидек настаранга кирмади.

Лоладек цонлиц либосим бирла дафн айланг мени Ким, шахиди ишц маъхуди кафанга кирмади.

Булди гум, огзи сари мойил булуб кунглум цуши, Вах, цаён бордиким, ул чохи зацанга кирмади.

Дахр богида вафосизлиг не цушким, цилди фахм, Чекти махзун нола, аммо бу чаманга кирмади.

Эй Навоий, зулфидин кунглунг чицарким, ул кунгул, Озмади йулниким, ул чину шиканга кирмади.

**649**
Шохнинг мунглуг мушаввашлар била не нисбати,
Компонларга балокашларга цайдин улфати.

Улки цахр этса, циличидин дамо-дам цон томар, Багридин цон томгучилар бирла не жинсияти.

Васл нуши бирла жон топцонга, вах, андин не гам Ким, туладур захри цотил бирла жоми фурцати.

Дахр цилгандин яланг бошини тенг туфрог ила, Не хабар улким, етар гардунга тожи рифъати.

Мур аёг остида улгандин цачон топцай вуцуф, Арслонким, кукка чирмашгай гиреви шавкати.

Бир кеча тонг отцуча хижрон утига куймаган
Кайда билсунким, недур мажрух кунглум холати.

Куй бу сузларнию бул холимдин огох, эй рафиц Ким, бу ацшом асру саъб улмиш фироцим шиддати.

Эй кунгул, ишц ичра шоху гадога имтиёз, Ут аро тенгдур цуруц ё ул йигочнинг хирцати.

Ишц жомин, эй Навоий, товба цилмоц саъб эрур, Хоссаким, йуц зухду тацво бирла кунглум рагбати.

**650**
Зихи йулунгда бир афтода одами хокий, Хавойи ишцингда саргашта мехри афлокий.

Уруж шоми чу бот цайттинг бу армондин Магарки, хар тонг улур субх жайбининг чоки.

Фалак навардинга хам шохи сидра, хам тубо, Бу бир аёгида хас, ул йулинда хошоки.

Мадинанг ахлига хар йилки, азм этар хужжож, Катабту циссата шавцию мадмаъи бокий.

Не булди Ясрибу Батхо аро уцусамким, Аё
манозилу салмо фаайна салмоки.

Сенинг мадойихи наътингда, ё Расулуллох, Тамом булди Навоий такаллуми поки.

Бу турт дафтарида хамду наът аро халали, Гар
этмиш улса аён табъу килки бебоки.

Вале шафоатинг имкони цунглига киргач, Умид
ила сезунур яна табъи гамноки.

Етур анга караминг бахридин паёпай файз Ки, наътинг ичра дурафшонлиг этсун идроки.

## МУСТАЗОД

Бордим бу сахар дайри фано сари уруб гом,
махмури шабона,
Тортар эди хар лахза сабух ахли ичиб жом,
нокуси мугона. Ким, дайри
харобот ароким, бор эса махмур,
куптунг доги булдик Ичмакка
сабух ахли била бодаи гулфом,
бу сари равона.
Базм уртасида пири хароботка маскан,
лекин анга сокий, Бир
мугбача, не мугбачаким, офати ислом,
ошуби замона.
Х,ар ёнки, бокиб, халкка хасрат ути ёкиб,
оташкадаи ишк. Жонлардин
уруб, чунки килиб жоми майошом
юз шуъла забона. Базм ичра
неким турфа, муганний бори дилкаш,
лекин бори тарсо,
Х,ам нагмалари олибон эл кунглидин ором,
хам чангу чагона. Мен телбани
бир жом била айладилар маст,
не мастки, бехуш, Андин бери
булдум бу кухан дайрда бадном,
ишк ичра фасона. Иш
етти чу бу ерга, Навоий, яна зинхор
дам урма вараъдин, Ошик
десалар, ун беру май тутсалар ол ком,
куп килма бахона.

## МУХАММАСЛАР

### 1

Жилва цилди дахр аро куп хусни бехамто йигит, Гул кеби нозик баданлик, сарвдек раъно йигит, Ушбу мажмаъдинки,

булгай эрди минг зебо йигит, Кунглум олди бир парийпайкар малак сиймо йигит Ким, бани одамда андоц булмамиш пайдо йигит.

Саркаши аблац секретиб, даврондек ул хуршидваш, Эгнида заркаш либоси доги андоцким цуёш, Хулци хам хуш, хусни хам дилкаш, узи хам журъакаш, Оти саркаш, туни заркаш, хусни дилкаш, хулци хуш, Курмадук бу навъ махваши чобуку раъно йигит.

Ишц ошуби балосин то цилибмен ихтиёр, Куз, юзин курган замону кунглум аро цолмас царор, Кунглум улса васлига мойил булур куз ашкбор, Ишцида кузу кунгулнинг бир-биридин рашки бор, Оллох-оллох булур эрмиш мунча хам зебо йигит.

Утти умр ул хублар шохидин айру моху сол, Мен цари цулга висоли худ эрур амри махол. Дер: сени зор ултурурмен гар висол этсанг хаёл, Зорлиглар бирла улмай топмагумдур худ висол, Не учунким, мен цари цулдурмен, ул мирзо йигит.

Ул парийвашким, цилур сайри хиёбони Хирот,
Кузга истигноси хуснидин курунмас коинот,
Оллига юз цуйса минг зохид цилур цатъи хаёт,
Йулида юз минг кухан пир улса цилмас илтифот,
Кимса курганму экин бу навъ бепарво йигит.

Хам кузунгдин кунглума хар лахза ортиб юз малол, Хам хатингдин хотирим ичра паришон юз хаёл, Куюнг ичра дарду ранжу мехнатим беэътидол, Йулунг узра хам гадомен, хам цари, хам хаста чол, Бир боциб ут холима хуснунг закоти, о йигит!

Неча шайхи хонацох авродида фарёд этай, Дермен эмди бош олиб дайри фано сари кетай, Кофири ишц улган эл побусига доги етай, Дайр пири мазхабин тутмай, мусулмонлар, нетай, Олган улса нацди имонимни бир тарсо йигит.

Ишцни афсурда жонимдин совутсам яхшироц,
Зухду тацво бирла кунглумни овутсам яхшироц,
Кад эгилди, сарвкадларни унутсам яхширок. Бош окарди, сабзхатлар тарки тутсам яхширок, Ким, хуш эрмастур йигитлар базмида ало йигит.

Охким, уткарди умрум хушлугин чархи даний, Совуг охим бирла саргарди хаётим гулшани, Гарчи май ичмак эмас умрин кечирган эл фани, Эй Навоий, кариб узни солмаким, айлар сени, Бир кадах май бирла ул шухи кадах паймо йигит.

**2**

Кургузуб юз, кунглума юз минг жафому килмадинг! Жисм уйидин хаста жонимни жалому килмадинг! Хотиримни ишк утига мубталому килмадинг! Ишк утидин кисматим дарду балому килмадинг! Дуди бирла хонумонимни корому килмадинг!

Токи курдум йул озиб, куй пчра сен дилхохни, Кайси утка солмадинг хар дам мени гумрохни, Этмадингму жонима котил гами жонкохни, Куймакимга барки офат килмадингму охни, Улмакимга ашкни сайли балому килмадинг!

Килмадингму паст жисмим ерга, эй сарви баланд, Аччик-аччик йигларимга этмадингму нушханд, Тиг тортиб сурмадингму бошима хар ён саманд, Жавр тигридин танимни килмадингму банд-банд, Фуркатингдин банд-бандимни жудому килмадинг!

Юз тазаллум айладим, ул шухи мавзун килди зулм Мехнату дардим кеби хар дам дигаргун килди зулм, Арзи холим кунглума килдим баён, чун килди зулм, Эй кунгул, холимни килдинг арзу афзун килди зулм, Билмадингму ё билиб яхши адому килмадинг!

Дахр элидин жонга хар дам юз бало эрмас дема, Улки махваш булса, бемехру вафо эрмас дема, Шеваси гардун кеби жавру жафо эрмас дема, Шиква килсак сендин, эй гардун, раво эрмас дема, Бизни беком айлаб, эл комин равому килмадинг!

Эй кунгул, то дарди куйида гадолиг топмадинг, Билки, ахли дард ичинда подшолиг топмадинг, Курмадинг харгиз наво, то бонаволиг топмадинг, Бахрн ишк ичра, Навоий, ошнолиг топмадинг, То бу бир кузни Арас, ул бирни Ому килмадинг.

## МУСАДДАС

Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Корун устина, Ганж уза сохир кузунг афъига афсун устина, Дарди ищцинг улки, цуйди жони махзун устина, Деди кургач оразинг ул цадди

мавзун устина, Эй цадинг тубию жаннат хадди гулгун устина, Курмади даврон сенингдек ой гардун устина.

Топти жон хар дам улар холатда бу жисми заиф, Лаълидин жонбахш суз айтурда ул шухи зариф, Колди кузум тийра, жисмим хастаю жоним нахиф, Зулфу кузу лаъли хажрига була олмай хариф, Булди сузум нозуку кунглум хушу табъим латиф, Хар цачон солдим назар ул шакли мавзун устина.

Келса чин суратгари бир дам жамолинг цошига, Жон фидо цилгай хамул дам суратинг наццошига, Лоладур ширин лабинг, Фарходеким, цон ёшига Гарц улуб, тушмиш гузори хажр тогу тошига, Сарв анингдек цоматинг хайронедурким, бошига Килди цушлар ошиён, андоцки Мажнун устина.

Куз йулин, эй ишц, хар соат тула ёш айлама, Эй кунгул, ёшимга парголангни йулдош айлама, Эй куз, ашкимни сариг юзумга дурпош айлама, Ёшурун ишцим сузин машхури авбош айлама, Хар дам, эй куз ёши, юз курмай, мени фош айлама, Давлатимдин огнадинг йиллар чу олтун устина.

Жуббаи синжобинг ичра васла-васла цоцуми, Тугди хижрон шомида бир-бир саодат анжуми, Бор цамар, ацрабда, эй, ишцинг маломат цулзуми, Оразинг кофурида ул зулфи мушкин гаждуми, Анбарин цошинг хамида холдек куз мардуми, Мушки тардин нуцтаи сулсидурур нун устина.

То кунгул сайдига цуйди ул газоли чин кунгул, Булди шерафканлар аъзоси аро хунин кунгул, Баски тортар хар санамдин бир жафо гамгин кунгул, Килди жавридин аларнинг тарки ацлу дин кунгул, Неча чексун хублар илгидин жафо мискин кунгул, Мунчаму офат келур бир цатраи хун устина!

Чун Навоий ашки бахр улди, чекиб ранжу тааб, Кемаликдин кузлари ул бахр аро топти лацаб, Кузида, тонг йуц, агар туттунг мацом, эй нушлаб, Чун кирар эл кемага цилмоц учун айшу тараб,

Гар ватан Лутфий кузида тутмадинг, йуцтур ажаб, Уй цупормоглиц эрур душвор Жайхун устина.

**МУСАММАН**

Хар тараф азм айлаб ул шухи ситамгор, эй кунгул, Тиги хажридин неча булгайбиз афгор, эй кунгул, Чун сафар

айлаб эди бир цатла дилдор, эй кунгул, Дарди хажрига булуб эрдук гирифтор, эй кунгул, Буйлаким, таъриф этиб гурбатни бисёр, эй кунгул, Шахру кишвардин малолат айлаб изхор, эй кунгул, Англадинг ё йуцмуким, айлар сафар ёр, эй кунгул, Вахки, булдуц яна хажри илгидин зор, эй кунгул.

Ахли ишц ичра манга дарди фироц улмиш насиб, Бу эмас дардики, ани дафъ эта олгай табиб, Ёрни гурбат сари таргиб этар хар дам рациб, Вахки, ул гул фурцатидин улгуси бу андалиб, Чун сафар асбобини омода айлабтур хабиб, Бир тараф гуё азимат цилгудектур анцариб, Ул худ айлар азм, мен хам хастадурмен, хам гариб, Гох-гохи булгасен мендин хабардор, эй кунгул.

Эй кунгул, сен севдунг ул ойнию булди улфатим Ким, тамошосига кундин-кунга ошти хайратим, Ул борур эмдию уртар жонни доги хасратим, Шуъла гардунга чекар хар лахза сузи фурцатим, Гар десам хамрах борай, заъф ичра куптур шиддатим, Йуц турарга тоцату мухликтур онсиз мехнатим, Не борурга цувватим бор, не турарга тоцатим, Бизни бу холатца сен цилдинг гирифтор, эй кунгул.

Ёр чун айлаб сафар, паймону ахдин снндурур, Минг алам юз захмлиц жонимга хар дам еткурур, Гар десам хамрах борай, табъида шиддат билгурур, Бормасам, хажри бало уци танимга ёгдурур, Хар бирида бир суубатдурки, жонни куйдурур, Бормогим йуц мумкину турсам, фироциултурур, Бора худ олмон, туруб хам, чун тирилгум йуцтурур, Бас видоъинг цилдим, андин цолма зинхор, эй кунгул.

Хар цаён борса, рафицу хамцадамким булгасен, Шодмони айш ё ранжури гамким булгасен, Ноумид улма, гирифтори аламким булгасен, Узни гум цилма, азизу мухтарамким булгасен, Бил ганимат, итларидин неча камким булгасен Сен булурга махрами рози харамким булгасен, Махраме гар булмасанг, хуштур бу хамким, булгасен Итларига роздору сохиб, асрор, эй кунгул.

Ул мусофир хайлини итдек эришсанг хору зор,

Ранждин жонинг нахифу тошдин жисминг фигор, Кайси мавзуъники манзил айласа ул шахсувор, Кеча тонг отцунча цилсанг посбонлиц ихтиёр, Солсанг узни ичкари, гар гойиб улса пардадор, Ковса, чицсанг — цовмаса, даргах аро тутсанг царор, Ногахони гар булуб толиъ мусоид бахтиёр, Топсанг ул ой бирла сузлашгунча мицдор, эй кунгул.

Хажру фурцат андухидин телбалардек чекма ун,
Мастлардек суз адосин цилма, куп айтиб узун, Авло улким,
ох утидин цилмасанг зохир тутун, Этмасанг саргашталик
дашт узра андоцким, цуюн, Боргохи айшида бир гушада
тутсанг урун, Жаннат ойин базмига эл маст булмастин
бурун, Илтимосим будурурким, барча элдин ёшурун,
Килгасен мискин Навоий дардин изхор, эй кунгул.

**ТАРЖИЪБАН**

**Д 1**

То харобот аромен дурдиошом,
Мастлиг бирла ишим айш мудом.

Ким агар социйи махваш тутса
Май цуёшини, тула айлаб жом.

Мени бу куфр тарицида билиб,
Келдилар бошима ахли ислом.

Килдилар шайхи риёйига залил,
Берибон савмаа кунжида мацом.

Шайхдин етмади нофиъ иршод,
Хилват ичра доги юзланмади ком.

Риндлар хидматидин комим бу Ки,
фано касбига цилсам ицдом.

Солса май кузгусида орази акс,
Кузгуни акс ила цилсам ошом.

Куч била тавба бериб майкададин
Чекдилар, зохир этиб зулм тамом.

Муддате ранжу риёзат чектим,
Килиб узумга танаъумни харом.

Хонацахда ёшурун бода ичиб,
Айладим дайр сари масти хиром.

Яна муг дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй мугбачае бодапараст!

**II**

Куйдум ул хуснн жахонородин,
Улдум ул нуктаи рухафзодин.

Рухума хол тагайюр топти, Куруб
ул нахли цади раънодин.

Булди ошуфта димогимга футур,
Хар дам ул турраи анбарсодин.

Жонга хуноби халок улди насиб, Ул
ики лаъли цадах паймодин.

Васлини хар нечаким, туттум умид,
Булмади наърави вовайлодин.

Тоату тацво ила булмади кам Ишц
ошуби мени шайдодин.

Хушсиз булди кунгул жилва чоги Ул
ики орази махи сиймодин.

Дину имонима офат етди Ул бути
ишвагари тарсодин.

Зухд туттумки, унутцаймен ани,
Кеча-кундуз цилибон хац ёдин.

Эмдиким, зухд ила очилмади иш,
Чицибон савмааи тацводин.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

**III**

Ишцдин кунглум эрур дард олуд,
Хажрдин жоним эрур гам фарсуд.

Ул бути хур сифат шавцидин Булди
нобуд манга буду нобуд.

Олам ахли аро мацбул улмоц
Не осиг, гар санга булсам мардуд.

Кофири ишц улубон, дайр сари
Айладим азму бу эрди бехбуд.

Боглабон руст белимга зуннор,
Айладим маст бут оллинда сужуд.

Бода, эй мугбачаким, дайр ичра
Будурур базмим аро эмди суруд.

Чарх эмастурки, ул ой ищцидин
Чицибон эвруладур бошима дуд.

Васлинг ицболини тацво йулидин
Тиладим, тутмади ул чунки вужуд.

Муни билгач, етибон мугбача маст,
Бода туттию бу эрди мацсуд.

Чун шухуд улди муяссар майдин, Ёр
хам шохид эди, хам машхуд.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

**IV**

Менки, муг дайри аро эрдим шод,
Хотирим дагдагалардин озод.

Дайр пири карамидин хушнуд,
Мугбача ишваларига муътод.

Ким, санга бу келишу кетмакдин
Айшу ишрат худ эмас эрди мурод.

Сайр булди бари оламда ишим, Аёгим
остида тай булди билод.

Хар тариц ахли сари юз цуйдум, Бас,
паришонвашу ошуфта ниход.

Оцибат буйла паришонлигда, Май
била мугбачани айлаб ёд.

Бу танаъумлар аро хотирима Тушти
андишаи мабдаъю муод.

Маърифат эрди гараз хилцатинга,
Манга кунглум бу суз эткач иршод.

Кимгаким, хол дедим, бор эрмиш Анга
хам ушбу аламдин фарёд.

Хар неча саъйни купрац цилдим,
Топмади хеч ишим ойини кушод.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

**V**

Ой юзунг боги бахори олам, Арак ул
юзда гул узра шабнам.

Гулдек ул чехрага кул богда куп,
Кошларингдек янги ой чархда кам.

Ул огиз келди чу маъдум, не ком,
Жонга андин агар улмаса адам.

Зухду такво элидин куп етти Х,ар дам
ул телбага бедоду ситам.

Ул харамдин деди, мен буткададин,
Бир-бирига суз уланди махкам.

Чун чикишмай орада сухбатимиз, Ул
харамга кадам урди, мен хам.

Етар ул юзга фуруг охимдин, Утни
андокки, ёрук айлар дам.

Чунки бу дайри фано ичра кунгул,
Олами ишкинг аро булди алам.

Туно кун чикмиш эдим майкададин
Ки, йулукти манга бир шайхи дажам.

Мустамиъ паст эдию нукта бийик,
Тунд улуб, урди харам сари кадам

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

**VI**

Эй бути сарв, кади гулрухсор, Еунчанг
айтур чоги ширин гуфтор,

Майи гулгун юзунга шуъла солиб, Ул
гулунгни бу гул айлаб гулнор.

Оразинг кунглума очти юз гул,
Кирпикинг багрима тикти минг хор.

Хар нафас лаъли лабинг нукта била
Исо эъжозини айлаб изхор.

Дайр томи уза то курдум ани, Нола
ноцус кеби тортиб зор-зор.

Шайх Санъон кеби дин тарки цилиб,
Зухду тацводин этиб истигфор.

Тоби зулфингда каманд ичра шикаст,
Холи хаттингда тун ичра айёр.

Ул не тарсоки, Масихога эрур Оллида
дам ура олмоц душвор.

Габрки, шол солиб эгнимга, Булубон
хушу хираддин безор.

Буту тарсо цошида сажда цилиб,
Куйдуруб мусхафу боглаб зуннор.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

**VII**

Улки, бор ой кеби рухсора анга,
Булмишам бедилу бечора анга.

Куйига борди кунгул, то, неткай Яна
ул шухи ситамкора анга.

Тиги хажрингдин эрур юз пора, Юз
туман минг яра хар пора анга.

Хоранинг дафъи учун булди насиб,
Еарцалиц бахри фано ора анга.

Дарду бечоралиг утти хаддин, Яъс зур айлади якбора анга.

Дуди охим гамидин булди сипехр,
Ашк эрур кавкаби сайёра анга.

Кайси захмини кунгулнинг тикайин,
Чун ададдин куп эрур яра анга.

Бош чицармон кузум ашки суйидин
Ки, фалакдин ёгадур хора анга.

Топмади ёр сари йул нечаким,
Булди саргашта бу овора анга.

Чунки фахм улдики, мутлац йуц эмиш
Жуз маю дайри фано чора анга.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май тут, эй мугбачаи бодапараст!

**VIII**

Яна муг дайрида масту бебок Кезарам, бош ялангу хирцам чок.

Бода гирдоби аро зор таним,
Уйладурким, тенгиз ичра хошок.

Вах, не кулокдур ул бахргаким,
Мавжга тушса, юолгай афлок.

Менки, ул бахр аро жон топмишмен,
Захрдур, огзима олсам тарёк.

Топмасам жоми майи ноб даме, Дахр айлар мени бехад гамнок.

Туну кун ул сифат усрукменким,
Шомдин субхни цилмон идрок.

Курцарам, ташламагай ташцари, гар
Чарх солса бу тенгизга кулок.

Буйла май бахрини индурди экин,
Суда шохи уза чирмашцан ток.

Майкада бахрий доги маст наханг,
Хонацах ичра не топцай жуз хок.

Яцин эрдики, яна савмаада Булгамен
ранжи хумор ичра халок.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачан бодапараст!

**IX**

Манга дайр улди чу байтул-маъмур,
Дайр пирига булубмен маъмур.

Килма, ё раб, аникым, булгаймен
Ул макону бу макиндин махжур.

Дайр аро мен не сабоху не масо, Масти
маймен не санину не шухур.

Англамонким, иега гардун солди
Айшим авзоига бу навъ футур.

Дам-бадам тутмоц ила мугбача май
Еткурур эрди замиримга сурур.

Эмдиким, хар ён этиб касби хаво,
Булгудек курдум узумни махмур.

Чун азалда бу май эрди цасамим, Бода
ичмакда эрурмен маъзур.

Неча кун дайри фанодин чицибон,
Кунгул озурдаю жондур ранжур.

Менки, муг дайрида эрдим сокин, Бор
эди айш манга номацдур.

Дайрдин маст чициб, май тиладим,
Кимсадин етмади бир жоми хузур.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

**X**

Бу кеча кузларим эрди бехоб, Жонима
ранжи хумор ичра азоб.

Ёр наргисларидек жонда хумор, Тан
аро сунбулидек печ ила тоб.

Дайр эшигида эди базми гариб,
Риндлар барчаси масти майи ноб.

Базми маъни била дарёйи фано, Май
тагори бу тенгизга гирдоб.

Кузи тушкач манга хам лутф била
Чорлоб ултуртуб, этиб буйла хитоб.

Тутубон уйлаки, гардуни согар, Мен
булуб ул май ила масту хароб.
Субхи дам жоми сабухи тилабон,
Айладим майкада азмига шитоб.

Дайр пири булубон хокнишин, Лек
химмат йулидин арши жаноб.

Хар кишигаки, тутуб бир согар, То
абад хуши булубон ноёб.

К-эй хумор илгида ринди ожиз, Сени
махмурлуг этмиш бетоб.

Яна муг дайрига кирдим сармаст, Май
тут, эй мугбачаи бодапараст!

## СОЦИЙНОМА

### 1

Социё, тут цадахи шохона,
Катраси лаъл вале якдона.

Лаъл кони кебн хумдин чицибон,
Лаъли якдона узумдин чицибон.

Ранги утда цизиган наъл кеби,
Тоби шох афсарида лаъл кеби.

Рухга ламъасидин нуру сафо,
Тобидин хурга йуц сатру хафо.

Жом дархур анга каъси хуршид,
Дема хуршидки, жоми Жамшид.

Булса чун базмда худ Жамшид замон,
Тахти заркор уза хуршид макон.

Шохлар оллида човуш янглиг, Ацл
анинг даркида бехуш янглиг.

Тобиъи рой ила хукми хонлар, Амри
маъмури булуб султонлар.

Тахти олий бу бийик торамдин, Хайли
купрак бу цалин анжумдин.

Тутса анда чу шафацгун майи ноб, Жоми
мийнойи аро лаъли музоб.

Ушбу майким, ани таъриф эттим,
Зикрин айларда-уц уздин кеттим.

Шах ани Хизр суйидек ютса, Менга
хам дурди жомин тутса.

Бодануш улди чу хамдастона,
Арз цилсам неча суз мастона.

К-эй улус хони, шахи чарх жаноб,
Хотиринг бахру кафинг мисли сахоб.

Бевафодур фалаки буцаламун, Созу
охангига йуц бир цонун.

Йук бако жох ила шавкатга доги, Йук
вафо умр ила давлатка доги.

Шукр ангаким, килибон шох сени,
Килди хар нуктадин огох сени.

Курки, хар шахки, юруб олди жахон,
Барча бордуму кора ерда нихон.

Х,ам Каюмарс ила Хушанг каии,
Иккига тож ила авранг кани!

Кани Жамшиду Фаридун охир, Бирини куйдиму гардун охир!

Не Каёни бору не Сосоний, Не Скандар доги не Ашконий.

Колмади Рустам ила Сом доги, Язди журд уттию Бахром доги.

Кани хонлар хони Чингизхон, Укдой каники, эрди коон.

Кани Темур — шахи исломпанох Ки, жахон олди, чекиб хайли сипох.

Жадду обо санга авлоди кани, Ога-ини санга ахфоди кани.

То фалак билди таадди фанини, Кайсидин олмади уз берганини!

Кимга берди куёш авжида нашас! Ким яна килмади туфрокка паст.

Кимга бир нуш ила еткурди бахр, Ким яна тутмади юз согари захр.

Йук, бу иш жохилу донога борур, Бахс бал Хизру Масихога борур.

Чун бу маъни бу сифат топти раво Ким, не шах колгуси бокий, не гадо.

Тенгри ёдини унутма бир дам, Узни гайридин овутма бир дам.

Рахматидин доги булма новмид, Еазабидин доги вахм эт жовид.

Мулку кишвар элига дод айла, Адл ила иккисин обод айла.

Тенгри ёди чу санга булди хисор, Дод ила адл улус бирла шиор.

Чу булар булди, узингни хуш тут, Хар бахона била кунглунгни овут.

Бир нафас айшдин улма гофил Ки,
жахон мулки эрур бехосил.

Булмагил хеч нафас гафлат ила, Адл
цил, йуц эса бул ишрат ила.

Хар нафас васфини этмак булмас, Чун
утар, гардига етмак булмас.

Чу фалак боиси гамдур, хуш бул, Сийм
пошандию согаркаш бул.

Элга сендин чу етар осойиш Тенгриднн
айла тамаъ бахшойиш.

Ки, цилиб лутф этгай хаййи гафур
Дунию охиратингни маъмур.

**II**

Социё, тут манга жоми майи ноб, Жоми
май демаки, лаъли сероб.

Ранги ёцут суйидин тимсол, Кайси
ёцутки, лаъли сайёл.

Дами Исо кеби кайфият анга, Оби
хайвон кеби хосият анга.

Ки, манга берсанг ани, сипцарайин, То
даме маст улуб уздин борайин.

Ки, мени шохи замон хижрони Уйла
цилмишкн, дейолмон они.
Шохи Жам кадр замон ичра бадиъ, Хар
бадиъ ишта макон ичра рафиъ.

«Хамса» ичраки, анга хар бир харф Бахр
эрур, зимнида юз дурри шигарф.

Достонларки, нигориш килдим, Анинг
отига гузориш килдим.

Айладим панд тарикида гулу, Юз туман
фойдалардин мамлу.

Ед тутмиш эди шахзода барин, Билиб эрди шахи озода барин.

Онсизин панд анга хожат эмас, Акли кулл оллида эл панд демас.

Кайдаким, булса худо ёри анинг,
Поклар рухи мададкори анинг.

Кош айёми висолин курсам, Яна бир катла жамолин курсам.

**III**

Сокиё бодаи мастона кетур, Дайрдин бодапарастона кетур.

Уйла майким, чу куруб бодапараст,
Ичкуча атридин улгай сармаст.

Нашъаи бахш уйлаки оханги «Ирок», Талх ул навъки, хуноби фирок.

Мутрибо, сен доги оханге туз Лахнида ранги Хусайни кургуз.

Хам Хусайни сузидин ранги гариб, Хам гарибиі дамидин байти ажиб.

Соз айлаб, мени хам шод айланг, Бир нафас кайгудин озод айланг.

Шохлар нодири атвор ичра,
Нуктаю диккату ашъор ичра.

Килди чун тенгри мулойим ани,
Асрадик хифзида доим ани.

Рухпарвар сузи булсун узидек, Рухгустар узи булсун сузидек.

**IV**

Социё, тут цадахи моломол, Ранги хуноб сиришкимдек ол.

Поклар ишци кеби нашъаси тез,
Шухлар хусни кеби шурангез.

Катраси лаъл вале руммони, Кайсн руммон, дегил ардистони.

Манга берким, чу ани цилсам нуш, Зойил улсун хираду донишу хуш.

Сунгра ул кони латофатца тутай,
Курратул-айн хилофатца тутай.

Ул доги ичтику хушхол улдик, Гаму мехнат анга помол улдик.

Токим ул бода била топцач ком, Хар тараф азм этибон цилса хиром.

Хар неким коми муяссар булсун, Барча аъдога музаффар булсун.

**V**

Социё бода кетур ёцути, Рухнинг цуввати, жоннинг цути.

Таъм анга шарбати хижрон янглиг, Лавн анга лаъли Бадахшон янглиг.

Ложуварди цадах ичра ани сол, Чархи мийнода шафац айла хаёл.

Боцибон цуббатул ислом сари, Ичусун ушбу гам ошом сари.

Улки Хайдар отидур, хулци хасан, Хар неким цилса, бари мустахсан.
То абад хашматидин топсун ком, Мулки исломда ахли ислом.

**VI**

Социё, жоми лабо-лаб тутцил, Адаб асраю муаддаб тутцил.

Бодаеким, неча еткурса тараб, Ортцай табъига таъзиму адаб.

То боциб Марв сари бош урайин,
Бошни кук манзаридин ошурайин.

Санжари мулкига булган ворис,
Санжари сонию балким солис.

Ёди бирла тутай узни бир дам, Бу
гамобод жахонда хуррам.

Шохи Абулмухсин, фаррух дийдор,
Умр ила давлатидин бархурдор.

**VII**

Социё, бодаи гулфом кетур, Майи
гулранг солиб, жом кетур.

Бодаким, рух деди ани хаким, Рух цути
атади табъи салим.

Ховарон лоласидек олтун жом Ким,
анга тушса бу рохи гулфом.

Хайъат ичра гули раъно булгай, Ичса
Шахзода, мухайё булгай.

Жоми то хашр лабо-лаб булсун, Неча
сипцарса, яна хам тулсун.

**VIII**

Социё, тут цадахи шавцангез, Су кеби
софию ут янглиг тез.

Суйи кавсар суйидек жон афруз, Ути
дузах ёлинидек пурсуз.

То ичиб, арбада бобин очайин,
Хайрманд аригидек каф сочайин.

Нуш этай чархнинг имдоди била,
Нимруз ахли шахи ёди била.

Таъбига барча нихонлар маълум, Гарчи
май нуш ва лекин маъсум.

Кишвари Зобил анга арзони, Рустами Зол таци дарбони.

**IX**

Социё, жоми хилоли тутцил, Бода хуршид мисоли тутцил.

Лавн анга лаъли Бадахшон янглиг, Ламъаи хуршиди дурахшон янглиг.

Катраси ахтари рахшанда кеби, Чун томиб барци дурахшонда кеби.

Хам ушул жоми хилоли била тут, Бохтар шохи хаёли била тут.

Ацли хар ишта расо, табъи салим Ким, эрур нацди Хусайн Иброхим.

Мулк анинг адлидин улсун бустон, Бар хади кишварининг Хиндистон.

**X**

Социё, тут майи фархунда асар, Фаррух ойин цилиб олтун согар.

Ани ичкан киши тарк айлаб хуш, Нукта сургай, нечаким булса хаму

Камсухан элни суханвар цилгай, Хар сузин уйлаки, гавхар цилгай.

Ичса, булгай шахи фархунда маош Илги зарпошу тили гавхарпош.

Коми андоцки, керактур хосил, Шох ицболидин улсун юз йил.

**XI**

Социё, жоми дилоро хуштур, Ичида рохи гуворо хуштур.

Жоми поку майи ноб андин пок, Куёшу чашмаи хайвондин пок.

То ани ичгали кургузса хавас, Салтанат богида сарви наврас.

Хам анинг базмига лойиц булгай, Пок табъига мувофиц булгай.

Шахга мацбул доги мулкга зайн, Сузи матбуъ узидек ибн Хусайн.

**XII**

Социё, тут манга гулбуй цадах, Халц кунглидин аламшуй цадах.

Уйлаким солса кунгул уйига нур, Тийраликни итирур шамъи сурур.

То берай, кунглум улуб гулшанвор, Кузга шахзода юзидин анвор.

Анга берсун, ё раб, то бо абад, Рух ила Косим Анвар мадад.

Чун сузи хуштур, узи хушхаракот, То абад булсун анга умру хаёт.

**XIII**

Социё, жоми гарибона кетур, Мен гариб ичсам ани, ёна кетур

Ким, келур кунглума ул икки гариб Ким, ул иккини жало цилди насиб.

Айру шах янглиг атодин хам алар, Юз туман комраводин хам алар.

Не экин холлари гурбат аро, Бошца гурбатда келур шиддат аро.

Ахтари толиъ улуб баргашта, Бул-ажаб цавм аро саргашта.
Узга мулк, узга диёр, узга даман, Узга халк, узга макон, узга ватан.

Туш курарларму экин шохни хеч, Ватану маскану бункохни хеч.

Иккиси ёди била бир куш тут
Ки, кунгулдин манга булмаслар унут.

Химматин кош барон туткай шох,
Келгали ул иков иншоололлох.

**XIV**

Сокиё, кил тула жоми заркор, Бир газал бошла Фаридун осор.

Комнинг бодаси доги рангин, Назмнинг нуктаси доги ширин.

Назм адосида мувофик ясаб ун, Жоми май назми нигорандага сун.

Ул иков ёди била ичсун куш, Сунгра кору санга килдирсун нуш.

Сен доги дурди жоминг манга тут,
Кушдин ул доги берсун саркут.

**XV**

Сокиё, тут кадахи мийнойи Ки, улус аклин этар шайдойи.

Англа мийно кадах ичра майи ноб,
Жоми фирузада ёкути музоб.

Булсун чун бода учун базм аро Султон Вайс ибни Бойкаро.

Анга хангомаи шавкимни айт, Доги шеъримдин укугил бир байт.

Ким, жахон булгуча комин булсун, Айш базмида макоминг булсун.
Булсун учмоц аро хацдин магфур,
Отаси Бойцаро ибн Мансур.

**XVI**

Социё, жоми жахонбин олгил, Ичига бодаи рангин солгил.

Жоми Жам хайъатининг мазхари ул,
Балки ойинаи Искандари ул.

Кишига цайгудин улса зулмот, Журъаси
булгай анинг оби хаёт.

Саъй цил, Хизр суйи тулсун анга, Чун
ичар, оби хаёт улсун анга.

Отою огосига хаййи мубин, Равзаи хулд
аро берсун таскин.

**XVII**

Социё, тут цадахи ацлзадо, Ким анга юз
хираду ацл фидо.

Катраи цилса кухан пир ани нуш,
Навжувон улгай, этиб жушу хуруш.

Тут ангаким, эрур иш огохи, Мафхари
дудаи Мироншохи.

Дейки, эй хисрави гардун рифъат, Не
цолур салтанату не шавкат.

Шахри Хай, мулку хашамни курдунг,
Сен доги мулку хашам куп сурдунг.

Англадинг шохлиг ахволини хам,
Курагон тахтию ицболини хам.

Барча шахларга ато урингасен, Ё жади
комраво урнигасен.

Санга олий боридин мартаба хам, Яна
купрак баридин тажриба хам.

Айта олмон санга, эй донишвар Ким,
бор эрди шах ила хар кишвар.
Айт, ул шохи фалак жох цани?! Йуцса
Бахмону фалон шох цани?!

Лек дермен цани ул кузунга нур,
Жисмнгга цуввату кунглунгга сурур.

Салтанат богида сарви гулчехр,
Макрамат авжи уза рахшон мехр.

Илм афлокида бир жис махал, Барча
ашкол улум олида хал.

Назму насрига Уторуд мафтун, Хар
савол этса, жавобида забун.

Шахлигу илму йигитлик чоги, Фонию
суфию солик доги.

Васфи теъдод ила сондин ортуц, Хар
неким, айтсам, андин ортуц.

Буйла офоц ахли нодирасин, Илму фацр
ахли шарифу сарасин.

Курки, афлоки таадди пеша, Чархи
бадмехр, хилоф андиша.

Кора туфроцца начук цилди нихон Ки,
цорарди манга хажрида жахон.

Кани ул мехри жахонтоб охир! Кани ул
гавхари ноёб охир!

Чархдин куп киши курди бедод, Буйла
бедод киши курмас ёд.

Хар неча давр вафо этгусидур, Анга
неттики, санга этгусидур.

Чун будур давр, неча кун хуш бул,
Бебацо даврда фонийваш бул.

Узгалар пандига бергил пайванд, Йуцса
бастур санга бу воциа панд.

**XVIII**

Социё, май туту цуйгил сузни, Хон
цурултойига еткур узни.

Соф май жом аро гар дилкашдур,
Тустугон ичра цимиз хам хушдур.

Эй йиров, сен хам ишингни кургуз, Ётугон бирла улуг йирни туз.

Ётугончию йиров тузгач ун, Сен цадах олу туцуз цотла юкун.

Тура бирла бош уруб тут хонга, Сарцутин бер мени бесомонга.

Узни ул сарцут ила маст цилай, Сузни хон базмида пайваст цилай.

Ким аё турт улусца ворис, Фахр этиб зотинга рухи Ёфас.

Аслу гавхар била хонлар хони, Жавхари зот ила жонлар жони.

Шахга мехмону, азизу дилбанд, Хам цариндош, яна хам фарзанд.

Курки, сен кимсену цайдин келасен, Кайси мулк ичрасену ким биласен.

Хеч шах топмади бир хон сендек, Бу улус курмади мехмон сендек.

Будур уммидки, шах давлатидин, Эхтимомию бийик химматидин.

Улча мацсудинг эрур, еткайсен, Комрон мулкунгга азм эткайсен.

Ота тахтида топиб истицлол, Килгасен хасмларингни помол.

Лек мехмонга керак уйла маош, Ким агар мулкига азм айласа фош.

Мизбонларга малолат еткай, Хайр бирла эл ани ёд эткай.

Шукрким, бехад эрур яхшилигинг, Андин ортук доги яхши килигинг.

Хожат эрмас санга бу янглиг панд Ким, санга панд элидур хожатманд.

Хам бу янглигкн, шиор айлабсен,
Халкнн хулкунгга зор айлабсен.

Тенгри килсун сенга тавфик рафик, Хам
килур ишта рафикинг тавфик.

Шахга сенсен чу рафики жони,
Бир-бирингизга булунг арзони.

**XIX**

Сокиё, тут кадахи султоний, Ичида
рохи анинг райхоний.

Ким, ани ичса гадойи мухтож, Булгай
оллида гадо сохиби тож.

Масти оллида гар афлок улгай Паст ул
навики, хошок улгай.

Тут ангаким, иши булди тамкин, Оти
султон, узи дарвиш ойин.

Химмати рифъати афлок сифат,
Нафсининг пастлиги хок сифат.

Рифъат ахлига забардаст келиб,
Хоквашлар кошида паст келиб.

Чун анинг комига еткай бу кадах,
Нашъасидинки, аён булса фарах.

Айтким, шукрга булгил мойил,
Тенгридин бир нафас улма гофил.

Ким, сени факрга мойил килди, Факр
атворига кобил килди.

Шох дарвешваш эрса, шахдур, Шоху
дарвеш ишидин огахдур.
Улки, бу цоида мумтози эрур, Шохлар
шохи Абулгози эрур.

Килди бу шохни тацдир санга, Хам
шаху хам ато, хам пир санга.

Атою пиринг эрур шохи замон, Огою цардошу махдуминг хон.

Иккиси хидматидин хушхол ул,
Тенгрига ахлият бу хидмат била йул.

**XX**

Социё, жоми Каёний келтур, Кути арбоби маоний келтур.

Бодаи ламъаси андоц равшан
Ки, кунгул хужрасида цилса ватан.

Неча ёшунса хаёл абкори, Зохир улгай барининг рухсори.

Кайда ул шохваши равшан рой Ки, булуб давлат ила базморой.

Ани тут хидматида хурмат ила, Сунгра арз айла бу суз хидмат ила.

К-эй шараф авжида мехри ицбол, Боги давлат аро фархунда нихол.

Шахлиг Одамгача зотингга насаб, Одам авлодида йуц сенча хасаб.

Тенгри ончаки санга берди камол, Айла лойиц бу камолингга хисол.

Фазл касбига куп улгил машгул,
Топмасун йул вале оллингда фузул.

Сени хац айлади чун гавхари пок,
Поклар сухбатидин айлама бок.

Поклар ходийи рохинг булсун, Кодири пок панохинг булсун.

Бода куфри сари булма мудмин, Хацдин улди лацабинг чун Муъмин.

**XXI**

Социё, базмда тут жоми висол, Ким келур ёдима айёми висол.

Утти бир царики, хижрон аромен, Васл айёмига армон аромен.

Мехрибонлар цани, ахбоб доги! Хамнишинлар цани, асхоб доги!

Барча гурбатца хиром айладилар, Хулд богини мацом айладилар.

Хар бири хажрида куп уртандим, Купга чун чекти фироц ургандим.

Бириким цолди, басе куп цолсун, Умр комини жахондин олсун.

Чун вафойи била булди машхур, Айласун умри вафо бирла зухур.

Кунгли чун топти вафо ичра сафо, Деки, мундоц дедилар ахли вафо.

Ким, вафо согаридин олсанг ком, Ич, вафо ахлини ёд айлаб, жом.

Андаким, хажр камиятин сурдум,
Бир-ики ёр санга топшурдум.

Бири хам ёр манга, хам фарзанд, Жонга орому юракка пайванд.

Бири хамсухбату, хамдарду рафиц,
Туцданимдин доги юз цатла шафиц.

Ул бири гулшани умрумда тазарв, Бу бири боги хаётим аро сарв.

Ул йигитлар сафининг зебоси, Бу йигитлик фанининг доноси.

Ул жахон нодираси хар фанда,
Бу цилиб хар фан элин шарманда.

Ул бири оти чу мазкур булуб, Мирзобек ила машхур булуб.

Бу бири исмини айларда хитоб, Мир Дарвеш дебон шайх ила шоб.

Хам анинг фурцати куйдурди мени, Хам мунинг хасрати ултурди мени.

Жонга хижронларидин тушмиш печ, Бу икавнинг хабарин топмай хеч.

Санга зохир эса, пайгом этгил, Хар не маълумдур, эълом этгил.

Хулд аро бор эсалар базморой, Вой хижронларидин, юз минг вой!

Хац сени дахрда боций тутсун, Шодлиг согари соций тутсун.

Сен цилиб нуш тириклик жомин, Мугтанам англа хаёт айёмин.

Курки, умр элга вафо айладиму, Чарх жуз жавру жафо айладиму?!

Билки, оламда не шах цолди, не бек, Шохи магфурдегу бекларидек.

Кани султону шахиду хайли, Барчасин ёпти ажалнинг зайли.

Кани Канбар Алию, цани Мазид?! Кани Султону, цани Нури Саид?!

Хар бири узни тутуб олий шон, Биридин цолмади оламда нишон.

Барча гар кетти, сен улгил жовид, То абад умрдин улма новмид.

Майи мацсуд ила жоминг тулсун, Тенгридин офиятинг хайр улсун.

**XXII**

Сокиё, жомга куй майдин сайл, Майи хуршиду анинг жоми Сухайл.

Йук Сухайлики, буяр хорони, Улки гулранг килур сиймони.

Ким, Сухайли саридур зор кунгул, Куп тилар сухбатин афгор кунгул.

Топмасам узни висоли бирла, Нуш этай ани хаёли бирла.

Очмасам шамъи жамоли била куз, Хам хаёли била айтай неча суз.

К-эй жахон халки аро зоти нафис,
Зотинга фазлу адаб икки анис.

Дурри назминг суйи ул навъ равон Ки, окиб суфтидин оби хайвон.

Сенсен улким, яна йук сен кеби зот, Накди маъни била фархунда сифот.

Сени килди фалаки гарданда Дахр аро бир гарави арзанда.

Сен эдингким, манга дамсоз эрдинг, Хар нихон нуктада хамроз эрдинг.

Зулмларким, манга бу чархи дани
Килди, кайдин топай айтурга сани.

Ким бири бу эдиким, солди йирок Сени, багримга куюб доги фирок.

Манга гар дарду гам анбух улди,
Кисматим гуссаю андух улди.

Сен фалак мехнатидин шод улгил, Дахр бедодидин озод улгил.

Олами хузн аро булма гамда, Узни хуш тут неча кун оламда.

Кимки, назм ичра гухаррез улди,
Нуктаси муъжиза ангез улди.

Лафзи жонбахши нафис анфоси, Хосият анда улук эхёси.

Саъдию Хусраву Салмону Камол Ким,
эди хар бири бешибху мисол.

Гарчи чарх этти барин мутавори, Сен
алар урнидадурсен бори.

Кайсининг маъразидаким, кирдинг,
Жонин олдинг демайин, жон бердинг.

Хар неким айладинг утруда савод,
Айладинг хар бирининг рухин шод.

Шодлиг таркини тутма охир, Хам бу
гамингни унутма охир.

Кимки келса бу тараф, ёд айла, Тараб
ойин суз ила шод айла.

**XXIII**

Социё, тут цадахи рухосо,
Мавж сухони била гамфарсо.

Ким, киши айласа ул сари майл,
Айлагай рухини социйга туфайл.

То туфайли била мажлис цурайин, Бир
неча нукта анга еткурайин.

Айтай, эй назм элида нодир, Рацаминг
сихру хаёлинг сохир.

Шеър бахри аро гаввоси шигарф, Дурри
макнун сузидин хар бир харф.

Токи сурдунг варац узра хома, Назмга
тездурур хангома.

Анварий булсину ё Хоцоний,
Форёбий ё Исфахоний.

Чунки суз оби хаётин суздунг, Рухини
барчасининг тиргуздунг.

Мадх услуби эди беравнац, Бал чициб
эрдиародин мутлац.

Хар цасидаки, тузатти рацаминг, Ё
саводин рацам этти цаламинг.

Булди маъни юзидин бир олам, Ул
савод анда саводи аъзам.

Ангаким, хома гухарбор улгай,
Хайфким, бухл ила бекор улгай.

Кам демак сузни хунар келди мудом,
Санга лекин бу эрур айби тамом.

**XXIV**

Социё, тут цадахи ойинаранг
Ки, кунгул кузгусидин очцай занг.

Бода гулрангу цадах ойинафом, Сую
май мазжини фахм эткай ком.

Токим, ул жоми маоний бирла Сурайин
харф баёни бирла.

Эй Баёний, бил уз оллингда аён,
Нуктаким, айлагум оллингда баён.

Муни англаки, азалда маъбуд Хеч шай
цилмаганида мавжуд.

Рухдин танга хабар йуц эрди,
Офаринишдин асар йуц эрди.

Етти ицлим ила туццуз гардун, Балки бу
дабдабаи кунфаякун,

Булганидин сен эдинг барча гараз Ким,
яратилмади зотингга эваз.

Ул амонатки, еру кук била тог Хамлига
тузмади арз эткан чог.

Бу огир юкка сен эрдинг хомил, Сирру
розига амину комил.

Мунгаву буйла басе диццат аро,
Мушкил ахволу ажаб холат аро.

Ёр сендек нечалар бор эдилар,
Сухбатимда кечалар бор эдилар.

Фалаку анжум аро солиб куз, Васфида
куп узалур эрди суз.

Фалаку анжуми бемехру дани, Барчасиз
цилди сени, доги мени.

Даъвии мугтанам узни цилмон, Сени
худ гайри ганимат билмон.

Мени хуш тут демак эрмас дилкаш, Бир
нафас бори узунгни тут хуш.

**XXV**

Социё, жом кетур дарёваш Ки, замоне
булайин дарёкаш.

Ки, тириклик нафаси пеш эрмас, Хизр
умри хаваси беш эрмас.

Ким сумурган нафас ул дарёни,
Сочайин юз дурри бехамтони.

Бахрким, цатраси булгай дури пок,
Дема дур, лаъл — бори оташнок.

Оташин лаълни ахтар янглиг, Уран эл
жонига ахгар янглиг.

Чекайин мотамиёна ошуб, Хаста
кунглумни цилай хорокуб.

Телбалар таври алоло айлай, Телба
итлар кеби гавго айлай.

Чекайин ох юракдинки, сипехр Пардага
чирмасун ойинаи мехр.

Айб эмас, гар бу сифат мажнунмен,
Курки, кимнинг гамидин махзунмен.

Кани улким, фалаки дахр навард, То
эрур саъй била даврон гард.

Бир анингдекни тилаб олам аро,
Топмади жинси бани одам аро.

Балки то булгусидур даврони, Хам эмас топмогининг имкони.

Маъни ахлига имоми бархак, Хакдин ислом аро кутби мутлак.

Тобию хайли тарикат ахли, Солики амри хакикат ахли.

Куксининг вусъати юз минг олам,
Кунглининг ончаки, арши аъзам.

Рутбаси андаки, юз пайки хаёл, Урса юз минг кадами баркмисол.

Рифъати катъида топмай воя, Балки юз поясидин бир поя.

Васфида деса хирад фазлу фунун, Акл кул васфи дегай саръу жунун.

Арш урфонида бир паст маком, Маст жоми азали орифи Жом.

Мен кеби заррани ул янглиг мехр, Буйла туфрогни ул андоза сипехр.

Юз узум хаддича эъзоз айлаб, Васфлар бирла сарафроз айлаб.

Сихр тасниф аро сурмай калами Ки, менинг отима чекмай раками.

Хомасин кайда килиб нуктафишон, Куйибон мендин хам анда нишон.

Хослиг наътини зотимга чекиб, Ерлиг васфини отимга чекиб.

Чарх бу мехрин айлаб гориб,
Мехрсизлигдин ичимни ёриб.

Сабру токат нечаким кургузайин,
Буйла фуркатка не янглиг тузайин.

Хам магар хушни дафъ айлар жом, Бергай ошубима бир дам ором.

**XXVI**

Социё, тут цуюбон жоми фано, То курайким, недур анжоми фано.

Ул фано жомини чун сипцарайин, Маст улуб, дайри фанога борайин.

Риндлар базмигача ком чекай, Ул харобот элидин жом чекай.

Булубон жоми фанодин бебок, Фониёна цилайин хирцани чок.

Ул фано ахли аро болодаст Ким, фано туфрогида эрди паст.

Гарчи бор эрди тани хокнишин, Рухига манзил эди иллайин.

Фонийи мутлац, озода хам ул, Гармру, солики афтода хам ул.

Йуц фано дайрида уздин хабаре, Колмайин узлукидин хам асаре.

Манга зохирда атову устод, Лек маъни аро пири иршод.

Мен анинг бандалигига хурсанд, Ул дебон лек рафицу фарзанд.

Хар гамеким, етибон даврондин, Мен топиб барча нажотин ондин.

Дафъ айлаб, чу куруб менда малол, Мушкили етса, доги ул халлол.

Лацаби Сайид улуб, оти Хасан, Лацаби янглиг оти мустахсан.

Ани хам чархи мухолиф пеша, Гардиши даври хилоф андеша.

Берди йул равзаи жаннат сари, Мен
тушуб дузахи фурцат сари.

Сугвор улмишам офоц ичра, Мотами
чархи кухан тоц ичра.

Кимга бу навъ кишилар кетгай, Ул
цолиб, ноладин узга неткай.

Булмагай мехнату дардимига адад,
Булмаса рухидин уммидн мадад.

Топа олмон мени ошуфта мнзож
Бодадин узга бу дардимга илож.

**XXVII**

Социё, пахлавий ойин май тут,
Пахлавий лахн ила кунглумни овут.

Пахлавонона кетур согари жарф,
Куюбон майдин анга бахри шигарф.

Берки, тарки хираду хуш цилай,
Пахлавон ёди била нуш цилай.

Ул тариц ахлига шоху сархайл, Бал
тарицатда мутеъи хар хайл.

Мехрваш торам тафрид ичра, Исавий
мартаба тажрид ичра.

Кувват ичра анга ун пилча зур,
Хоквашлиг аро юз ончаки мур.

Хонида чархваш афрод гулу, Барчага
хавсала андин мамлу.

Ризц учун даъби гадоларга наво,
Тутубон барчага лек узни гадо.

Неъматобод чу бунёд цилиб, Халцни
неъмати обод цилиб.

Хар гадо илгида бир цурси фатир, Исиг
ул навъки, бир мехри мунир.

Таври хар фанда келиб мустахсан,
Балки хар фан аро табъи якфан.

Фан адворда сехр айлаб фош, Бахри
ашъорда худ гавхарпош.

Кувват ахлига хамовард келиб, Лек дард
ахлига хамдард келиб.

Хар багир ярасинннг мархами ул, Кирк
йиллик бу гадо хамдами ул.

Махфий асрорда дамсоз манга, Хар
нихон розда хамроз манга.

Бори хамдамлар ичинда фардим,
Ёриму, хамнафасу хамдардим.

Ани хам чархи таадди ойин, Мендин
ойирдн, килиб касдима кин

Хажрида сабру карорим йуктур, Еамда
жуз нолаи зорим йуктур.

Дарду гам боисидур хушу хирад, Кани
майким, килай узни бехуд.

**XXVIII**

Сокиё, кел менга тут бодаи ишк Ким,
эрур хилкатим афтодаи ишк.

Бодаким, огзига хар ким олгай, Пайкари
хирманига ут солгай.

Токим, ул утка узумни ташлай, Дарди
ишким утидин суз бошлай.

Ким, нелар килди мени зорга ишк,
Жони зору тани беморга ишк.

Кунглум олди бути шухе ногах,
Колмадим ишкида уздин огах.

Ул парий васли чу булди матлуб,
Телбалик килди кунгулни маглуб.

Чун жунун ишк ила булди дамсоз,
Асрай олгайму киши кунглида роз.

Аниким, махрами асрор дедим,
Дарддин кунгли хабардор дедим.

Чидай олмай цатиц ахволимдин,
Оллида шаммаи уз холимдин.

Дедиму, вах, демагай эрдим кош Ким,
демас сузнн узум цилдим фош.

Зор жисмимга анолар келди, Телба
бошимга балолар келди.

Чарх ёгдурди манга тиги ситам, Балки
даврон хаму даврон эли хам.

Кимки, ёрим эди таври ахсан, Булди
жонимга цатицроц душман.

Узу ёт неши малолат урди,
Еру кук бошима тош ёгдурди.

Ацрабо танга уруб тиги жафо,
Кузума игналар урди зуафо.

Кечибон боштин аёгдин туштум,
Улгали заъф ичида ёвуштум.

Дарду ранжим хадду гоятдин куп,
Маразим булди нахоятдин куп.

Танда юз дарду суубат курдум, Жонда
юз онча уцубат курдум.

То ишим улмак ила тутти царор, Булди
бошимдин атиббога фирор.

Мен булуб умр ила жондин новмид,
Шах бериб васл уммидига навид.

Яна бу суз била жоне топибон, Бир дам
улмакдин амоне топибон.

Мени бадрузга, вах, цайси висол Ким,
хаёлимда висол эрди мухол.

Мингдин ортуц манга тобиъ била хайл,
Бири имдодима кургузмади майл.

Улки, ишцида малолим бу булуб,
Шиддати хажрида холим бу булуб.

Демайин бир догеким, беморе, Ишцим
ути аро куйган зоре.

Бир бузуг кунжида афгор уладур, Дарди
хижроним аро зор уладур.

Борибон шефта кунглин сурайин, Лутф
ила жисмига жон еткурайин.

Утти бу зорлигимга икки йил, Хар
замонин икки йил чоглиг бил.

Эмдиким, юзида хат бош урмиш,
Гулига сабза сипах келтурмиш.

Гах-гахе холима парво айлар, Саъб
холимни тамошо айлар.

Лек билмон анга кимдур асхоб, Ким
била хар дам ичар бодаи ноб?

Ким била кундуз экин бехуду маст,
Кеча цай базмда эркин побаст?

Кимга бу навъ бало булса насиб, Маст
хушроцдурур ул зори гариб.

**XXIX**

Социё, кунглум этар бода хавас, Лутф
цилгилки, эрурман бекас.

Тут гариб ун била паймона манга,
Кургузуб хулци гарибона манга.

Йигламоц холима бир дам фан этай,
Зору бекаслигима шеван этай.

Ким, жахон ичра басе сайр эттим, Дайру
масжидца доги куп еттим.

Гах тушуб хайли муножот ичра, Гах цолиб ахли харобот ичра.

Кавми-цавм ичра куруб мехнатлар, Хайли-хайл ичра чекиб шиддатлар.

Юзланиб шавкату, жоху ицбол,
Кисматим булди басе мансабу мол.

Хар не эл цилди талаб, мен топтим,
Барчадин силкиб этак, куз ёптим.

Улча мен топцали бор эрди хавас Ким, топилмади вафо эрдию бас.

Бир вафо кимгаки, мен цилдим фош, Юз жафо утруда эрди подош.

Куз анинг йулигаким, еткурдум, Кузда юз неш балосин курдум.

Кайсининг оллидаким, цуйдум бош, Ёгди бошимга жафосидин тош.

Кимки мадхини деди неча тилим,
Тилади цилгай ани неча тилим.

Улки, авсофи манга улди рацам, Истади айламак илгимни цалам.

Кургузуб мехр, жафо етти манга, Жон бериб, дарду бало етти манга.

Олам ахлида чу йуц ахли вафо, Айларам мен доги жонимга жафо.

Чун бир иш мумкин эмас оламда, Йуц эмиш жинси бани одамда.

Гарчи мен дард чекиб, гусса ютай, Узни не навъ ул иш ахли тутай.

Даъвии кизб цилиб уз сузума, Киладурмен тухмат уз-узума.

Бир вафо ахли агар дахрда йуц, Дашту води элию шахрда йуц.

Бу сифат сохиби мен басдурмен,
Бевафолар кеби эрмасдурмен.

Авло улдурки, бу суздин кечсам, Май
узум тутсам, узум-уц ичсам.

Йуц вафо ахлики, бир жоми вафо,
Тутса, цилмай манга бедоду жафо.

Шоми айш узни узум маст цилай, Субхи
махшаргача бехуд йицилай.

**XXX**

Социё, дустлуге кургузгил,
Дустга не цадахе еткузгил.

Ким, кирар дустларим ёдимга, Ут солур
хотири ношодимга.

Чектилар барча жамол узра ницоб,
Уйлаким, мехр жамолига сахоб.

Бириси пири Муаммойи эди Ким, харам
бодияпаймойи эди.

Яна бири нагмазани сохиби хол, Хам
анинг хамцадами Хожа Камол.

Мир Садр узни тутуб ахли вифоц, Лек
куп эрди бадиъ нда нифоц.

Ёр Танбал эди софу бегаш,
Зоти хуш, хаёти хуш, нуктаси хуш.

Яна бир олими Сабзорий эди Ким,
маоний дурри гуфтори эди.

Хар бири уз таврида бешибху назир
Бордилар барча — не айлай тадбир.

Булайин ёдлари бирлан маст, Яна то
кимсага булмай побаст.

**XXXI**

Социё, айла тула паймона, Манга
тутцил цадахи шукрона.

Бодаким, шиквани цилгай зойил, Тилни хац шукрига эткай цойил.

Нуткнинг гарчи шикоят дери бор,
Шукрдин доги хикоят ери бор.

Ким, агар бордилар андок асхоб, Яна жамъи хам эрурлар ахбоб.

Бириси Мир Атойи янглиг, Бири дарвиш Фанойи янглиг.

Ул бири илм сипехри уза мехр, Бу бири фазл куёшига сипехр.

Ихтиёр улки, эрур нозук табъ, Лутф майдони аро чобук табъ.

Осафий улки, не назм этса ракам,
Киймати мулки Сулаймондур кам.

Яна бир келди Биноийки фунун, Касбида айламади манъи жунун.

Яна бир дарду гамим огохи, Хамдамим, ёр зиёратгохи.

Яна бир Машхадий — ул дахрда ток, Пок тахриру каримул ахлок.

Бир шафиъдуру ул пок сифот Ким, муаммода чикармишдур от.

Бириси шориби жоми тахкик, Мунису рахбару гамхору рафик.

Яна девонаи Котиби, хаёл
Тушса, хар гамга килур дафъи малол.

Яна хам бир нечадурларки, оллох Лутф ила барчадин улсун огох.

Узгасин килмадим андин мазкур, Ки, «Мажолис»да эрурлар мастур.

Гар алар тутти эса дашти адам, Шукр, бу хайл эрурлар хамдам.

Шукр, неъматка чу хамдаст булай,
Жоми шукрона ичиб маст булай.

Дарди хижрон эса ё софи висол, Хар сабаб бирла булайин бехол.

**XXXII**

Социё, базм ишидин булди фарог,
Тутцил эмди манга отланур аёг.

Бода гулгунини сол майдонга, Мени мастона кетур жавлонга.

То тутай дайри фано жониби,
Йул йулда гах енг солайин, гохи цул.

То фано дайри фазосига кирай, Риндлар базми аросига кирай.

Барчанинг хидматида ер упайин,
Ичуруб жоми мугона, цупайин.

Мен доги жом чекиб моломол, Айлабон узни алардек хушхол.

То булуб дайри фано ахли маст, Мену мендек яна юз бодапараст.

Шохлар шоху сарафрози учун, Риндлар шохи Абулгози учун.

Ул кухан дайр гадойи бошлиг, Яъни ошуфта Навоий бошлиг.

Масти оханги навойи цилоли, Бе риё барча дуои цилоли.

Ким, фалак жомига то булгай сайр, Жом даврин тилагай зумраи дайр.

Умри шацлиц аро боций булсун,
Шохлар базмида соций булсун.

Авжи хуршиди мацом улсун анга,
Жоми Жамшид мудом улсун анга.

Токи инсонга хаёт имкони Булгуси,
булсун аниң даврони.

Хам дуогуйи аниң ахли яцин, Хам
малойика дегайлар омин.

**КИТЪАЛАР**

## ФАВОЙИД УЛ-КИБАР МУКАТТАОТИНИНГ САРСУХАНЛАРИ РАЗЗОК АЛАЛ-ИТЛОК БАНДА

## РУЗИСИН МУКАДДАР КИЛИБТУР САЪЙ БИЛА ОРТМАСИДА АЙТУР 1

Хац таоло бандасинннг цисматин Чун
азал девонида цилмиш рацам.

Чун аниң тагъйириниң имкони йуц,
Негаким, цилмиш узи жаффул цалам.

Кимки, андин ортуц уксук истагай,
Бордур аниң жахли ортуц, ацли кам.

Тенгри эхсонига шод улган, цилур Узни
шоду мехнатидин элни хам.

Шокир улмай улки, озу хирсдин, Доим
этгай узни гамгин, кимга гам.

## 2

## ХАЗРАТ РИСОЛАТНИНГ МУЪЖИЗАНАМОЙ БАРМОГИ ТАЪРИФИДАКИМ, КАМАР ШАКИЙДА
## ЯДИ БАЙЗО КУРГУЗДИ

Мухаммад арабий бармоги ишорат ила
Сипехр хонида ой цурсин ул сифат осон.

Икки ойирдики, бир нонни хони ичра халил,
Анингдек икки ушатмоц эмастурур осон.

## 3

## ШОХ БИЛА БЕКЛАР ВАСФИЮ ТАЪРИФИДА,
## АГАРЧИ ВАСФКА СИГМАСЛАР

Бизинг шах бирла беклар мажмаъи бор, Агар
жолистурурлар, йуцса рокиб.

Узидур ою равшанрой беклар — Камар
даврида андоцким кавокиб.

## 4

## УЗИГА БУ МУЛКДИН ТЕККАН БАЛОЛАР ТОШИ ОЗОРИЮ БОШ ОЛИБ УЗГА МУЛККА БОРУРНИНГ ИЗХОРИ

Бу мулк ичинда яхши-ёмон таъни тошидин,
Онча етишти бандаи бечорага жафо.

Ким, шох мулки бандасига чора цилмаса, Йуц
чора эмди мулки худо бандаи худо.

## 5

## МАЖОЗДИН МАКСУДИ ХА^ЩАТ ЭКАННИ ИЗХОР КИЛМОК ВА СУРАТДИН ГАРАЗ МАЪНИ ЭКАНИН ПАДИДОР КИЛМОК

Мажоздин манга мацсуд эрур хациций ишц,
Нединки, ахли хацицатца бу тарицат эрур.

Мажоздин чу хацицатца йул топар ошиц, Килур
мажозни нафйи улки, бехацицат эрур.

## 6

## МАЖОЗИ ИШКДИН МУРОДИ ХАКИКАТ ЭКАНЛАРНИНГ МОНИЪЛАРИГА МОНИЪ БУЛМОК ВА НОСИХЛАРИГА НОСИХ

Курмаса хусни мажози ичра жуз хац сунъини,
Ошицеким, булса ишц атвори ичра покбоз.

Зохидо, бу ишцдин манъ айлама ошицниким, Гар сен
идрок айласанг, айни хацицатдур мажоз.

## 7

## БУРДБОРУ КУХ ВИКОРЛАРИНИНГ МАЛАКВАШЛИГИН КУРГУЗМАК ВА ШУХ АЙЁР СИФАТЛАР ШАИТОНЛИГИ СУЗИН ДЕМАК

Бурдбору малакивашца итоатдур иш,
Шух, шайтон сифат эшитса не суз, бош чекар.

Уй аро шайхи замон амрида эрмас сичцон, Тева
афсорини уч-турт яшар ёш чекар.

**8**

**ФАРДЛИГ БОБИДАКИМ, ФАРДНИНГ АГАРЧИ ХАРФИ ЗАВЖДУР, АММО БАРИСИ ФАРДДУРУ**
**БУ МАЪНИНИ БИЛГАН АХЛИ ДАРД**

Эй Навоий, англаким, хуш оламедур фардлиц,
Гар куёшваслин тиларсен, фард бул зарротдин.

Ул эмастур фардликким, жуфтдин фард улгасен,
Фард улдурким, мужаррад булгай ул хар зотдин.

**9**

**УЗ НАФСИ КОМЛАРИДИН КЕЧКАНИН ВА НОКОМЛИГ ЗАХРУ ХУНОБИН ИЧКАНИН**
**БАЁН ЦИЛУР**

Хар не элга ком эрур, кечти Навоий баридин,
Килмади неким, буюрди нафси хорижрой анга.

Бу жахонда барча нафси воясидин чекти эл, Ул
жахоннинг вояси гар музд етмас, вой анга!

**10**

**ЯРАЦОН БУЛГАНИДА УЗИНИНГ ЗАЪФАРОНИ РАНГИНУ ПАРИИ ХАЁЛИНИНГ УЗ КУЗИДА**
**ДАРАНГИН АЙТУР**

Яракон булдиму дехкони казо,
Заъфарон экти ёшим аригига.

Ул парий килди кузум сари ватан,
Бокманг, ахбоб, кузум саригига.

**11**

**УЛ БОБДАКИМ, ГАЛАТ ЦИЛУР УЛКИ, ХУСН АХЛИДИН ВАФО ТАМАЪ ЭТКАЙКИ, ЖИНСИ БАШАРДА ВАФО ЙУЦТУР, ТО ХУБЛАРГА НЕ ЕТКАЙ**

Замонда хусн элига жон фидо килиб, не навъ
Вафони мен кеби бир бенаво тамаъ туткай.

Замона ахлида йуктур вафо — не еткай анга Ки,
кимса хубларидин вафо тамаъ туткай.

**12**

**САХО СУЗИКИМ, САХИЙГА МУЖИБИ ЗАБАРДАСТЛИК ВА СОЙИЛ ИЛГИГА МУЖИБИ
ЗЕРДАСТЛИКДУР**

Кишики, илгини устун тилар, сахо килдик, Кулида
захри халохилу гар Хизр суйидур.

Ки, бергучи агар улсун гадою олгучи шох,
Берур илик юцорию олур илик цуйидур.

**13**

**ЁМОН ЁМОНЛИГИНИ КИЛМАСА, ЯХШИЛИГЧА БОР ВА БИР ЯХШИЛЙГ КИЛСА УН ЯХШИ КИЛИКЧА**

Хар кишиким топса даврон ичра жоху эътибор
Ким, анинг зотида бедоду ситам булгай цилиг.

Яхшилиг гар цилмаса, бори ёмонлиг цилмаса Ким,
ёмонлиг цилмаса, цилганча бордур яхшилиг.

**14**

**КАНОАТ СИНУК САФОЛИСИ ЖОМИ ЖАМДИН ВА ФАКР КУРУК НОНИН ХОТАМ ЧЕККАН НИАЪМДИН ЯХШИРОК КУРАР МУНТАХИ**

Синуц сафолки, май дурдин ичкали топсанг, Кабул
айламагил жоми салтанат Жамдин.

Иликка кирса цуруц нон, маош учун чекма
Нашот неъматининг миннатини Хотамдин.

**15**

**НОМАИ АЪМОЛИНИНГ КОРАЛИГИН ДЕРКИМ, ДАРЁ СУЙИ БИЛА ОКАРМАС, МАГАР КАРАМ
ДАРЁСИ БИЛА Ё АФУ ТИГИ СУХУЛАТ ЗАДОСИ БИЛА БАЁН ЭТАР**

Номаи аъмолим ул янглиг цорадур журмдин Ким,
надомат ашкидин ани оритмац улмагай.

Балки гар Бахри мухит ичра солиб, йиллар юсанг, Ул
цора булгай саросар, лек бу оц улмагай.

**16**

**ХАМУЛ МАЪНИДАКИМ КАЛАМНИ САФХАИ ФАРСО ДЕБТУР ВА КУЗИГА ЁРУГ ОЛАМНИ**

**ХАМУЛ НОМАДЕК КОРА ДЕБТУР**

Номаи маъсиятим чашмаи хуршид ичра
Юсалар, курмагай эл узга ёруглуц юзини.

Харфини бир-бир этиб сочса фалак жавфи аро,
Шибхигун цилгай хар нуцтаси бир юлдузини.

**17**

**СИЁСАТЛИГ ХОКИМНИНГ ИХТИСОБИДА ВА КУП КОНИН ТУКАРДИН КАТЛИ БЕХИСОБИДА**

Довари жам цадри Султон Ахмад улким, мулкдин Хар
цаён шох айласа азм, улдурур цойим мацом.

Чун сиёсат бирла куп тукти хароми цонини,
Ихтисоб айлаб тукар бу лахза куп цонин хором.

**18**

**УЧ КИШИНИНГ СУЗИ НАШЪА ВА МАЪНИСИДИН УЗ СУЗИДА ЧОШНИ ИСБОТ КИЛМОК ВА БУ МАЪНИДИН МУБОХОТ КИЛМОК**

Еазалда уч киши тавридур ул навъ Ким,
андин яхши йуц назм эхтимоли.

Бири муъжиз баёнлиг сохири хинд Ки,
ишц ахлини уртар сузу холи.

Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.

Бири цудси асарлик орифи Жом Ки, жоми
Жамдурур синган сафоли.

Навоий назмига боцсанг, эмастур, Бу
учнинг холидин хар байти холи.

Хамоно кузгудурким, акс солмиш,
Анга уч шух махвашнинг жамоли.

**19**

**ОШНОЛИГ БОБИДАКИМ, АВВАЛИ ВА ОХИРИ АЛАМ ВА ОФАТ ИБТИДОСИДУРУР ВА ШИН**
**ВА НУНИ ШАЙН ИБТИДО ВА ИНТИХОСИ**

Курубмен анча гаму дард ошнолардин,
Чекибмен анча алардин алам, ано бирла.

Ки, тушса жоним ажал сайлига, эрур хушроц
Еарицлицки, халос улмоц ошно бирла.

**20**

**ДАХР ЭЛИГА БЕГОНАВАШ ОШНОЛАР БОБИДАКИМ, ОШНОЛИГЛАРИДИН БЕГОНАЛАР ХАВАСДУР ВА ЙИРОГЛИГ МУЛТАМАС**

Менки, улдум дахр элига ошнолиг ранжидин,
Килмагаймен ошнолиг, гар Масих улсун яно.

Ошнолардин, тилармен, айласам бегоналиг,
Кайда мумкин булмагим бегоналарга ошно.

**21**

**ИМОМНИНГ РАВЗАИ ПУР АНВОРИ ИЗТИХОРИДУР ВА ШАМЪЛАРИ АНВОРИКИМ, КАВКАБУ СОБИТОТ НАМУДОРИ**

Секкизинчи имом равзасида,
Кечалар онча шамъ собитдур.

Ки, дегайсенкн, секкизинчи спехр
Сахнида кавкаб савобитдур.

**22**

**СИФЛАИ ДУННИНГ БУКАЛАМУНЛУГИДАКИМ, НАМУДОРИ ЭРУР ГУНОГУН**

Дур анга на суз сифлаи нахс деб,
Килур турку хиндуга зохир нифоц.

Биайних анингдекки, сичцай чибин,
Оц узра цораю цора узра оц.

**23**

**ХУНАР АХЛИКИМ, ХУНАРЛАРИН КУРГУЗМАК АЙБДУРУР ВА ЭЛ АЙБИН ЁПМОК ХУНАР**

Эрур ахли хунар цошинда хунар Айб
ёпмоц, доги хунар топмоц.

Хунарин элнинг ошкор этмак,
Йуц эса бари айбини ёпмоц.

**24**

**ЧЕХРАСИ СОФ ЙИГИТ БОБИДАКИМ, САФО УЧУН ТАРОШ КИЛУР ВА УЛ МАХЗ КУДУРАТДУР**

Соф чехранг кузгу янглиг пок эди,
То анга поки била бердинг тарош.
Кузгуни гуёки сухон айладинг, Топкали
ошикларинг кунгли харош.

**25**

**ХУСН АХЛИНИНГ ХАР УЗВИНИНГ ВАСФИДАКИМ, КУЛЛИ ШАЙИН МИН АЗ-ЗАРИФ ЗАРИФДИН ХАБАР БЕРУР**

Юзунгда чашмаи хайвон кеби лабинг узра
Солур чу соя сочинг, лаълинга етар воя.

Сахоб соясидин хам качон ибо килгай,
Агарчи булса Масихо куёшка хамсоя.

**26**

**УЗ ХИЛЦАТИ ДЕВНИХОДЛИГИН ТАВЗИХ ЦИЛМОЦ ВА ГАБРЛАР ФИСЦИН УЗ ТОАТИГА
ТАРЖИХ ЦИЛМОЦ**

Хилкатимни девлар бирла агар килсам киёс, Лоф булгай,
гар десамким, ул хамондур, бу хамон.

Тоатимни габрлар фискига ёндаштурсалар,
Не бу андин яхширок булгай, не ул мундин ёмон.

**27**

**НАЗМИНИНГ БАЙТЛАРИН ГАРИБ МАЪНИЛАР БИЛА ГАРИБХОНА ДЕБТУР, ЯЪНИ ДОР
УШ-ШИФОКИ, МУЖИБИ ШИФО БУЛГАЙ**

Назмим ичра гариб маънилар Еурабо
хайлидин нишонадурур.

Анда хар байт неча маъни ила
Байт эмаским, гарибхонадур.

**28**

**СИЯХПУШ АЗИЗНИНГ ЖУРЖОНГА БОРГАНИГА ТААЖЖУБ ЦИЛУРКИМ, АНДА СИЯХПУШ КУПТУР**

Не деб Журжонга борди ул сияхбахт,
Кора тун бирла солиб кунглига жуш.

Ки бор ул пеша ахлидин анингдек,
Каёнким куз солурлар, юз сияхпуш.

**29**

**ОГЗИГА КИРГАН СУЗНИ АЙТМОК МАЪНИДАКИМ, МУЖИБИ БЕЭЪТИБОРЛИКДУР БАЛКИ НИГУНСОРЛИК**

Огзинга кирган такаллум риштасин чекма узун Ким, бу иштин
сарнигунлуц юзланиб, нуцсон келур.

Курки, чун огзига кирган риштасига берди тул,
Анкабут ул риштадин хар дам нигунсор осилур.

**30**

**ХАТНИ КИРКМАК БИЛА КАМ БУЛМАСИН ТАНБИХ КИЛМОК БАЛКИ ОРТМАСИН ЮРУНЧКАГА ТАШБИХ КИЛМОК**

Хатингки, хар неча купрак тарош цилса, чициб Жамолу
хублугунг цасрини йицар купрак.

Яна ани дема сабзаким, ул юрунчцадурур Ки,
неча яхшироц урган сайи чицар купрак.

**31**

**БУ КИТЪА УЗ КИТЪАЛАРИ ТАЪРИФИДАДУРКИМ, БУ ХАМ АЛАРДИН БИРДУР ВА ТАЪРИФ МУНГА ХАМ СОДИК КЕЛУР**

Мундоц муцаттаотким, мен йигмишам, эрур Хар
бир хадицаи хирад айлар учун фарог.

Мажмуин уйла кишвари англаки, сатхини, Хикмат
суйидин айламишам цитъа-цитъа бог.

**32**

**УЛУГ ЗАРФДА СУГА СОЛГАН ЖОЛАЛАР ТАЪРИФИДАКИМ, БАХР ИЧИНДАГИ ДУРЛАР НАЗИРИДУР ВА МАХРУРЛАР ДИЛНАВОЗИ**

Жолаларким, муз урнида судадур, Лутфи
цилмиш хаёт суйини гум.

Манга бу лутф ила аён булмас
Фалаки обгун аро анжум.

**33**

**ХАВОНИНГ МУФРИТ ХАРОРАТИ ВА УТДИН АЙРИЛГАН ШАРОРАЛАРДИН ХАР БИРИНИНГ БАРКЧА ШАРОРАТИ**

Бир навъ муфрит улди харорат хаводаким,
Тебранса ел, томуг утидиндур забонае.

Гар хиштхона хишт ила совуглуг этса касб, Бас,
дошхона доги эрур хиштхонае.

**34**

**БУ ДУНЁДА УМРИН РИЁЗАТ БИЛА УТКАРГАННИНГ ТАВБА ВА УЛ ДУНЁДА ЖАЗО ТАЛАБИ**

Навоий умрин уткардн машаццат бирла оламда,
Умиди улки, ул оламда топцай комронлиглар.

Агарчи кофири муфлис масаллик топмади коме Ва
лекин нафси чун кофир эди, цилди ёмонлиглар.

Гар ул оламда хац фазл этмасаю адл ила сурса, Анга бас
булди зойиъ мунча чеккан нотавонлиглар.

**35**

**УЗ ТОАТИ САФХАСИ ТАЪРИФИДАКИМ, КОФИР КУНГЛИДИН КОРАРОК ВА НОПОКРОКДУР ВА БУ ЖИХАТДИН УЗИ ДУЗАХИ КОФИРДИН ГАМНОКРАК**

Мангаки, сафхаи тоат цорадур, нопок Юзум
кеби ани охим цора цилибтур чум.

Агар суга юсалар ёхуд утца ташласалар,
Судин ориглигу утдин ёруглуг улгай гум.

**36**

**МАЖОЗИЙ ИШК КУНГЛИН МАЛОЛГА СОЛГАНИ ВА ХАКИКИЙ ИШК ОРЗУСИДА ТАФАККУР БАХРИДА КОЛГАНИ**

Эй Навоий, куп мажозий ишщ ила машъуфсен,
Уткин андин, доги ён, ишщи хациций сари бот.

Иккисидин гарчи ошиц улмаки лозим келур, Бари ул
улмакки, булгай зимнида юз минг хаёт.

**37**

**ХАЙДАР КАЛАНДАРНИНГ БОЗОРНИ ДАВРОН УРГОНИКИ, ФАЛАК ДАВРОНИДА МУНДОК;**
**САВДО КИШИГА ДАСТ БЕРМАЙДУР**

Эрур даврон урарда Мирхайдар Жахон
саргаштаси, гардун мисоли.

Ёпибон эгнига цоплон териси, Тутубтур
илгига кишти хилоли.

**38**

**НАБАВИ ХАДИС ТАРЖИМАСИДАКИ**
**АС-СУХБАТУ МУАССИР ЯХШИ СУХБАТ ТИЛАМАК АВЛОКИМ, ТУШКАЙ МУАССИР**

Пок рахравлар била хар кимки, булди мухталит, Шак
эмастурким, натижа топмас илло поклик.

Хар неча булса аригсиз чун ариглиг су аро Хилт булди,
мумкин эрмас цолмог ул нопоклик.

**39**

**ЙИГИТЛАРГА ДИЛБАСТАЛИГ ЙИГИТЛИКДА ДИЛПИСАНДДУР ВА КАРИЛИГДА БУ ИШ МУЖИБИ РИШХАНДДУР**

Киши йигитлар ила ищцибозлиг цилса,
Йигитлигида эрур хубу мунда эрмас шак.

Карига тавбаву тацво керак ва гар бу харф
Узини йигмаса, хуштур сацолига кулмак.

Ки, пуя цилса назар солгали йигитларга, Валек
жисми асо истаса, кузи айнак.

**40**

**УЙ РАВНАКИ МУЛОЙИМ ХАМЗОНУДИНДУР ВА РУЗГОР ТУРФАЛИГИ ТУРФАГУ БОНУДИН**

Уйда равнацдурур, агар кишига Яхши
хамхона булса хамзону.

Зеб ила турфа харгиз улмас уй, Булмаса
анда турфа кадбону.

**41**

**УЗ ПАРИШОН КУНГЛИ ЖАМЪИЯТИН МУМКИН ЭРМАСЛИГИ ВА БУ ЖАМЪИЯТНИ ХЕЧ КИМ НИШОН БЕРМАСЛИГИ БОБИДА**

Юз туман минг пора кунглум диккати хар неча бор,
Лекин эрмастур ани жамъ айламак мумкин бу кун.

Тогни кум айламаклик саъй ила булгай, валек
Шишаи соат куминингг риштаси булмас тугун.

**42**

**МАСНАВИЙ ХОЖАИ НАЦШБАНД ЦУДДУСА СУРРУХУ КАЛОМИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, АВВАЛ БОЗГАШТ ХОТИРИ ХАСТА ВА БАЪД АЗ ОН ТАВАЖУХИ ДИЛИ ШИКАСТА**

Хастаниигг бошига чу куйди кадам, Пири
шикастадиле Масихо дам.

Бозгашт айлади чу хаста кунгул, Неки
истар, топар шикаста кунгул.

Кунглида чун хаво килур тугён,
Умри шамъига еткурур нуксон.

**43**

**ПАХЛАВОН НЕЪМАТНИНГ СУЛТОНИЙ ХОНАКОХДА ХОДИМЛИЦ ТАМАННОСИ ВА ОШ ХАВОСИДА ПИШУРГАН ХОМ САВДОСИ**

Килибтур Пахлавон Неъмат таманно Ки,
беклик хонакахда килса хидмат.

Ва лекин эл сузи буким, керакмас
Мунунгдек хонакахда уйла неъмат.

**44**

**МАСНАВИЙ МАШОЙИХ КАЛОМИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, НАФЪИ ВУЖУД ВА БАЗЛИ МАВЖУД ДЕБТУРЛАР**

Вужудунг нафъю мавжудунгни базл эт, Чу
мавжуд улди бу иш, коминга ет.

Ки, факр ичра нимаким еткурур суд, Эрур
нафъи вужуду базли мавжуд.

**45**

**БАЪЗИНИНГ НЕШУ ЖАФОСИДИН НОЛА КИЛГАНИ ВА КЕЛСАЛАР, КОВА ОЛМАСА,**
**МУХЛИСНИ УЗ КОЧАРИГА ХАВОЛА КИЛГАНИ**

Манга етса минг зулм неши фалондин,
Иложида холимга хайрон цолурмен.

Жафо цилгали цуйса вайронима юз, Агар
цавлай олмон, цоча худ олурмен.

**46**

**ИККИ ТОЗИ БОБИДАКИМ, ПУЯДА БИР-БИРИСИДИН КОЛИШМАС ЭРДИ ОХИР БИРИ АДАМ ДАШТИГА ТЕЗТАК КИЛДИ ВА БИРИ КОЛДИ**

Икки този бор эрди бийикликда
Хар бири сайд вацти шершикор.

Бириси иттию бири цолди, Иткани
суръат айлабон изхор.

Бот етиб, сайдни цопар эрди, Бу
бири хам анга ета цопа бор.

**47**

**БИРОВ БОБИДАКИМ, БУ САРОЙИН СОТИБ, ФИСК АСБОБИ ТУЗДИ ВА БУ ФИСК АСБОБИ БИЛА УЛ САРОЙИН БУЗДИ**

Фалони мардак ар сотти саройин,
Демаким, ул саройин яхши тузди.

Килиб икки саройига ажаб иш, Бу бирни
соттию ул бирни бузди.

**48**

**ХАЗРАТ НАБАВИИ ХАДИСИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, КУН ФИ-Д-ДУНЁ КА-АНА-КА ГАРИБ АВ ОБИРУ САБИЛ**

Деди хазрати муфхиз коинот, Анга
ким эди хузнин укситгучи.

Ки, дунёда булгил нечукким, гариб Ва
ёхуд анингдекки, йул уткучи.

**49**

**ПОКБОЗЛАРНИНГ ПОК ХУСНИ ВА ИЛОХИИ БУЛМОК БИЛА РУХЛАРИГА**

**ШОИБАИ ОЛОЙИШ**
**ВА НАФСЛАРИГА ТАСАВВУР ОСОЙИШ ЙУКЛУГИДА**

Поклар чину чигил хусни аро булган ила, Кимса олойиш
алар жонибига йул бермас.

Ким неча ранг раёхин уза эскан бирла, Ел харири, цолагай
булмаги мумкин эрмас.

**50**

**УЗ ХОЛИНИНГ ЙИГИТЛИГИДА ФИСК БИЛА ТАБОХЛИГИ ВА КАРИЛЩДА ШАРМАНДАЛИГДИН РУСИЁХЛИГИ АЙТУР**

Йигитлигимдаки, тацвою зухд вацти эди, Фужуру фисц
била зоеъ айладим авцот.

Утуб йигитлик, уйла менга келди чун царилиг, Маош одати
маъхуд ила кечурсам, уёт.

Десамки, тоат этиб, саждадин кутармай бош, Бошимга ургали
лойиц, курунуб ул тоот.

Казодин улча манга келди, зикри хожат эмас, Билур чу
шиддати холимни цозиюл-хожот.

**ФАРДЛАР**

**ЖАВОХИРИ МУФРАДАХ 1**

Улки, хац боринда мацсуд истагай хар зотдин, Мехр
боринда ёруглуг куз тутар зарротдин.

**2**

Наби шаръига топмоц истицомат Эрур
соликка мушкилрок каромат.

**3**

Тамаъ этма, куп улса эл моли,
Курмайин хац хазинасин холи.

**4**

Етар чу ризцинг, агар хорадур ва гар ёцут, Узунгга юклама андух тогин, истаб цут.

**5**

Мурувват барча бермакдур, емак йуц,
Футувват барча цилмоцдур, демак йуц.

**6**

Такаллуф эрур танга фарсудалиц,
Анинг таркидур жонга осудалиц.

**7**

Музаввир макри булди мужиби цайд,
Нечукким, тулку лаъби боиси сайд.

**8**

Котиц эл жисмидин анбарлар олмай нацд эмас восил Ки, тогни пора-пора цилмайин, лаъл улмади хосил.

**9**

Кук бахридин яна тамаъ ком тутмайин
Ким, цатра су томизмас, эл огзин цурутмайин.

**10**

Тиндурур бою жигойни хокими равшан замир, Ёрутур обод ила вайронани мехри мунир.

**11**

Не сафо лофия урар хиндуи оташдони, Уй ёрутмас кусов, ун цатла ёрутсанг они.

**12**

Маст муг дайри риёйи хилватимдин яхшироц, Ёшурун исёни зохир тоатимдин яхшироц.

**13**

Ранжкаш булким, чу тортар чугз вайрон ичра ранж,
Аждаходин бийми йуц, аммо эрур уммиди ганж.

**14**

Эл ичра, эй хасуд, сени цилди хац залил Ким, нохац элга зидсену хац молига бахил.

**15**

Холиц улгон сахийдин элга булди икки бахшойиш, Хам эхсонидин оройиш, хам ахлоцидин осойиш.

**16**

Ёлгон демакда тажриба аввалги субх бас, Ёлгон нафас чу урди, цорарди хамул нафас.

**17**

Авлиё поясига дур етмак, Топмаса
шукру топса базл этмак.

**18**

Базл хайвонвашлар илгидин агар истар кунгул,
Уйладурким, орзу цилгай бугу шохида гул.

**19**

Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо азза манцанаъ билгил.

**20**

Кунгулга футур улмайин, роз очилмас, Садаф
гар бутун булса, гавхар сочилмас.

**21**

Еофил улма, назардин итса аду, Шамъ
учурганда, ел куринурму.

**22**

Юкар ёмонлиг ангаким, кирар ёмон эл аро, Кумур аро
илик урган килур илкини каро.

**23**

Фориг элдур анда бори кондадур, Ким бу
даврондадурур, дармондадур.

**24**

Дунёву укбо иккиси жамъ улмас, эй рафик, Кимки икки кема учини тутса, булур гарик.

**25**

Аблах ани билки, оламдин бако килгай тамаъ, Ахмок улким, олам ахлидин вафо килгай тамаъ.

**26**

Истасангким, курмагайсен бевафолиг, эй рафик, Килма олам ахли бирла ошнолиг, эй рафик.

**27**

Жахон аруси учун, эйки, асру толпиндинг, Качон анинг бошидин кечтинг, ул замон тиндинг.

**28**

Улки, санга элдин эрур айбгу,
Элга доги сендин улур айбжу.

**29**

Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кузгу, Чу кузгу тийра булди, узга айбинг зохир айларму.

**30**

Киши айбин юзига цилма изхор, Тааммул
айла уз айбингга зинхор.

**31**

Котиц кунглунгдин оцти халц ёши, Ким,
ёмгур боисидур жода тоши.

**32**

Бу кун насими фироци менинг сари эсти Ки, жонни елга бериб, васл риштасин кести.

**33**

Кизил тунунг била юз хаста жонга офатсен, Хадиси мухтасар айлай, цизил циёматсен.

**34**

Ноз ила аввал мени фирифта цилдинг, Эмдики, топтим фириб, шифта цилдинг.

**35**

Чу сен ёру жахон бир душманимдур, Менинг учун жахон тургунча сен тур.

**36**

Манга эмди гушаи мехроб ила тоат етар,
Эй куз, ул мехроб цошни курмакинм, офат етар.

**37**

Лабингни сузга то гуё цилибсен, Масихо муъжизин ихё цилибсен.

**38**

Андоц курунди сабза аросинда лолалар Ким, сабз хатлар илгида олтун пиёлалар.

**39**

Ёр васлин топтиму мехр ошкоро цилмади, Уйлаким, хижрони уртар чогда парво цилмади.

**40**

Воциф эрмас ёр, жон берсам бузуг кошонада, Шах не огах, хаста Мажнун улса бир вайронада.

**41**

Юз очиб, ёглиг била лаълингни мактум айладинг, Гул чоги гулранг майдин бизни махрум айладинг.

**42**

Мен синуц, кунглум синуц, сабрим уйи худ ерга паст,
Билмагай холим шикастин курмаган мунча шикаст.

**43**

Булганим ацлу хавосу умру жондин ноумид,
Яхшироцким, булсам ул жону жахондин ноумид.

**44**

Бордингу келгум дединг, эй шухи раъно келмадинг,
Англадингким, келмасанг — улгумдур, аммо келмадинг.

**45**

Курмасам ул ойни, улгудек малолим бордур, Ултурур кургач, ажойиб саъб холим бордур.

**46**

Кунглум аро фалакдин юз ханжари навоиб,
Холим билиб сурарсен, сендин доги ажойиб.

**47**

Улсам, эй ёр итлари, хар дам гирев гам тутунг,
Ёрлиг зохир цилиб, ахволима мотам тутунг.

**48**

Ошицеким, кургай ул бир цатла хар кун ёрини,
Тенгрисига айладик юз цатла шукр изхорини.

**49**

Эй фалак, зулм эткали йуцтур менингдек бир кишинг,
Тут ганиматким, бу дам тушмиш менинг бирла ишинг.

**50**

Улки, айлармен гами хажрида жон бирла видоъ, Кош жондек айласа бу нотавон бирла видоъ.

**51**

Ул парий мен телбага жон ё балойи жонмудур, Гох мухлик илтифоти васл ё хижронмудур.

**52**

Аклу хушум колмади, кургач ул ойни бодануш,
Изтиробимдин хамоноким, тукулди аклу хуш.

**53**

Уёкти эрса ой, хуршиди рахшон баркамол улсун, Тукулса гар гули, сарви сахига эътидол улсун.

**54**

Хуш ул кунларки, бир гулдин ичимда хор-хор эрди, Х,ар акшом итлари тнрногидин куксум фигор эрди.

**55**

Агарчи ишк аро булди мубаддал куфр ила диним, Не гам, чун поклик расмидурур бу ишта ойиним.

**56**

Аёгинг туфрогига кузларимдур шишаи соат
Ки, хар соат бири равшан булурга туздилар навбат.

**57**

Заъфдин берахм ёримга етиб эрмиш газанд, Шояд эткай рахм дардимга, чу булмиш дардманд.

**58**

Пок хусн ахлики, хуштур зулми хам, эхсони хам, Саъб эмиш пок элга аning васли хам, хижрони хам.

**59**

Булмасанг оллимда, ё кунглумда бул, ё жонда бул,
Манзилингдур бори, кунглунг канда истар — анда бул.

**60**

Тарки ишц эттим вале кунглум эмастур муттафиц, Гар хацимга юз туман бедод этар, улдур мухиц.

**61**

Чунки солди ишц куйидин мени даврон йироц,
Тенгдурур оллимда нуши васл ила неши фироц.

**62**

Ишц авжи цуёшин курким, тушта булур гориб, Хам шоми эрур мухлик, хам субхи эрур козиб.

**63**

Агарчи ишц дардидин манга юз минг уцубатдур, Вале хамдардсизлиг андин ортугроц суубатдур.

**64**

Эмастур, гар мени зойи цилур хажр интицоми, хайф Ва лекин зойиъ улмоц шох саъю эхтимоми хайф.

**65**

Кишиким, ёрини хар кун курарга урганур эрмиш, Чу бир кун курмас эрмиш, бенихоят эмганур эрмиш.

**66**

Булмагандур хусну ишц ойинида, эй сарви ноз, То абад бир ёндин истигнову бир ёндин ниёз.

**67**

Не билгай хажрни гулшанда булбул ошиён айлаб, Биров билгайки, мендек итти, тарки хонумон айлаб.

**68**

Охдинким, хар бири бир арсаи мотамча бор, Уксуди умрум, нединким, хар бири юз дамча бор.

**69**

Бу кун йуц кимса мендек ишц дарди ани зор эткан, Диёру мулкидин оворалигни ихтиёр эткан.

**70**

Менки чектим йигламоцлар бирла жонондин илик, Ашк селобн била охир юдум жондин илик.

**71**

Хам мени ул тоза нахли нозпарвард ултурур,
Хам буким, йуц дардини айтурга хамдард, ултурур.

**72**

Андин узга гарчи шамъи топмади кулбамга йул, Мендин узга барчанинг шамъи шабистонидур ул.

**73**

Ул парийким, ани демишмен ёр,
Одамлигдин узга барчаси бор.

**74**

Манга андин неким Чин мулкида шамъи тирозидур, Ваё Кашмир аро бир фитна кузлук сехр созидур.

**75**

Чирмабон илгига умдо ёглиг ул цоши цора, Мен цора бахтим била урён танимда юз яра.

**76**

Балойидур, буки мендин хамиша ёр жудодур, Даме бу дарду балодин халос эмон, не балодур.

**77**

Элга булмиш рухпарвар богу рухафзо бахор, Ер хажридин манга, билмон, хазондур ё бахор.

**78**

Дединг согиндим, эрур ашкдин юзунг гулгун, Бегим узун яша, согинганинг сариг олтун.

**79**

Нетай элнинг бахоринким, манга ошуби хижрондур, Кузумда сарв уцдур, кунглум ичра гунча пайкондур.

**80**

Истарам — шухе чициб, жонимга бедод айлагай, Сабру хушу ацлу имонимни барбод айлагай.

**81**

Неча булгай, эй кунгул, ошицлицу афтодалиц, Неча кун хам хуштурур фориглицу озодалиц.

**82**

Икки кузунгу лабинг гамидин Мен
хаста улуб-улуб тирилдим.

**83**

Уц эдинг, эй тонгки, оттинг жонима вуслат—туни, Бу жихатдин ёрума дермен сени хар субхдам.

**84**

Белу огзидин, дедиларким, дегил афсонае, Бошладим филхолким, «Бир бор эди, бир йуц эди».

**85**

Кунглум харими ичра цилур жилва ул парий, Андоцки,
Каъба ичра харамнинг кабутари.

**86**

Сайл йулида фано даштида мужгоним эмас, Куз
олочугларининг дуд еган угларидур.

КУРСАТКИЧЛАР

ТАРИХИЙ, АДАБИЙ ВА МИФИК ШАХСЛАР КУРСАТКИЧИ

Абдулмухсин — социйнома VI, 6.
Айюб — газал 452, 3. Атойи —
социйнома XXXI, 5.
Ашконий—социйнома I, 21.
Афридун (Фаридун)—газал 383, 6; социйнома I, 20; XIV, 1.
Бахром — газал 140, 6; социйнома I, 22.
Бахмон — социйнома XVII, 10.
Биноий — социйнома XXXI, 9.
Бойкаро ибн Мансур — социйнома XV, 6.
Вомик — газал 234, 5.
Довуд —газал 63, 2; 304, 7.
Жабраил (Жибрил) — газал 33, 8.
Жамшид (Жам) — газал 27, 6; 57, 8; 82, 8; 140, 6, 568, 7, 581, 8; 630, 6, 8; социйнома I, 5, 6, 20; XVI, 2; XXXII, 13; цитъа 14, 1. Зардушт— газал 230, 4. Зол — социйнома VIII, 6. Зулкарнайн — газал 120, 5.
Искандар (Скандар)—газал 88, 4; 236, 6; 628, 3; социйнома I 21 29 XVI 2 Исо —газал 28, 5; 76, 3; 81, 7; 108, 3; 304, 6; 313, 6, 321, 4; 459, 6; 575, 6; таржиъбанд VI, 4; социйнома II, 3; цитъа 13, 3. Каён — социйнома 1, 21; XX, 1.
Кайвон — газал 575, 4 Камол — социйнома XXII, 18. Каюмарс — социйнома I, 19.
Лайли (Лайло) — газал 45, 4; 83, 3; 119, 2, 231, 6; 245, 4; 295, 7; 302, 3: 316, 7; 358, 2; 605, 6; 611, 4.
Лутфий—мусаддас 7 банд.
Мажнун —газал 15, 7; 25, 6; 59, 7; 65, I; 74, 5; 83, 3; 90, 2; 91,2; 119,1,2; 120,8; 130,4; 131,2,6; 168,9; 178,4; 179, 7; 184, 3; 187, 5; 191, 2, 3; 212, 4; 217, 4; 233, 3; 234, 6; 245. 4; 273, 5; 288, 5; 316, 7; 318, 5; 324, 1; 325,4; 341, 5; 348, 4; 351, 8; 358, 2; 364, 7; 366, 2; 369, 5; 378, 7; 379, 7; 392, 7; 398, 5: 403, 2; 426, 2; 448, 6; 459, 4; 463, 3; 466, 3; 482, 4; 490, 6; 491, 3; 509, 5; 516, 5; 537, 2; 545, 6; 549, 1; 558, 2; 581, 5; 590, 3; 591, 2; 605, 3, 6; 619 3;625, 7; 634, 1; мусаддас 3; фард 40.
Мазид — сокийнома XXI, 7.
Марям —газал 28. 5; 321, 4; 421, 6, 447, 5
Мир Садр — социйнома XXX, 6.
Мир Дарвеш —социйнома XXI, 17.
Мироншох — социйномаXVII, 3.
Мирзобек — социйнома XXI, 16.
Муаммойи — социйнома XXX, 4.
Мухаммад— цитъа 2, 1.
Намруд — газал 31, 6.
Нур Саид —социйнома XXI, 27.
Нух — газал 326, 6; 462, 2; 463, 5.
Ориф — цитъа 18, 4.

Парвез —газал 134, 7; 167, 2; 203, 4, 6; 392, 7; 467, 6. Пахлавон
Неъмат—цитъа 43, 1. Расул — газал 293, 6, 338, 6.
Рустам — газал 61, 6: социйнома I, 22; VII, 6.
Рухуллох (Масих, Исо) газал 6, 4; 11, 4; 33, 8; 57, 6; 63, 2; 94, 2; 103, I, 2, 3, 4, 5, 6, 7;
108, 6; 131, 1; 135, 2; 159, 4; 176, 1; 178, 6. 192, 4; 198, 4; 211, 4; 219, 2, 4: 224, 2; 235, 1;
243. 3; 249, 2; 278, 2; 286, 5: 323, 2; 324, 7; 334, 5; 370, 3, 6; 371, 4; 387, 7; 421, 6; 439, 5;
447, 5; 455, 5; 469, 7; 483, 1; 493, 5; 503, 5; 520, 5, 8; 542, 5; 546, 3; 1 558, 3; 575, 6; 581, 4;
589, 2; 592, 5; 612, 12; 631, 4; 632, 6; 637, 6; 641, 4; таржиъбанд VI, 8; социйнома XII, 4;
цитъа 20. 1; 25, 2: 42, 1; фард 37.
Салмон — социйнома XXII, 18.
Саъдий— социйнома XXII, 18.
Сом — социйнома I, 22.
Сомир — газал 352, 2.
Сосон — социйнома 1,21.
Сулаймон — социйнома XXXI, 8.
Султон Ахмад — цитъа 17, 1.
Султон Вайс ибн Бойкоро—социйнома XV, 3.
Султон Хусайн — газал 444, 7.
Темур — социйнома I, 24.
Фанойи — социйнома XXXI, 5.
Фарход —газал 15, 7; 31, 5; 90, 3; 119, 1, 2; 120, 8; 122, 3; 13), 2; 167, 2; 168, 9; 178, 4; 179, 7;
191, 4; 196, 6; 203, 6 212, 4; 233, 3; 243, 6; 316, 7; 341, 5; 351, 8; 352, 3; 364, 6 369, 5; 391, 4; 398, 5; 403, 2;
426, 2; 448, 6; 467, 6; 481, 5 490, 6; 491, 3; 516, 5; 558, 2;
581, 5; 599, 7; 605, 3; 606, 2 611, 4; 622, 4.
Форёбий — социйнома XXIII, 7.
Хизр— газал 74. 4: 103. 1. 2, 3, 4, 5, 6, 7; 108, 6; 118, 8; 120, 5; 171, 1; 176, 1; 192, 6;
249, 1; 264, 2; 275, 5; 278, 2; 312, 3; 323, 2; 370, 3; 447, 3; 462, 3; 539, 5; 542, 5; 589, 2, 641,
4; 646, 4 социйнома I, 29; XXV, 2; цитъа 12, 1.
Хусрав — газал 385, 7. социйнома XXII, 18.
Хожи Камол —социйнома XXX, 5.
Хотам — цитъа 14, 2.
Хусайн Иброхим — социйнома IX, 5.
Хусайний — социйнома III, 5; XI, 5.
Хушанг — социйнома I, 19.
Чингизхон — социйнома I, 23.
Шайх Санъон — таржиъбанд VI, 6.
Ширин-газал 45, 4: 105. 5; 119, 2; 196, 6: 231. 6; 295. 7; 316, 7; 352. 3; 383. 5; 563, 6.
Шох Гозий — газал 155, 7; 301, 7; 444, 7; 505, 7; 622, 9; социйнома XIX, II; XXXII. 8.
Юсуф-газал 65. 3: 91. I; 111. 5; 368, 7; 539, 6: 560, 6. Яъжуж —газал 120, 5. Камбар Али—
социйнома XXI, 27. Корун — газал 31. 6; 184, 6. Косим Анвар — социйнома XII, 4.
Хабибуло — газал 280. 5.
Хайдар (Мир Хайдар) — социйнома V, 5; цитъа 37, I. Хасан (Сайид)—социйнома V, 5;
XXVI, 13.

## ГЕОГРАФИК НОМЛАР КУРСАТКИЧИ

Адам — газзл 99. 9: 435, 3; 46?, 4.
Ажам — газал 45. 4.

Араб — газал 45, 4.
Арас — газал 198. 5; мудаммас 6 банд.
Афранж — газал 230, 6.
Батхо— газал 650. 5.
Багдод — газал 406. 7.
Дажла —газал 90, 6: 198. 5.
Жайхун — газал 90. 6; 635, 4, иусаддас 7.
Жом — газал 630, 6; цитъа 18, 4.
Журжон—цитьа 28. I
Исфахон (Спахон) — газал 251.9; социйнома XXIII. 7. Ирок-
газац 228, 7: 462. 9; социйнома III, 3. Канъон — газал 91, 1; III, 5.
Кашмир — фард 74.
Каъба —газал 5, 7; 92, 8; 93, 2; 149, 7; 216, 3; 329, 7, 7;402, 9; 435, 4.
Мадина — галал 650. 4.
Марв — социйнома VI, 3.
Машхад —социйнома XXXI, 11.
Мусалло— газал 456, 6.
Немруз— социйнома VIII, 4.
Ому - мухаммас 2, 6.
Сабзавор — газал 572, 1.
Табриз — газал 251, 9.
Торум — газал 406, 7.
Уммон —газал 510, I.
Уторуд — социйнома XVII, 14.
Фирот (Эфрот) — газал 635, 4.
Халлух —газал 113, 4.
Хижоз — газал 209, 7; 228, 7; 251, 9.
Хитой — газал 224, 6.
Хуросон — газал 209, 7; 228, 7; 462, 9.
Хутан — газал 604, 10.
Чин — фард 74.
Чим — газал 143, 1.
Шероз — цитъа 18, 3.
Язд — социйнома I, 22.
Яман — газал 604, 3.
Ясриб — газал 650, 5.
Коф —газал 492, 1, 2.
Кулзум — газал 406, 6.
Хири (Хирот)—газал 301, 7; 520, 9; 572, 1.
Хиндистон — социйнома IX, 6.

ЭТНИК НОМЛАР КУРСАТКИЧИ

араб—газал 93, 7; цитъа 2, 1. арман
— газал 110, 4. барлос—газал 406,7;
466, 7. габр— газал 236, 6; цитъа 26,
2.

**жухуд** — газал 263, 6.
**жужи**— газал 594, 7.
**лули** — газал 73, 9; 86, 7; 234, 8; 406, 7.
**тарсо** — мустазод 5.
**тархон**— газал 144, 7; 466, 7.
**тибат** — газал 131, 4.
**тотор** — газал 113, 4.
**туркман** — газал 93, 7.
**турк**— газал 100, 2; 110, 4; 243, 9; 594, 7; китъа 22, 1. хитой — газал 536, 4. **чаркас**— газал 224, 6. **чигатой** — газал 93, 7; 594, 7. **киёт** — газал 73, 9. **кунгирот**— газал 73, 9.
**хинду** — газал 101, 5; 108, 4; 183, 4; 357, 3; 517, 1; 536, 4; 623, 6 ; китъа 18, 2; 22, 1; фард 11.